

ЛЕВ ТОЛСТОЙ

ҲИКОЯЛАР

*Танланган
асарлар*

БЕШ ЖИЛДЛИК



ТОШКЕНТ — 1978 Гафур Ғулом
номидаги
Адабиёт ва санъат
нашриёти

Куз пайти эди. Катта йўлда иккита енгил арава шиддат билан елиб борарди. Олдиндаги каретада икки аёл ўтирарди. Уларнинг бири ориқ ва рангсиз бека, иккинчиси силлиқ, қип-қизил юзли, семиз оқсоч аёл эди. Оқсоч хотиннинг калта, қуруқ сочлари туссиз шляпаси остидан чиқиб турар, у сочларини дам ўтмай йиртиқ қўлқоп кийган лўппи қўллари билан тўғрилаб қўярди. Шол рўмол остидаги баланд кўкраклари тирсиллаб турар, ўйноқи қора кўзлари гоҳ деразадан лип-лип ўтиб турган далани кузатар, гоҳо бекасига ҳадиксировчи назар ташлар, гоҳида бесаранжомлик билан карета бурчақларига боқарди. Оқсоч аёлнинг рўбарўсида бекасининг сеткага ташлаб қўйилган шляпаси тебраниб турар, тиззасида эса кучук бола ётарди. Оёқ остида қутича тургани сабабли бир оз юқори кўтарилган оёғи рессорнинг силкиниши ҳамда ойнанинг шақирлашига жўр бўлиб, қутичага қулоққа чалинар-чалинмас дукиллаб урилиб борарди.

Бека қўлларини қовуштириб, кўзларини юмганча орақасига қўйилган ёстиқчага суяниб оҳиста тебраниб борар, юзини сал буруштириб, калта-калта йўталарди. У бошига чепчик¹ танғиб олган, нозик, оппоқ бўйнига эса ҳаво ранг дуррача ўраган. Чепчик остига йўналган тўғри фарқ соч мойи суртилганидан фоятда силлиқлашган малла сочини иккига бўлган, кенг фарқ оралиғидаги терининг оқлигида мурданикига ўхшаш аллақандай қуруқлик бор. Сўлғин, хийла сарғиш тери чеҳрадаги нозиклик ва чиройни салқитиб, юз ва ёноққа қизиллик бахш этган.

¹ Чепчик, чепец — сарандон.

Қовжираган лаблари дам-бадам қимтилар, сийрак киприклари тўғри ўсган, сафарда кийиладиган мовут капоти¹ ботиқ кўкраги атрофида қатор-қатор бурмалар ҳосил қилган. Кўзи юмуқ бўлишига қарамай, беканинг юзида ҳорғинлик, асабийлик ва одат тусига кириб қолган изтироб намоён бўлиб турарди.

Хизматкор ўриндиқда тирсагига таяниб, мудраб борар, ямшик аҳён-аҳёнда орқасидаги қичқириб келаётган коляска ямшигига қараб, бақириб-чақириб, терлаб-пишиб кетган тўртта отни ҳайдаб борарди. Оралиғи кенг ёнма-ён ғилдирак оҳаксимон лой йўл бўйлаб бир текисда из қолдириб борарди. Ҳаво булутли ва совуқ, пайкал ва йўллари нам туман қопламоқда эди. Қарета ичи дим, димоққа чанг ва атир ҳиди урилади. Бемор бошини орқага ташлаб, оҳиста кўзини очди. Катта-катта шаҳло кўзлари порлаб турарди.

— Тағин-а,— деб у ижирғаниб лабини бурди, асабий бир тусда нозик, чиройли қўли билан оёғига салгина тегиб турган оқсоч аёл салопасининг² этагини суриб қўйди. Матрёша икки қўли билан салопасини йиғиштириб дарров кучли оёқларини босиб азот турди-да, бекасидан ўзини тортиброқ яна ўтирди. Унинг гул-гул очилиб турган чеҳраси кип-қизариб кетди. Бемор аёлнинг шаҳло кўзлари оқсочининг хатти-ҳаракатини суқланиб кузатарди. Бека икки қўлини ўриндиққа тиради-да, кўтарилиб юқорироқ ўтириб олмоқчи бўлди-ю, аммо кучи етмади. Лаби қийшайиб ожизлигидан хўрлиги келиб, башараси аччиқ аламдан бурушиб кетди.— Ердам ҳам берай демайди!.. Ҳаҳ! Кераги йўқ! Ўзимнинг ҳам қувватим етади, худо хайрингни берсин, фақат нарсаларингни устимга юкламасанг бўлгани!.. Қўлингдан келмаганидан кейин тинч қўйганинг ҳам маъкул!— Бека кўзини юмди-ю, тезда қайтадан киприклари кўтарилиб, оқсочига назар ташлади. Матрёша унга қараганча пастки келишган лабини тишларди. Бемор кўкрагини тўлдириб хўрсинди, лекин бу хўрсиниш охирламасданоқ йўталга айланди. У афтини буруштириб, тескари ўгирилди-да, икки қўли билан кўкрак қафасини ушлади. Йўтал босилгач, аёл яна кўз юмиб, қимири этмай ўтираверди. Қарета билан ко-

ляска қишлоққа кириб келди. Матрёша лўппи қўлини рўмоли остидан чиқариб чўқинди.

— Бу нимасийди?

— Бекат, хоним.

— Нега чўқиняпсан, деб сўраяпман?

— Черков, хоним.

Бемор дераза томонга ўгирилди-да, катта-катта кўзларини карета четлаб ўтаётган қишлоқ черковига тикиб, оҳиста чўқина бошлади.

Карета билан коляска бекат олдида баравар тўхтади. Бемор аёлнинг эри билан доктор коляскадан тушишиб карета ёнига келишди.

— Қалай, тузукмисиз?— деб сўради доктор беморнинг томирини ушлаб.

— Хўш, азизим, чарчамадингми?— деб сўради эри французчалаб,— тушгинг борми?

Матрёша уларнинг суҳбатига халақит бермаслик учун тугунчасини ушлаб олганча бир бурчакда сиқилиб ўтирарди.

— Бир нав, ўша-ўша,— деб жавоб берди бемор.— Тушмайман.

Эри бир оз тургач, бекатдаги уйга кириб кетди. Матрёша каретадан сакраб тушди-да, оёқ учида лой кечиб, дарвоза томонга юрди.

— Менга қараманглар, бемалол нонушта қилиб олаверинглар,— деди бемор кулимсираб дераза олдида турган докторга.

«Ҳеч қайсисининг мен билан иши йўқ,— деб кўнглидан ўтказди бемор, доктор унинг олдидан секин-аста одимлаб бориб, бекат зинасидан югуриб чиқиб кетгач.— Уларнинг қайғуси йўқ, парвойи фалак. Оҳ! Худойим!»

— Хўш, Эдуард Иванович,— деди аёлнинг эри докторни қарши оларкан, хушчақчақ табассум билан қўлини қўлига ишқалаб,— озиқ-овқат олиб келишларини буюрдим, сиз нима дейсиз?

— Майли,— деб жавоб берди доктор.

— Унинг аҳволи қалай?— деб хўрсиниб сўради беморнинг эри, паст товушда қошини кериб.

— Италия у ёқда турсин, Москвага етиб олса ҳам худонинг ёрлақагани демабмидим. Айниқса шунақанги ҳавода.

— Бўлмаса нима қилдик? Эй худо, худойим-ей!— деб беморнинг эри кўзларини қўли билан яширди.— Бу ёқ-

¹ Капот — аёлларнинг уй ичи ёки сафарда киядиган яктак бичим қўйлаги.

² Салоп — ўша вақтларда мода бўлган кенг пальто.

қа олиб кел,— деб құшиб құйди у озик-овқатли қутичани кўтариб келган кишига.

— Йўлга чиқмаслик керак эди,— деди доктор елкасини қисиб.

— Узингиз айтинг-чи, иложим бормиди?— деб эътироз билдирди аёлнинг эри,— уни олиб қолиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қилдим, маблағ масаласини ҳам, ташлаб кетишимиз лозим бўлган болаларни ҳам айтиб кўрдим, ҳамма ишларимни ўртага солдим, ҳеч қандай гапни эшитгиси ҳам келмади. Худди соппа-соғ одамдай хорижий мамлакатларда ҳаёт кечирish режасини тузиб юрибди. Аҳволини ўзига тушунтириш, ўлдириш билан тенг-ку!

— Ҳа, унинг куни битган, буни сиз тушунингиз керак, Василий Дмитрич. Киши ўпкасиз яшай олмайди, ўпка қайтадан ўсиб чиқмайди. Одамнинг юраги эзилади, оғир, лекин начора? Сиз билан бизнинг вазифамиз, қўлдан келганча унинг осойишталик билан жон беришига имкон туғдириш. Энди бу ёғига тавба-тазарру қилдирадиган руҳоний керак.

— Эй худойим-эй! Ҳаётининг сўнгги дақиқаларида яшаётганини эслатиш менга нақадар оғирлигини тушунсангиз-чи. Нима бўлса бўлару, лекин бу гапни унга мен айтолмайман. Унинг қанчалик очиқкўнгил аёл эканини билсангиз эди...

— Қандай бўлмасин, уни қишга қадар қолдиришга ҳаракат қилиб кўринг,— деди доктор маъноли бош чайқаб,— акс ҳолда йўлда бир кори ҳол рўй бериши мумкин.

— Аксюша, ҳей Аксюша!— деб қичқирди назоратчининг қизи бошига қацавейка¹ ташларкан, ҳовлидан уйга кираверишдаги пиллапояда депсиниб,— юр, ширкинлик хонимни томоша қиламиз, ўпка касали билан чет элга олиб кетишаётган эмиш. Сил бўлганларни ҳали ҳеч кўрмаганман.

Аксюша эшикдан отилиб чиқди. Икковлари қўл ушлашиб югурганча дарвозадан чиқиб кетишди. Улар қадамларини секинлаштириб карета ёнидан ўтишар экан, пардаси очиқ деразага назар ташлашди. Бемор уларга қаради-ю, қизларнинг эрмакталаб бўлиб келганларини билгач, қовоғини солиб, тескари ўгирилди.

¹ Қацавейка — аёлларнинг мўйна тутиб тикилган камзули.

— Вой ўлмасам!— деди назоратчининг қизи бирдан қайрилиб қараб.— Қандай чиройли эди-я, энди аҳволини қарагин! Одам кўрқади-я. Кўрдингми, кўрдингми, Аксюша?

— Ҳа, озиб кетганини қара!— деб унинг гапини маъқуллади Аксюша,— юр, қудуққа кетаётгандай бўлиб яна қараймиз. Қарагин, ўгирилиб олди, мен яна кўрдим. Кишининг раҳми келади-я, Маша.

— Ерни пилчиллаб кетганини-чи!— Маша шундай деб жавоб берди-ю, икковлари югурганча дарвоза томонга қараб кетдилар.

«Одам кўрса кўрқадиган ҳолатга келибман-да,— деб ўйлади бемор,— фақат, тезроқ, тезроқ хорижга ўтиб кета қолсам эди, у ерда тез соғайиб кетардим».

— Хўш, аҳволинг қалай, азизим?— деди эри каретага яқинлашар экан, ниманидир чайнаб туриб.

«Яна ўша-ўша савол,— деган гапни хаёлдан ўтказди бемор,— ўзи бўлса кавшаниб турибди».

— Бир нав,— деди аёл энсаси қотиб.

— Биласанми, азизим, бундай ҳавода йўл юриб чарчаб қолармикансан деб кўрқаман. Эдуард Иванович ҳам шундай деяпти. Орқага кетсакмикан-а?

Аёл жиғибийрон бўлиб, индамай ўтирарди.

— Ҳаво юришиб кетади, балки йўл ҳам очилар; ўзинг ҳам бир оз соғайиб қолардинг; кейин ҳаммамиз бирга борардик.

— Қуллуқ. Илгарироқ ўз билгимча иш қилганимда, ҳозир Берлинда юрардим, аллақачон соғайиб ҳам кетган бўлардим.

— Нима қил дейсан, фариштам, ҳамма гапдан хабаринг бор, ҳеч иложи бўлмади-да. Борди-ю, мана ҳозир бир ой қолиб турганингда, бинойидек бўлиб қолардинг; мен ҳам ишларимни тугатардим, кейин болаларни ҳам бирга олиб кетардик.

— Болалар соппа-соғ, менинг бўлса тобим йўқ.

— Тушунсанг-чи азизим, борди-ю, йўлда соғлигинг ёмонлашиб қолгудек бўлса, шу ҳавода йўлда нима қилиб бўлади... Лоақал уйда бўлардинг.

— Нима, уйда нима бўларди?.. Уйда ўлайми?— тутақиб жавоб берди бемор. Бироқ кўринишдан *ўлим* сўзи уни ваҳимага солди шекилли, у ёлвориш ва савол назари билан эрига боқди. Эри индамай бошини қуйи солди. Беморнинг лаби худди болаларникига ўхшаб бурушди-ю,

кўзидан маржон-маржон ёш оқди. Эри юзини рўмолча билан яшириб, индамай каретадан узоқлашди.

— Йўқ, мен кетаман,— деди бемор,— у фазога боқиб кўллари кўксига қўйди-да, пичирлаб бир-бирига боғланмайдиган сўзлар айтди.— Худойим-ей! Гуноҳим нима?— деди у юм-юм йиғлаб. У узоқ вақт бажонидил хурога илтижо қилди, лекин осмон, далалар ва йўллар қанчалик нохуш, нам бўлса, юраги ҳам шунчалик ғаш, кўнгли чироқ ёқса ёримасди, худди шунингдек куз қоронғиси ҳам аста-секин йўлдаги балиқчиларга, томларга, каретага, бир-бирлари билан баланд, хушчақчақ овозда гаплашиб, карета мойлаётган ва от қўшаётган ямшиклар пўстини устига бир хилда ўз чодирини ёпмоқда эди...

II

Каретага от қўшилган; лекин ямшик имирсилаб юрарди. У ямшиклар кулбасига кирди. Кулба иссиқ, ҳавоси бузуқ, қоронги, тер, ёпилган нон, карам ва чўчқа гўшти ҳидлари анқиб турарди. Хонада бир неча ямшиклар бўлиб, ошпаз аёл печь олдида фивирлаб юрар, печь устидаги пўстакда эса бир бемор ётарди.

— Хведор амаки, ҳў, Хведор амаки!— деди беморга уйга кириб келган пўстинли, белига қамчи қистириб олган ямшик.

— Ҳей, чувринди, Федькани нима қиласан?— деди ямшиклардан бири,— ахир сени каретадагилар кутиб туришибди-ку!

— Этигини сўрамоқчи эдим; ўзимники йиртилиб кетди,— деб жавоб берди йигитча бошини орқага ташлаб сочини тўғриларкан, белбоғига қистирилган қўлқопини тузатиб.— Е, ухляптимми? А, Хведор амаки?— деб такрорлади у печга яқинлашиб.

— Не дейсан?— деган паст овоз эшитилиб, печь устидан сарғиш, озғин юзли бемор пастга қаради. У узун, ориқ, тук босиб қони қочган кўллари билан кир кўйлагги устидаги чопонини қоқсуяк елкасига тортиб қўйди.— Ичгани бирон нарса бер, укажон, не ишинг бор эди?

Йигит унга чўмичда сув узатди.

— Ҳалиги, Федя,— деди у, гоҳ у, гоҳ бу оёғини босиб,— балки энди сенга янги этик даркор эмасдир; ўзингга керак бўлмаса, менга бера қол.

Бемор дармонсиз бошини чўмичга тикди-да, сийрак мўйловини лойқа сувга ботириб, зўрға, аммо очкўзлик билан сув ичди. Беморнинг пахмоқ соқоли кирлаб кетганди, у киртайган нурсиз кўзлари билан зўр-базўр йигитга боқди. Сувни ичиб бўлгач, қўлини кўтариб ҳўл лабини артмоқчи бўлди-ю, лекин ҳоли келмай чакмонининг енига артиб қўя қолди. У индамай бурни билан нафас олар, бор кучини тўплаб йигитнинг афтига тик қараб турарди.

— Балким бирон кишига текинга бераман, деб ваъда қилиб қўйгандирсан,— деди йигит.— Гап шундаки, ташқари лой, пилчиллаб ётибди. Мен бўлсам иш билан кетаётган эдим, ўйлаб-ўйлаб: кел, Федьканинг этигини сўраб кўрай-чи, балким ўзига керак эмасдир, дедим. Балким ўзингга керакдир, очигини айтавер...

Беморнинг кўксига бир нарса қуюлиб келиб, гўлдуради; у энгашган эди, қўққисдан йўтал тутиб, қийнала бошлади.

— Кераги чиқиб қолибди-ку,— деди тўсатдан ошпаз аёл жаҳл билан бутун кулбани бошига кўтариб.— Печдан тушолмай қолганига бир ойдан ошди. Энтикаётганини кўрдингми, кишининг юраги ачийди. Этикнинг унга нима кераги бор? Янги этик кийдириб кўмишнинг ҳожати йўқ. Жони ҳам тошдан экан, ўзинг кечир, э худо. Ана қара, энтикяпти. Бошқа бир кулбагами ёки бирон ергами кўчириш керак эди-да! Шаҳарда шунақанги касалхоналар бор деб эшитаман. Шу ҳам иш бўлди.— Шунча пайтдан бери бир бурчакни эгаллаб ётибди, етар энди. Жойнинг ўзи етишмайди. Яна тозалик ҳам талаб қилишади.

— Ҳей, Серёга! Қани бор, хўжайинлар кутиб қолишди,— деб қичқирди бекат бошлиғи эшикни очиб.

Серёга беморнинг жавобини ҳам кутмай чиқиб кетмоқчи бўлган эди, лекин у йўталаётиб кўзи билан кетмай тур, гапим бор, дегандек ишора қилди.

— Этикни ола қол, Серёга,— деди бемор йўталини босиб, бир оз нафасини ростлагач,— менга қара, шарт шуки, фақат ўлганимдан кейин қабримга тош қўйгин,— деб қўшиб қўйди у хириллаб.

— Раҳмат, амаки, тошни бўлса, албатта сотиб олиб қўяман.

— Ана йигитлар гувоҳ,— деёлди бемор, шу чоқ у яна энгашиди-ю, нафаси сиқа бошлади.

— Бўлди, бўлди, гувоҳмиз,— деди ямшиклардан бири.— Бор, Серёга, аравага чиқ, бошлиқ яна шу томонга чошиб келяпти. Ширкинлик хонимнинг тоби йўқ ахир.

Серёга ўзининг беҳад катта, йиртиқ этигини дарҳол ечиб, скамейка тагига улоқтирди. Фёдорнинг янги этигининг оёғига роппа-расо келди-ю, Серёга унга завқ билан боқиб, уйдан чиқиб кетди.

— Уҳў, этик жуда ажойиб-ку! Мойлаб қўяйми,— деди қўлида бўёқ чўтка ушлаб турган ямшик Серёга тизгинни ушлаб карета устига чиқаётган чоқда.— Текинга бердими?

— Ҳа, ҳавасинг келяптими,— деб жавоб берди Серёга каретага чиқиб ўтирар экан, чопонининг этагини қайириб. — Қани, чу! Жониворлар!— деб қичқирди у отларга қамчи ўйнатиб; шундан сўнг карета ҳам, коляска ҳам ўзининг йўловчилари, чамадонлари ва бўлак ашқолдашқоллари билан кузги кўкимтир туман ичига кириб пилчиллаб ётган йўлдан жадал елиб кетди.

Бемор ямшик дим кулбадаги печь устида қолаверди, йўтала-йўтала аранг у ёнбошидан-бу ёнбошига ўгирилиб олди-да, жим бўлиб қолди.

Кулбада кечгача келди-кетди бўлиб турди, тушки овокат ўтса ҳам бемор ҳамон овоз чиқармасди. Тунаш олдидан ошпаз аёл печь устига чиқиб, унинг оёғи оша пўстинини олди.

— Мендан аччиғланма, Настасья,— деди бемор,— яқин орада бурчагинг бўшаб қолади.

— Ҳечқиси йўқ, парво қилма,— деб тўнғиллади Настасья,— ўзи қаеринг оғрияпти, амаки? Айтсанг-чи?

— Ичларим оғриydi. Нима бўлганини ёлғиз худонинг ўзи билади.

— Йўталганингда томоғинг ҳам оғриси керак-а?

— Аъзойи баданим қақшайди. Улимим яқинлашган — вассалом. Вой, вой, во-ей,— деб ингради бемор.

— Оёғингни мана бундай қилиб ёпиб ётгин,— деди Настасья печдан тушаётиб, унинг чопонини устига тортиб қўяр экан.

Туни бўйи жинчиноқ хира нур сочиб турди. Настасья ва ўнга яқин ямшик ерда ҳамда скамейкаларда роса

хуррак отиб ухлашди. Ёлғиз бемор оҳ чекиб йўталиб печь устида тўлганиб ётди. Тонгга яқин у бутунлай жимиб қолди.

— Бугун жуда ажойиб туш кўрдим-да,— деди ошпаз аёл, эртаси эрта билан ғира-шира пайтда керишиб,— Хведор амаки печдан тушиб, ўтин ёргани чиқиб кетганмиш. Кел, Настасья, сенга кўмаклашай, дермиш: мен бўлсам унга: ўтин ёриш сенга йўл бўлсин деган эдим, у болтани қўлига олиб ўтинни шундай ёриб ташладики, оғзим очилиб қолди. Ие, дермишман мен, касал эдингку, ахир десам, йўқ, мен касал эмасман, деб болта кўтарди-да, бир ҳамла қилиб қолган эди, жон-поним чиқиб кетди. Чинқириб, уйғониб кетдим. Улиб қолмаганми-кан? Хведор амаки! Ҳў, Хведор амаки!

Фёдор жавоб бермади.

— Ростдан ҳам ўлиб қолмадимикан? Хабар олиб кўриш керак,— деди уйғонган ямшиклардан бири.

Печь устидан осилиб ётган, сарғиш тук билан қопланган ориқ қўл муздек ва рангсиз эди.

— Улганга ўхшайди, бориб назоратчини хабардор қилиш керак,— деди ямшик.

Фёдорнинг қариндош-уруғлари йўқ эди — у мусофир эди. Эртаси куни уни чакалакзор орқасидаги янги мазорга элтиб кўмишди. Настасья эса бир неча кунгача ўша куни кўрган туши ва Хведор амакининг ўлганини гапириб юрди.

III

Баҳор келди. Пилчиллаб ётган шаҳар кўчаларида қорайиб қолган муз ораларидан шилдираб сув оқа бошлади. Кишиларнинг овозлари қувноқ, кийимларининг туси очик эди. Девор билан ўралган боғлардаги дарахтлар куртак чиқарган, новдалари эсаётган майин шабадада аста шитирлаб, тебранарди. Ҳамма ёқда ариқ-ариқ сув оқар, дарахтлардан тиниқ сув томчилари томчилаб турарди... Чумчуқлар ўзларининг жажжигина қанотларини қоқиб, беўхшов чирқиллашарди. Офтобрўя деворлар, уйлар ва дарахтлардаги барча нарсалар ҳаракатда ҳамда ярақлаб турарди. Само ҳам, ер ҳам, киши қалби ҳам қувончга тўлган эди.

Катта кўчада турадиган бариннинг данғиллама уйи

олдига янги похол тўшаб қўйилган, шошилиб хорижга кетаётган, ўлар ҳолатга келган бемор аёл шу уйда эди.

Хонанинг ёпиқ эшиги ёнида беморнинг эри билан ўрта ёшлардаги аёл туришарди. Поп қўлида ўроғлиқ ридосини ушлаб, диванда ерга боқиб ўтирарди. Бурчакда сунячиғи баланд, ўриндиги чуқур креслода бир кампир — беморнинг онаси ҳўнграб йиғлаб ётарди. Унинг ёнида хизматкор, кампирнинг сўрашини кутиб тоза рўмолча ушлаб турарди; иккинчи хизматкор нима биландир кампирнинг чаккасини артар ва чепчиги остидан оқ сочлари орасига пуфларди.

— Хўп, худо ёр бўлсин, азизим,— деди беморнинг эри ўзи билан бирга эшик олдида турган ўрта ёш аёлга гап уқтириб,— у сизга жуда ҳам ихлос қўйган, сиз ҳам унинг кўнглига ёқадиган гаплар топа оласиз, уни кўндириб, азизим, боринг.— У аёлга эшик очиб бермоқчи бўлиб турган эди, лекин холаваччаси уни тўхтатди-да, рўмолча билан бир неча марта кўз ёшини артиб, ўзини ўнглаб олди. Кейин у:

— Ана энди мени йиғламаган деса ҳам бўлади,— деди-да, эшикни ўзи очиб ичкарига кириб кетди.

Беморнинг эри чуқур ҳаяжонда, худди эс-ҳушини йўқотиб қўйгандек эди. У тўғри кампирнинг ёнига бормоқчи бўлиб бир неча одим ташлади-ю, бурилиб, унинг у бошидан-бу бошига юриб попнинг ёнига борди. Поп унга боқди-да, осмонга қараб хўрсинди. Қалин мош-гуруч соқоли ҳам юқори кўтарилиб, пастга тушди.

— Э, худо! Худо!— деди аёлнинг эри.

— Начора!— деди уҳ тортиб поп, у яна осмонга қараб, ерга боқди.

— Онамиз ҳам шу ерда!— деярли умидини узиб деди аёлнинг эри,— у бунга бардош беролмайди: уни шундай яхши кўради, бирам яхши кўрадики, у қандай қилиб... билмадим, энди. Отахон, ҳеч бўлмаса сиз уни тинчлантиришга ва бу ердан кетишга кўндириш учун бир ҳаракат қилиб кўрсангиз-чи.

Поп ўрнидан туриб, кампирнинг ёнига борди.

— Ростини айтганда, она қалбига ҳеч ким тушуниб етолмайди,— деди у.— Лекин худо раҳм қилиб қолар.

Кампирнинг юзи бирдан титраб, уни асабий ҳолатда ҳиқичоқ тута бошлади.

— Худо раҳм қилар,— деб давом этди поп, кампир

бир оз ўзини босиб олгач.— Мен сизга айтсам, муридларим орасида Мария Дмитриевнадан ҳам баттар бир бемор бор эди. Уни оддий мешчан оз фурсат ичда гиёҳлар билан даволади. Ушал мешчан айни чоқда Москвада истиқомат қилиб турибди. Мен Василий Дмитриевичга Мария Дмитриевнани ўша кишига бир кўрсатиб кўринг, деган эдим. Ҳеч бўлмаганда, беморни тинчлантирарди. Худонинг қудрати зўр.

— Йўқ энди, умри тугай деб қолди,— деди кампир,— худойим унинг ўрнига менинг жонимни ола қолса бўлмасмиди.— Асабий ҳиқичоқ ортиқ даражада зўрайиб, кампир ҳушдан кетди.

Беморнинг эри қўллари билан юзини бекитганча югуриб уйдан чиқиб кетди.

Коридорда у синглисини жон-жаҳди билан қувиб кетаётган олти ёшлардаги болани кўрди.

— Нега болаларни онасининг олдига киришга давват этмаяпсиз?— деб сўради энага.

— Кераги йўқ, уларни кўришни истамаяпти. Болалар кирса хуноби ошади.

Бола бир дақиқа тўхтаб, отасининг юзига тикилиб боқди-да, бирданига ҳакалак отиб, ҳайқириб-чақириб чопиб кетди.

— У-чи, дада, жуда ҳам чопқир!— деб қичқирди синглисини кўрсатиб бола.

Бу вақт нариги хонада холаваччаси беморнинг ёнида ўтирар экан, гапни айлантриб, уни ўлим ҳақида ўйлашга ҳозирламоқда эди. Доктор дераза ёнида дори қориштирарди.

Теварак-атрофи ёстиқ билан ўралган бемор капот кийиб тўшакда холаваччасига тикилганча индамай ўтирарди.

— Оҳ, азизим,— деди у қўққисдан холаваччасининг сўзини бўлиб,— мени ҳозирламай кўя қолинг. Мени ёш бола қилманг. Христианман. Ҳаммасига ақлим етади. Яқин орада ўлишимни ҳам, эрим аввалроқ гапимга қулоқ солганда, Италияда бўлишимни ҳам, балки, соғайиб кетишим мумкинлигини ҳам биламан. Унга ҳамма шундай деган эди. Аммо нима ҳам қилиб бўларди, худонинг хоҳиши шу экан-да. Ҳаммамизнинг ҳам гуноҳимиз кўп, буни биламан; лекин худонинг марҳаматига ишонаман, гуноҳимиздан ўтса ажаб эмас, гуноҳимизни кечиради. Бундоқ ўйлаб қарасам, азизим, кўп гуноҳ килган экан.

ман. Лекин ажрини тортдим. Бошимга тушган азобни чидам билан енгилга ҳаракат қилдим...

— Ҳазратимни чақирайми, азизим? Тавба-тазарру қилсангиз анча енгил тортасиз,— деди холаваччаси.

Бемор бош қимирлатиб ризо эканлигини билдирди.

— Худойим! Гуноҳкор бандангни ўзинг кечир,— деб пичирлади у ўзича.

Холаваччаси чиқиб, попни имлаб чақирди.

— Фаришта-я, фаришта!— деди у аёлнинг эрига кўзи жиққа ёшга тўлиб.

Эри йиғлаб юборди, поп уйга кириб кетди. Кампир ҳамон ҳушсиз ётар, шунинг учун ҳам бериги уй сув қуйгандай жимжит эди. Орадан беш минут ўтгач, поп уйдан чиқди-да, ридосини ечиб, сочини тўғрилади.

— Худога шукур, бир оз тинчландилар,— деди у.— Сизни кўриш истагидалар.

Холаваччаси билан эри киришди. Бемор иконага тикилиб юм-юм йиғларди.

— Табриклайман, азизим,— деди эри.

— Миннатдорман! Жуда енгил тортдим, қандайдир ҳузур ҳис қиляпман,— деди бемор, унинг хушбиним лабида енгил табассум ўйнади.— Худойим меҳрибон-да! Унинг ўзи меҳрибон ҳам ҳар ишга қодир, шундай эмасми?— У яна ўкинч билан ёшга тўлиб турган кўзларини иконага тикди.

Кейин бирдан ниманидир эслагандай бўлди-да, имо-ишора билан эрини чақирди.

— Ҳеч қачон менинг айтганимни қилгинг келмайди,— деди у оҳиста, норози оҳангда.

Эри бўйинини чўзиб, итоат билан унинг гапига қулоқ соларди.

— Нима дейсан, азизим?

— Бу докторлар ҳеч нарсани билмайди, даволаш қўлидан келадиган оддий табиблар бор, деб неча мартаба айтдим... Ҳазратим айтдиларки... Мешчан... Унга одам юбор.

— Қимга, азизим?

— Э худойим-ей! Ҳеч нарсани тушунгиси келмайди!— Бемор юзини буруштириб, кўзини юмди.

Доктор келиб, унинг томирини ушлади. Томир уриши борган сари секинлашиб борарди. Доктор беморнинг эрига кўз қисиб қўйди. Бемор буни сезиб қолиб, жон ҳо-

латда аланглади. Холаваччаси тескари ўгирилиб, йиғлаб юборди.

— Йиғлама, ўзингни ҳам, мени ҳам қийнама,— деди бемор йиғлаб,— охирги дақиқалардаги оромимни бузма.

— Фариштасан, жоним!— деди холаваччаси унинг қўлини ўпиб...

— Йўқ, қўлимни ўпма, мурдаларнинггина қўлини ўпадилар. Э, худо! Э, тангрим!

Ўша куни кечқуруноқ бемор қазо қилди, унинг жасади катта хонадоннинг зал уйида, тобутда ётарди. Эшиклари берк катта хонада бир дьячок¹ ўтириб олиб, забур оятларини қироат билан пинғиллаб ўқирди. Юқоридаги кумуш шамдон марҳуманинг пешонаси, қотиб қолган сап-сарик қўллари ва унинг устига ёпилган, тиззаси ҳамда оёқ бармоқларининг учи кўтарилиб турган сарғиш чойшаб устига ёғду сочиб турарди. Дьячок ўз оғзидан чиқаётган сўзларининг маънисига етмай, бир оҳангда ўқир, жимжит хонада сўзлар аллақандай ажойиб жаранглаб, яна тинарди. Аҳён-аҳёнда узоқдаги хоналардан болаларнинг товуши, тапир-тупур оёқ овози эшитилиб қоларди.

«Юзингни беркитсанг — бетинчланади,— дейилганди забурда,— ундан руҳ кетгач, жон чиқиб хокка айланади. Руҳинг бориб нариги дунёда қайтадан жонланади. То абад парвардигорга ҳамду санолар бўлсин».

Марҳуманинг чехраси хотиржам ва мағрур эди. Толтоза муздек пешонасида ҳам, гилосдек лабларида ҳам ҳеч нарса қимир этмасди. Унинг бутун вужуди диққатга айланган эди. Бироқ у лоақал шу тобда бўлса ҳам ўша буюк сўзларни тушунаётганмикан?

IV

Бир ойдан сўнг марҳуманинг қабрига тошдан дахма ўрнатилди. Ямшикнинг қабрига эса, ҳануз тош ўрнатилмай, бир вақтда аллақандай шахс яшаб ўтганидан далолат берувчи дўнглик устида оч яшил кўкатлар ўсиб ётарди.

— Хведорнинг қабри устига тош қўймасанг,— деди кунларнинг бирида бекатдаги ошпаз аёл,— гуноҳга бо-

¹ Дьячок — православ черковида унвонга эга бўлмаган руҳоний.

тасан, Серёга. Қиш ўтсин, қиш ўтсин деб юрдинг, энди нега сўзингнинг устидан чиқмайсан? Ахир менинг олдим-да сўз берган эдинг-ку! Бир марта арвоқи келиб эсингга солиб кетди, тош сотиб олиб қўймасанг, энди келиб бўгади.

— Нима, мен сўзимдан қайтапманми,— деб жавоб берди Серёга,— тош қўяман дедимми, қўяман, бир ярим сўлкавойлигидан сотиб олиб қўяман. Едимдан чиққани йўқ, уни олиб келиш керак-да. Шаҳарга бордим дегунча олиб келаман.

— Ҳеч бўлмаганда бут қўйиб турсанг ҳам бўларди,— деди бир қари ямшик,— ростданам яхши эмас-дэ. Этигини кийиб юрибсан-ку.

— Бутни қаердан оламан? Палёндан йўниб бўлмайди-ку?

— Шу ҳам гапми? Палёндан йўниб бўлмаса, эрта-роқ туриб болтани ол-да, дарахтзорга бор, ана ўша ердан йўниб кела қоласан. Бир шумтолни ағдарсанг, бўлади-қўяди. Бўлмаса, ўрмон қоровулига ароқ пули бериш керак бўлади. Ҳуда-беҳудага ароқ олиб бераверсанг, пул чидайдами. Мана, мен тунов куни кўтармани синдириб қўйган эдим, ўрнига янгисини қирқиб олиб келиб қўйдим, биров ғинг дегани йўқ.

Эрталаб тонг ёришиши билан Серёга болтани олиб, ўрмонга кетди.

Ҳамма ёқни ҳали қуёш нури кўришга улгурмаган жилосиз тунги шудринг қоплаган. Шарқ томон осмон гумбазидаги юпқа булут пардасини ёриб аста равшанлашмоқда. На ердаги биронта гиёҳ, на дарахт учудаги япроқ қимир этади. Гоҳ-гоҳ дарахтнинг қуюқ япроқларига урилган қушларнинг қанот қоқишлари-ю, ердаги шатир-шугур шарпаларгина ўрмон тинчлигини бузади. Қўққисдан аллақандай ғайри табиий товуш таралди-ю, ўрмон этагига бориб сўнди. Бироқ яна шу овоз эшитилиб, бу сафар, тек турган дарахт танасининг тагида бир меъёрда қайтарилиб турди. Дарахт учудаги шохлардан бири ажиб силкиниб, унинг қалин барглари шитирлаб кетди. Шу дарахтнинг бошқа бир шохига қўниб турган тоғчумчуқ у шохдан-бу шохга ўтди-да, думини силки-тиб, бошқа дарахтга бориб қўнди.

Болта тобора ичкарилаб, ундан чиқаётган овоз пайсаиб борар, оппоқ нам пайраҳалар шудринг босиб кетган майсалар устига учиб тушар ва болтанинг зарб би-

лан урилгани эшитилиб турарди. Дарахт бутун вужуди билан қалтираб энгашиди-ю, ўз илдизи устида чайқалиб тезда яна қоматини ростлаб олди. Бир дақиқа ҳамма ёқ-да жимлик ҳукм сурди-да, кейин дарахт энгашиб, унинг танаси яна қарсиллаб, шохларини синдирган, барглари-ни тўккан ҳолатда гурсиллаб нам ерга қулади. Болта ва қадам товушлари тинди. Тоғчумчуқ чуғиллаб, «пир» этиб юқориқоққа қўнди. У тегиб кетган кичкинагина шох япроқлари бир оз силкиниб турди-да, ўзининг барча шохчалари қатори у ҳам тинди. Дарахтлар тек турган япроқларини кўз-кўз қилгандай, янгидан очилган жойда илгариги ҳолатларидан ҳам чиройлироқ бўлиб барқ уриб турарди.

Қуёшнинг дастлабки нурлари булутларни ёриб ўтиб, кўкда чарақлаб ер ва осмонга ёйилди. Паға-паға туман жарликни қоплай бошлади. Шудринг майса устида ялтираб, оқ булутлар тезлик билан кўм-кўк фазо бўйлаб тарқала бошлади. Қушлар бир ерга тўпланиб, маст бўлиб шўх сайрар, нобуд бўлган дарахт тепасида нам япроқлар қувонч ва хотиржамлик билан шитирлар, кўкариб турган дарахтларнинг шохлари эса, оҳиста ва мағрур тебранарди..

ХУЖАЙИН ВА ХИЗМАТКОР

Бу воқеа етмишинчи йилларда, қишки Никола байрамнинг эртаси кунни юз берди. Қавм байрам қилаётгани сабабли, қишлоқ саройбони, иккинчи гильдия савдогари Василий Андреич Брехунов ҳеч қаёққа кетмай, черковда бўлиши керак эди, чунки у черков оқсоқоли эди ва бундан ташқари, уйда қариндош-уруғлари ва ошна-оғайнилари меҳмон қилиши лозим эди. Ниҳоят, охириги меҳмонлар кетиб бўлгач, Василий Андреич дарҳол кўпдан бери савдо бўлиб келаётган ўрмонни сотиб олиш учун қўшни қишлоқдаги помешчикнига отлана бошлади. Василий Андреич бу фойдали ўлжани қўлдан чиқаргиси келмас, тагин шаҳар савдогарлари мендан олдин илиб кетишмасин, деган хаёлда тезроқ етиб боришга ошиқарди. У бу ўрмонга етти минг сўм бераман, дегани учун ёш помешчик ўн минг сўм сўраган эди. Ҳолбуки етти минг сўм ҳақиқий баҳосининг атиги учдан бир қисмини ташкил этарди. Василий Андреич, албатта, яна савдолашган бўларди, чунки ўрмон унинг округида, қолаверса, қишлоқдаги уезд савдогарлари билан унинг орасида кўпдан буён шундай қоида бор эдики, бу қоидага мувофиқ, бир помешчик атрофидаги иккинчи помешчининг қўйган баҳосини оширмасди, бироқ Василий Андреич губерниядаги ўрмон савдогарлари Горячкино қишлоғидаги ўрмонни сотиб олишга келишмоқчи эканликларини эшитиб, помешчик билан, савдони бир ёқли қилиш мақсадида дарҳол жўнашга аҳд қилди. Шу сабабдан ҳам у, байрам ўтиши биланоқ, сандиқда асраб юрган етти юз сўм пулини олди, унга қўлида бўлган икки минг уч

юз сўм черковнинг пулини қўшиб, уч минг сўм қилди-да, қайта-қайта санаб, ҳамёнига жойлагач, йўлга чиқмоқчи бўлди.

Хизматкор Никита чопганича чанага от қўшгани кетди, чунки Василий Андреичнинг хизматкорлари ичида шу кунни биргина ҳушёри Никита эди. Ўзи пияниста бўла туриб, ўша кунни маст бўлмаганига сабаб шуки, у пасхадан олдин устидаги белбурма камзули билан оёғидаги чарм этигини сотиб ичиб, энди ичмасликка тавба қилган ва иккинчи ойдирки, ичмай юрган эди, ҳозир ҳам икки кун байрам ичида одамларнинг ҳар ерда вино ичишларини кўриб, ҳаваси келганига қарамай, ичмаган эди.

Никита қўшни қишлоқлик эллик ёшга кирган мужик эди; у, одамларнинг айтишича, рўзгорга бепарво, кўп умрини бировларнинг уйида хизмат қилиб ўтказган киши эди. Уни ҳамма жойда меҳнатсеварлиги, чаққонлиги ва ишни дўндириши, энг муҳими эса, хулқи яхшилиги, оқкўнгиллиги учун қадрлашарди; аммо у ҳеч қаерда қўним тополмасди, чунки бир йилда икки марта, баъзан ундан ҳам кўпроқ қаттиқ ичар ва шунда бутун уст-бошини сотиб битиришдан ташқари, жанжални пулга сотиб оладиган одати ҳам бор эди. Василий Андреич ҳам уни бир неча бор ҳайдаб юборган, лекин кейин ҳалоллиги, ҳайвонларга жонкуярлиги ва энг муҳими, арзонагаров хизматкорлигини кўзи қиймай, яна чақириб олган эди. Василий Андреич Никитага қирқ сўм тўларди, ҳолбуки бошқа жойларда бундай хизматкорларнинг баҳоси саксон сўм турарди; бу қирқ сўмни ҳам яхлит бермай, бўлиб-бўлиб берар ва кўпинча пул ўрнига дўконидан қиммат баҳода моллар бериб, ора очди қиларди.

Никитанинг хотини, бир вақтлар чиройли ва ўктам аёл бўлган Марфа бир ўсмир ўғли, икки қизи билан уйда бекалик қиларди; у Никитани эр деб билмас, уни уйга чақирмасди; бунинг биричи сабаби шуки, у йигирма йилдан бери бошқа қишлоқдан келиб уларникида туриб қолган бир бочкасоз мужик билан бирга яшарди, иккинчи сабаби шуки, у гарчи эри ҳушёрлик вақтида уни истаганча хўрласа-да, маст бўлган вақтида ундан зириллаб турарди. Бир кун Никита уйда ичиб маст бўлиб, чамаси ҳушёрлик вақтида кўрган бутун хўрликларининг ўчини олиш учун бўлса керак, хотинининг сандиғини синдириб, ичидан унинг энг яхши, қимматбаҳо кийимларини: сарафану кўйлақларини олиб қийматахта устига

қўйиб, болта билан қийма-қийма қилиб ташлаган эди. Никитанинг ишлаб топган бутун пуллари хотинига бериларди. Никита бунга гинг демас эди. Бу сафар ҳам, байрамга икки кун қолди деганда Марфа Василий Андреичнинг олдига келиб, ундан оқ ун, чой, қанд, чоракта вино, хуллас, ҳаммаси бўлиб уч сўмлик нарса ва яна беш сўм нақд пул олди-да, гўё у катта марҳамат қилгандай, унга кўпдан-кўп миннатдорчилик билдириб кетди, ҳолбуки энг арзон баҳода ҳисоблаганда Василий Андреичда Никитанинг яна йигирма сўм ҳақи қолган эди.

— Бе, сен билан биз шартлашиб ўтираемизми?— дерди Василий Андреич Никитага.— Керак бўлса, олавер, кам бўлмайсан. Мен бошқалар сингари: сабр қил, ҳисоблашамиз, штрафга босаман, деб ўтирмайман. Мен ҳалол ишни яхши кўраман. Менга хизмат қилар экансан, мен ҳам сени қуруқ қўймайман.

Шу сўзларни дер экан, Василий Андреич чиндан ҳам Никитага яхшилик қиляпман, деб ишонарди. У ана шундай ишонарли қилиб гапирганда Никитадан тортиб, унинг қўлига қарам бўлган барча хизматкорлар, у алдаётгани йўқ, бизга яхшилик қиляпти, деб ўйлашар эди.

— Ҳа, биладан, Василий Андреич, мен ўз отамга хизмат қиляпман, отам учун тиришяпман, деб ўйлайман, буни жуда яхши биладан,— деб жавоб берарди Никита. Аммо ўзи Василий Андреичнинг алдаётганини ва айни вақтда ўз ҳисобларини унга тушунтиришга уринишнинг фойдасизлигини, бошқа жой бўлмагани учун ҳозирча шу ерда яшаб туравериши ҳамда нима берса шунини олавериши кераклигини жуда яхши билиб, сезиб турар эди.

Никита ҳозир хўжайинидан чанага от қўшиш тўғрисида буйруқ олгач, одатдагидай хурсанд бўлиб, ғоз юриш билан бардам ва шахдам қадам ташлаб саройга кетди, у ердан михга илиғлиқ турган оғир, попукли тасма юганни олиб, сўлиқларини шарақлатиб, эшиги берк отхонага борди; бу ерда, Василий Андреич чанага қўшишни буюрган от алоҳида сақланарди.

— Ҳа, зеркиб қолдингми, тентаквой?— деди Никита отнинг аста кишнаб, уни қарши олганига жавобан; от ўрта бўйли, сағрини бир оз паст, қора тўриқ айғир бўлиб, отхонада бир ўзи турарди.— Бас, бас! Шошма, аввал сени суғорай,— деди у отга қараб, худди сўзга тушунадиган махлуқ билан гаплашгандай; кейин этаги билан отнинг семиз, ўртаси тарнов сингари чуқурча бў-

либ кетган елкасидаги чангни артиб, отнинг чиройли, ёш бошига юган кийгизди, қулоқларини ва пешона ёлини тўғрилаб қўйди-да, бошидан нўхтасини олиб, суғоргани олиб кетди.

Айғир қалин гўнг босган отхонадан аста чиқиб олгач, қудуқ томонга йўрғалаб бораётган Никитани орқа оёғи билан тепмоқчи бўлгандай ўйноқлаб, шаталоқ ота бошлади.

— Қутур-а, қутур, муғамбир!— деб гап қотди Никита Тўриқнинг тепмоқчи бўлмай, фақат ҳазиллашиб орқа оёғи билан унинг ёғли калта пўстинига сал тегиб қўймоқчи эканини билиб; отнинг бу қилиғи Никитага жуда ёқарди.

От муздек сувни ичиб қонгач, бир пишқирди-да, кейин қалин, ҳўл лабларини қимтий бошлаган эди, лаби ва мўйловларидан теганага тиниқ томчилар оқиб тушди, сўнг гўё ўйга толгандек бирпас жим қолди-да, бирдан қаттиқ пишқириб юборди.

— Ичмасанг ичма, мажбур қилмаймиз, кейин ичман демасанг бўлгани,— деди Никита отга унинг қилиқларини жиддий ва муфассал тушунтириб; сўнг юганни тортиб, яна сарой томонга чопа кетди, ёш, шўх от эса орқасидан ўйноқлаб, бутун ҳовлини олатасир қилиб юборди.

Ҳовлида хизматкорлардан ҳеч ким йўқ, фақат байрамга келган бегона бир киши, ошпаз хотиннинг эри бор эди.

— Ҳой, биродари азиз,— деди унга Никита,— бориб сўра-чи, қайси чанани қўшишни буюраркин: каттасини-ми ёки кичигиними?

Ошпаз хотиннинг эри тунука томли, замини баланд уй томонга кетиб, тезда кичигини қўшишни буюрдилар, деган хабар олиб келди. Бу орада Никита отга бўйинча кийгизиб, чегларига мих қоқилган эгарни уриб бўлган ва бир қўлида енгил, бўялган дўғани кўтариб, иккинчи қўли билан отни етаклаб, саройда турган иккита чананинг олдига келиб қолган эди.

— Кичигини бўлса кичигини-да,— деди у ва қулоқларини чимириб, ёлғондака тишламоқчи бўлаётган ақлли отни шоти орасига киргизди-да, ошпаз хотиннинг эри ёрдами билан уни чанага қўша бошлади.

Ҳамма иш тахт бўлиб, тизгин тасмаларини тўғрилашгина қолганда Никита, ошпаз хотиннинг эрини

саройдан похол ва омбордан шолча олиб келишга юборди.

— Ана, ишлар жойида бўлди. Бас, бас, кўп ер тепи-наверма!— деди Никита, ошпаз хотиннинг эри олиб келган янги қирқилган сули похolini чанага босиб жойлар-кан.— Хўш, кел энди, олачани мана бундай ёзиб, устидан шолчани ташлаймиз. Ана шундай, шундай, ўтиришга ҳам яхши бўлади,— деди у айтганини қилиб, яъни ўриндиқ-нинг теварак-атрофига похол устидан шолчани тикча туриб.

— Ана, раҳмат, биродари азиз,— деди Никита, ошпаз хотиннинг эрига,— икки киши бўлса ҳамма иш тез битади.— Кейин у тизгиннинг ҳалқадан ўтиб туташган тасмаларини тўғрилаб, чанага ўтирди-да, юришга оши-қаётган гижинг отни ҳовлидаги музлаган гўнг устидан дарвоза томонга қараб ҳайдади.

— Микит амаки, амакижон!— деб қичқира бошлади унинг орқасидан ингичка овоз билан, шошиб даҳлиздан ҳовлига чиққан етти яшар бола; у устига қора калта пўстин, оёғига янги валенка, бошига иссиқ қулоқчин кийиб олган эди.— Мени ўтқазиб ол,— деб ялинди у чопа туриб калта пўстинининг тугмаларини қадар экан.

— Хўп, хўп, кела қол, чироғим,— деди Никита ва отни тўхтатиб хўжайиннинг қувонганидан кўзлари чақнаб кетган рангсиз, ориқ ўғлини чанага ўтқазиб олди-да, кўчага чиқди.

Соат учлар чамаси. Кун совуқ — ўн даража атрофи-да, ҳаво булутли ва изғиринли. Осмоннинг ярмини пас-так қора булутлар қоплаб олган. Ҳовлида шамол унча билинмас, аммо ташқарида анча кучли эди: қўшни са-ройнинг томидаги қорларни учуриб, ҳаммомнинг муюли-шидаги бурчакда чирпирак қилиб айлантирарди.

Никита дарвозадан чиқиб, отнинг бошини уйга кир-вершдаги зинапоя томонга буриши биланоқ, устига қўй тери пўстин кийган ва белини белбоғ билан пастроқдан танғиб олган Василий Андреич папирос тишлаб даҳлиз-дан зинапояга чиқиб келди; у валенкасининг тагига чарм тиктириб олгани учун оёғи остидаги қор ғирчил-лар эди. У папиросини охирги марта тортиб, уни ерга ташлади-да, оёғи билан эзгилади ва мўйлови орасидан тутун чиқариб отга кўз қирини ташлар экан, соқоллари яхшилаб қирилгану, лекин мўйловлари қолган қип-қизил юзларига тегиб турган пўстинининг ёқаларини тузата

бошлади ва нафас олганда мўйнаси терламаслиги учун ёқасининг четини ичкарига қайириб қўйди.

— Оббо шоввоз-эй, ҳаммадан илгари сен ўтириб олибсан-ку!— деди у чанада ўтирган ўғлини кўриб. Меҳ-монлар билан ичган вноси Василий Андреичнинг кай-фини ғоятда чоғ қилиб юборган ва шу сабабли у қўл остидагиларнинг ҳаммасидан, қолаверса, ўзининг қил-ган ҳамма ишларидан одатдан ташқари мамнун эди. Доим хаёлида меросхўрим деб юрадиган ўғлининг чана-да ўтириши ҳозир унга катта завқ бағишлади: у кўзла-рини сузиб, узун тишларини иржайтириб, унга тикилиб қолди.

Василий Андреични бошини, елкаларини шол рўмол билан ўраб олган ва фақат кўзларигина кўриниб турган ҳомиладор, рангпар ва ориқ хотини уни даҳлизга куза-тиб чиққан эди.

— Никитани ола кетсанг бўларди,— деди у қўрқа-писа остонадан ҳатлаб.

Василий Андреич индамади, унинг сўзлари ёқмади шекилли, жаҳл билан қовоғини солди-да, туфлади.

— Пул билан кетяпсан,— деб давом этди хотини боягидай ачинган овоз билан.— Устига-устак яна ҳаво айниб қолиши бор, худо кўрсатмасин.

— Нима, мен йўлни билмайманмики, ҳамиша ҳамроҳ билан юраман?— деди Василий Андреич ғайри табиий равишда лабларини таранглаб ва ҳар бир сўзни ҳиж-жалаб: одатда у ўз приказчиклари ва харидорлари би-лан шу тарзда гаплашар эди.

— Худо ҳақи, сендан ўтинаман. Никитани ола кет!— деб такрор гапирди хотини рўмолини тескарисига бурай туриб.

— Тоза елим бўлди-ку, бу... Ахир қаёққа олиб кета-ман уни?

— Майли, Василий Андреич, боравераман,— деди Никита қувноқлик билан.— Фақат мен келгунча отларга ем-хашак бериб туришса бўлгани,— деб қўшиб қўйди у бекага қараб.

— Мен хабар олиб тураман, Никитушка, Семёнга ай-таман,— деди бека.

— Хўш, нима қиламиз, бораёми, Василий Андреич?— деди Никита жавоб кутиб.

— Ҳай, майли, кампирни ҳурмат қилмасак бўлмай-диганга ўхшайди. Ҳамон борадиган бўлсанг, устинга

бирон иссиқроқ кийим кийиб кел,— деди Василий Андреич яна илжайиб ва Никитанинг қўлтиғи, орқаси йиртилиб, этаклари далва-далва бўлиб кетган, ҳамма ёғи мой, калта пўстинига кўзи билан ишора қилиб.

— Хей, биродари азиз, бу ёққа чиқ, отни ушлаб тур!— деб қичқирди Никита ҳовли томонга қараб, ошпаз хотиннинг эрига.

— Ўзим ушлаб тураман, ўзим!— деди бола чийиллаб ва совуқдан қизариб кетган кичкина қўлларини чўнтагидан чиқариб, муздек юган тасмаларига ёпиша бошлади.

— Ўзингга жуда зеб бериб ўтирма тағин, тезроқ бўл,— деб қичқирди Василий Андреич Никитани майна қилиб.

— Бир зумда тайёр бўламан, отахон Василий Андреич,— деди Никита ва тагига кигиз тикилган эски валенкасининг учини ерга тез босиб, югурганича ҳовлидаги хизматкорхонага кетди.

— Қани, Аринушка, печканинг устидан чакмонимни олиб бер-чи, хўжайин билан кетяпман!— деди Никита уйга югуриб кириб михдан белбоғини олар экан.

Тушки овқатдан кейин ухлаб турган ва ҳозир эрига самовар қўяётган оқсоч хотин Никитани очиқ чехра билан қарши олди, кейин унинг шошаётганига ҳайрон қолиб, у ҳам шоша-пиша печка устида қуриётган эски, кўримсиз сукно чакмонни олди-да, уни тез қоқиб, юмшатиш учун мижғилай бошлади.

— Ана энди кенг жойда эринг билан бемалол ўйнаб-кулаверасан,— деди Никита ошпаз хотинга, ҳамма вақт биров билан юзма-юз қолганда одоб ва ҳурмат юзасидан бирон нарса дейиш одатига кўра.

Шундан кейин ингичка, чигал бўлиб кетган чилвир белбоғини белидан айлантирди-да, ўзи шундоғам ориқ қорнини ундан баттар ичига тортиб туриб, кучининг борича калта пўстини устидан маҳкам боғлади.

— Ана шундай,— деди у белбоғини боғлаб бўлгач, ошпаз хотинга эмас, балки белбоғига қараб, унинг учларини белига қистирар экан,— энди чиқиб кетмайсан,— кейин қўллари эркин ҳаракат қилсин учун елкаларини дам юқори кўтариб, дам паст тушириб устидан чакмонини кийган эди, орқаси таранг бўлиб қолди; яна қўлларини эркин қимирлатиш учун қўлтиқларининг тагига уриб-

уриб қўйди-да, токчадан қўлқопларини олди.— Ана бўлди.

— Степанич, оёқларингга бошқа нарса кийиб олсанг бўларди,— деди ошпаз хотин,— валенкаларинг йиртиқ-ку.

Никита бирдан эсига тушгандек тўхтаб қолди.

— Бўларди-я... Э, шундай ҳам бўлаверади, узоқ эмас-ку!

Шундай деб у югуриб ташқарига чиқди.

— Никитушка, бу аҳволда совуқ ейсан-ку!— деди бека у чана олдига келганда.

— Бе, нега совуқ ер эканман, совуқ емайман,— деди Никита чананинг бошидаги похол билан оёғини беркитиш учун уни тузатар ва яхши от учун зарурати бўлмаган қамчини похол остига тиқиб қўяр экан.

Василий Андреич аллақачон чанага ўтириб олган эди; у устма-уст иккита пўстин кийиб олганидан деярли чананинг эгилган орқа қисмини бутунлай эгаллаб ўтирарди; Никита чанага чиқиши билан у тизгинни қўлига олиб, отни юргизиб юборди. Никита тезгина чананинг олдига, чап томонига жойлашиб олди-да, бир оёғини чанадан чиқариб қўйди.

II

Асл айғир чанани тортиб, қўшқорақларнинг енгил гижирлаши остида қишлоқнинг из тушган изғиринли йўлидан шахдам юриб кетди.

— Сен қаёққа осилияпсан? Никита, қамчини бу ёққа бер!— деб қичқирди Василий Андреич, афтидан, чананинг орқасига осилиб олган ўғлидан хурсанд бўлиб.— Ҳозир адабингни бермасам! Югур, ойингнинг олдига, ит-вачча!

Бола чанадан сакраб тушди. Тўриқ қадамини жадаллаштирди ва лўкиллаб, кейин бир текисда йўртиб кетди.

Василий Андреич турадиган Крести қишлоғи олти хонадондан иборат эди. Улар қишлоқнинг чеккасидаги темирчининг уйидан ўтишлари биланоқ шамол ўйлаганларидан кўра анча кучлироқ эканини дарров сездилар. Йўл деярли билинмасди. Чананинг изини шу ондаёқ қор беркитиб кетарди, йўлни фақат бошқа жойлардан баландроқ бўлгани учунгина билиб олиш мумкин эди.

Даланинг ҳамма ёғида шамол қорларни чирпирак қилиб учирай, осмон билан ернинг туташган жойини сира кўриб бўлмасди. Ҳамма вақт кўзга яққол кўриниб турадиган Телягин ўрмони ҳозир қор тўзони орасидан аҳёнда ғира-шира бўлиб қорайиб кўринарди. Шамол чап томондан эсиб, отнинг гижинг бўйнидаги ёлларни ва оддийгина қилиб тугиб қўйилган майин думини ўнг томонга учиради. Шамол келаётган томонга қараб ўтирган Никитанинг узун ёқаси унинг юзига ва бурнига ёпишиб борарди.

— Чопишда тенги йўқ-да, учади,— деди Василий Андреич, ўзининг яхши оти билан фахрланиб.— Бир кун шу от билан Пашутино қишлоғига ярим соатда етиб бордим.

— Лаббай?— деб сўради Никита ёқаси кўтарилгани учун яхши эшитмай.

— Шу от билан, дейман, Пашутино қишлоғига ярим соатда етиб бордим,— деди Василий Андреич қичқириб.

— Нимасини айтасиз, яхши от!— деб қўйди Никита.

Кейин жим қолишди. Лекин Василий Андреичнинг жуда гапиргиси келарди.

— Хотинингга, бочкасозни кўп боқаверма, деб айтган эдим-ку, нима бўлди?— деб сўзлай бошлади Василий Андреич яна боягидай баланд овоз билан. У, мендек машҳур ва оқил одам билан гаплашиш Никитага хуш ёқса керак, деб қаттиқ ишонар ва ўз ҳазилидан ғоятда мамнун эди, шу сабабли бу гап Никитага қаттиқ ботиши мумкин-ку, деган фикр унинг хаёлига ҳам келмас эди.

Никита шамолнинг зўридан хўжайинининг сўзларини яна эшитолмай қолди.

Василий Андреич бочкасоз ҳақидаги ҳазилини қаттиқ овоз билан яна такрорлади.

— Ҳаволаси худога, Василий Андреич, мен бу ишларга аралашмайман. Фақат хотиним ўғлимни хафа қилмаса бўлгани, бошқаси билан ишим йўқ.

— Гапинг тўғри,— деди Василий Андреич.— Қалай, баҳорда от сотиб оласанми?— деди у гапни бошқа ёққа буриб.

— Ҳа, насиб қилса,— деб жавоб қилди Никита чакмонининг ёқасини қайтариб, хўжайини томонга ўгирилarkan.

Энди Никитани қизиқтирадиган суҳбат бошлан-

ган эди, шунинг учун у ҳамма гапни эшитгиси келди.

— Ўғлим ҳам ўсиб қолди, энди ўзимиз ер ҳайдасак бўлади, илгарги нуқул одам ёллардик,— деди у.

— Бўлмаса, бичилмаган отни ола қолинглар, қиммат сўрамайман,— деб қичқирди Василий Андреич ҳаяжонланиб ва бугун эс-хушини банд қилган машғулоти — жаллобликдан гап очиб.

— Агар ўн беш сўм берсангиз, от бозордан олсаммикан, деган эдим,— деди Никита; у Василий Андреич унга пулламоқчи бўлган отнинг баҳоси нари борса, етти сўм туришини, аммо Василий Андреич унга бу отни бериб, сўнгра йигирма бешга ўтқазини, кейин ярим йилгача ундан сариқ чақа ҳам ололмаслигини биларди.

— Емон от эмас. Мен сенга ўзимникисан, деб беряпман. Виждонан айтяпман. Брехунов ҳеч кимни хафа қилмайди. Майли, кетса мендан кетсин, мен бошқалар сингарни зиқна эмасман. Инсофим бор,— деб қичқирди у, доим ўз сотувчилари ва харидорларини аврайдиган овози билан.— От бўлганда ҳам асл от-да!

— Бўлса бордир,— деди Никита ўрсиниб; кейин эшитадиган гапи қолмаганига ақли етгач, ёқасини салгина кўтарган эди, шамолда у шу заҳоти юз-кўзини беркитиб қўйди.

Улар ярим соатча жим кетишди. Пўстиннинг йиртиқ жойидан Никитанинг биқини ва қўлига шамол урарди.

У жунжикиб, оғзини беркитиб қўйган чакмон ёқасига куҳлай бошлади, шунда баданига сал иссиқ югурди.

— Хўш, нима деб ўйлайсан, Карамисево орқали юрамизми ёки тўғри кетамизми?

Карамисевога бирмунча серқатнов йўлдан борилар, йўлнинг икки бетига узун белги қоziқлар қоқиб қўйилган эди-ю, аммо у йўл олис эди. Тўғри йўл яқин бўлгани билан камқатнов ва бунинг устига, белги қоziқлар йўқ бўлса-да, қисқа, қор тагида қолиб кетган эди.

Никита бир оз ўйлашиб қолди.

— Карамисевонинг йўли бир оз олис-ку, лекин серқатнов,— деди Никита.

— Тўғрига юриб, фақат пастликдан ўтишда адашмасак бўлди-да, кейин ўрмон ичидан яхши кетамиз,— деди Василий Андреич, тўғридан кетгиси келиб.

— Ихтиёрингиз,— деб жавоб қилди Никита ва яна ёқасини кўтариб олди.

Василий Андреич айтганини қилди, ярим чақиримча юриб, шохларида яккам-дуккам қуруқ барглари қолган ва шамолда чайқалиб турган баланд дуб дарахтининг олдига етгач, отни чапга бурди.

Чана бурилиши биланоқ, уларга шамол қаршидан ура бошлади. Устига-устак тепадан қор бўраларди. Василий Андреич отни ҳайдар, лунжларини шишириб, нуқул пастдан мўйловига пуфлар эди. Никита мудраб борарди.

Улар шу тариқа ўн минут жим кетишди. Василий Андреич бирдан алланима деб пўнғиллади.

— Лаббай?— деди Никита кўзини очиб.

Василий Андреич жавоб бермади, у энгашиб, ҳадеб орқасига ва отнинг олд томонига қарарди. От човлари ва бўйни терлаганидан юнглари жингалак бўлиб кетган, ўзи илдам қадам ташлаб борарди.

— Лаббай деяпман?— деб такрорлади Никита.

— Лаббай, лаббай!— деб масхара қилди уни Василий Андреич жаҳл билан.— Нишон қозиқлар кўринмапти! Йўлдан адашганга ўхшаймиз!

— Бўлмаса тўхтанг, мен йўлни кўриб келай,— деди Никита ва лип этиб чанадан тушди-да, похолнинг остидан қамчини олиб, чап томонга қараб кетди.

Бу йил қор қалин ёлмагани учун йўл очиб кетса бўларди, бироқ баъзи жойларда тиззадан келгани сабабли Никитанинг қўнжига қор кирди. Никита йўлни қидириб, оёқлари ва қамчи билан пайпаслаб кўрар, аммо ҳеч қерда йўл кўринмас эди.

— Хўш, қалай?— деб сўради Василий Андреич, Никита қайтиб чананинг олдига келганида.

— Бу томонда йўл йўқ. Энди нариги томонни ҳам бир кўриш керак.

— Хув ана, олдинда бир нарсa қорайиб турибди, ўша ёққа бориб кўр-чи,— деди Василий Андреич.

Никита ўша ёққа кетди. Қорайиб кўринган нарсанинг олдига бориб қараса: усти очилиб қолган кузги дон экинига қор устидан сешиб қўйилган тупроқ экан, ўша тупроқ қорни қорайтириб кўрсатаётган экан. Никита ўнг томонни ҳам текшириб, чананинг олдига келди, устидаги ва этигининг ичидаги қорларни қоқиб, чанага ўтирди.

— Ўнг томонга юриш керак,— деди у қатъий,— шамол чап биқинимга ураётган эди, ҳозир бўлса тўғри ба-

шарамга уряпти. Ўнг томонга ҳайданг!— деди у қатъий оҳангда.

Василий Андреич унинг гапига кириб, отни ўнг томонга бурди. Лекин барибир йўл йўқ эди. Улар анча вақтгача шу тариқа кетаверишди. Шамол пасаймас, ҳамон қор бўралар эди.

— Василий Андреич, биз бутунлай адашиб қолганга ўхшаймиз,— деди тўсатдан Никита гўё адашганидан завқланаётгандай.— Анови нима?— деди у қор остидан қорайиб чиқиб турган картошка палагини кўрсатиб.

Василий Андреич терга пишган ва ҳансираб чанани зўрға тортиб бораётган отни тўхтатди.

— Қаёқдан билдинг?— деб сўради у.

— Чунки Захаровнинг даласига келиб қолибмиз. Бутунлай бошқа ёққа кетибмиз!

— Бе, ёлғон!— деди Василий Андреич.

— Ёлғон гапирётганим йўқ, Василий Андреич, рост айтяпман,— деди Никита,— чананинг юришидан билса ҳам бўлади — картошка экилган даладан кетяпмиз; хув ана, палакларини тўплаб, уйиб қўйишибди. Бу заводчи Захаровнинг даласи.

— Бунга қара-я, адашиб кетибмиз-ку!— деди Василий Андреич.— Энди нима қиламиз?

— Тўғрига кетавериш керак, вассалом, бир жойдан чиқармиз,— деди Никита.— Захаровка қишлоғига чиқмасак, бариннинг қўрғонига чиқармиз.

Василий Андреич Никитанинг маслаҳатига кўниб, отни у айтган томонга ҳайдай бошлади. Улар шу тахлитда анча юришди. Баъзан ўтлар кўм-кўк сабза бўлиб ётган очиқ жойга чиқиб қолишар ва чана музлаган кесакларга тегиб тақирларди. Баъзан анғизга, баъзан кузги дон экинлари, баъзан баҳори дон экинлари экилган ерлардан ўтишарди, бу ерларда қор остидан шамолда силкинаётган шувоқ ва бугдой майсалари кўриниб турарди; баъзан ҳамма ёқни бир текис қоплаб ётган ошпоқ қалин қор устига чиқиб қолишарди, унинг устида ҳеч нарсa кўринмасди.

Тепадан қор уриб турар, баъзан ердан кўтариларди. От кўринишиндан жуда ҳолдан тойган эди, терга пишганидан юнглари жингалак бўлиб, қиров боғлаб кетган, битта-битта қадам ташлаб борарди. Бирдан у мункиб кетиб, кўлмакками, ариққами чўккалаб қолди. Василий

Андреич отни тўхтатмоқчи бўлган эди, бироқ Никита бақриб:

— Тўхтатманг!— деди.— Тиқилиб қолдикми — чиқиб кетишимиз керак. Чу, жонивор! Чу, чу, жонидан!— деб қичқирди у отга далда берувчи овоз билан; шу чоқ ўзи сакраб чанадан тушган эди, ариққа ботиб қолди.

От бир силтаниб, чанани музлаган ерга тортиб чиқди. Маълум бўлишича, у қазилган ариқ экан.

— Биз қаерга келиб қолдик?— деб сўради Василий Андреич.

— Юраверайлик-чи, кўрамиз!— деб жавоб берди Никита.— Бирон жойдан чиқармиз.

— Ҳов анови Горячкино ўрмоними дейман?— деди Василий Андреич олдиларида қор орасидан қорайиб кўринган бир нарсани кўрсатиб.

— Олдига борайлик-чи, кейин қанақа ўрмонлигини биламиз,— деди Никита.

Никита ўша шарпа қорайиб кўринаётган томондан толнинг қуриган, узунчоқ барглари учиб келаётганини кўргани учун у ўрмон эмас, бирон хонадон бўлса керак, деб ўйлади-ю, лекин буни айтмади. Чиндан ҳам улар ариқдан ўтиб ўн саржин юрар-юрмас олдиларида дарахтлар қорайиб кўрингандек бўлди ва қандайдир ғувиллаган ҳазин овоз эшитилди. Никитанинг тахмини тўғри чиқди: бу ўрмон эмас, балки шохларида яккам-дуккам барглари титраб турган бир нечта баланд тол дарахти эди. Дарахтлар, чамаси, хирмон атрофидаги ариқнинг четига ўтқазилган эди. Шамолда ғувиллаб ҳазин овоз чиқараётган толларнинг олдига келгач, бирдан от олдинги икки оёғини чанадан баланд кўтариб, кейинги оёқлари ёрдами билан тепаликка чиқиб олди-да, чап томонга бурилди ва шундан кейин тиззасидан қор кечиб юрмайдиган бўлди. Бу йўл эди.

— Мана етиб ҳам келдик,— деди Никита,— лекин қаерга келганимизни ўзимиз ҳам билмаймиз.

От қор босган йўлдан тўғри кетди, улар чанада юз метр юрар-юрмас бир бостирманинг узун четан девори қорайиб кўринди. Урилган ғаллани қуритадиган ва янчадиган бу бостирманинг қалин қор босган тоmidан тинмай қор тўкиларди. Бостирма орқада қолгач, йўл шамол ураётган томонга бурилди-ю, улар қортепага дуч келиб қолишди. Аммо олдинда икки уй орасидан кетган тоғ кўча кўринарди, чамаси, шамол қорни шу кўчага уйиб

қўйган, энди ҳар қалай, шу қортепадан ошиб ўтиш керак эди. Чиндан ҳам қортепадан ошиб ўтишгач, улар кўчага чиқишди. Энг четдаги ҳовлида арқонга ёйиб қўйилган, совуқда қотиб қолган битта қизил, битта оқ кўйлак, пайтава ва юбка шамолда қаттиқ силкинарди. Айниқса оқ кўйлак енгларини учириб, жуда қаттиқ пирпирарди.

— Оббо дангаса хотин-ей, байрамда ҳам кирларини йиғиштириб олмабди-я,— деди Никита силкинаётган кўйлақларга қараб.

III

Кўчанинг бошида шамол кучли бўлганидан йўлни қор босган эди, лекин қишлоқнинг ўртасига келганда ҳаво тинч, илиқ ва ёқимли бўла бошлади. Бир ҳовлида ит хурди, иккинчи ҳовлида эса бошига эркақларнинг белбурма камзулини ёпинган бир аёл аллақадан чопиб келди-да, йўловчиларга қараш учун остонада тўхтаб, кейин уйга кириб кетди. Қишлоқнинг ўртасидан қизларнинг ашуласи эшитилди.

Бу қишлоқда, чамаси, шамол ҳам, қор ҳам, совуқ ҳам кам эди.

— Ие, бу Гришкино қишлоғи-ку,— деди Василий Андреич.

— Худди ўзи,— деб жавоб қилди Никита.

Чиндан ҳам бу Гришкино қишлоғи эди. Маълум бўлишича, улар адашиб, чап томонга кетиб қолишибди ва керакли йўл бир ёқда қолиб, бутунлай бошқа йўлдан саккиз чақирим юришибди; лекин ҳар ҳолда мўлжаллаган жойларига бирмунча яқинлашган эдилар. Гришкино қишлоғидан Горячкино қишлоғи беш чақирим келарди.

Улар йўлни давом эттиришар экан, кўчанинг ўртасидан юриб келаётган бир повча одамга дуч келишди.

— Ким у келаётган?— деб қичқирди у одам отнинг жиловидан ушлаб, кейин шу заҳоти Василий Андреични таниб, шотидан ушлаганича чананинг олдига келди-да, ўрнидиққа ўтирди.

Бу Василий Андреичга таниш бўлган, округда биринчи от ўгриси деб ном чиқарган Исай мужик эди.

— Ҳа, Василий Андреич! Йўлингиз бўлсин?— деди Исай ароқ ҳидини Никитага пуфлаб.

— Шундай, Горячкино қишлоғига бормоқчи эдик.
— Йўлни чап солибсизлар-ку! Малахово орқали борсанглар бўларди.

— Борсак бўларди-ю, боролмадик-да,— деди Василий Андреич отни тўхтатиб.

— Яхши от экан,— деб қўйди Исай отни бир кўздан кечириб ва ўрганган одатига кўра, отнинг қалин думи туғиб қўйилган чилвирини қаттиқроқ тортиб.

— Хўш, қалай, энди ётиб қоласизларми?

— Йўқ, биродар, албатта боришимиз керак.

— Зарур бўлгач, илож қанча. Бу ким? Э, Никита Степанич-ку!

— Бўлмаса ким бўларди?— деб жавоб берди Никита.— Энди, биродари азиз, тағин бу ерда адашиб-нетиб ўтирмасак эди.

— Қандай қилиб адашасан! Отни орқага бур, кўчадан тўғри кетавер, кўчанинг бошига чиққанингдан кейин, тўғрига ҳайда, чап томонга юрма, катта йўлга чиққач, кейин ўнгга кетасан.

— Катта йўлнинг қаеридан буриламиз? Ёзгисиданми ёки қишқисиданми?— деб сўради Никита.

— Қишқисидан. Ҳозир, кўчанинг бошига чиқсанг, буталарни кўрасан, унинг қаршисида катта, бир туп дуб дарахти бор, бурилиш худди ўша жойда.

Василий Андреич отни орқага бурди-да, қишлоқ кўчасидан чанани ҳайдаб кетди.

— Яхшиси, ётиб қола қолинглар!— деб бақирди уларнинг орқасидан Исай.

Бироқ Василий Андреич унга жавоб қайтармади ва отни қистай бошлади; беш чақиримдан икки чақирими ўрмон ичидан юриладиган тўғри йўл улар назарида осонгина босиб ўтиладигандек туюларди, яна бунинг устига гўё шамол пасайиб, қор тинаётганга ўхшарди.

Янгигина чана изи тушган ва кўчанинг у ер-бу ерида от гўнги қорайиб кўринган йўлдан орқаларига қайтиб боришар экан, яна кир ёйилган ҳовли олдидан ўтишди, шамол оқ кўйлакни жойидан суриб юборган, тўнғиб қолган бир ени билан арқонда осилиб турарди; улар яна ҳазин ғувиллаб турган тол олдидан ўтиб, очиқ далага чиқиб қолдилар. Чамаси, изғирин пасаймаган, балки баттар қутурган эди. Йўлни бутунлай қор кўмиб ташлаган, шунинг учун адашган-адашмаганикни фақат белгиларга қараб билиш мумкин эди. Бироқ олдиндаги

белгиларни ҳам яхши кўриб бўлмасди, чунки шамол тўғри башарага уриб турарди.

Василий Андреич кўзларини қисар, бошини энгаштириб, белгиларга қарарди, аммо кўпинча отга ишониб, унинг бошини қўйиб юборарди. Ҳақиқатан ҳам от адашмай, оёғи остидаги эгри-бугри йўлни сезиб, гоҳ ўнг, гоҳ чапга бурилиб борарди, чунки қор қалинлашганига ва шамол кучайганига қарамай, белгилар гоҳ йўлнинг ўнг томондан, гоҳ чап томондан кўриниб қоларди.

Шу аҳволда улар ўн минутча йўл юришгандан кейин бирдан отнинг олдида, шамол зўридан қиялаб ёғаётган қалин қор тўри орасида илгарилаб бораётган қандайдир бир қора нарса кўринди. Бу йўловчилар эди. Тўриқ уларга етиб олиб, олдида кетаётган чананинг тахтасига оёғини дўқиллатиб ура бошлади.

— Ёнлаб ўтиб ке-е-ет!— деб қичқиришди чанадагилар.

Василий Андреич ёнлаб ўта бошлади. Чанада уч эркак ва бир аёл бор эди. Афтидан, улар байрамдан қайтаётган меҳмонлар эдилар. Бир мужик отнинг қор босган сағрисига ҳадеб хипчин билан саваламоқда эди. Чананинг олдида ўтирган иккитаси қўлларини силтаб, бир нималар деб қичқирарди. Ураниб олган, ҳамма ёғини оппоқ қор босган аёл чананинг кетида қимирламай, ҳурпайиб ўтирарди.

— Қаерликсизлар?— деб бақирди Василий Андреич.

— А-а-а...лик!— деган товуш эшитилди, холос.

— Қаерликсизлар, деяпман?

— А-а...лик!— деб қичқирди кучининг борича мужиклардан бири, лекин нима деганини аниқ эшитиб бўлмади.

— Чу, бўш келма!— деб бақирди бошқаси ҳадеб хипчин билан отни савалаб.

— Байрамдан келяпсизлар шекилли?

— Ҳа, чу, чу! Бос, Сёмка! Ўзиб кет! Бўш келма!

Чаналар бир-бирига урилиб кетди, оз бўлмаса чалкашиб қолай деди, ажралишгач, мужикларнинг чанаси орқада қола бошлади.

Усти қор, юнглари ҳурпайган қориндор от тинмай урилаётган хипчин зарбидан қутулмоққа жони борича ҳаракат қилгандай, қалин қорда оёқлари билан ҳар ёққа қор сачратиб, пастак дўға остида оғир нафас олиб,

каловланиб борарди. Унинг кўринишидан ёш, балиқни-ки сингари таранг, пастки лаби кенгайиб кетган, бурун катаклари ва қўрқанидан қулоқлари диккайиб турган башараси бир дақиқа Никитанинг елкасига тегай-тегай деб турди-да, кейин орқада қолиб кетди.

— Ана винонинг касофати,— деди Никита.— Отни ўлар ҳолатга етказишди. Ёввойилар!

Ҳолдан тойган отнинг пишқириши ва мужикларнинг маст қийқириқлари бирмунча вақт эшитилиб турди, кейин пишқириш овози пасайиб, қийқириқлар ҳам эшитилмай қолди. Атроф-теварак яна илгаригидай жим бўлиб қолди, бу жимликни фақат қулоқ остида ғувиллаган шамолу, аҳёнда чана дўнг жойдан ўтганда қўшқоракларнинг енгил ғижирлаши бузар эди.

Бу учрашув Василий Андреичнинг кайфини чоғ қилди ва юрагига далда берди, шунинг учун у белги қозиқларга қараб ўтирмай, қўрқмасдан отни ўз ихтиёрига қўйиб, ҳайдай бошлади.

Никита қиладиган иши бўлмаганидан пинакка кетган эди, у одатига кўра, ана шундай бекорчилик пайтларида, кўп чала қолган уйқуларининг ҳиссасини чиқариб олар эди. Бирдан от тўхтаб қолди-ю, Никита қалқиб, оз бўлмаса муккасидан йиқилаёзди.

— Биз яна нотўғри йўлдан кетяпмиз-ку,— деди Василий Андреич.

— Нега?

— Белгилар кўринмаяпти. Яна адашганга ўхшаймиз.

— Адашган бўлсак, қидириш керак,— деди гапни қисқа қилиб Никита ва ўрнидан турди-да, чалиш оёқларини енгил кўтариб босиб, қор кечиб кетди.

У дам кўздан ғойиб бўлиб, дам яна кўзга кўриниб, анча вақтгача юрди-да, ниҳоят қайтиб келди.

— Бу ерда йўл йўқ, балки олдинроқдадир,— деди у чанага ўтира туриб.

Анчагина қоронғи тушиб қолган эди. Изғирин на кучаймай, на сусаймай бир хил эсиб турарди.

— Лоақал анави мужикларнинг овози ҳам эшитилмайди,— деди Василий Андреич.

— Ҳа, қувиб етишолмади, жуда узоқ кетиб қолганга ўхшаймиз. Балки улар ҳам адашиб қолишгандир,— деди Никита.

— Энди қаёққа юрдик?— деб сўради Василий Андреич.

— Отни ўз ҳолига қўйиб юбориш керак,— деди Никита.— Ўзи олиб боради. Тизгинни беринг.

Василий Андреич тизгинни жон деб унинг қўлига тутқазди, чунки иссиқ қўлқоп кийган бўлишига қарамай, қўллари совқота бршлаган эди.

Никита тизгинни олди-да, уни қимирлатмасликка ҳаракат қилиб, яхши кўрган отининг ақллилигидан хурсанд бўлган ҳолда, фақат қўлида ушлаб борди. Ҳақиқатан ҳам ақлли, зийрак от дам у томонга, дам бу томонга гоҳ у, гоҳ бу қулоғини тутиб, бурила бошлади.

— Фақат гапирмайди, ҳолос!— деди Никита.— Қаранг, билипти! Юравер, билиб юравер! Шундай, балли.

Шамол орқага ура бошлади, бир оз исигандек бўлишди.

— Жуда ақлли-да,— деб давом этди Никита отдан мамнун бўлиб.— Қирғиз кучлик-ку, лекин аҳмоқ. Буни қаранг, қулоқлари билан нима қиляпганига бир қаранг. Ҳеч қанақа телеграфнинг кераги йўқ, бир чақирим олисдан сезади.

Чиндан ҳам ҳали ярим соат юрмаёқ олдинда: ўрмонми, қишлоқми, ишқилиб, бир нарса қорайгандек бўлди ва ўнг томонда яна белгилар кўринди. Улар, чамаси яна йўлга чиққан эдилар.

— Ия, яна Гришкинога келибмиз-ку,— деб юборди бирдан Никита.

Ҳақиқатан, энди ўша томондан қор бўралаб турган бостирма уларнинг чап қўл томонида қолган эди, кейин яна ўша арқонга ёйиб қўйилган ва шамолда қаттиқ силкиниб турган қўйлақлар, пайтавалар кўринди.

Яна улар бояги кўчага кирдилар, яна шамол пасайиб, ҳаво бир оз исигандай, тана яйрагандай бўлди, яна ўша от гўнги ётган йўл кўринди, яна ашула, ғовур-ғувур овозлар эшитилди, яна итлар ҳура бошлади. Анчагина қоронғи тушиб қолганидан, баъзи уйларнинг деразаларидан чироқ ёруғи кўриниб турарди.

Чана кўчанинг ўртасига келганда Василий Андреич отни деворлари икки қатор ғиштдан ишланган уй томонга бурди-да, уйга кираверишдаги зинапой олдида тўхтатди.

Никита ойналарига қор ёпишган ва чироқ ёруғида қорлар ялтираб кўринган дераза олдида келди-да, уни қамчи дастаси билан тақиллатди.

— Қим у?— деган овоз эшитилди.

— Крести қишлоғидан, Брехуновлар, биродари

азиз,— деб жавоб берди Никита.— Бирпасга бу ёққа қаранг!

Дераза олдидан нари кетишди, орадан икки минутча ўтгач, даҳлиз эшиги ғичирлаб очилди, кейин ташқари эшикнинг лўкидони шиқирлади, шундан кейин шамол очиб юбормаслиги учун бир қўли билан эшикни ушлаган ҳолда оҳорли оқ кўйлак, устидан елкасига калта пўстин ташлаган новча, оппоқ соқолли чол эшикдан бошини чиқарди, унинг кетидан эса, қизил кўйлак ва чарм этик кийган бир йигит кўринди.

— Андреич, сенмисан?— деди чол.

— Ҳа, адашиб қолдик, биродар,— деди Василий Андреич,— Горячкино қишлоғига бормоқчи эдик, бу ерга келиб қолибмиз, яна ўша ёққа йўл олган эдик, яна адашиб бу ерга келиб қолдик.

— Тоза адашибсизлар-ку,— деди чол.— Петрушка, бор, дарвозани оч!— деди у қизил кўйлакли йигитга қараб.

— Хўп бўлади,— деб жавоб берди йигит қувноқлик билан ва даҳлизга қараб югуриб кетди.

— Э, биродар, овора бўлма, ётиб қолмаймиз,— деди Василий Андреич.

— Бемаҳалда қаёққа борасан, ётиб қол!

— Жон деб ётиб қолар эдим-ку, аммо бориш керак. Зарур иш бор, биродар, бўлмайди.

— Жилла қурса, чой ичиб, исиниб ол,— деди чол.

— Исиниб олиш бошқа гап,— деди Василий Андреич,— қоронғига қолмаймиз, ой чиқса, ёруғ бўлиб кетади. Нима қиламиз, Никита, кириб исиниб оламизми?

— Нима ҳам дердик, исинсак исинавера-миз-да,— деди Никита; у жуда совқотган, бирон иссиқ жойда яхшилаб исиниб олишни жуда хоҳлаб турган эди.

Василий Андреич чол билан бирга уйга кирди, Никита эса отни Петрушка очган дарвозадан етаклаб, унинг кўрсатишига мувофиқ, саройнинг бостирмаси остига олиб борди. Саройда гўнгу уюлиб, музлаб қолган эди, шу сабабли баланд дўга товуқларнинг қўноғига тегиб кетди. Қўноқдаги товуқлар билан хўроз норозилик билдиргандай қуқуқлаша бошлади. Ҳуркиб кетган қўйлар музлаган гўнгу устида туёқларини дукурлатиб, бир чеккага қочишди, бегона одам келганини сезган ит эса, ҳам қўрқиб, ҳам жони жаҳди билан унга қараб акиллай бошлади.

Никита уларнинг ҳаммаси билан гаплаша кетди: то-

вуқлардан узр сўраб, энди бундан кейин сизларни бевозта қилмайман, деб уларни тинчитди, қўйларни койиб, нега мунча қўрқасизлар, нимадан қўрққанинглари ўзинглар билмайсизлар, деб қўйди; отни боғлай туриб, итга кўп насиҳат қилди.

— Ана, ишлар бундай бўпти,— деди у устидан қорларни қоқар экан.— Акиллашингни қара-я!— деб қўшиб қўйди ва итга қараб.— Бас қил! Бас дейман сенга аҳмоқ. Ўзингга жабр қиласан, холос. Келганлар ўғри эмас, ошналар...

— Булар, китобда айтилишича, учта уй маслаҳатчилари,— деди йигит ташқарида қолган чанани кучли қўли билан бостирма остига тортиб қўяр экан.

— Маслаҳатчи деганинг нимаси?— деб сўради Никита.

— Пульсон шундай деб ёзган-да: уйга ўғри кирса ит ҳуради — демак, ғафлат босмасин, кўзингни оч, дегани бўлади. Хўроз қичқирдими — демак туриш керак. Мушук юзини ювса — азиз меҳмон келади, дегани бўлади, демак уни кутишга тайёргарлик кўриш керак,— деди йигит илжайиб.

Петруха хат-саводли йигит эди, у бисотида бўлган биттаю битта Паульсоннинг китобини деярли ёд билар ва бугунгидек бир оз ичиб олган пайтларида ундаги ибратли сўзларни ўрнида ишлатиб қолишни яхши кўрар эди.

— Жуда тўғри гап,— деди Никита.

— Амаки, роса совқотгандирсиз дейман-а?— деб қўшиб қўйди Петруха.

— Ҳа, оз-моз,— деди Никита, сўнг улар ҳовли, даҳлиздан ўтиб, уйга кирдилар.

IV

Василий Андреич кириб борган уй қишлоқдаги энг бадавлат хонадонлардан бири эди. Оиланинг беш чек ери бўлиб, бундан ташқари яна у четдан ижарага ер олиб экин экар эди. Қўрғонда олтига от, уч сигир, икки ғунажин, йигирмага яқин қўй бор эди. Бу хонадонда жами бўлиб йигирма икки жон: уйланган тўрт ўғил, олти набира (булардан уйлангани фақат Петруха эди), икки чевара, уч етимча ва тўрт келин бола-чақалари билан турар эди. Бу ҳали ажралмай яхлитлигича қолган камдан-кам оилалардан бири эди; лекин бу уйда ҳам ҳам-

ша хотин-халаж орасида бошланадиган киши билмас, ички жанжал бошланган эдики, бу жанжал яқин орада оилани албатта бўлинишга олиб келиши турган гап эди. Икки ўғил Москвада мешкоблик қиларди, бир ўғил аскарлик хизматида эди. Ҳозир уйда чол, кампир, рўзгор тебратадиган иккинчи ўғил, Москвадан байрамга келган тўнғич ўғил ва бутун хотин-халажу болалар, булардан ташқари, яна бир меҳмон — чолнинг қўшни ошнаси бор эди.

Уйда, столнинг тепасида шипга осиб қўйилган қалпоқли лампа стол устидаги чой идишларини, ичида ароғи бор шишани, овқатларни, уйнинг ғишт деворлари билан бурчакдаги осиглиқ турган иконаларни ва уларнинг икки томонидаги суратларни равшан ёритиб турарди. Стол ёнида, энг тўрда қора калта пўстинида қолиб, музлаган мўйловларини сўрган ҳолда, чақчайган, қирғийникидек ўткир кўзлари билан одамларни ва уйни кўздан кечириб Василий Андреич ўтирарди. Василий Андреичдан ташқари, стол атрофида хонаки оқ сурп кўйлак кийган, боши ялтироқ, оқ соқол чол — уй эгаси, унинг ёнида юпка чит кўйлак кийган, елкадор, бақувват йигит — чолнинг Москвадан ҳайитга келган ўғли, уйда рўзгорга қарайдиган яна бир кенг яғринли ўғли ҳамда қотмадан келган сариқ мужик қўшниси ўтирар эди.

Мужиклар ароқ ичишиб, овқат еб бўлишгач, энди чой ичмоқчи бўлишганда, печка олдидаги самовар ҳам шиғиллаб қолган эди. Сўрида ва печь устида ёш болалар кўринарди. Тахта каравот устида бир аёл беланчак тебратиб ўтирарди. Юзларини, ҳатто лабларини ҳам қатқат ажин босган кампир — уй бекаси, Василий Андреичга мулозамат қилмоқда эди.

Никита уйга кириб келган вақтда кампир қалин станканчага ароқ қуйиб, уни меҳмонга тутаетган эди.

— Айбга қўшмайсан, Василий Андреич, ичмасанг бўлмайди, қутлаш керак, — деди кампир. — Ичиб юбор, азизим.

Ароқнинг ҳиди, айниқса ҳозир Никита совқотиб ва ҳолдан тойиб турган пайтда уни қаттиқ ҳаяжонга солди. У қовоғини солиб, қулоқчин ва чакмонининг қорини қоқди-да, икона қаршисида туриб, гўё ҳеч кимни кўрмагандек уч марта чўқинди ва иконаларга таъзим қилди, кейин уй эгаси — чолга қараб, аввал унга таъзим қилди, сўнгра стол атрофида ўтирганларга, кейин печь олдида

турган хотинларга қараб бир-бир таъзим қилиб чиқди ва: «Байрамингиз муборак», деди-да, стол устига қарамай, чакмонини еча бошлади.

— Амаки, роса қиров боғлабсан-ку, — деди катта ака Никитанинг қорли юз-кўзи ва соқолига қараб.

Никита чакмонини ечиб, уни яна бир марта қоқди ва печь ёнига илиб, стол олдида келди. Унга ҳам ароқ тутишди. У бир дақиқа иккиланиб қолди: оз бўлмаса стаканни қўлига олиб, яхши ҳид келиб турган тиниқ ароқни қулт этиб ютиб юбормоқчи бўлди-ю, лекин Василий Андреичга қараб, ичган қасами, сотиб ичган этиги, бочкасос, кўкламда от сотиб олиб бермоқчи бўлган ўғли эсига тушиб, бир хўрсинди-да, стаканни олишдан бош тортди.

— Ичмайман, кўпдан-кўп раҳмат, — деди у қовоғини солиб, кейин иккинчи дераза олдида турган курсига бориб ўтирди.

— Нега ичмайсан? — деди катта ака.

— Ичмайман дегандан кейин ичмайман-да, — деди Никита унга қарамай, сийрак мўйлови ва соқолидаги эриётган музларга кўз қирини ташлаб.

— Унга тўғри келмайди, — деди Василий Андреич стакандаги ароқни ичгач, орқасидан тешиккулча еятуриб.

— Бўлмаса, чой ичгин, — деди ширинсўз кампир, — тоза совқотган бўлсанг керак, онанг гиргиттон. Ҳой, хотинлар, самоваринглар мунча кечикиб кетди?

— Қайнади, — деб жавоб қилди кичкина келин ва суви тошиб кетаётган самоварнинг буғини елпиб, уни зўрға кўтариб келди-да, дўқ этиб стол устига қўйди.

Бу орада Василий Андреич қандай қилиб йўлдан адашганликларини, қандай қилиб шу қишлоққа икки марта келиб қолганликларини, мастларни учратганликларини сўзлаб берди. Уй эгалари ҳайрон бўлишди ва қаерда, нима учун адашганликларини, улар учратган мастларнинг ким эканликларини тушунтиришиб, у ёққа қандай бориш кераклигини ўргатишди.

— Бу ердан Молчановкани кичкина бола ҳам топиб бора олади, фақат катта йўлдан буриладиган жойни билса бас, ўша ерда буталар бор. Сизлар буталарга етмасдан бурилгансиз! — деди қўшни.

— Яхшиси, этиб қола қолинглар. Сизларга жой солиб беришади, — деб меҳрибонлик қила бошлади кампир.

— Эрталаб туриб кетаверардинглар, кўнгилдагидек

иш бўларди,— деди чол кампирининг гапини маъқул-
лаб.

— Йўқ, биродар, бўлмайди, зарур иш бор!— деди Ва-
силий Андреич.— Бир соат вақтни қўлдан бой берсанг,
кейин бир йилда ҳам қўлга киритолмайсан,— деб қўшиб
қўйди у ўрмонни ва унинг савдосини бузиши мумкин
бўлган савдогарларни хаёлидан ўтказар экан.— Қандай
бўлса ҳам етиб борамиз-а?— деди у Никитага қараб.

Никита ҳамон соқол-мўйловларидаги музнинг эриши-
га маҳлиё бўлиб ўтиргандай анчагача индамади. Кейин:
— Яна адашиб қолмасак эди,— деди хафалик билан.

Никита шунинг учун хафа эдики, унинг жуда ароқ
ичгиси келган ва бу истакни фақат чой ичиш билан бо-
сиш мумкин эди-ю, аммо ҳали ҳам унга чой беришмаган
эди.

— Бурилишгача етиб олсак бўлди-да, кейин адаш-
маймиз; ўрмон ичидан юриб манзилга етиб оламиз,—
деди Василий Андреич.

— Ихтиёр ўзингизда, Василий Андреич; кетсак кета-
верамиз,— деди Никита узатилган стакандаги чойни ола
туриб.

— Чойни ичиб бўлиб, жўнаймиз.

Никита индамай фақат бошини қимирлатиб қўйди ва
чойни талинкага қўйиб, кўп ишлаганидан доим шишиб
юрадиган бармоқларини буғда исита бошлади. Кейин
қандан бир тишлаб, уй хўжаларига таъзим қил-
ди-да:

— Саломат бўлинглар,— деб чойни ҳўплай бошлади.

— Бир одам бурилишгача кузатиб қўйса, жуда яхши
бўларди-я,— деди Василий Андреич.

— Нега бўлмасин, бўлади,— деди катта ўғил.— Пет-
руха чана қўшиб бурилишгача кузатиб қўяди.

— Бўлмаса бориб қўшавер, оғайни, яхшилигингни
унутмайман.

— Қўй, ундай дема, сухсурим!— деди ширинсўз кам-
пир.— Биз астойдил хурсандмиз.

— Петруха, бор, бияни чанага қўш,— деди катта ака.

— Хўп бўлади,— деди илжайиб Петруха ва шу заҳо-
ти михдан шапкасини олиб, югурганча чана қўшгани
кетди.

Отларни чанага қўшиб бўлгунча, улар Василий
Андреич дераза олдига келган вақтда бўлиниб қолган
суҳбатга ўтишди. Чол оқсоқол қўшнисига, ҳайитда унга

ҳеч нарса юбормай, хотинига фаранг рўмол юборган
учинчи ўғлидан шикоят қилаётган эди.

— Ёшлар катталарнинг гапини менсимайдиган бўлиб
кетишяпти,— деди чол.

— Менсимаслик ҳам гапми,— деди қўшни ошнаси,—
ҳеч йўлга солиб бўлмай қолди! Жуда ақлли бўлиб кетиш-
ганга ўхшайди. Анави, Демочкиннинг ўғли бор-ку, уриб
отасининг қўлини синдирибди. Бу ҳам ақли кўпайиб кет-
гандан бўлса керак-да.

Никита уларнинг юзига тикилиб, гапга қулоқ солиб
ўтирарди, афтидан, у ҳам суҳбатга қўшилмоқчи эди-ю,
лекин маза қилиб чой ичаётгани учун фақат маъқуллаб,
бошини қимирлатиб қўя қолди. У стаканни тез-тез бў-
шатиб турар экан, тобора исиб, яйрай бошлади. Суҳбат
анча чўзилди, улар фақат бир нарса ҳақида, яъни оила-
нинг бўлиниб кетишининг зарари ҳақида гаплашишди.
Мазмуни, бу шунчаки умумий гап эмас, балки шу уйдаги
бўлинишга, яъни шу ерда қовоғини солиб, индамай ўтир-
ган иккинчи ўғилнинг ажралиб чиқмоқчи бўлаётганига
тааллуқли гап эди. Бу чамаси, уйдагиларнинг ҳаммаси-
нинг фикрини банд қилган энг нозик масала эди-ю, бироқ
улар одоб юзасидан бегоналар ҳузурда ўзларининг
хусусий ишларини муҳокама қилишни тўхтатиб қўйган
эдилар. Аммо охири чол чидаёлмай йиғламсираган овоз-
да: «Ҳозирча тирик эканман, ажралишга рухсат бермай-
ман, худога шукур, уй-жойим тўкис, ажратсам ҳамма
нарса хонавайрон бўлади»,— деди.

— Мана, мисол учун Матвеевларни олинг,— деди
қўшниси,— мақташга арзийдиган ҳақиқий хонадон эди,
ажралишгач, ҳеч ким ҳеч нарсага эга бўлмай қолди.

— Сен ҳам шундай бўлишни истаётгандирсан,— деди
чол ўғлига қараб.

Ўғли ҳеч нима демади, орага ўнғайсиз жимлик чўкди.
Бу жимликни аллақачон отни чанага қўшиб, бундан бир
оз илгари уйга кириб келган ва гапларни эшитиб илжа-
йиб турган Петруха бузди.

— Пульсоннинг китобида ҳам худди шунақа масал
бор,— деди у.— Отаси ўғилларига бир боғ супурги бе-
риб, синдиришлар, деган экан, синдиришолмабди, бит-
тадан чўпини ажратишган экан, оппа-осон синибди. Бу
ҳам худди шунга ўхшайди,— деди у илжайиб. Кейин:—
Чаналар тайёр!— деб қўшиб қўйди.

— Тайёр бўлса, жўнаймиз,— деди Василий Андре-

ич.— Бўлиниш масаласига келганда, отахон, сира бўш келма. Мол-мулкни сен топгансан, сен хўжайинсан. Судга бер. У қонун-қондасини кўрсатади.

— Шундай ғайирлик қилади, шундай ғайирлик қиладики, асти қўяверасан,— деди чол йиғламсираган овозда ҳамон ўз дардини айтиб,— қани энди уни сира гапга кўндириб бўлса. Худди шайтонга айланиб қолганга ўхшайди!

Бу орада Никита беш стакан чой ичиб, яна бир стакан бўлса йўқ демас эдим, деган умидда стаканни тўнтариб қўймай, ётқизиб қўйди. Бироқ самоварнинг суви тамом бўлгани учун бека унга чой қўйиб бермади, бундан ташқари, Василий Андреич ҳам кийимини кийиш учун ўрнидан туриб қолди. Никита ҳам чор-ночор ўрнидан турди, қўлидаги ҳар томони тишланган бир бўлак қандни яна қанддонга қўйиб, этагининг бари билан терлаб кетган юзини артди-да, чакмонини кийгани кетди.

Чакмонини кийиб бўлгач, у оғир тин олди, кейин уй эгаларига миннатдорлик билдириб, улар билан хайрлашди-да, иссиқ, ёруғ меҳмонхонадан қоп-қоронғи, изғирин шамол гувиллаб ураётган, эшигининг тирқишидан қор кираётган даҳлизга ва у ердан қоп-қоронғи ҳовлига чиқди.

Пўстин кийиб олган Петруха отини ушлаб ҳовлининг ўртасида турар ва илжайиб, Паульсоннинг китобидан ёд олган шеърларини ўқирди: «Бўрон, зулмат осмонни тутар, қор учқуни айланар қуюн; дам ҳайвондай бўкириб ўтар, дам гўдакдек йиғлоқи бир ун».

Никита унинг айтганларини маъқуллаб бошини ирғар ва тизгинларни тўғрилар эди.

Чол Василий Андреични кузатиб, унинг йўлини ёритиш учун даҳлизга фонус кўтариб чиққан эди, шамол шу заҳоти уни ўчириб қўйди. Қорнинг бўралаши кучайиб кетганини ҳатто ҳовлида туриб ҳам билиш мумкин эди.

«Оббо, ҳавонинг авзойи бузилибди-ку,— деб ўйлади Василий Андреич.— Етиб олиш ҳам амри маҳолга ўхшаб қолди, йўқ, бормасам бўлмайди, бу кечиктирадиган иш эмас! Бунинг устига, ўрнимдан туриб қўйдим, хўжайин ҳам от қўштириб қўйди. Худо хоҳласа, етиб борамиз!»

Уй эгаси — чол ҳам кетмай ётиб қола қолинлар деб, анча ёлворди-ю, лекин Василий Андреич унинг гапига унамади. Шундан сўнг чол ортиқча қистамади. «Эҳтимол, мен қариб қолганим учун шундай қўрқоқлик қилаётган-

дирман, етиб боришса ҳам ажаб эмас,— деб ўйлади у.— Қайта вақтида ётиб ухлаймиз. Ортиқча ташвишга ҳам қолмаймиз».

Петруха эса хавф-хатар тўғрисида ўйламасди ҳам чунки у йўлнинг бутун паст-баландликларини беш бармоғидай биларди ва бундан ташқари «Қор учқуни айланар қуюн» деган шеър худди ташқарида бўлаётган ҳолатни ифодалаётгандек уни руҳлантириб юборган эди. Никитанинг бўлса кетишга сира хоҳиши йўқ эди-ю, лекин у кўпдан бери ўз эркига эга бўлмай, ўзгалар хизматини қилишга одатланиб қолгани учун ҳеч нима деёлмади; шундай қилиб, жўнаб кетувчиларни ҳеч ким тўхтатиб қололмади.

V

Василий Андреич қоронғида чананинг қаерда турганини яхши кўрмай, пайпасланиб, аранг олди-да, унга ўтириб, тизгинни қўлига олди ва:

— Қани, юрдик!— деб қичқирди.

Петруха ўриндиғи йўқ паст чанага чўккалаб туриб олиб, отининг бошини қўйиб юборди. Олдида бия турганини сезиб, ҳадеб кишнаётган Тўриқ, бия юриб кетганини сезиб, унинг орқасидан интилди, улар кўчага чиқишди. Яна бояги йўл, бояги кўчадан кетишди, музлаган кирлар ёйиғлиқ ҳовли олдидан ўтишди, аммо ҳозир кирлар кўринмади; яна ўша бостирма кўринди, уни ҳозир деярли томигача қор босиб кетган эди, томидан шувиллаб қор тушиб турарди; яна ўша ҳазин овоз билан гувиллаб, ҳуштак чалаётган ва шамолдан эгилаётган толлар ёнидан ўтиб, яна қуюндек айланаётган қор денгизига чиқдилар. Шамол шу қадар кучли эдики, у ёндан ургани учун чанадагилар унга орқаларини ўгириб олганларида, чанани ёнга суриб, отни четга гандираклатиб юборар эди. Петруха йўрға биясини лўкиллаб, олдинда бардам қичқириб борарди. Тўриқ эса биянинг ортидан интиларди.

Шу тариқа ўн минутча йўл юргач, Петруха орқасига қараб бир нима деб қичқирди. Василий Андреич ҳам, Никита ҳам шамолдан унинг нима деб қичқирганини эшитишмади, аммо лекин фараз қилиб, бурилишга келган бўлсак керак, деб ўйлашди. Ҳақиқатан ҳам Петруха

отни ўнг томонга бурди, шунда ёндан ураётган шамол юзга ура бошлади, ўнг томонда, қор орасидан эса, бир нима қорайиб кўринди. Бу бурилишдаги буталар эди.

— Хайр энди, худо ёр бўлсин!

— Раҳмат, Петруха!

— Бўрон, зулмат осмонни тутар!— деб қичқирди Петруха ва кўздан ғойиб бўлди.

— Оббо, шоир-эй,— деди Василий Андреич ва отга тизгин тегизиб қўйди.

— Ҳа, яхши йигит, ҳақиқий мужик экан,— деди Никита.

Шундан кейин улар ўзлари кетаверишди.

Никита уйда чой ичиб ўтирганда ичига кирган иссиқни чиқариб юбормасликка ҳаракат қилиб, пўстинига бурканган ва бошини елкасига қисган ҳолда жим борарди; у елкасини қаттиқ қисиб олганидан унинг калта соқоли бўйнига ёпишиб турарди. У олдинда тўғри йўлга ўхшаб кўриниб, уни алдаётган чананинг икки шотисини, отнинг қимирлаётган орқаси билан шамол бир томонга учираётган тугуғлиқ думини ва яна, ундан ҳам олдинда, баланд дўғани, отнинг тебранаётган боши ва ҳилпираётган ёлини кўрарди. Ҳар замонда унинг кўзига йўлнинг икки четидаги нишон қоziқлар кўриниб қолар, шу туфайли у йўлдан кетаётганликларини биларди. Демак, ҳозирча унинг қиладиган иши йўқ эди.

Василий Андреич отни ўз ихтиёрига қўйиб борарди. Лекин Тўриқ қишлоқда дам олиб олганига қарамай, истар-истамас йўртар, гўё йўлдан чиқиб бораётганга ўхшарди, шу сабабдан Василий Андреич уни бир неча марта йўлга солиб қўйди.

«Мана, ўнг томонда битта қоziқ, мана иккинчиси, мана учинчиси,— деб санади Василий Андреич,— мана олдинда ўрмон ҳам кўриниб қолди»,— деб ўйлади у, олдида қорайиб кўринган бир нимага тикилиб. Аммо ўрмонга ўхшаб кўринган нарса фақат буталар экан, холос. Бу буталар ҳам орқада қолди, кейин яна йигирма саржинча йўл юришди — тўртинчи қоziқ ҳам, ўрмон ҳам кўринмади.

«Ҳозир ўрмон келиши керак»,—деб ўйлади Василий Андреич ва ароқ билан чойнинг кайфидан дадилланиб отни тўхтатмай, аксинча, тизгинни силтаб, унга далда берди; шундан сўнг итоатгўй жонивор от гарчи керакли томон қолиб, бутунлай бошқа томонга ҳайдаётганларини билиб турган бўлса-да, эгасига бўйсуниб, гоҳ лўкиллаб,

гоҳ йўртиб, ҳайдаётган томонга қараб чопа бошлади. Ун минутча шу тариқа йўл юришса ҳам, аммо ҳамон ўрмон кўринмасди.

— Яна адашганга ўхшаймиз-ку!— деди Василий Андреич отни тўхтатиб.

Никита индамай чанадан тушди-да, шамолдан гоҳ танасига ёпишиб, гоҳ қайрилиб ва устидан тушиб кетаётган чакмонини ушлаб, йўл ахтариб кетди; у қор кечиб аввал бир томонга, кейин иккинчи томонга борди. Уч мартача бутунлай кўзга кўринмай кетди. Ниҳоят қайтиб келди-да, Василий Андреичнинг қўлидан тизгинни олди.

— Унга юриш керак,— деди у қатъий равишда отни бураар экан.

— Ҳай, ўнгга бўлса, ўнгга-да,— деди Василий Андреич тизгинни бериб ва совқотган қўлларини қўлқопга тикиб.

Никита индамади.

— Қани, ошнажон, бир кучингни кўрсат!— деб қичқирди у отга қараб; бироқ от тизгин силкитиб қўйилганига қарамай, битта-битта қадам ташлаб борарди.

Қор баъзи жойларда тиззадан келарди, шунинг учун от ҳар қадам ташлаганда чана сапчиб кетарди.

Никита чананинг олдида осилиб турган қамчини олиб, отга бир қамчи урди. Қамчи еб ўрганмаган тулпор бир силтаниб йўртиб кетди, аммо сал юрмай яна лўкиллаб, қадамга ўтди. Шу тариқа беш минутча юришди. Атроф шу қадар қоронғи ва қор шу қадар гирдикапалак бўлиб айланар эдики, ҳатто баъзан дўғани ҳам кўриб бўлмасди. Баъзан чана қимирламай бир жойда турганга ўхшар, дала орқага кетаётгандек туюларди. Бирдан от олдинда бир нарсани сезгандай таққа тўхтаб қолди. Никита тизгинни қўйиб, яна чанадан диқ этиб тушди-да, нега тўхтаб қолганини билиш учун отнинг олдига ўтди; у отнинг олдига ўтиб, энди бир қадам босмоқчи бўлган эди, тийганиб, қандайдир жарликка думалаб кетди.

— Ҳай, ҳай, ҳай,— деди у ўзига-ўзи думалаб борар экан, ўзини тўхтатишга ҳаракат қилиб; аммо бўлмади, ниҳоят, жарликдаги қалин қорни оёғи билан ўйиб кириб тўхтади.

Жар ёқасида осилиб турган қор уюми Никита йиқилиши билан кўчиб, унинг устига ағдарилди, шунда ёқасидан бўйнига қор тушди...

— Ҳали шунақамисан!— деди Никита ўпкалаган

оҳангда қор уюмига ва жарга қараб, бўйнига тушган қорларни қоқа туриб.

— Никита, ҳой Никит!— деб қичқирди Василий Андреич тепадан туриб.

Аммо Никита овоз бермади.

Унинг фурсати йўқ эди: у устидаги қорларни қоқиб бўлиб, жарга думалаган вақтида, қўлидан тушиб кетган қамчини ахтараётган эди. Қамчини топгач, у думалаб тушган жойидан яна қайтиб чиқмоқчи бўлган эди, аммо чиқишнинг иложи бўлмади: ҳадеб орқасига сирғаниб кетаверди; шунинг учун жар ичида юриб, тепага чиқадиган жой қидиришга мажбур бўлди. Думалаб тушган еридан етти-саккиз қадамча нари бориб, эмаклаб аранг тепаликка чиқиб олди-да, жар ёқаси билан от турган жойга томон юра бошлади. От билан чана кўринмасди; бироқ у шамолга қарши бораётгани учун от билан чана ни кўришдан олдин, Василий Андреичнинг қичқириб, Тўриқнинг эса, кишнаб уни чақирган овозини эшитиб қолди.

— Келяпман, келяпман, мунча кишнайсан!— деди у.

Чананинг худди олдигинасига етиб келган пайтдагина у отни ва отнинг ёнида турган Василий Андреични кўрди; Василий Андреич жуда баҳайбат кўринарди.

— Қайси жаҳаннамга йўқолиб кетдинг? Орқага юриш керак. Гришкинога қайтсак ҳам майли,— деди жаҳл билан хўжайин Никитага.

— Жон деб қайтар эдик-а, Василий Андреич, лекин қаёққа юрамиз? Бу ерда шундай чуқур жар бор эканки, тушсанг, сира ҳам чиқолмайсан. Мен ўшаққа думалаб кетиб, аранг чиқиб олдим.

— Хўш, нима қиламиз, шу ерда туравермаймиз-ку? Ахир бир ёққа кетишимиз керак-да,— деди Василий Андреич.

Никита ҳеч нима деб жавоб қайтармади. У шамолга орқасини ўгириб, чанага ўтирди-да, этикларини ечиб, ичига тушган қорларни қоқиб ташлади ва похол олиб, уни чап этигининг ичидан тешигига яхшилаб тиқиб қўйди.

Василий Андреич бутун ихтиёрини Никитага топширгандек жим ўтирарди. Никита этикларини кийиб бўлгач, оёқларини чанага олди, яна қўлқопини кийиб, тизгинни қўлига ушлади-да, отни жар ёқасидан буриб ҳайдай бошлади. Лекин яна юз қадам юрар-юрмас, от оёғини

тираб туриб олди. У яна жарлик ёқасига келиб қолган эди.

Никита яна чанадан тушиб, яна қор кечиб кетди. У узоқ юрди. Ниҳоят кетган томонининг қаршисидан келиб қолди.

— Андреич, бормисиз?— деб қичқирди у.

— Борман!— дея овоз берди Василий Андреич.— Хўш, қалай?

— Ҳеч билиб бўлмаяпти. Қоронғи, қандайдир жарликлар бор. Яна шамолга қарши юриш керакка ўхшайди.

Яна юришди, Никита яна қор кечиб йўл ахтаргани кетди. Яна чанага ўтирди, яна тушиб, қор кечиб кетди ва ниҳоят, ҳаллослаб чана олдига келиб тўхтади.

— Хўш, қалай?— деб сўради Василий Андреич.

— Нима бўларди, жуда чарчадим! От ҳам юрмаяпти.

— Хўш, энди нима қилиш керак?

— Қани, яна бирпас тура турунг-чи.

Никита яна кетди ва тезда қайтиб келди.

— Орқамдан юр,— деди у отга, олдидан келиб.

Василий Андреич энди ҳеч нима деб буйруқ бермас, балки Никита нима деса, итоаткорлик билан шуни қилар эди.

— Юр, орқамдан!— деб қичқирди Никита, отнинг жиловидан ушлаб ва тезлик билан ўнг томонга силжиб; у отни қаёққадир пастликдаги қор уюмига етаклади.

От олдинига оёғини тираб туриб олди, аммо кейин қор уюмидан сакраб ўтмоқчи бўлиб бир интилган эди, кучи келмай бўйинчасига қадар қорга ботиб қолди.

— Чанадан тушинг!— деб қичқирди Никита ҳамон миқ этмай ўтирган Василий Андреичга; кейин отнинг ёнига келиб шотининг бир ёғидан ушлаб торта бошлади.— Қийин бўлди, оғайни,— деди у Тўриққа қараб,— аммо сира иложи йўқ, бир зўр бермасанг бўлмайди! Ҳа, ҳа, яна оз-моз!— деб қичқирди у.

От бир талпинди, икки талпинди, лекин барибир чиқолмади, гўё бирон чора ўйлаётгандек яна жим туриб қолди.

— Нима бўлди, оғайни, маза йўқ-ку,— деб сазо бера бошлади Никита Тўриққа.— Қани, яна бир зўр бер-чи!

Шундай деб Никита яна ўз томонидаги шотидан торта бошлади; Василий Андреич эса, иккинчи шотини тортишга киришди. От бошини бир силтаб, бирдан бор кучи билан талпина бошлади.

— Ха! Чу! Чиқиб кетдинг!— деб қичқирди Никита.

От бир сакради, иккинчи, учинчи марта сакради ва, ниҳоят, қор ичидан чиқди-да, тўхтаб оғир нафас олиб силкинди. Никита отни етаклаб кетавермоқчи бўлган эди, лекин Василий Андреич иккита пўстинда жуда ҳал-дослаб қолганидан юра олмай, ўзини чанага ташлади.

— Тўхта, бирпас нафасни ростлаб олай,— деди у, қишлоқда пўстинининг ёқасини боғлаб олган рўмолчасини бўшата туриб.

— Бу ёғи унча хавfli эмас, сиз ётаверинг,— деди Никита,— мен аста етаклаб кетавераман,— шундай деб у отни жиловидан ушлаб, ўн қадамча пастлаб борди, кейин сал юқориликка қараб юрди-да, тўхтади.

Никита отни тўхтатган жой шамол тепаликлардан қорни учириб келиб бирпасда уларни бутунлай қор билан кўмиб ташлайдиган пастқам ер эмасди, лекин ҳар қолда жарликнинг ёқаси у жойни қисман шамолдан тўсиб турарди. Бир неча дақиқа шамол пасайгандек бўлди, аммо бу узоққа чўзилмади ва гўё шу бир оз дам олиб олганининг ҳиссасини чиқармоқчи бўлгандек ўн баравар куч билан янада даҳшатлироқ бўрон эсиб, қорларни чирпирак қила бошлади. Шамолнинг бундай қутуриши Василий Андреич нафасини ростлаб бўлгач, чанадан тушиб, энди нима қиламиз, деб маслаҳатлашмоқ учун Никитанинг олдига келган пайтга тўғри келди. Иккови беихтиёр энгашиб қолди-ю, шамолнинг даҳшатли овози пасаймагунча гаплашмади. Тўриқ ҳам норози бўлгандек қулоқларини чимириб, бошини силкиб қўйди. Шамол бир оз пасайгач, Никита қўлқопларини ечиб, уларни белбоғига қистирди-да, қўлларига куҳлаб, дўғанинг қайишини еча бошлади.

— Нима қиялсан?— деб сўради Василий Андреич.

— Отни чанадан чиқаряпман, бошқа нима қилардим? Мадорим қолмади,— деди Никита кечирим сўраётгандек.

— Ахир бирон ёққа юрмаймизми?

— Юрмаймиз, фақат отни қийнаймиз, холос. Ахир бу жонивор ўлардек чарчади-ку,— деди Никита, бўйинини эгиб ҳар нарсага тайёрлигини билдириб турган ва икки биқини терлаб, оғир нафас олаётган отни кўрсатиб.— Тунаш керак,— деб қўшиб қўйди у гўё карвонсаройга келиб қолгандек, сўнг чилвирни еча бошлади.

Дўға бўшаб кетди.

— Совқотиб ўлмаймизми?— деди Василий Андреич.
— Илож қанча? Ўлсак ўлаверамиз — қочиб қутулмаймиз,— деди Никита.

VI

Василий Андреич иккита пўстинда бўлгани учун, айниқса, от қорга ботиб қолганда чананинг бир ёқ шотисидан тортишгандан кейин жуда исиб кетган эди; аммо ҳақиқатан шу ерда тунаб қолиш кераклигини тушунгач, унинг баданига муз югургандай бўлди. У ўзини тинчитиш учун чанага ўтириб ёнидан папирос билан гугурт ола бошлади.

Бу орада Никита отни чанадан чиқараверди. У отнинг қоринбоғини, айилини, тизгинини, бўйинча боғини ечди, дўғани чиқарди ва отга далда бериш учун унга гапира кетди:

— Қани, чиқ, бўл тез,— деди у отни шотидан чиқартуриб.— Мана сени шу ерга боғлаб қўямиз. Оғзингдан сўлиғингни олиб, олдинга похол ташлайман,— деди у айтган гапларини қилиб.— Овқатланиб олганингдан кейин анча яйраб қоласан.

Афтидан, Никитанинг сўзлари Тўриққа таъсир қилмади шекилли, у тинчланмай, безовта бўлаверди: дам у оёғини босиб, дам бу оёғини босиб, шамолга орқасини ўгириб, чанага тикилаверди ва Никитанинг енгига бошини ишқалайверди.

Тўриқ Никита похол билан сийлагани учун гўё фақат унинг раъйини қайтармасликка ҳаракат қилгандай, чананинг тўсқичига қўйилган похолдан бир тутам тортиб олди-да, кейин гўё шу пайтда томоқдан овқат ўтадими дегандек, уни яна ташлаган эди, шамол бир лаҳзада уни учириб кетиб, қорга кўмиб ташлади.

— Энди белги қилиб қўямиз,— деди Никита чананинг олдини шамолга қилиб; сўнгра иккала шотини айил билан боғлаб, уни лайлак қилиб кўтарди-да, чананинг олд томонига тортиб қўйди.— Мана, энди бизни қор кўмиб кетса, яхши одамлар шотини кўриб, бизни қор тагидан кавлаб олишади,— деди Никита қўлқопларини бир-бирига уриб, қўлига княр экан.— Қариялар ана шундай деб ўргатишган.

Василий Андреич бу вақт орасида пўстинининг бари-га бурканиб олиб, тинмай гугурт чақишга ҳаракат қи-

ларди-ю, ammo сира ёндиролмасди; унинг қўллари қалтирар ва гугурт ё чирт этиб ёнган заҳоти, ё бўлмаса уни энди папирос олдига олиб келган вақтда ўчиб қоларди. Ахири бир гугурт охиригача ёниб бир лаҳзагина пўстинининг мўйнасини, букилиб турган кўрсаткич бармоғига олтин узук тақилган қўлини ва шолча остидан чиқиб турган сули похolini ёритган эди, у папиросини тутатиб олди. Папиросни икки марта чўзиб-чўзиб тортиб, тутунини ичига ютиб, мўйловлари орасидан чиқарди, кейин яна тортмоқчи бўлган эди, шамол оловни тамаки-памакиси билан бирга похolini учуриб кетган томонга учуриб кетди.

Ана шу бир-икки ютим тамаки тутуни ҳам Василий Андреичга яхшигина кайф берди.

— Тунасақ тунаб қолаверамиз-да!— деди у қатъий равишда.— Тўхтаб тур, мен байроқча ҳам қиламан.

Шундай деб у, ёқасидан ечиб чанага ташлаган рўмолчасини олди, кейин қўлқопларини ечиб, чананинг олд томонига келди-да, бўйинини чўзиб, шоти олдидаги айилга рўмолчани чандиб боғлади.

Шамол шу заҳоти рўмолчани гоҳ шотига ёпиштириб, гоҳ бирдан юлқиб, дардарак қилиб учира бошлади.

— Қара, иш деган бундай бўпти!— деди Василий Андреич ўз ишидан завқланиб ва чанага ўтираётиб.— Икки киши ўтирса иссиқ бўларди-ю, бироқ иккаламиз сизгамаймиз-да,— деди у яна.

— Мен жой топаман,— деб жавоб берди Никита,— ammo отнинг устини ёпиб қўйиш керак, терлаб кетди, жонивор. Мана буни қўйворинг,— деб қўшиб қўйди у, чананинг олдига келиб ва Василий Андреичнинг остидан шолчани тортиб.

Шолчани олгач, икки буклади-да, аввал қуюшқонни, сўнгра эса эгарни олиб, уни отнинг устига ёпди.

— Ҳарна сенга иссиқ бўлади, тентак,— деди у яна шолча устида отга эгар ва қуюшқон ура туриб.— Сизга олача керак эмасдир-а? Менга похолдан ҳам беринг,— деди Никита у ишни қилиб бўлгач, яна чананинг олдига келиб.

Никита Василий Андреичнинг тагидан олача билан похolini олиб, чананинг орқасига ўтди, у ерда ўзига қордан чуқурча ясади, унинг ичига похол тўшади, қулоқчинини бостириб кийиб, чакмонига ўралиб олди-да, устидан олачани ёпиниб, похол устига ўтирди ва чана-

нинг орқа тахтасига ёнбошлади; бу жой уни шамол ва қордан тўсиб турарди.

Василий Андреич Никитанинг қилган ишини айбсотиб, бошини қимирлатиб қўйди; умуман у мужикларнинг ўқимаганликларини ва нодонликларини хуш кўрмасди; шундан сўнг ётишга тайёрлик кўра бошлади.

У чанада қолган похolini текислаб биқини остини қалинроқ қилди-да, қўлларини енгига тиқиб, чананинг олд бурчагига бошини қўйди; бу ер уни шамолдан тўсиб турар эди.

Унинг уйқуси келмасди. У ётиб ўйлай бошлади: ўйлаганда ҳам фақат бир нарса ҳақида, ҳаётининг бирдан-бир мақсади, маъноси, қувончи ва ғурури деб билган нарсаси, қанча мол-дунё орттиргани ва яна қанча пул орттириши мумкинлиги, у танийдиган бошқа кишиларнинг қанча давлати-ю, пули борлиги, улар бу мол-дунёни қандай орттирганликлари ҳамда орттираётганликлари, у ҳам ўшалар сингари қандай қилиб яна кўп пул орттириши мумкинлиги ҳақида ўйлади. Горьчкино ўрмонини сотиб олиш жуда катта фойдани қўлга киритиш деган сўз эди. У, бу ўрмонни сотиб олса, бирдангина ўн минг сўм фойда қилишига имони комил эди. Шунинг учун ҳам у кузда бориб кўргани ва икки ботмон ердаги дарахтларни санаб чиққани — ўрмонни хаёлида хомчўт қилиб баҳолай бошлади.

«Эманлар чананинг қўшқоракларига кетади. Ходалари ўз-ўзидан маълумки, иморатга ишлатилади. Бундан ташқари, бир ботмон ердан бемалол ўттиз саржин ўтин чиқади,— деди у ўзига-ўзи.— Ҳар бир ботмондан кам деганда икки юз йигирма беш сўм фойда қолади. Эллик олти ботмон, эллик олти жойда юз сўмлик ва яна эллик олти жойда юз сўмлик, бунда қўшамиз эллик олти жойда ўн сўмлик ва яна эллик олти жойда ўн сўмликни, кейин эллик олти жойда беш сўмлик». У ҳисоблаб кўрган эди, ўн икки минг сўмдан ортиб кетди, лекин чўт бўлмагани учун аниқ қанча эканини билолмади. «Ҳар қалай, ўн минг сўм бермайман, дарахти йўқ, очиқ жойларни чиқариб ташлаб саккиз минг сўм бераман. Танобчининг томоғини ёғлайман, унга юз сўм ё бўлма-са юз эллик сўм бераман, у менга беш ботмон очиқ жойни ўлчаб беради. Шунда саккиз мингга ҳам кўниб қолади. Уч мингни шу заҳоти қўлига тутқизаман. Улди-ми, кўнгли юмшаб қолар,— деб ўйлади у тирсаги билан

чўнтагидаги ҳамёнини пайпаслаб кўраркан.— Бурилишдан қандай қилиб адашганимизга ҳеч ақлим етмай қолди! Урмон билан қоровулхона шу орада бўлиши керак эди. Лоақал итлар хурса-чи. У лаънатилар ҳам керак вақтида хуришмайди». У пўстинининг ёқасини қайириб, атрофга қулоқ сола бошлади; ҳамон ўша шамолнинг ҳуштак чалиши-ю, шотидаги рўмолчанинг партиллаши ва чананинг олдидаги тўсқичига қорнинг урилиши эшитиларди, холос. У яна қулоқларини беркитиб олди.

«Билганимизда ётиб қолардик. Ҳай, майли, барибир, эртага етиб борамиз. Фақат бир кун бекор кетади. Бундай ҳавода улар ҳам боришмайди». Кейин у сотган ҳўкизлари учун тўққизинчида қассобдан пул олиши кераклигини эслаб қолди. «Уйга ўзи келмоқчи эди; мен уйда йўқ бўламан — хотиним пулни олиб қололмайди. Жуда уқувсиз хотин-да. Дурустроқ муомала қилишни ҳам билмайди»,— деб ўйлашда давом этди у, кеча байрамда уникида меҳмон бўлган становойга яхшироқ мулозамат қилмаганини эслаб. «Нима қилса ҳам хотин-да! У нимани кўрибди? Ота-онам бор вақтида уйимиз қанақа эди? Шунчаки қишлоқнинг ўзига тўқ мужикларидан ҳисобланардик, ҳдлос: обжувоз билан карвонсаройдан бўлак ҳеч қанақа мол-мулкимиз йўқ эди. Хўш, ўн беш йил ичида мен нималар қилдим? Бир дўкон, икки қовоқхона, бир тегирмон, бир ғалла омбори, ижарага қўйилган иккита қўрғон, тунука томли, таги подвалли данғиллама уй қурдим,— деб эслади у мағрурланиб.— Отамнинг вақтидаги уйлар уймиди! Ҳозир округда донғи кетган ким? Брехунов.

Нима учун шундай? Шунинг учунки, ишнинг кўзини биламан, бошқаларга ўхшаб чўзилиб ётмайман, ножўя ишлар қилмайман, тиним билмайман. Кечалари ухламайман. Қор, ёмғир демай юравераман. Шундай қилиб иш битираман. Улар, шунчаки ўзидан-ўзи пул келаверади, деб ўйлашадн. Йўқ, биродар, сен заҳмат чек, бошингни қотир, мана шунга ўхшаб очиқ далада тунаб қол-да, тунн билан мижджа қоқмай чиқ, мақсадингга етмагунингча тинчима,— деб ўйлади мағрурланиб.— Бой бўлиш бахтга қарайди, деб ўйлашади. Ана Мироновлар ҳозир миллиончи бўлишди. Хўш, сабаб? Сабаби меҳнат қилсанг, худо беради. Фақат худо тани соғлик берса бас».

Миронов арзимаган дастмоя билан миллиончи бўлиб кетди, шу сабабли мен ҳам Мироновга ўхшаб миллиончи бўлиб кетишим мумкин, деган фикр Василий Андреични ғоятда ҳаяжонлантириб юборди-ю, шу пайт унинг бирон киши билан жуда гаплашгиси келиб кетди. Бироқ гаплашадиган киши йўқ эди... Горячкинога етиб борганда-ку, помешчик билан гаплашиб, роса уни лақиллатарди-я.

«Уҳ, шамолнинг шаштини қара-я! Бу аҳволда эрта-лабгача қорнинг тагида қолиб кетмасак дейман!»— деб ўйлади у, шамолнинг ғувиллашига қулоқ солиб; шамол чананинг олдидаги тўсқичига урилиб, уни сал майиштирар ва қорларни тахтага олиб келиб урарди. Василий Андреич сал кўзғалиб, ён-верига қаради, оқ қорлар жимирлаб учаётган қоронғиликда фақат Тўриқнинг боши, ҳилпираб учиб турган шолча ёпиглиқ сағриси ва тугиғлиқ қалин думи қорайиб кўринарди; бошқа ҳамма ёқ бир хилда оқ қорлар жимирлаб турган қоронғиликдан иборат эди; бу жимирлаб турган қоронғилик баъзан сал-пал ёруғлашиб, баъзан эса, янада баттар қоронғилашиб кетаётганга ўхшарди.

«Мен бекор Никитанинг гапига кирдим,— деб ўйлади у.— Кетавериш керак эди, ахир бир ердан чиқар эдик. Лоақал Гришкинога қайтсак ҳам майли эди, Тарасникида тунар эдик. Мана энди тонг отгунча ўтириб чиқиш керак. Шундаям бемаъни иш бўларми? Худо ҳаракат қилганга беради-да, дангаса, ишёқмас, аҳмоқларга нима ҳам беради. Бир папирос чекмасам бўлмай қолди!» У ўтириб, чўнтагидан папирос қутисини олди, шамол оловни ўчирмасин учун бошини пўстинининг бариға буркаб, қорни билан ётди, лекин шамол йўл топиб, бирин-кетин гугуртни ўчираверди. Ниҳоят бир амаллаб гугуртни ёқди-да, папиросни тутатиб олди. У ўйлаган ишини қилганидан жуда хурсанд бўлди. Гарчи папиросни ундан кўра шамол кўпроқ тортиб кетган бўлса-да, ҳар ҳолда уч марта ичига тутун ютиб қолганидан яна димоғи чоғ бўла бошлади. У яна чанага ёнбошлаб, бурканиб олди, яна хаёлга чўмиб, ўйлай кетди-ю, беҳосдан, сира кутилмаганда ҳушини йўқотиб, ухлаб қолди.

Тўсатдан уни худди бир нарса қаттиқ туртгандек бўлди-ю, уйғотиб юборди. Тўриқ унинг тагидан похол тортиб олдимн ёки ўзининг ичидан бир нарса қаттиқ

туртиб юбордими — ишқилиб, у уйғониб кетди; юраги дукиллаб қаттиқ ва тез-тез ура бошлаганидан назарида остидаги чана ҳам қимирлаб кетаётгандек туюлди. У кўзларини очди. Атрофига қараган эди, бояги-бояги аҳволни кўрди, фақат ҳаво сал ёришгандек сезилди. «Тонг ёришаётганга ўхшайди,— деб ўйлади у,— ҳадемай тонг ҳам отиб қолса керак». Кейин шу заҳоти ақли ҳушини йиғиб олиб, ой чиққани учун ҳаво сал ёришганини билди. У ўрнидан қўзғалиб, отга қаради. От ҳамон шамолга орқасини ўгириб, қалтираб турарди. Усти қор бўлиб ётган шолчанинг бир ёқ томонини шамол қайириб ташлаган, қуюшқон биқинига оғиб кетган эди; отнинг қор билан қопланган боши, ҳилпираб турган пешона ёли ва бўйин ёллари энди аниқроқ кўринарди. Василий Андреич энгашиб, чананинг орқа томонига қаради. Никита ҳамон ўша ўтирганича ҳолатини ўзгартирмай ўтирарди. Устига ёпиб олган олачасини ва оёқларини қалин қор босиб кетган эди. «Тагин совуқда қотиб қолмасин мужик, уст-боши юпун эди. Яна унинг учун жавобгар бўлиб ўтирмай. Кўп бемаъни халқ-да. Ғирт нодон»,— деб ўйлади Василий Андреич ва отнинг устидан шолчани олиб, унинг устига ёпиб қўймоқчи бўлди-ю, аммо совуқда туришдан ва қимирлашдан эриниб, қолаверса отнинг қотиб қолишидан қўрқиб, индамай ётаверди. «Нега уни олиб келдим? Ҳаммаси хотинининг аҳмоқчилигидан бўлди!»— деб ўйлади Василий Андреич шумшук хотинини эслаб. Кейин яна аввалги жойига, чананинг олдига ёнбошлаб олди. «Бир кун амаким ҳам худди шунга ўхшаб туни билан қорда ўтириб чиққан экан,— деб эслади у,— ҳеч нима қилмабди. Ҳа, айтмоқчи, Севастьянни қор тагидан кавлаб олишди-ку,— шу онда унинг кўз олдига бошқа бир воқеа келиб тўхтади,— у ўлиб, худди музлаган гўштдек қотиб қолган эди.

«Гришкинода ётиб қолганимда-ку, ҳеч гап йўқ эди-я». Шу ҳаёллардан кейин у, ҳеч еримдан совуқ кирмасин, пўстин танамнинг ҳамма ёғини иситиб турсин, деб бўйинини, тиззаларини ва оёқларини яхшилаб ўраб олгач, яна ухламоқчи бўлиб кўзларини юмди. Аммо энди ухлашга қанча ҳаракат қилмасин, барибир сира уйқуси келмади, балки аксинча ўзини тетик ва бардам ҳис қилаверди. Яна у қиладиган фойдаларини, одамлардаги қарзларини ҳисоблай бошлади, тагин ўзига-ўзи мақта-

ниб, ўзидан ва ўзининг мавқеидан беҳад хурсанд бўла бошлади — бироқ энди бу хурсандчилиги нега Гришкинода ётиб қола қолмадим, деган яширин қўрқув ва аламли фикр билан доим бўлиниб турди. «Қаравотда иссиққина ётганим минг марта яхши эмасмиди?» У бир неча марта у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилди, унча шамол урмайдиган дурустроқ, қулайроқ жойни ахтаришга уриниб, у ёқ-бу ёғига суриниб кўрди, аммо сира ўрнашолмади; у яна қўзғалиб, ҳолатини ўзгартирди, оёқларини ўраб, юз-кўзларини беркитди-да, жим ётди. Лекин қаттиқ валенка ичида оёқларининг панжалари букилиб оғрий бошлаганиданми ёки бирон жойидан шамол урганиданми, ҳар ҳолда у кўп ётолмай, аттанг, Гришкинода қолганимда, ҳозир иссиқ уйда тинчгина ётган бўлардим, деган ҳаёл билан яна ўзидан хафа бўлиб, ўрнидан турди, яна у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилди, ўраниб олиб, яна ётди.

Бир вақт Василий Андреичга узоқда хўрозларнинг қичқирган овози эшитилгандек бўлди. У қувониб кетди, ёқасини қайириб, диққат билан қулоқ сола бошлади; бироқ қанча қулоғини динг қилмасин, барибир шамолнинг шотига урилиб ҳуштак чалиши, рўмолчанинг дардарак бўлиб ҳилпираши ва қорнинг чана тўсқичига чиртиллаб урилишидан бўлак овоз эшитилмади.

Никита кечқурун қандай ўтириб олган бўлса, ҳали ҳам қимирламай худди шундай ўтирарди, ҳатто Василий Андреич уни икки марта чақирганда ҳам жавоб бермади. «Унинг парвойи фалак, ухлаб қолганга ўхшайди»,— деб ўйлади Василий Андреич энсаси қотиб ва устига қалин қор ёққан Никитага чананинг орқасидан қараб.

Шундай қилиб, Василий Андреич йигирма марта ўрнидан туриб, йигирма марта ётди. Назарида бу тунининг охири бўлмайдигандек туюлди. «Энди тонг отишига оз қолган бўлса керак,— деб ўйлади у бир вақт ўрнидан туриб ва атрофига қараб.— Қани, соатга бир қарай-чи. Пўстинни очсам совқотаман-да. Майли, тонг отишга яқин қолганини билсам, анча кўнгил кўтариларди. Отни чанага қўша бошлаймиз». Василий Андреич кўнглининг чуқур жойида ҳали-вери тонг отмаслигини билиб турса ҳам юрагига тобора кўпроқ ғулғула туша бошлаганидан, бу ҳисни енгмоқ учун у айни бир вақтда

ҳам соатини кўрмоқчи, ҳам ўзини алдамоқчи бўлди. У калта пўстинининг иллагини аста чиқариб ва қўлини қўлтиғига тиқиб нимчасига етгунча анча тимирскиланди. Охири ёнидан гуллари эмалда қилинган кумуш соатини олиб, унга қарай бошлади. Қоронғида ҳеч нимани кўриб бўлмади. У яна папирос чекканда қилганидек мукка тушиб, тирсақлари ва тиззаларига таяниб ётди-да, гугурт олиб, ёқа бошлади. Бу сафар у ишни пухта қилди, бармоқлари билан боши катта бир гугуртни танлаб олди-да, бир чертишдаёқ уни ёндирди. Соатнинг циферблатини ёруққа тутиб кўрди-ю, ўз кўзларига ишонмай қолди... Энди ўн иккидан ўн минут ўтган эди. Ҳали бутун тун олдинда эди.

«Оҳ, бу кеча қандай узун!»— деб ўйлади Василий Андреич, танасига муз югурганини сезиб; кейин яна пўстинининг илгакларини солиб, бошини буркаб олди-да, сабр билан тонг оттирмоқчи бўлиб, чананинг бурчагига ёнбошлади. Бирдан унинг қулоғига бир хилда ғувиллаётган шамол аралаш қандайдир янги, даҳшатли овоз эшитилди. Бу овоз тобора авжига чиқиб, яна аста-секин пасая бошлади. Бу бўрининг овози эканлигига ҳеч қандай шубҳа қилмади. Бўри шу яқин орада увлаётганидан у шамолда жағини қимирлатиб, овозини ўзгартираётгани аниқ сезилиб турарди. Василий Андреич ёқасини қайириб ташлаб, диққат билан қулоқ сола бошлади. От ҳам қулоқларини динг қилиб эшитиб турарди, бўрининг овози ўчгач, у оғирлигини бошқа ёғига солиб, аста пишқириб қўйди. Шундан кейин Василий Андреич ухлаш у ёқда турсин, бутунлай тинчини йўқотиб қўйди. У ўзининг мақсадлари, ишлари ва шуҳрати, мавқеи, бойлиги тўғрисида ўйлашга ҳаракат қилган сари унинг кўнглини тобора кўпроқ ваҳима босаверди, пировардида, нега Гришкинода тунаб қолмадим, деган фикр ҳамма фикрлардан устун келиб, ҳамма фикрларига аралашиб кетди.

«Ўрмони ҳам курсин, усиз ҳам ишим жойида эди. Эҳ, аттанг, ётиб қолсам бўлар экан-а!»— деди у ўзига-ўзи.— Мастлар совуқда қотиб қолади, дейишарди,— деб ўйлади у.— Ароқ ичган эдим-а». Шундан кейин у жим бўлиб, сезгиларига қулоқ солиб кўрган эди, қалтираётганини билди, аммо нимадан қалтираётганини— совуқданми ёки қўрқувданми— ўзи ҳам билмади. У бошини буркаб, аввалгидек ёнбошлаб ётмоқчи бўлган эди, бироқ

энди сира ётолмади. Унинг бир жойда ётгиси келмай қолди, у ичидан қўзғалиб келаётган ва унга қарши туришга ожизлик қилаётган ваҳимани босиш учун ўрнидан туриб бирор чора топишни истарди. У яна чўнтагидан папирос билан гугурт олди, лекин фақат уч дона гугурт қўпи қолганди, холос, улар ҳам энг ишдан чиққанлари эди. Учалоги ҳам пов этди-ю, ёнмай ўчиб қолди.

«Э, расво, жин урсин сен лаънатини!»— деб сўкинди у, кимни сўкканини ўзи ҳам билмай, кейин мижғиланган папиросни улоқтириб юборди. У гугурт қутисини ҳам улоқтирмоқчи эди-ю, лекин қўлини тўхтатиб, уни чўнтагига солиб қўйди. Унинг безовталиги ошиб, юраги шу қадар ҳовлиқа бошладики, сира бир жойда ўтиргиси келмай қолди. У чанадан тушди-да, шамолга орқасини ўгириб, қайтадан белини белбоғи билан яхшилаб боғлай бошлади.

«Нима қилиб ётибман, ўлишимни кутяпманми? Отга миниб жўнаб қолиш керак,— бирдан унинг миёсига ана шу фикр келди.— Салт минганда от тўхтамайди, кетаверади. У бўлса,— деб ўйлади у Никитани,— барибир ўлади. Унинг ҳаёти ҳаёт бўлдим! У ўлиб кетса ҳам бўлаверади, мен эса, худога шукур, ҳар қанча яшасам арзийди...»

Ана шу ўй-хаёллардан кейин отни ечиб, юганини бўйнига ташлади-да, отга сакраб минмоқчи бўлган эди, аммо иккита пўстини билан оёғидаги валенкаси оғирлик қилиб отга минолмай сирганиб тушди. Шундан сўнг у чанага чиқиб, чана устидан минмоқчи бўлди. Лекин оғирлигидан чана тебраниб кетиб, у яна минолмади. Ниҳоят учинчи сафар отни чананинг олдига олиб келди-да, чананинг четига аста оёқларини қўйиб туриб, отнинг устига қорни билан ётиб олди. Шу ётишида олдинга бир, икки интилди-да, ахири бир оёғини қуюшқоннинг узуна тасмасига тираб ва бир оёғини отнинг устидан ошириб, миниб олди. Отга минаётган вақтда чана қимирлаб Никитани уйғотиб юборди, шунда у бошини сал кўтариб қўйди, шу пайт Василий Андреичнинг назарида у бир нарса дегандек бўлди.

— Сен аҳмоқларнинг сўзига кириб ўтирибманми ҳали! Бундан чиқди, бекордан-бекорга ўлиб кетишим керак экан-да?— деб қичқирди Василий Андреич ва шамол учираётган пўстинининг барини тақимига босиб,

отнинг бошини бурди-да, кўнглида ўрмон билан қорувулхона шу орада бўлиши керак, деб ўйлаган томонига қараб от солиб кетди.

VII

Никита чананинг орқасида қордан чуқурча ясаб, устига олача ёпиниб қимирламай ўтирарди. У, табиат билан бирга яшовчи ва муҳтожлик нима эканлигини яхши билувчи барча кишилар каби ниҳоятда сабрли эди; шу сабабли ҳам қийин онларни, ҳатто кунларни бетоқат бўлмай, аччиғланмай тинч, бепарво ўтказишга одатланиб қолган эди. У хўжайинининг чақирганини эшитди-ю, лекин жавоб бермади, чунки қимирлагиси ва жавоб бергиси келмади. Боя чой ичиб олганидан ва қор кечиб кўп юрганидан гарчи бадани ҳали иссиқ бўлса-да, бу иссиқ кўпга бормаслигини ва яна қор кечиб исиниб олишга қурби етмаслигини биларди, чунки у чарчаган отдек жуда ҳолдан тойган эди: от ҳадеб тўхтайверади, эгаси қамчи билан савалашига қарамай, ҳеч юрмайди, туриб олади, шунда эгаси уни яна юргизиш учун ем бериши кераклигини биледи. Никита ҳам худди ана шундай аҳволда эди. Унинг йиртиқ этикдаги бир оёғи музлаб, бошмалдоғи кесак бўлиб қолган эди. Бундан ташқари, бутун бадани тобора совқотиб, увушиб бормоқда эди. Унинг хаёлига, балки шу кеча ўлиб қоларман, деган фикр келди, аммо бу фикр унча ёқимсиз, унча ваҳимали бўлиб туюлмади. Бу фикрнинг унча ёқимсиз бўлиб туюлмаганига сабаб шуки, унинг бутун ҳаёти роҳат-фароғатда эмас, аксинча, тинимсиз уқубатли меҳнатда ўтган, бу меҳнат уни ниҳоятда эзиб ташлаган эди. Бу фикрнинг унча ваҳимали бўлиб туюлмаганига сабаб эса шуки, у ҳамиша ўзини бу дунёда хизматини қилиб юрган Василий Андреич сингари хўжайинларидан ташқари, уни бу дунёга юборган эгасининг ихтиёрида, деб ҳис қиларди; шунинг учун ҳам, ўлганидан сўнг ана ўша эгасининг ихтиёрида бўлишини, эгаси эса, уни хафа қилмаслигини биларди. «Кўникиб қолган эски ҳаётни ташлаб кетгинг келмайдими? Хўш, илож қанча, янги ҳаётга ҳам кўникиш керак-да».

«Гуноҳларим-чи?— деб ўйларди у ва ароқ ичганларини, ароққа сарф қилган пулларини, хотинини хўрлаган-

ларини, сўкишларини, ибодат қилиш учун церковга бормаслигини, рўза тутмаслигини ва умуман, ибодат вақтида руҳоний қил деган ишларни қилмаганини эслади.— Албатта, гуноҳларим бор. Хўш, мен нима қилай, уларни атайин елкамга ортиб олибманми? Худонинг ўзи мени шундай гуноҳкор қилиб яратган бўлса керак-да. Ҳа, гуноҳ қилишга қилдим! Энди қаёққа қочиб қутулардим?»

Унинг бошига, балки шу кеча ўлиб қоларман, деган фикр келганда, аввал у ана шундай хаёлларга борди, кейин хаёлидан бу фикрни кўтариб, беихтиёр ўз-ўзидан бошига келган хотираларга берилиб кетди. Дам у Марфанинг келганини, хизматкорларнинг ичкиликбозлик қилишларини, ўзининг ичкилик ичмасликка қасам ичганини, дам ҳозирги сафарга чиққанларини, Тараснинг уйини, оиладан бўлиниб чиқиш ҳақидаги гапларни, дам ўзининг йигит бўлиб келаётган ўғлини, дам устига шолча ёпилган ва ҳозир бир оз иссиқ турган отни, дам ҳадеб у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб, чанани гижирлатаётган хўжайинини эсларди. «Йўлга чиққанига, ҳойнаҳой, ўзи ҳам пушаймон бўлаётгандир,— деб ўйлади у.— Шунда бадавлат турмуш кечиргандан кейин албатта ўлгиси келмайди-да. Бизлардақа кун кечирса ўлишга минг марта рози бўларди-я». Шундан кейин бу хотираларнинг ҳаммаси бир-бирига чувалашиб, бошида айқаш-уйқаш бўлиб кетди-ю, охири ухлаб қолди.

Василий Андреич отга минаётиб чанани қимирлатиб юборган пайтида, Никита орқаси билан суяниб ўтирган чананинг кети силжиб, қўшқорак унинг орқасига теккан эди, шунда у уйғониб кетиб, чор-ночор ҳолатини ўзгартиришга мажбур бўлган эди. У аранг роёқларини тўғри-лаб ва устидан қорларини қоқиб ўрнидан турганда, шу ондаёқ бутун аъзойи бадани совуқдан қақшаб кетди. Василий Андреич отга миниб кетиб бораётганини кўриб, у орқасидан шолчани ташлаб кетинг, ҳозир унинг отга кераги йўқ, мен устимга ёпиниб оламан, деб қичқариб қолди.

Аммо Василий Андреич тўхтамай, қор тўзони ичида кўздан ғойиб бўлди.

Никита ёлғиз ўзи қолгач, энди нима қилсам экан, деб бир дақиқа ўйга толди. Юриб бирон бошпана излашга ўзини мадорсиз сизди. Аввалги жойига ўтирай деса, бутунлай қор кўмиб ташлаган эди. Чанага ўтирса,

исимаслигини биларди, чунки ёпинадиган нарса йўқ, чакмони билан пўстини эса ҳозир уни сира иситмас эди. Унинг бадан-баданидан совуқ ўтиб кетди, назарида кўйлакчан турганга ўхшарди. Уни ваҳима боса бошлади. «Е, худойим, парвардигори олам!»— деди у; шу пайт кўнглида у ёлғиз эмасдек, кимдир унинг овозини эшитиб тургандек, уни ўз паноҳида асрайдигандек бўлиб туюлди-ю, кўнгли ором топди. У чуқур нафас олди, сўнгра, бошидан олачани ташламай, чанага чиқди-да, хўжайиннинг ўрнига ётиб олди.

Чанада ҳам у сира исий олмади. Аввал бутун танасини қалтироқ босди, кейин қалтироқ босилиб аста-секин ҳушини йўқота бошлади. У ўлаётганини ҳам, ухлаётганини ҳам билолмай қолди, лекин ўзини ҳар икковига ҳам бирдек тайёр эканини ҳис қилар эди.

VIII

Бу аснода Василий Андреич негандир кўнглида ўрмон ва қоровулхона шу ёқда бўлиши керак деб ўйлаган томонига қараб, отни ҳам оёқлари билан ниқтаб, ҳам тизгиннинг учи билан уриб, жадал ҳайдаб бормоқда эди. Қор унинг кўзларини очирмас, шамол эса гўё уни тўхтатмоқчи бўлгандек, кўкрагидан итарар, аммо у олдинга энгашиб, ҳадеб пўстинига бурканар, совуқ эгарда ўтириш ўнғайсиз бўлаётгани учун этагини тагига бостирган ҳолда зўр бериб отни ҳайдар эди. От гарчи чарчаган бўлса-да, эгасига бўйсуниб, у ҳайдаётган томонга йўртиб борарди.

У отнинг бошини-ю, оппоқ қор билан қопланган сайхонликдан бошқа ҳеч нарсани кўрмай, отнинг қулоғи тагида ва пўстинининг ёқаси олдида шамолнинг ҳуштак чалишидан бўлак ҳеч нарсани кўрмай, ўзича тўғри кетаётиман, деб беш минутча йўл босди.

Бирдан унинг олдида бир нарса қорайиб кўринди. Севинганидан юраги гупиллаб ура бошлади, қора нарса кўзига қишлоқ уйларининг деворига ўхшаб кўриниб кетиб, ўша томонга йўл олди. Аммо бу қора нарса тек турмас, нуқул қимирларди, бориб қараса, у қишлоқ ҳам эмас, девор ҳам эмас, балки уватда ўсиб қор тагидан чиқиб турган ва гувиллаб эсаётган шамолнинг зўридан ҳадеб бир томонга қараб эгилаётган буран-супурги ўт

экан. Шамол бераҳмлиқ билан қийнаётган ана шу бурганни кўриб Василий Андреич нима учундир титраб кетди ва шоша-пиша у ердан отни ҳайдаб қолди. Шунда қўрққанидан отни бутунлай бошқа ёққа буриб юборганини сезмай, ҳамон ўша қоровулхона томонга кетяпман, деган хаёлда кетаверди. Назарида от нуқул ўнг томонга бурилаётгандек бўлди, шунинг учун у ҳадеб уни чап томонга бураверди.

Яна унинг олдида бир нарса қорайиб кўринди-ю, у энди бу албатта қишлоқ бўлиши керак, деб хурсанд бўлиб кетди, лекин бу яна ўшанақа бурган ўсган уват экан. Шамолда қаттиқ эгилиб турган қуруқ бурганни кўриб, Василий Андреич янада баттарроқ қўрқиб кетди. Бу боя кўрганидақа қуруқ бурганнинг ўзи бўлса ҳам майли эди-я, бунинг шундоқ ёнгинасида от туёқларининг изи ҳам бор эди. Василий Андреич отни тўхтатиб, эгилиб, қарай бошлади; бу отнинг изи устини салгина қор босган эди. Ўйлаб қараса, ўз отининг излари экан. Маълум бўлишича, у шу яқин ораликда айланиб юрган экан. «Бу аҳволда ҳалок бўламан!»— деб ўйлади у ва юрагидаги ваҳимани қувиш учун отни янада жадалроқ ҳайдай бошлади. У оппоқ қор бўралаётган қоронғиликка кўз тикиб борар экан, унга гўё бир ялтираб, сўнгра ғойиб бўлувчи нуқталар кўрингандай бўларди. Бир вақт унинг қулоғига итларнинг ёки бўрилларнинг увлаганига ўхшаш овоз эшитилгандек бўлди, аммо бу овоз жуда заиф ва ноаниқ бўлганидан, овозни эшитганини ҳам ёки унга шундай туюлганини ҳам аниқ билолмай, отни тўхтатди-да, диққат билан қулоқ сола бошлади.

Бирдан унинг қулоғи остида қандайдир ваҳимали, қулоқни батангга келтирувчи овоз эшитилди-ю, остидаги от қалтираб, титраб кетди. Василий Андреич жон ҳолатда отнинг бўйнига ёпишиб олди, лекин отнинг бўйни ҳам титрамоқда эди, шунда ҳалиги овоз янада ваҳималироқ эшитила бошлади. Василий Андреич бир дақиқа нима ҳодиса юз берганини билолмай додираб қолди. Бўлган ҳодиса шу эдики, Тўриқ ё ўзига далда бериш учун, ё бировни кўмакка чақириш учун овози борича кишнаганди, холос. «Туф-э, ҳаром ўлгур! Юрагимни ёрай деди-я! Лаънати!»— деди Василий Андреич ўзига ўзи. Аммо у бекорга қўрққанини билса ҳам уни ҳадеб ваҳима босаверди.

«Эс-хушни йиғиб олиш даркор, вазминроқ бўлиш ке-

рак»,— деди ичида у, аммо ўзини овута олмади, ҳозир шамолга қарши юрмай, балки шамол эсаётган томонга кетаётганини ҳам сезмай, ҳадеб отни қистай бошлади. Унинг бадани, айниқса, эгарга тегиб турган жойлари, от қадамини секинлатган пайтда совқотар ва зирқираб оғрирди, қўл-оёқлари қалтирар, нафаси томоғига тиқиларди. У мана шу даҳшатли қор саҳросида ҳалок бўлишини билиб турар, лекин ҳеч бир қутулиш чорасини тополмасди.

Қўққисдан от бир ерга гурсиллаб йиқилди ва қор уюмига ботиб типирчилади-да, ёнбошлаб ётиб қолди. Василий Андреич от устидан сирғалиб тушиб, қуюшқон қайиши билан эгарни бир ёққа қийшайтириб юборди. Чунки у узанги ўрнида оёғини қуюшқон қайишига қўйиб олган эди. Василий Андреич от устидан тушиши биланок, от ўнглини олди-да, олдинга қараб интила бошлади; бир марта сакради, кейин иккинчи марта сакраб ўридан турди, кейин яна кишнаб ва устидаги шолча ёпиқ билан қуюшқонни осилтириб, кўздан ғойиб бўлди. Василий Андреич қор ичида якка ўзи қолди. У отнинг орқасидан югурмоқчи бўлган эди, лекин қор жуда қалин, устидаги пўстинлари ниҳоятда оғир бўлганидан, тизза бўйи қордан оёғини зўрға кўтариб босиб йигирма қадамча юриши биланок ҳаллослаб тўхтаб қолди. «Ўрмоним, ҳўкизларим, ижара ҳақларим, дўконим, қовоқхоналарим, тунука томли данғиллама уйим, саройим, меросхўр ўғлим,— деб ўйлади у,— наҳотки ҳаммаси қолиб кетади? Бу қандай бемаъни гап? Йўқ, мумкин эмас!»— миясига бирдан ана шу хаёл келди. Кейин нима учундир шамолдан эгилиб турган бурган ва икки марта унинг ёнига бориб қолгани эсига тушди; шу пайт бутун вужудини ваҳима босди-ю, у бошидан кечираётган ҳодисаларнинг ростлигига ишонмай қолди. «Буларни тушимда кўраётганим йўқмикин?»— деб ўйлаб у уйқусидан турмоқчи бўлди, лекин бу уйқудан турадиган туш эмас эди. Бу ҳақиқатан ўнгида кўраётган ҳодиса ва юз-кўзига бўралаб ураётган, устига ёғаётган, қўлқопсиз ўнг қўлини музлатаётган қор эди ҳамда бу ҳақиқатан ўша бурган сингари ёлғиз ўзи қолиб, энди муқаррар, бевақт ва бемаъни ўлимини кутиб тургани саҳро эди.

«Ё Биби Марям, ё авлиё Миколай, ўзингиз қўллаб-қувватланг»,— деб у кечаги ибодатни, зарбоф тўн кийган сиймони, қорамтир иконани ва шу икона учун сот-

ган шамларини, бу шамларни салгина ёқилгандан сўнг ўша заҳоти қайтариб олиб келишганда яшикка солиб қўйганини хотирлади. Энди эса, у яна шу авлиё Миколайдан нажот сўрай бошлади, унга ўла-ўлгунча ибодат қилиб, шам атамоқчи бўлди. Аммо шу ондаёқ аниқ-равшан тушундики, бу сиймо, зарбоф тўн, шам, руҳоний, ибодат — буларнинг ҳаммаси ўз жойидай черковда зарур эди, аммо бу ерда унга булар ҳеч қандай нажот бермас, бу шам ва ибодатлар билан унинг ҳозирги мушкул аҳволи орасида ҳеч қандай боғланиш йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас эди. «Умидсизланмаслик керак,— деб ўйлади у.— Отнинг нзидан бориш лозим, бўлмаса уни ҳам қор кўмиб кетади,— деган фикр келди бошига.— Издан кетарсам бир ёққа чиқаман ёки отнинг ўзини ушлаб оламан. Фақат ҳовлиқмаслик керак, бўлмаса, нафасим томоғимга тиқилиб ҳалокатга учрайман». Аммо секин юраман, деган ниятига қарамай, у ҳовлиқиб, олдинга қараб чопа бошлади ва ҳар қадамда йиқилиб тураверди. Қор унча қалин бўлмаган ерларда энди отнинг изини пайқаш жуда қийин бўлиб қолган эди. «Ҳалок бўлдим,— деб ўйлади Василий Андреич,— изни йўқотаман, отга столмайман». Шу пайт бехосдан олдига қараган эди, бир қора нарса кўрингандек бўлди. Бу Тўриқ эди, фақат Тўриқнинг бир ўзигина эмас, балки чана ва шотига боғланган рўмолча ҳам кўринарди. Тўриқ ҳозир илгариги жойида эмас, балки шотига яқин жойда устидаги шолча билан қуюшқони ёнбошига осилган ҳолда бошини силкитиб турарди, жиловнинг тизгини оёғи остида қолгани учун бошини кўтаролмасди. Маълум бўлишича, от Василий Андреични чана турган жойга олиб келаётганда, Никита тойилиб кетган пастликдаги қорга ботиб қолган экан, шу сабабли у чана турган жойдан эллик қадамча нарида от устидан сакраб тушган экан.

IX

Василий Андреич чананинг олдига аранг судралиб келгач, уни маҳкам ушлаганича, ўзини босиб олиш ва нафасини ростлашга ҳаракат қилиб, анча вақтгача қимирламай туриб қолди. Никита аввалги жойида йўқ, лекин чанада устини қор босган, бир нарса дўппайиб ётар эди, шундан Василий Андреич унинг Никита эка-

нини пайқади. Энди Василий Андреичнинг кўнгли жойига тушгандек бўлди, унинг от устида тентираб юрган вақтидаги ва айниқса қорга тикилиб ёлғиз ўзи қолганидаги қўрқув ва ваҳималар барҳам топди. Энди нима бўлса ҳам яна ўшандай ваҳимага тушмаслик учун бирон нарса билан шуғулланиш керак эди. Шу сабабдан у биринчи галда орқасини шамолга ўгириб, пўстини устидан боғлаган белбоғини ечди. Кейин бир оз нафасини ростлаб олгач, валенкалари ичидан қорни, чап қўлқопи ичидаги қорни қоқиб ташлади, ўнг қўлқопи эса йўқолган ва у қаердадир икки қарич қор остида ётар эди; сўнгра яна белни маҳкам боғлаб, бирон иш қилишга тайёрлана бошлади, у одатда мужиклар аравада ғалла олиб келишганда уни сотиб олиш учун ўз дўконидан чиқаётиб белни ана шундай қаттиқ боғлаб ишга киришар эди. Даставвал у отнинг оёғини бўшатмоқчи бўлди. Отнинг оёғини кўтариб, тизгинни олди-да, яна Тўриқни эски жойига, чананинг олдидаги темир ҳалқага боғлади ва қуюшқон, эгар, шолчани тўғрилаб қўйиш учун отнинг орқасига ўтди; шу пайт чанада бир нарса қимирлаганини кўрди, чана устига ёққан қор тагидан Никита бошини кўтарди. Чамаси, унинг танаси музлай бошлаган эди, у зўрға ўрнидан туриб ўтирди ва худди қўли билан бурни олдидаги пашшани қўригандек, ғалати ҳаракат қилди. У қўлини қимирлатиб, бир нималар деди, Василий Андреичнинг назарида уни чақираётгандек бўлди. Василий Андреич шолчани тузатишни қўйиб, чананинг олдига келди.

— Нима бўлди сенга?— деб сўради у.— Нима деясан?

— Улам-ман, гапим шу,— деди Никита аранг, гапини бўлиб-бўлиб.— Ишлаган ҳақимни ўғлимга ёки хотинимга бер, барибир.

— Нима бўлди, музлаб қоляпсанми?— деб сўради Василий Андреич.

— Сезяпман, ўламан... Исо ҳурмати, мени кечир...— деди Никита йиғламсираган оҳангда, ҳамон пашша қўриётгандек ҳаракат қилиб.

Василий Андреич бир нафас қимирламай жим туриб қолди, кейин фойдали савдо вақтида бор барака топ, деб қўлга ургани сингарни абжирлик билан бирдан бир қадам орқага ташлади-да, енгларины шимариб икки қўли билан Никитанинг устидаги ва чанадаги қорларни сиди-

риб ташлай бошлади. Қорларни сидириб бўлгач, Василий Андреич тезда белбоғларини ечди, пўстинининг барини ёзиб, қизиб кетган иссиқ танаси билан Никитанинг устига ётди. Василий Андреич Никитанинг ён-верини этаклари билан ўраб ва пўстинининг барини тиззалари билан босиб, бошини чананинг тўсқичига қўйган ҳолда мукка тушиб ётган, шу тариқа қаттиқ бурканиб олганидан отнинг ҳаракатини ҳам, бўроннинг ҳуштак чалишини ҳам эшитмай, фақат Никитанинг нафас олишига қулоқ солиб ётаверди. Никита бошда анчагача қимирламади, кейин қаттиқ ихраб, қимирлай бошлади.

— Ана шундай, ҳа, баракалла, сен бўлсанг ўламан дейсан-а. Ётавер, исин, биз ана шундай...— деган бўлди Василий Андреич.

Бироқ кейин гапира олмай қолди, бунга ўзи ҳам ҳайрон бўлди, чунки кўзи жиққа ёшга тўлиб, пастки жағи қалт-қалт титрай бошлади. У гапирмай, фақат томоғига тикилиб келаётган нарсани ютиш билан овора бўлди. «Қаттиқ қўрққанга ўхшайман, жуда бўшашиб кетяпман»,— деб ўйлади у ўзича. Аммо бу бўшашиш уни сира ранжитмади, балки унга қандайдир ажойиб, шу дамгача бошидан кечирмаган алоҳида ҳузур бағишлагандек бўлди.

«Биз ана шундай»— деди у ўзига-ўзи, жуда роҳат қилаётганини сезиб. Кўз ёшларини пўстинига артиб ва ҳадеб шамол қайириб ташлаётган ўнг барини тиззаси остига босиб, шу тариқа анча вақтгача индамай ётди.

Аммо кўнглининг ниҳоятда хурсандлигини кимгадир жуда-жуда айтгиси келаверди.

— Микита!— деди у.

— Яхши, иссиқ,— деган овоз эшитилди унинг тагидан.

— Билсанг агар, биродар, оз бўлмаса ҳалок бўлардим. Сен ҳам совуқда қотиб қолардинг, мен ҳам.

Шу пайт яна унинг ияги қалтираб, кўзига ёш тўлди, кейин гапиролмай қолди.

«Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ,— деб ўйлади у.— Ҳар нимани билсам ўзим ичимда биламан-ку».

Шундан сўнг у жим бўлиб қолди. Анча вақтгача шу зайлда ётди.

Уни остидан Никита, устидан пўстини иситиб турарди; фақат Никитанинг икки ёнини беркитиб, пўстинининг барини ушлаб турган қўллари билан оёқлари

совқотарди, чунки шамол тинмай оёқлари устидан лўстиннинг этакларини қайириб ташларди. Айниқса қўлқопи йўқ ўнг қўли қаттиқ совқотган эди. Аммо у қўлларини ҳам, оёқларини ҳам эсига келтирмас, фақат қандай қилиб тагида ётган мужикни иситишни ўйларди, холос.

У бир неча марта отга қараб қўйди, отнинг орқаси очилиб қолган, шолча билан қуюшқон қор устида ётар эди; у туриб, отнинг устини ёпиб қўймоқчи бўлди-ю, лекин бир нафас ҳам Никитани ташлаб кетгиси ва ҳозирги ҳузурини бузгиси келмади. Энди унинг хаёлидан кўрқиш деган нарса бутунлай кўтарилиб кетди.

«Худо хоҳласа сени ўлдирмайман»,— деди у ўзига-ўзи, мужикни иситаётгани учун мақтаниб: у ўзининг савдо-сотиклари ҳақида гапирганда ана шундай мақтанчоқлик қилар эди.

Шу тариқа Василий Андреич бир соат, икки соат, уч соат ётди, вақтнинг қандай ўтганини сезмади. Аввал унинг хаёлида қор бўрони, шоти ва дўға остида бошини силкитиб бораётган от айланиб юрди, кейин хаёли остида ётган Никитада тўхтади; кейин байрам, хотини, становой, шам яшиги ҳақидаги хотиралар аралашиб, яна хаёли Никитада тўхтади; гўё Никита шу шам яшиги остида ётганмиш; сўнгра хаёлидан нарса сотаётган ва олаётган мужиклар, оқ деворлар, тунука томли уй ва унинг остида ётган Никита ўтди; кейин буларнинг ҳаммаси аралашиб, бири иккинчисига қўшилиб кетди, камаланинг ҳар хил ранглари қўшилиб, бир оқ нур ҳосил қилгани каби хаёллари қоришиб кетди-ю, у ухлаб қолди. Анча вақтгача туш кўрмади, лекин эрталабга яқин яна туш кўрди. У шам яшиги олдида турганмиш, Тихоннинг хотини ундан ҳайитга беш тийинлик шам сўрармиш, у яшикдан унга шам олиб бермоқчи бўлса, қўли қимирламасмиш, чўнтагида қотиб қолганмиш. У яшикни айланиб ўтмоқчи бўлган экан, оёқлари қимирламасмиш, оёғидаги яп-янги калиши тошга ёпишиб қолганмиш, уни ердан узиб ҳам ололмасмиш, ичидан оёғини тортиб ҳам чиқаролмасмиш. Бирдан шам яшиги кўрпа-тўшак бўлиб қолганмиш, Василий Андреич шу яшик устида, яъни шу ўринда, уйда мук тушиб ётганмиш. У ўрнидан тураман деса сира туролмасмиш, аммо албатта туриши керак эмиш, чунки ҳозир унинг олдида становой Иван Матвейч келармиш-да, у Иван Матвейч билан ё ўрмон сотиб олиш-

га, ёки Тўриқнинг қуюшқонини тўғрилашга борармиш. Шунда у хотинидан сўрармиш: «Хўш, Миколавна, у келмадимми?»—«Йўқ,—дермиш хотини,—келмади». Шу пайт қулоғига кимдир зинанинг олдига келаётгандек бўлиб эшитилибди. Уша бўлса керак. Йўқ, бошқа экан. «Миколавна, ҳой Миколавна, қалай, ҳали ҳам дараги йўқми?»—«Йўқ». У ўрнида ётганмиш: ҳамон туролмасмиш, кўзи тўрт бўлиб кутармиш, бу кутиш ҳам ваҳимали, ҳам қувончли эмиш. Бирдан ўша кутган одами келибди-ю, хурсанд бўлиб кетибди, бу становой Иван Матвейч эмас, бошқа биров, лекин ўша кутганининг худди ўзгираси эмиш. У келиб, уни чақирибди, шунда ўша, уни чақирган биров Никитанинг устига ётишни буюрибди. Василий Андреич биров уни олиб кетгани келганига жуда хурсанд бўлибди. «Кетяпман!»—деб қичқирибди у хурсанд бўлиб, шунда ўз овозидан уйғониб кетади. У уйғонади-ю, аммо ухлаган вақтидагидан бутунлай бошқача бўлиб уйғонади. У турмоқчи бўлади, аммо туролмайди, қўлини қимирлатмоқчи бўлади,—қимирлатолмайди, оёғини қимирлатмоқчи бўлади—уни ҳам қимирлатолмайди. Бошини кўтармоқчи бўлади—кўтаролмайди. Шундан сўнг ҳайрон бўлади, аммо бунга сира хафа бўлмайди. Бунинг ўлим эканини тушунади, аммо бунга ҳам сира хафа бўлмайди. Кейин тагида Никита ётгани, унинг исиниб олгани ва тирик экани эсига тушади-ю, хаёлида у—Никита, Никита эса у бўлиб қолади, шу сабабдан унинг жони ўзининг ичида эмас, балки Никитанинг ичида бўлиб сезилади. У диққат билан қулоқ солиб, Никитанинг нафас олаётганини ва ҳатто сал хуррак отаётганини эшитади. «Никита тирик экан, демак мен ҳам тирикман»,— дейди у ичида хурсанд бўлиб.

Кейин хаёли пул, дўкон, савдо-сотик ва Мироновларнинг миллионларига чалғийди; нима учун бу Василий Брехунов деб юритиладиган одам бўлмагур ишлар билан шуғулланиб юрганига у сира тушунолмайди. «Нима қилсин, ахир у нима гап эканини билмасди-да,—деб ўйлайди у Василий Брехунов ҳақида.—Билмас эдим, мана энди биламан. Энди хато қилмаман. Энди биламан». Шу пайт у яна ўша уни чақирган кишининг овозини эшитади. «Кетяпман, кетяпман!»—дейди унинг бутун вужуди қувониб ва ийиб. Сўнгра у бутунлай енгил тортиб қолганини ва энди уни ҳеч нарса тутиб турмаганини ҳис қилади.

Шундан кейин Василий Андреич бу дунёда ҳеч нимани кўрмади, эшитмади ва сезмай қолди.

Атрофда ҳамон боягидай қор бўралаб турарди. Ҳамон ўша қор уюрмаси чирпирак бўлиб айланар ва ўлиб қолган Василий Андреичнинг пўстинини, бутун танаси қалтираб турган Тўриқни, кўринмай кетишга сал қолган чанани ҳамда чана ичида, хўжайинининг ўлик танаси остида исиниб ётган Никитани кўмиб борарди.

Х

Эрталабга яқин Никита уйғониб кетди. Уни яна орқасидан ураётган совуқ уйғотиб юборди. У туш кўраётган эди, тушида тегирмондан хўжайинининг унини аравада олиб келаётган эмиш, сойнинг кўпригидан ўтиб бораётган экан, бирдан арава тикилиб қолибди. Кейин у араванинг тагига кириб, орқаси билан кўтарибди. Ё ажабо! Арава қимир этмай орқасига ёпишиб қолганмиш, у на аравани кўтаролармишу, на унинг тагидан чиқиб кетолармиш. Арава бутун белини эзиб ташлабди. Яна бунинг устига баданидан совуқ ўтиб кетибди! Қандай бўлмасин араванинг тагидан чиқиши керак эмиш. «Бўлди энди,— дермиш у ўша уни арава бўлиб босиб ётган кишига.— Қопларни тушир!». Аммо арава тобора совиб, уни баттароқ босаверибди, шу пайт бирдан тақ-тақ қилган ғалати овоз эшитилади-ю, у уйғониб кетади. Уйғонгач, бутун воқеани эслайди. Совуқ арава бу унинг устида ўлиб музлаб ётган хўжайини экан. Тақиллатган — бу Тўриқ бўлиб, чанани туёғи билан икки марта уриб қўйган эди.

Никита бўлган ишни кўнглида сезиб, белини ростлайди-да:

— Андреич, Андреич!— деб чақиради аста хўжайинини.

Андреич жавоб бермайди, унинг қорни ва оёқлари қотиб қолган, совуқ ва тошдай оғир.

«Ўлганга ўхшайди. Худо раҳмат қилсин!»— деб ўйлайди Никита.

У бошини ўгиради, қўли билан олдидаги қорларни кавлаб, кўзини очади. Тонг отибди, шамол ҳали ҳам шотига урилиб ҳуштак чалар, қор ҳали ҳам бўралаб турар, фақат энди чананинг тўсқичига чиртиллаб урилмай, овоз

чиқармай чанани ва отни тобора кўмиб борарди; отнинг қимирлаши ҳам, нафас олиши ҳам сезилмасди. «У ҳам музлаб қолганга ўхшайди»,— деб ўйлайди Никита. Чиндан ҳам Тўриқ туёғи билан чанани икки марта уриб, Никитани уйғотиб юборганда, танаси тамом музлаб жон талвасасида шундай қилган эди.

«Э, яратган эгам, мени ҳам чақираётганга ўхшайсан,— дейди Никита ичида.— Ихтиёр ўзингда. Фақат негадир қўрқинчли. Ҳа, қўрқишнинг нима кераги бор, бир бошга бир ўлим-да, барибир қочиб қутулолмайсан. Фақат тезроқ бўлса эди...» Шундан кейин у яна қўлини беркитади, кўзларини юмади ва энди албатта ўламан, деган хаёл билан ҳушидан кетади.

Эртасига туш пайтида мужиклар Василий Андреич билан Никитани йўлдан ўттиз саржинча ва қишлоқдан ярим чақиримча нарида қор остидан белкураклар билан кавлаб олишди.

Қор чанани бутунлай кўмиб кетганди, аммо шоти билан унга боғлаб қўйилган рўмолча кўриниб турарди. Қорнигача қорга ботиб турган Тўриқнинг устидан шолча ва қуюшқони тушиб кетган, ўлик бошини кекирдагига қисган ҳолда оппоқ бўлиб қотиб қолганди; унинг бурун катлақларидан сумалак осилиб турарди, киприқларини қиров босиб, кўзларида ёш қотиб қолганди. Бир кечада у шундай ориқлаб кетгандики, териси суягига ёпишиб қолган эди. Василий Андреич худди оёқларини кериб ётган ҳолича музлаган гўштдай қотиб қолганди, уни Никитанинг устидан ағдариб туширишди. Қирғийники сингари чақчайган кўзлари музлаб, қирилган мўйловлари остида очилиб қолган оғзига қор тўлиб қолганди. Никита тирик эди, аммо бутун танасини совуқ уриб кетган эди. Никитани уйғотишганда у ўзини ўлганман деб билиб, ҳозир бўлаётган ишлар бу дунёда эмас, у дунёда бўляпти, деб ўйлади. Аммо уни кавлаб олаётган ва устида музлаб қолган Василий Андреични ағдариб ташлаётган мужикларнинг қичқирган овозини эшитганда у аввалига у дунёда ҳам мужиклар худди шунақа қичқирар экан-да, таналари шунақа бўлар экан-да, деб ҳайрон бўлди, кейин ҳали ўлмаганини, бу дунёда эканини тушуниб, хурсанд бўлиш ўрнига кўпроқ хафа бўлди, айниқса икки оёғининг бармоқларини совуқ ургангани сезиб, жуда ҳафсаласи пир бўлиб кетди.

Никита икки ой касалхонада ётди. Унинг учта бар-

моғини кесиб ташлашди, қолганлари тузалиб кетди, демак, яна ишлаши мумкин эди, шундай қилиб, у яна йигирма йил яшади. Аввалига ҳар кимларнинг хизматини қилиб юрди. Кейин, қаригач эса, қоровуллик қилди. У бу йил ўз уйида, кўнглидаги тилагига етиб, азиз-авлиёлар сурати остида қўлига ёқилган шам тутган ҳолда оламдан ўтди. Улиши олдидан кампиридан кечирим, рози-ризалик сўради, унинг бочкасоз билан қилган гуноҳларини кечирди; шунингдек, ўғли ҳамда набиралари билан ҳам рози-ризалик тилашди, ўлганидан кейин ўғли билан келинини ортиқча нонхўрдан қутқаражагига ва жуда жонига теккан бу ҳаётдан энди йил сайин, соат сайин уни ўзига жазб этаётган, тобора кетишига ақли етиб бораётган бошқа ҳаётга ростакамига бораётганига чин кўнглидан хурсанд бўлиб, бир умрга кўзини юмди. У ёқда унинг аҳволи қалай, яхшими-ёмонми, ростакамига ўлганидан кейин у қаерда юрибди, уйғондими? У ёқда ҳам ҳафсаласи пир бўлдими ёки истаган, орзу қилган нарсасини топдими?— буни ҳаммамиз тез кунда билиб қоламиз.

1895

БАЛДАН СЎНГ

— Сиз, киши ўзи яхши-ёмонни ажрата олмайди, ҳамма гап муҳитда, кишини муҳит хароб қилади, дейсиз. Мен эсам, ҳамма гап тасодифда деб ўйлайман. Мана мен ўзим ҳақимда гапирсам...

Ҳамма иззат-ҳурмат қиладиган Иван Васильевич билан иккимизнинг орамизда кишининг камолга етиши учун энг аввал одамлар яшайдиган муҳитни ўзгартиш кераклиги тўғрисида бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг у киши ҳалигидек гап бошлади. Яхши-ёмонни одамнинг ўзи ажратолмайди, деб ҳеч ким айтгани ҳам йўқ, аммо Иван Васильевичда гап вақтида эсига келиб қолган ўз фикрларига ўзи жавоб бериш ва шу фикрлар муносабати билан ўз саргузаштларидан гапириб бериш каби одат бор эди. Аксари ҳикоя айтишга шундай берилиб кетардики, жондилидан чиқариб рост сўзлашга қизиқиб кетиб, нима муносабат билан гап бошлаганини ҳам бутунлай унутиб қўярди.

Ҳозир ҳам у ана шу одатни қилди.

— Менинг ўзимга келсангиз... бутун ҳаётим муҳитдан эмас, балки бутунлай бошқа бир нарсадан шу тарзда бўлиб кетди.

— Нима сабабдан шундай бўлди?— деб сўрадик.

— Бунинг воқеаси узоқ. Буни тушунтирмоқ учун гапириб беришга тўғри келади.

— Жуда соз, гапириб беринг...

Иван Васильевич ўйга толиб, бошини ирғади.

— Шундай,— деб қўйди у.— Бир кеча ёки тўғрироғи, бир эрта бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди.

— Хўш, нима воқеа бўлган эди?

— Шундай бўлган эдики, мен ошиқу беқарор бўлиб қолган эдим. Мен жуда кўп марта ошиқ бўлганман, аммо бу сафаргиси қаттиқ эди. Утган гаплар. Унинг ҳозир эрга теккан қизлари бор. Бу Б... ҳа, Б... Варенька эди,— Иван Васильевич унинг фамилиясини ҳам айтди.— У эллик ёшида ҳам ажойиб жонон эди. Аммо ёшлигида, ўн саккиз ёшида ғоятда сулув эди: қадди-қомати келишган, латофатли, савлатли эди. Бошини салгина орқасига ташлаброқ, гўё бошқача юра олмайдигандек доимо ғоз юарди. Ўзи хипча, ҳатто суяклари туртиб чиққан бўлишига қарамай, гўзаллиги ва қадди-қомати келишганлигидан, бу юриши ўзига аллақандай бир савлат бахш этар эди. Агар ҳамиша табассум қилиб кулиб турган оғзи ва порлаб турган ажойиб шахло кўзлари, бутун ёш вужудидаги дилбарлик бўлмаса, савлати кишини чўчитар эди ҳам.

— Иван Васильевичнинг мақташига қойил-э!

— Қанчалик таърифини қилсам ҳам барибир уни сиз тушунадигандай қилиб таърифлаб беришнинг иложи йўқ. Аммо гап бунда эмас: менинг айтадиган воқеам қирқинчи йилларда бўлиб ўтган. У вақтларда мен ўз провинциямиздаги университетда ўқир эдим. Яхшим-ёмонми, ҳар ҳолда, университетимизда ўша вақтда ҳеч қандай тўғарак ва ҳеч қандай назария деган гаплар йўқ эди, бизлар ёш эдик, ёшларга хос яшардик, ўқиш ва ўйин-кулгидан бошқани билмасдик. Мен жуда қувноқ ва шўх бола эдим, бунинг устига, давлатим ҳам бор эди. Ўйноқи йўрга отим бор эди, қизлар билан минишиб тепаликдан паства чопишар эдик (у маҳалда коньки расм бўлмаган эди), ўртоқларим билан кайф-сафо қилар эдик. (У вақтларда шампанскоедан бошқасини ичмас эдик, пулимиз бўлмаса ҳеч нарса ичмас эдик, эндигидек ароқ ичмасдик.) Менинг энг яхши кўрган нарсам базму зиёфат эди. Яхши танца қилар, хунук ҳам эмас эдим.

Ҳамсуҳбат хотинлардан бири унинг гапини бўлиб:

— Ўзингизни шунчалик камситмасангиз ҳам бўлади. Биз сизнинг эски сернақш суратингизни кўрганмиз. Хунук эмас, аксинча, чиройли эдингиз.

— Чиройликка чиройли эдим-а, лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, унга ошиқу беқарор бўлиб юрган чоқларимда, масленица байрамининг охирги кунида, гу-

берниямизнинг оқсоқоли очиққўнгил, меҳмондўст, кексайиб қолган, бадавлат бир камергернинг уйида зиёфатда бўлдим. Меҳмонларни кутиб олган хотини ҳам эрига ўхшаш очиққўнгил эди. Хотини жигарранг бахмал кўйлак кийиб, бошини инжу қадалган жияк билан танғиб олган. Елка ва кўкраклари ёшларниқига ўхшамасада, Елизавета Петровнанинг сурати сингари очиқ, оппоқ момикдай эди. Базм жуда жойида бўлди: ҳашаматли зал, ўша замондаги ҳаваскор помешчикнинг машҳур музикачи ва ашулачилари келган, дастурхон ясатилган, шампанский дарё бўлиб оқмоқда. Жон-диллим шампанское бўлса-да, лекин ичмадим, чунки май ичмасам ҳам ишқ ўтида маст эдим, лекин беармон танца тушдим, кадрилга ҳам, вальсга ҳам, полькага ҳам тушдим, албатта, мумкин қадар Варенька билан тушишга ҳаракат қилдим. У оқ кўйлак кийган, белида пушти камар, қўлида нозик ва ингичка тирсақларига етар-етмас оқ чарм қўлқоп, оёғида эса оқ атласдан бошмоқ бор эди. Мазурка ўйини бошланганда бадбахт инженер Анисимов уни таклиф этиб, мендан олиб кетди. Ҳалига довур бунинг алами мендан сира чиқмайди. Мен қўлқоп олай деб сартарошхонага кириб, андак кечикиб қолибман. Шундай қилиб, мазуркага у билан тушмасдан, аввал бир оз яхши кўриб юрганим бир немка билан тушдим. Аммо бу кеча унга камроқ илтифот қилдимми, деб кўрқаман, у билан гаплашмадим, унга қарамадим: кўзимга фақат оқ кўйлакли, қомати келишган, баланд бўйли, юзлари кулдиргичли ва қип-қизарган, ҳусндор, кўзлари ёқимли қиз кўринади, холос. Бир менгина эмас, ҳамма ҳам унга қарарди, ҳамманинг ҳаваси келарди, ҳусни ҳамма хотинларниқидан ўткир бўлса ҳам эркагу хотин — ҳамма баравар унга тикилар эди. Ҳавасинг келмасдан иложи ҳам йўқ эди.

Хуллас, мазуркага у билан тушмадим, аммо ҳақиқатда эса бошқа ўйинларнинг ҳаммасига у билан тушдим. У ҳам уялиб-нетиб турмасдан, залдан ўтиб тўғри менинг олдимга келарди, мен ҳам унинг таклиф қилишини кутиб ўтирмай, сакраб ўрнимдан турардим, шунда у ҳушёрлик қилганим учун кулимсираб ташаккур изҳор қиларди. Бизларни бир-биримизга тақдим қилганларида у менинг кўнглимдагини била олмай, қўлини менга эмас, бошқага узатиб, нафис елкаларини қисар ва ачинганини ҳамда менга тасалли бермоқчи эканини из-

ҳор қилмоқчи бўлиб жилмайиб қўярди. Мазуркага тушиб айланганимизда мен уни анчагача пириллатиб айлантириб кетсам, у нафасини ростлаёлмай ҳарсиллаб қоларди-да, жилмайиб, менга «Епсоге»¹, дерди. Мен эсам борган сари чирпирак бўлиб ўз танамни ҳам сезмай қолардим.

Меҳмонлардан бири:

— Жуда ҳам сезмай қолмагандирсиз, ўз белингизнигина эмас, балки унинг белини ҳам қучганингизда хўп яхши сезган чиқарсиз, деб ўйлайман,— деб сўз қотиб қўйди.

Иван Васильевич бирданига қизариб кетиб, зарда билан айтди:—Сизлар, эндиги ёшлар шундай қиласизлар. Сизлар бадандан бошқасини билмайсизлар. Бизнинг замонамизда бундай эмас эди. Шайдо бўлган сарим, мен унинг танасини камроқ ўйлайдиган бўлиб қолдим. Сизлар оёқларни, тўпиқларни ва яна аллақаерларнигина биласиз, сиз яхши кўриб қолган хотинингизни ечинтирасиз, менинг учун эса Alphonse Carr² айтгандек,— кўп яхши ёзувчи эди-да,— маҳбубамнинг эғнида доим бронза рангда тикилган кийимлар бўларди. Бизлар ечинтириш у ёқда турсин, балки Нуҳнинг номусли ўғлидек овротини бекитишга ҳаракат қилар эдик. Гапириб ҳам нима қилдим, барибир тушунмайсизлар...

Ичимиздан кимдир:

— Унинг гапига қулоқ солманг. Хўш, сўнгра нима бўлди?— деди.

— Шундай қилиб, кўпроқ у билан танца тушиб вақтнинг ўтганини ҳам билмасдим. Музикачилар чарчаганликдан, билсангиз, базм охирида бўладигандек, зўр бериб мазурка куйига чалмоқдалар. Меҳмонхонада карта ўйнаб ўтирган кексалар ҳам кечки овқатни қилишга чиқдилар, хизматкорлар ҳам у-бу ташиб югуриб-елиб қолдилар. Соат иккидан ошган: ганимат дамлардан фойдаланиб қолмоқ керак. Мен уни яна топиб олдим, назаримда зални юз марта айланиб чиқдик-да. Уни жойига обориб ўтқазиб қўярканман:

— Овқатдан сўнг кадрилга тушамиз-а?— дедим.

— Башарти мени «илиб» кетмасалар, албатта тушамиз,— деди у ҳам кулимсираб.

— Ҳеч кимни йўлатмайман,— дедим мен.

— Елпиғични беринг, ахир,— деди у.

Арзонгина оқ елпиғични унга узатиб:

— Бергим келмаяпти,— дедим.

— Беришга қизгансангиз мана сизга,— деди-да, елпиғичдан бир пат юлиб олиб менга берди.

Мен патни олдим. Аммо хурсандлигим ва ташаккуримни қараш билангина билдира олдим, холос. Шу дамда мен хурсанд ва мамнун бўлиш бир ёқда турсин, ҳимматим ошган, ўзимда йўқ эдим. Ўзимни ёмонликни сира билмайдиган, фақат яхшилик қиладиган аллақандай саримовий бир вужуд деб фаҳмлардим. Патни қўлқопим ичига яшириб қўйдим, уни ташлаб кетишга мадорим етмай, ёнида туриб қолдим. У хўжайка ва бошқа хонимлар билан эшик олдида турган баланд бўйли, қомати келишган, елкасида заррин попуклари бор полковник отаси томонга қўллари билан ишорат қилиб:

— Анов ёққа қаранг, дадам танца қил, деб сўраяптилар,— деди. Шу вақт бошини инжу жияк билан танғиган, елкалари Елизаветаникига ўхшаш хўжайканинг:

— Варенька, бу ёққа келинг,— деган овозини эшитиб қолдик.

Варенька эшик олдида келди, унинг кетидан мен ҳам бордим.

— Ma chère¹, отангизга айтинг, сиз билан танца тушинлар,— деди-да, сўнгра полковникка қараб.— Қани, Пётр Владиславич, марҳамат қилинг,— деди хўжайка.

Вареньканинг дадаси чиройли, узун бўйли, басавлат ва тетик бир чол эди. Юзи оч қизил, à la Nicolas I² оппоқ, хушмўйлов, оппоқ бакенбарди мўйловигача туташиб келган, чаккасидаги сочлари олдинга қаратиб таралган. Чақнаб турган кўзлари билан лаблари худди қизиникига ўхшаб майин кулиб турарди. Жуссаси келишган, ҳарбий кишиларникидек кўтарилиб турган кенг кўкрагида бириккита нишон. Яғрини кенг, оёқлари узун ва тўғри. Бу киши Николай замонасида машқ кўрган эски сипоҳларга ўхшаш аскар бошлиғи эди.

Биз эшик олдида келганимизда полковник, танца ту-

¹ Французча, тагин, дегани.

² Альфонс Карр — француз ёзувчиси.

¹ Азизим (французча).

² Николай I никига ўхшаш (французча).

шиш эсимдан чиқиб кетган, деб кўнмасдан туриб эди, аммо ҳар қалай, қўлини чап томонига ташлаб кичкина қиличчасини қинидан суғуриб олиб, ёнидаги ёшгина мулозимига берди-да, ўнг қўлидаги чарм қўлқопни таранг қилиб тортаркан, кулимсираб, «Қондасини ўрнига қўймоқ керак», деди ва қизининг қўлидан ушлаб, сал қайири музыка мақомини кутиб турди.

Мазурка куйи бошланиши билан бир оёғини шахдам тепиб, иккинчи оёғини эса ёнига ташлаб, танца тушиб кетди. Унинг баланд, савлатли гавдаси гоҳо секин ва равон сузиб, гоҳо оёқларини бир-бирига уриштириб, ер тепиниб зални айлана бошлади. Вареньканинг хушқомати унинг олдида гириллаб айланар, унинг мўъжаз оппоқ ва майин оёқлари дам катта, дам майда қадам ташлаб, елдек учарди. Залдагиларнинг ҳаммаси иккаласининг ҳар бир ҳаракатини томоша қилиб турарди. Хусусан, мен завқланганимдан ҳайрон бўлиб томоша қилдим. Айниқса отасининг бетлик этиги,— яхши укуфа этик, лекин учи чўзинчоқ мода этик эмас, балки учи тўмтоқ, ўкчаси паст эски замон этиги, менга жуда ёқди. Афтидан, уни батальондаги этикдўз тиккан бўлса керак. «Арзанда қизини ясантирмоқ ва тўй-томошаларга бирга олиб юрмоқ учун мода этик киймасдан, балки хонакисини кияр экан»,— деб ўйловдим мен, аммо тўмтоқ учли этиги менга жуда ёқди. Унинг бир маҳаллари жуда яхши танца қилганлиги кўриниб турибди, аммо энди эса вазминлашиб қолган, чаққонлик билан қилмоқчи бўлган чиройли, илдам ҳаракатларига энди оёқлари қовушмай турарди. Лекин шундай бўлса ҳам у икки марта жуда яхши айланиб чиқди. Оёқларини жуда эпчиллик билан икки ёққа кериб ташлаб, сўнгра яна жуфтлаштириб, гарчи сал қўполлик билан бўлса ҳам бир тиззаси билан чўккалаб ўтиргач, қиз эса отасига илашиб қолган юбкасини ростлаб, майин жилмайиб, унинг атрофидан айланиб чиққач, ҳамма бараварига қарсақ уриб юборди. Отаси бир оз қийналиброқ ўрнидан турди-да, қизининг бошидан мулойим ва ёқимли қучоқлаб пешонасидан ўпгач, мен билан танца тушар, деган хаёл билан уни олдимга олиб келди. Шунда мен, бу кишининг жуфти мен эмас, дедим.

У ёқимли жилмайиб туриб қиличчасини қинига соларкан:

— Майли, ҳечқиси йўқ, энди сиз тушиб кўринг,— деди.

Шишадан тушган бир томчи кетидан ичидагининг ҳаммаси шариллаб тўкилиб кетганидек, менинг кўнглимда ҳам Варенькага бўлган муҳаббат қалбимдаги пинҳона ошиқлик иқтидорини ечиб юборди. Шу чоғ мен бутун дунёга муҳаббат қўйдим. Инжу жияк танғиган хўжайкани, унинг Елизаветаники сингари кўкрагини ҳам суйиб қолдим, унинг эрини ҳам, хизматкорларини ҳам, ҳатто мендан койиган инженер Анисимовни ҳам суйиб қолдим. Хонаки этик кийган, қизига ўхшаб мулойим кулган отасидан эса шу он қандайдир майин завқ олар эдим.

Мазурка тугади, мезбонлар меҳмонларни кечки овқатга таклиф қилдилар, аммо полковник Б. эртага вақтлик туришим керак, деб хайрлашиб чиқиб кетди. Мен қизни ҳам олиб чиқиб кетар, деб қўрқиб тургандим, лекин қизча онаси билан қолди.

Кечки овқатдан сўнг, ваъдалашган кадрилимизга тушдик, бахтиёрлигимнинг поёни йўқдай кўринса-да, бахтим борган сари очилаётгандай бўлар эди. Бизлар муҳаббатдан сира оғиз очмадик. Мени севадими, йўқми деб ўзимдан ҳам, ундан ҳам сўрамадим. Ўзимнинг уни севганим кифоя эди. Мен бирон воқеа бўлиб, бахтимни қора қилмасайди, деб хавотир олардим, холос.

Ўйимга қайтиб келгач, ечиниб ухламоқчи бўлдим, лекин кўзларга сира уйқу келмади. Қўлимда елпигичдан юлиб олинган пат билан қўлқопи қолган эди: жўнаб кетаётганида мен аввал онасини, сўнгра эса, ўзини аравага ўтқазётганимда қўлқопини менга берган эди. Мен бу нарсаларга қараб кўзимни юммасдан хаёлимда уни кўрардим. Гоҳо икки йигитдан бирини танлаб менинг ниятимни билмоқчи бўлиб ўйланиб турган чоғи кўзимга кўринарди ва «Мағрурликми? Ҳали шундайми»,— деган товушлари қулоғимга киради. Қувониб қўлини менга узатган чоғи, кечки овқат устида гоҳо шампанское қадаҳини лабларига теккизиб, меҳрибон кўзлари билан менга ер остидан қараб турган чоғлари кўзимга кўринар эди. Лекин кўпроқ отаси билан танцага тушган чоғи, отасининг олдида хиромон юриши, ўзига ҳам, отасига ҳам маҳлиё бўлиб томоша қилиб турганларга виқор билан қараб турган чоғлари кўз ўнгимдан кетмасди. Шунда мен нозик ва майин бир хаёл билан ота-болани беихтиёр бир тан, бир жон деб ҳис қилардим.

У вақтда марҳум акам билан бирга турардик. Акам киборлар суҳбатини ёмон кўрар ва базмларга бормас,

кандидатлик имтиҳонига тайёрланаётганлигидан тинч умр кечирмоқда эди. Акам уйқуда эди. Мен унинг ёстиққа мукка тушган ва ярмиси жун одеялга бурканган бошига қараб жуда ачиндим. Кўнглимдаги хурсандлигимни, мендаги бахтиёрликни сезмаганлигига, менга ҳамдамлашмаганлигига ачиндим. Хизматкоримиз крепостной Петруша қўлида шам билан мени кутиб олди. Кийимини ечиб қўймоқчи бўлган эди, мен унга ижозат бериб, чиқариб юбордим. Уйқудан шишган юз-кўзлари, пахмайган сочларини кўриб кўнглим бузилиб кетди. Товуш чиқармай, деб оёқ учиди юриб ўз хонамга кириб, тўшакка ётдим. Йўқ, мен ҳаддан ташқари бахтиёр бўлганлигимдан ухлаёлмадим. Бунинг устига, уйнинг печкаси ёқилган экан, уй жуда исиб кетди. Мундиримни ечмасдан, аста юриб даҳлизга чиқдимда, шинелимни кийиб, ташқари эшикни очиб, кўчага чиқиб кетдим.

Зиёфатдан соат бешга яқин кетган эдим. Уйимга келиб бирпас ўтиргунимча яна бир соат вақт ўтди. Шундай қилиб, кўчага чиққанимда кун ёришиб қолган эди. Ҳаво ҳам байрам ҳавоси, ҳамма ёқни туман босган. Қорга ёмғир аралашиб, кўчалар шилта бўлган, барча томлардан томчи чакиллайди. У маҳалда Б. лар шаҳарнинг бир чеккасида туришар эди. Ялангликнинг бир томони сайилгоҳ, бир томонида қизлар мактаби бор эди.

Мен хилват тор кўчамиздан юриб бориб, катта кўчага чиқдим. Кўчада менга пиёдалар, ерга тегиб бораётган чанага ўтин ортган аравакашлар учрай бошлади. Сирланган дўға остида ҳўл бошларини солинтириб, салмоқлаб бораётган отлардан тортиб, бошига чипта ёпиниб, арава ёнида катта этикда шалоπλαб кетаётган аравакашлар, туман ичида баланд бўлиб кўринган уйлар ҳам менга жуда ёқимли ва маънодор бўлиб кўринар эди.

Уларнинг уйлари олдидаги ялангликка чиққач, ялангликнинг охиридаги сайилгоҳ томонда қандайдир улкан қора бир нарсани кўрдим, шу пайт қулоғимга най билан ноғора овози эшитилди. Юрагим ҳамон хониш қилмоқда, қулоғимга гоҳо мазурка куйи киради. Лекин бу аллақандай раҳмсиз, нохуш музыка овози эди.

«Нима бўлса экан!»— деб ўйладим ва ялангликнинг ўртасига тушган сирғанчиқ йўлдан овоз келган томонга қараб юрдим. Юз қадамча юргач, туман орасидан қора кийинган бир талай одамни кўрдим. Солдатларга ўхшайди. Машқ қилаётгандирлар,— деб ўйладим. Мой босган

нимча пўстин устидан фартук тутган ва олдимда бир нима кўтариб келаётган темирчи икковимиз уларга яқин келдик. Қора мундир кийган солдатлар икки саф бўлиб, милтиқларини ёнларига қилиб, икки ёқда қимирламай турибдилар. Буларнинг орқасида ноғорачилар билан найчилар ҳамон ўша ёқимсиз ва хунук машқларини чалмоқдалар.

Ёнимга келиб тўхтаган темирчидан:

— Улар нима қилаётирлар?— деб сўрадим. Темирчи кўзларини сафнинг охиридан узмай:

— Қочгани учун бир татарни сазойи қилиптилар,— деди.

Мен ҳам темирчи қараган томонга қараб саф орасида менга яқинлашиб келаётган аллақандай даҳшатли бир нарсани кўрдим. Менга томон келаётган нарса белигача қип-яланғоч ва уни етаклаб келаётган икки солдатнинг милтиқларига боғланган бир 'кимса экан. Унинг ёнида шинель ва шапка кийган узун бўйли ҳарбий бир одам келарди. Бу кишининг қиёфаси танишдек кўринди. Сазойи қилинган бечора эриган қорни шилп-шилп босиб, ҳар икки тарафдан тушган калтак зарбидан гандираклаб, менга қараб келмоқда. У калтак зарбидан ўзини орқага ташласа, уни милтиққа боғлаб етаклаб келаётган унтер-офицерлар олдинга итарардилар, олдинга ташланса, йиқилгани қўймасдан орқага тортар эдилар. Узун бўйли, ҳарбий киши кейинда қолмасдан гурс-гурс қадам ташлаб бормоқда. Қизил юзли, оқ мўйловли ва оқ бакенбардли бу одам унинг отаси экан.

Ҳар калтак тушганда сазойи қилинган татар гўё ҳайрон бўлгандек, азобдан қийналиб буришган юзини калтак тушган томонга бурар ва оппоқ тишларини фижирлатар, ҳадеб бир нарсалар деб фўлдирар эди. Унинг нима деяётганини яқин келганидагина пайқадим. У гапирмас, балки пиқиллаб йиғлаб: «Оғалар, раҳм қилинлар, оғалар, раҳмингиз келсин», дерди. Аммо оғалар раҳм қилмасдилар, сазойи қилинган менинг рўпарамга келганда қаршимда турган солдат олдинга шаҳдам қадам ташлаб чиқиб, калтакни шиғиллатиб татарнинг орқасига шундай солдики, татар олдинга мункиб кетди, лекин унтер-офицерлар уни ушлаб қолдилар. Сўнгра шундай калтак ҳар тарафдан туша берди... Ёнда кетаётган полковник гоҳ оёғи остига, гоҳ сазойи қилинганга қараб, лунжларини шишириб пишиллаб бормоқда. Са-

зойи мен турган жойдан ўтиб кетганидан кейин, сафлар орасидан унинг елкасига кўзим тушиб қолди. Бу аллақандай ола-була, ҳўл, қип-қизил ғайри табиий бир нарса эди. Бунинг одам танаси эканлигига ишонмадим.

Енимда турган темирчи:

— Ё, парвардигор!— деб юборди.

Улар биздан узоқлашиб кетди. Букчайиб, гандирак-лаб кетаётган одамнинг устига ҳамон икки томондан калтак ёғилмоқда. Ноғора билан най ҳали ҳам машқ қилишини қўйгани йўқ, баланд бўйли, гердайган полковник ҳамон сазойи қилинганнинг ёнида бормоқда. Полковник бирдан тўхтаб, солдатлардан бирининг олдига яқин келди, шунда унинг:

— Ҳа, ҳа, ҳали аяб урадиган сенми?— деган ғазабли сўзлари қулоғимга кирди.

Паст бўйли, қути ўчган, дармонсиз солдат татарнинг кўкариб кетган орқасига секинроқ калтак ургани учун қўлқоп кийган бақувват қўли билан унинг юзига тарсаки туширганини ўз кўзим билан кўрдим.

Полковник:

— Бошқа таёқ келтиринг!— деб бақирди-да, атрофига аланглаб менга кўзи тушиб қолди. Мени танимаган-дек бўлиб, даҳшат ва ғазаб билан хўмрайиб, дарров юзини мендан тескари ўгирди. Мен эсам, жуда уят бир иш қилиб қўйгандай, ўсал бўлиб, нима қиларимни билмай, ерга қарадим-да, тезроқ уйга қайтдим. Йўл-йўлаккай қулоғимга гоҳо ноғоранинг тарақлаган овози, найнинг чийиллаган товуши эшитилгандек бўлар эди, гоҳо: «Оғалар, раҳм қилинглар!» деган сўзлар эшитилиб, гоҳо эса полковникнинг: «Ҳа, ҳа, ҳали аяб урадиган сенми?!» деб ғазаб билан бақирган сўзлари қулоғим остида шанғиллар эди. Юрагим эзилиб, шундай ғаш бўлдими, юролмай бир неча марта тўхтаб қолдим. Назаримда бу манзарадан кўнгилга ўрнашган даҳшатлар ҳали замон мени йўқ қилиб юборадиганга ўхшарди. Уйимга қандай етиб бориб, тўшакка қандай чўзилганимни ҳам билмайман. Бироқ кўзимни юмишим билан, кўрганларим кўз олдимга келиб, эшитган гапларим қулоғим тагида жаранглаб, сакраб ўрнимдан турдим.

Полковник тўғрисида мен: «У мен билмаган бир нарсани биладиганга ўхшайди,— деб ўйладим.— Агар у билгани мен ҳам билсам, у нарсани тушунган бўлар эдим, кўрганларим эса мени бунчалик қийнамаган бў-

лар эди». Аммо мен ҳар қанча ўйламайин, полковникнинг билганларини билолмадим, ошнамникига бориб, хўп ичишиб, маст бўлиб кечқурунгина андак ухладим.

Хўш, сизлар нима деб ўйлайсизлар, кўрган воқеасини ярамас бир иш деб ҳукм қилгандир, деб ўйлайсизми? Ҳеч ундай эмас. «Модомики, бу иш шунчалик ишонч билан қилиниб, ҳамма уни зарур деб топар экан, бас, улар мен билмаган бир сирни билсалар керак» деб ўйлаб, бу сирни билишга уриндим. Аммо қанчалик уринмайин, кейин ҳам ҳеч била олмадим. Буни билмай туриб истагим бўлган ҳарбий хизматга киролмас эдим, балки ҳарбий хизматгина эмас, ҳатто ҳеч қанақа хизматга киролмадим, мана энди ҳеч нарсага ярамаслигимни кўриб турибсиз.

— Қўйсангиз-чи, яраш-ярамаслигингизни биламиз,— деди ҳамсуҳбатларимиздан бири,— яхшиси, агар сиз бўлмасангиз қанча одам ҳеч нарсага ярамай қоларди, шунга айтинг,— деди.

Иван Васильевич бу гапдан қаттиқ хафа бўлиб:

— Бу гаплар бориб турган аҳмоқлик,— деди.

— Хўш, ошиқлик масаласи нима бўлди?— деб сўрадик.

— Муҳаббатми? Муҳаббат шу кундан бошлаб сусая бошлади. Маъшуқам ҳар вақтдагидек илжайиб хаёлга чўмган чоқларида, ялангликдаги полковник дарров ёдимга тушиб аллақандай бўлиб кетардим, у билан камдан-кам учрашадиган бўлиб қолдим. Муҳаббат ҳам шундай қилиб барҳам топди. Ана шунақа гаплар бўлади, одамнинг бутун ҳаёти ҳам шунақа қилиб ўзгариб бошқа йўлга тушиб кетади. Сиз дейсизки...— деди-да, шу билан гапини тамом қилди.

*Ясная Поляна,
1903 йил, 20 август.*

ГУНОҲИМИЗ НИМА?

I

1830 йил баҳорда пан Ячевскийнинг отамерос мулки — Рожанка қишлоғига унинг марҳум дўсти Мигурскийнинг ёлғиз ўғли Иосиф Мигурский меҳмон бўлиб келди. Олтмиш бешга кирган, кенг пешонали, чорпақилдан келган, узун мўйловлари оқарган, қизилмағиз чол Ячевский Польшани иккинчи марта тақсимлаш вақтида ватанпарварлик кўрсатган эди. Йигитлик вақтида Иосиф Мигурскийнинг отаси билан Костюшко¹ байроғи остида хизмат қилган бу одам, ўз таъбирича, осий ва бузуқи Екатерина Пни ҳамда унинг ўйнаши — хоин Понятовскийни ўлгудек ёмон кўрар, эрталаб тонг отиб яна қуёш чиқишига ишонган кишидек, Речь Посполитанинг² тикланишига қаттиқ ишонар эди. 12-йилда Ячевский ўзининг севикли подшоси Наполеон қўшинида полк командири бўлиб хизмат этди. Наполеоннинг ҳалокати уни қаттиқ хафа қилган эди, лекин ярим-ёрти бўлса ҳам, ҳар қалай, Польша подшолигининг қайтадан тикланишидан умидини узмасди. Александр I томонидан Варшавада сейм³нинг чақирилиши уни умидвор қилиб қўйди, аммо Муқаддас Иттифоқ⁴, Европада реакциянинг бошланиши, Константиннинг ўзбошимча-

¹ Костюшко — Польша халқининг 1794 йилдаги қўзғолонига раҳбарлик қилган киши.

² Речь Посполита — XVI—XVIII асрлардаги феодал-крепостной Польша давлати.

³ Сейм — Польша парламенти.

⁴ Муқаддас Иттифоқ — 1815 йилда Россия, Австрия ва Пруссия ўртасида тузилган реакцион сиёсий иттифоқ.

лиги узоқ йиллардан бери ардоқлаб келган тилакларини чиппакка чиқарди. 25-йилда Ячевский ўз қишлоғига кўчиб келди ва Рожанкадан ҳеч қаёққа чиқмай, рўзгор ишлари билан шуғулланди, ов қилди, газета ва мактублар ўқиш билан вақтини ўтказди. Газета ва мактублардан у ўз ватанида бўлаётган сиёсий воқеаларни билиб турди. Ячевский иккинчи марта уйланди, у камбағал бир поляк дворянининг чиройли қизини олди, бироқ бу хотинга кўнгилисиз бўлди. У иккинчи хотинини менсимас, ҳурмат қилмас, ўлганининг кунидан у билан бирга турар, иккинчи марта уйланиб хато қилганининг аламини ундан олмоқчи бўлгандек, жуда қўпол муомала қиларди. Иккинчи хотинидан у бола кўрмади. Биринчи хотинидан икки қиз қолган: тўнғичи Ванда ўзининг ҳуснига мағрур бўлган жуда чиройли қиз бўлиб қишлоқда туришдан зериккан эди, кенжа қизи — отасининг эркатоий Альбина эса шўх, ориққина, қўнғироқ малла сочли, чақнаб турган катта-катта мовий кўзларининг ораси отасиникига ўхшаш очиқ эди.

Иосиф Мигурский келган вақтда Альбина ўн бешдайди. Мигурский илгари ҳам студентлик чоғида, қишни Вильна шаҳрида ўтказадиган Ячевскийларникига келиб турар, Вандага хушомад қилар эди. Мана энди у, эс-хушли, кап-катта йигит бўлганидан кейин, биринчи марта уларнинг қишлоғига меҳмон бўлиб келиши эди. Ёш Мигурскийнинг келишидан Рожанкадагиларнинг ҳаммаси мамнун бўлди. Чол Иозё Мигурскийни кўриб, марҳум дўстини кўргандек бўлди, ёшлик чоқлари эсига тушиб кетди, шунинг учун ҳам унинг келганига хурсанд эди. Бунинг устига фақат Польшадагина эмас, балки чет элларда ҳам (ўзи чет элдан яқингинада қайтиб келган эди) революцион хуружлар кучайиб бораётганини ёрқин бўёқларда тасвирлаб, шавқ-завқ билан гапирганидан унга янада меҳри ошди. Пани Ячевскаяга Мигурский шунинг учун ёқар эдики, чол Ячевский меҳмон олдида ўзини тийиб турар, ҳар кундагидек унар-унмасга уни сўкавермас эди. Ванда эса, Мигурский мени деб келган, бирга турмуш қурамиз, деб таклиф этиш учун келган деб суюнар; унинг таклифига розилик бермоқчи бўлар, аммо ўзига-ўзи: lui tenir la dragée haute¹, дер эди. Альбина бўлса, ҳамма суюнгани учун

¹ Қадримга етиши учун уни бир оз қийнаш керак. (Французча.)

суюнарди. Ёлғиз Ванданинг ўзигина Мигурский шундай таклиф этиш учун келган, деб ўйламас эди. Уйдигиларнинг ҳаммаси, гарчи бу ҳақда ҳеч ким оғиз очмаган бўлса-да — Ячевскийдан тортиб энага Лудвикага-ча — ҳамма шу фикрда эди.

Ростдан ҳам шундай эди. Мигурский шу ният билан келганди, аммо бир ҳафта тургач, негадир хижолат чекиб, кўнгли бузилиб, Вандага уйланишни таклиф этмай жўнаб кетди. Унинг тўсатдан кетиб қолишидан ҳамма таажжубланди, лекин Альбинадан бошқа ҳеч ким бунинг сабабини тушунмасди. Бу таажжуб ҳодисанинг сабаби ўзи эканини Альбина биларди. Мигурский Рожанкадалигида ҳар вақт унинг ҳузурида ҳаяжонланганини, вақти чоғ бўлганини Альбина сезган эди. У Альбинага боладек муомала қилар, у билан ҳазиллашар, жиғига тегар, аммо Альбина аёлларга хос бир туйғу билан унинг муомаласи — катталарнинг болаларга қиладиган муомаласига ўхшамаганини, балки эр кишининг аёл кишига бўлган муносабатини эслатганини сезган эди. Альбина уйга кирганда Мигурскийнинг юзи ёришиб кетар, уни ёқимли табассум билан кутиб олар ёки уйдан чиқиб кетаётганида шу тарзда кузатиб қоларди, қиз бунинг тагида бир гап борлигини пайқаган эди. Лекин бунинг нималигини тушуниб олишга уринмас, Мигурскийнинг муомаласи уни суюнтирар, ўзи ҳам беихтиёр, Мигурскийнинг кўнглига ёққан ишни қиларди. Йигит эса унинг ҳар бир қилигини ёқтирарди. Шунинг учун унинг ҳузурида Альбина кунда қиладиган ишини ҳам иштиёқ билан бажарарди. Мигурскийга Альбинанинг този ит билан қувлашиб чопиши ҳам ёқарди. Ит бўлса, сакраб қизнинг бўртиб кетган ойдек юзини яларди. Альбинанинг арзимаган нарсага хандон ташлаб кулиши ҳам ксендзнинг¹ зериктирувчи ваъзини эшитаётган маҳалда кўзлари кулиб турса-да, ўзини жиддий тутиб туриши ҳам унинг кўзига яхши кўринарди, гоҳ қари энага, гоҳ маст қўшниларига, гоҳ Мигурскийнинг ўзига кулгили тарзда жуда усталик билан тақлид қилиши, бировни масхара қилиб туриб, дарҳол бошқасига ўтиши ҳам унга ёқарди. Айниқса, Альбинанинг ҳаддан ташқари қувноқлиги унга ҳуш келарди, қиз гўё ҳаётнинг бутун гўзаллигини энди

пайқагану ундан фойдаланиб қолишга шошилаётгандек эди. Мигурскийга бу қизнинг ҳаддан ташқари ҳушчақчақлиги ёқарди, ўзининг қувноқлиги Мигурскийнинг завқини келтирганини билгани учун у ҳаяжонга келиб, терисига сигмай кетарди.

Шу сабабдан, Вандага уйланишни таклиф этиш учун келган Мигурскийнинг нима учун бу тўғрида оғиз очмай кетиб қолганини Альбина яхши биларди. Гарчи, бунга гапиришга унинг бети чидамаса-да, ўз тили билан бунга иқроор бўлмаса-да, ичида Вандани мўлжаллаб келган Мигурский, уни, яъни Альбинани севиб қолганини тушунарди.

Ақлли, ўқимишли, гўзал Ванда олдида, ўзини нота-вон деб билган Альбина бунга ажабланарди, лекин Мигурскийнинг ўзига ошиқ бўлгани унга ойнадек равшан эди. Альбинанинг бунга суюнмаслиги мумкин эмасди, чунки ўзи Мигурскийни жон-танидан яхши кўриб қолган эди; биринчи марта ва ўз умрида ёлғиз бир марта севадиган кишиларгина шундай севадилар.

II

Ёз ойларининг охирида газеталар Парижда революция бўлганидан хабар берди. Бунинг кегидан Варшавада исён кўтаришмоқчи деган мишмишлар тарқалди. Ячевский, ҳар сафар почта келганда Константиннинг ўлдирилиши ва революциянинг бошланиши тўғрисидаги хабарни қўрқув аралаш умид билан кутар эди. Ниҳоят, Рожанкадагилар ноябрь ойида, бельведерга¹ ҳужум қилишибди, Константин Павлович қочибди, деб эшитишди, кейин сейм Романовлар хонадонини Польшага ҳукмронлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилибди. Хлопицкий диктатор деб эълон қилинибди, Польша халқи озод бўлибди, деган овозалар келди. Қўзғолон ҳали Рожанкага келиб етмаган, аммо бу ердагилар қўзғолоннинг боришидан хабардор, ўзлари ҳам қўзғолон бўлишини кутиб шайланиб турардилар. Кекса Ячевский қўзғолон раҳбарларидан бири бўлган эски таниши билан ёзишиб турар, махфий келган яҳудий даллолларни, олди-сотди

¹ Ксендз — поляк руҳонийси.

¹ Бельведер — Польша ҳокимларининг қасри.

ишлари билан эмас, революцияга доир иш билан қабул қилар, пайти келганда қўзғолонга қўшилишга ҳозирлардир. Пани Ячевская эса эрининг моддий эҳтиёжлари тўғрисида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилар ва бу билан у ҳар вақтдагидек эрининг баттар жаҳлини чиқарар эди. Ванда ўз бриллиантларини Варшавадаги бир дугонасига юбориб, сотиб, пулини революцион комитетга беришни тайинлади. Альбинани эса фақат Мигурскийнинг нима қилаётганигина қизиқтирарди. Отасидан у Мигурскийнинг Дверницкий отрядида хизмат қилаётганини билиб, шу отрядга доир хабарлардан кўз-қулоқ бўлиб турарди. Мигурский икки марта хат ёзди: бир хатида у қўшинга хизматга кирганини, иккинчи хатида, февраль охирида, Сточек яқинида полякларнинг ғалаба қозонганини, бунда русларнинг олтита тўпини қўлга тушириб, асирлар олинганини билдирди. Ўз хатини у «Zwyciestwo Polakow ikleska Mockali! Wiwaf!»¹— деб тамомлаган эди. Бу гаплардан Альбина хурсанд бўлиб, терисига сиғмай кетди. У харитани кўздан кечирар, москалларнинг қаерда ва қачон батамом тор-мор бўлишини чамалаб кўрар, почтадан келтирилган пакетларни отаси имиллаб очаётганда ранги докадек оқариб, қалтираб кетарди. Бир куни ўғай онаси Альбинанинг уйига кириб, унинг ойна олдида шим ва камзул кийган ҳолда турганини кўриб қолди. Альбина поляклар қўшини сафига кириш учун эркакча кийим кийиб, уйдан қочмоқчи эди. Отаси уни ўз олдига чақирди, қизига қойил қолгани, хурсанд бўлганини яшириб, унга қаттиқ танбеҳ берди, урушда қатнашиш тўғрисидаги аҳмоқона фикрни миянгдан чиқариб ташла, деди. «Хотинларнинг вазифаси, бошқа, у ҳам бўлса, ватан фидокорларини севиш ва уларга тасалли беришдан иборат, ҳозир менинг қувончим, овунчоғимсан, менга кераксан, вақти келиб ўз эринга ҳам шундай керак бўласан», деди у. Чол қизига таъсир қиладиган гапни топиб гапирди, ўзининг ёлғиз ва бахтсиз эканини айтиб, ўпиб қўйди. Қиз отасининг бағрига юзини босиб кўз ёшларини яширди, аммо йиғлайвериб унинг енгини ҳўл қилиб юборган эди. Отасига, розилик олмай ҳеч бир иш қилмасликка ваъда берди.

¹ Яшасин поляклар, битсин москаллар! Ура! (Поляк тилида.)

Польша тақсимланиб, унинг бир қисми жирканч немисларга, қолган қисми, улардан ҳам манфур москалларга тобе бўлгандан кейин, поляклар бошига тушган мусибатларни ҳис этган кишигина, аввал озод бўлиш учун бир неча марта уришиб фалокатга йўлиққан, 30 — 31-йилларда эса энди озод бўламиз, деб умид қилган полякларнинг шод-хуррамлигини англай олади. Бироқ уларнинг бу умиди чиппакка чиқди. Ҳар иккала томоннинг кучи тенг эмасди, шунинг учун революция бостирилди. Сўзсиз итоат қилувчи ўн минглаб рус одамлари гоҳ Дибич бошчилигида, гоҳ Паскевич ва олий ҳукмдор Николай I, бошчилигида нима қилаётганларини билмай, ўзларининг ва ўз биродарлари полякларнинг қонини тўкиб, уларнинг қўзғолонини бостирдилар, на полякларнинг озод бўлишини ва на тор-мор бўлишини истаган, фақат биргина нарсани: ўзларининг моддий манфаатларини кўзлаган, шуҳратпараст, пасткаш, разил одамлар қўлига Польшани топширдилар.

Варшава ишғол қилинди, айрим отрядлар тор-мор этилди. Юзлаб, минглаб одамлар отилди, таёқ билан уриб ўлдирилди, сургун қилинди. Сургун қилинганлар орасида ёш Мигурский ҳам бор эди. Унинг ер-мулки мусодара қилинди, ўзи Уральск линия батальонига солдатликка юборилди.

Ячевскийлар 31-йилдан кейин юрак ўйноғи касалига мубтало бўлган чолнинг соғлигини назарда тутиб, 1832 йилнинг қишини Вильнода ўтказдилар. Бу ерга қалбада бўлган Мигурскийдан хат келди. У ўз хатида, бошимдан кечирганларим ва бундан буёнги қисматим нақадар оғир бўлмасин, ватан учун жафо чекканимдан хурсандман, умримнинг бир қисмини фидо қилган муқаддас ишдан умидимни узганим йўқ, умримнинг қолган қисмини ҳам фидо қилишга тайёрман, агар имкон топсам эртага ҳам шундай қиламан, деб ёзган эди. Овозини чиқариб ўқиётган чол хатнинг шу ерига келганда хўнграб йиғлаб юборди ва анчагача ўқиёлмай турди. Хатнинг қолган қисмини Ванда ўқиб эшиттирди. Мигурский, сўнгги марта уларникига қандай ният ва орзу билан келганини ҳозир айта олмаслигини, айтишни истамаганини, ўша келиши унинг ҳаётидаги энг ёрқин саҳифа эканини ёзган эди.

Ванда ва Альбина бу сўзларнинг маъносини ўзларича тушунишди, лекин қандай тушунганларини оғиз очиб ҳеч кимга гапиришмади. Хатнинг охирида Мигурский ҳаммага салом айтган, гап орасида, сўнгги сафари вақтидагидек, Альбинага ҳазиллашиб, ҳозир ҳам аввалгидек югурукмисиз, този ит билан қувлашиб ўзиб кетасизми, ҳали ҳам ҳаммага тақлид қилиб, ҳаммани масхара этасизми, деб сўраган эди. У чолга соғ-саломатлик, оналарининг рўзғор ишига кушойиш тилаб, Вандага муносиб куёв, Альбинанинг эса аввалгидек хушчақчақ бўлишини тилаган эди.

IV

Кекса Ячевскийнинг соғлиги кундан-кунга ёмонлашди. Шу сабабдан, 1833 йили бутун уй ичи билан чет элга кўчиб кетишди. Баден шаҳрида Ванда бадавлат поляк эмигранти билан танишиб, унга куёвга чиқди. Чолнинг касали зўрайиб, 1833 йили ёт элларда, қизи Альбинанинг қўлида жон берди. Хотинини яқинига йўлатмади, шунга уйланиб хато қилдим деб, умрининг охиригача унинг кўзини очирмади. Пани Ячевская Альбина билан биргаликда қишлоққа қайтиб келди. Альбинанинг ҳаётда қизиқтирган нарсаси фақат Мигурский эди. Назарида у улуғ қаҳрамон, фидокор одам эди. Альбина ўз ҳаётини унинг хизматига бағишлашга аҳд қилди. Чет элларга кетмасдан буруноқ, у аввал отасининг топшириғи билан, кейинчалик ўзича, Мигурскийга хат ёзиб турди. Отаси ўлгач, Россияга қайтгандан кейин ҳам у Мигурский билан ёзишиб турди, ёши ўн саккизга тўлганда ўгай онасига ўзининг Уральска жўнаб кетишга аҳд қилганини, Мигурскийга куёвга чиқиш ниятида эканини билдирди. Угай она эса, Мигурский ўз оғир аҳволини енгиллаштириш учун бадавлат бир қизни ўзига ром қилиб олиб уни ҳам ўзидек бахтсиз қилмоқчи эканини айтиб, йигитга таъна қила бошлади. Альбинанинг жаҳли чиқди, фақат сизгина ўз халқи учун бор-йўғини фидо қилган кишини шундай ёмон ниятда деб ўйлайсиз, аксинча, у мен ёрдам бераман деганимда кўнмаган эди, энди унинг олдига бораман, агар Мигурский рози бўлиб, менинг бахтли бўлишимни, менга уйланишни истаса, унга куёвга чиқаман, деди. Альбина балогатга ет-

ган, пули ҳам бор,— унинг марҳум амакиси жиянларимга деб уч юз минг злотих¹ мерос қолдирган эди. Шундай қилиб, ҳеч қандай гов Альбинанинг йўлини тўсолмади.

1833 йилнинг ноябрида Альбина уйдагилар билан видолашди. Уйдагилар худди ўликка аза тутгандек йиғлаб, узоқ ва етти ёт бегона, маданиятсиз Московияга уни кузатиб қўйдилар. Альбина ўзига садоқатли бўлган Лудвика билан бирга отасининг олис ерларга бориш учун қайтадан тузатилган соябон аравасига ўтириб, узоқ сафарга чиқди.

V

Мигурский казармада эмас, алоҳида квартирада турар эди. Николай Павлович даражалари пасайтирилган полякларни оғир ва қаттиқ солдатлик ҳаётига мубтало қилиш билан қаноатланмай, ўша вақтда оддий солдатлар бошига тушган хўрликни ҳам тотиб кўришларини талаб этар эди; аммо Николайнинг бу буйруғини ижро этадиган оддий кишиларнинг кўпи даражаси пасайтирилган полякларнинг қандай оғир аҳволдалигини тушунар ва унинг иродасига қарши боришнинг хавfli бўлишига қарамай, имкон топганларида бу буйруқни ижро этмас эдилар. Мигурский солдатликка тайинланган батальоннинг командири илгари чаласавод солдат эди, кейин хизмат кўрсатиб командирликка кўтарилган эди; у бор-йўғидан ажралган, илгари бой бўлган ўқимишли йигитнинг аҳволини билар, уни аяр, нима қилиб бўлса ҳам унга енгиллик берарди. Мигурский пўрдоқ юзли, соқоли оқарган подполковникнинг раҳмдиллигини қадрлаб, ўз миннатдорлигини билдириш учун унинг кадетлар корпусига киришга тайёрланаётган ўғилларига математика ва француз тилидан дарс беришга рози бўлди.

Етти ойдан бери Уральскда турган Мигурскийнинг машаққатли ҳаёти бир тусда ўтар, юракни сиқар, зериқтирарди. Унинг батальон командиридан ташқари (Мигурский ундан ўзини узоқроқ тутишга ҳаракат қиларди), сургун бўлиб келган битта поляк таниши бор

¹ Злотих — 37,5 тийин.

эди. Чаласавод, суллоҳ ва ёқимсиз бўлган бу одам шу ерда балиқфурушлик қиларди. Мигурскийга ҳаётда энг оғир туюлган нарса шу эдики, у муҳтожликка сира ўрганолмасди. Ер-мулки мусодара қилингандан кейин унинг қўлида маблағ қолмаган, қолган-қутган тилла буюмларини сотиб кун кўрарди.

Сургун қилингандан кейин унинг ҳаётидаги ягона қувончи Альбинадан хат олиб, унга хат юбориб туриши бўлди. Рожанкага боргандан бери унинг қалбида Альбинанинг шоирона латиф тасаввури сақланиб қолган, бегона юртда бу тасаввур борган сари латофат касб этар эди. Альбина дастлабки бир хатида унинг илгари ёзган мактубидаги: «қандай ният ва орзу билан келганим» деган сўзларининг тагида нима маъно борлигини сўраган эди. Мигурский эса, мен сизга уйланиш орзусига тушган эдим, энди буни эътироф эта оламан, деб жавоб қайтарди. Альбина, мен ҳам сизни севаман, деб ёзди. Мигурский, сиз бу гапни ёзмаганингиз яхши эди, негаки, нима бўлишини ўйлаганимда юрагим оркамга тортиб кетади, энди бундай бўлиши мумкин эмас, деб жавоб қайтарди. Альбина эса, бу мумкин бўладигина эмас, албатта шундай бўлади, деб ёзди. Мигурский ўз хатида унинг фидокорлигини қабул эта олмаслигини, ҳозирги аҳволида бунинг мумкин бўлмаган нарса эканлигини билдирди. Шу хатдан кейин кўп ўтмай унга, икки минг злотих олинг, деб хабарнома келди. Конвертга босилган муҳрга ва ёзувга қараб, бу пулни Альбина юборганини билди. Дастлабки хатларидан бирида у дарс бериб, ўзига керакли нарсаларни — чой, тамаки ва ҳатто китоб сотиб олиш учун пул топиб маза қилаётганини ҳазиломуз ёзган эди. Мигурский пулни бошқа конвертга солиб, ўз орамиздаги соф муносабатни пул билан бузманг, деб хат ёзиб юборди. Ўзининг ҳеч қандай кам-кўсти йўқлигини, Альбинадек бир дўсти бўлгани учун ўзини бахтиёр ҳис этганини билдирди. Шу билан улар бир-бирларига ёзишмай қўйдилар.

Ноябрь ойида Мигурский подполковникнинг уйида болаларга дарс бериб ўтирганида почта чанасининг қўнғироғи қулоғига чалинди. Қўнғироқ товуши борган сари яқинлашарди, ниҳоят, чананинг қўшқароғи қуруқ қорни ғирчиллатиб эшик олдида тўхтади. Болалар ким келганини билиш учун сапчиб ўринларидан турдилар. Мигурский хона ичида қолди, болаларнинг қайтиб

келишини кутиб, кўзи тўрт бўлиб эшикка қараб турди, ammo эшикдан подполковникнинг хотини кириб келди.

— Пан, аллақандай хотинлар келишиб, сизни сўра-япти,— деди у.— Афтидан, сиз томондан келган чиқар, поляк аёлларига ўхшайди.

Агар Мигурскийдан: сенинг олдинга Альбинанинг келишига кўзинг етадими, деб сўрашса, бўлмағур гап, деб айтган бўлар эди, ammo кўнглида унинг келишини кутарди. Мигурскийнинг юраги орзиқиб, нафаси тикилиб даҳлизга югуриб чиқди. Даҳлизда семизгина, чўтир хотин бошидан рўмолини ечаётган эди. Бошқа бир аёл полковникнинг квартири эшигига кириб кетаётган эди, орқасидан келаётган одамнинг қадам товушини эшитиб у қайрилиб қаради. Қалин рўмол остидан Альбинанинг чақнаб турган, ораси очиқ мовий кўзлари, қиров босган киприклари кўринди. Мигурский турган жойида тарашадек қотиб, нима дейишини, қандай сўрашишини билмай қолди. Альбина эса «Юзё!»— деб қичқариб, унинг бўйнидан қучоқлаб, юзига ўзининг совуқдан қизариб кетган юзини босди, кулиб туриб йиғлаб юборди. Отаси ва Альбинанинг ўзи Мигурскийни «Юзё» деб юри-тар эдилар.

Подполковникнинг раҳмдил хотини Альбинанинг кимлигини ва нима учун келганини билиб, тўйгача уни ўз уйида сақлаб турди.

VI

Оқкўнғил подполковник ҳаракат қилиб, бошлиқларнинг ижозатини олгандан кейин, Оренбургдан ксендзни чақиртирди, у Мигурскийларни никоҳлаб қўйди. Батальон командирининг хотини қизга янга бўлди, ўқувчилардан бири икона кўтариб турди, сургун бўлиб келиб қолган поляк Бржозовский куёв жўраси бўлди.

Альбина, шуниси қизиқки, ўз эрини илгари яхши билмаса ҳам уни жон-тани билан яхши кўрар эди. У билан энди яқиндан танишди. Ўз-ўзидан маълумки, Альбина қон-тани бўлган жонли одамнинг бир талай оддий ва шоирона бўлмаган хусусиятларга эга эканини кўрди, ammo қизнинг ўз хаёлхонасида асраб юрган, ардоқлаган сиймода бу хусусиятлар йўқ эди; лекин Мигурский худди қон-жони бор одам бўлгани учун унинг мавҳум одам-

да бўлмаган бир талай оддий ва яхши хусусиятларга эга эканини билди. У ўз таниш-билишлари ва дўстларидан Мигурскийнинг жангда кўрсатган қаҳрамонлиги, ер-мулки ва озодлигидан маҳрум бўлган чоғида иродаси букилмаганини эшитган эди; у ҳаётда доим юксак қаҳрамонлик кўрсатади, деб хаёл қиларди; ҳақиқатда эса, ҳаддан ташқари жисмоний кучга эга бўлган бу жасур одам қўйдек ювош, ётиғи билан ҳазил қиладиган оддий киши бўлиб чиқди, унинг ёқимли лаблари бола-ларникидай кулиб турар, оғзининг атрофини бир вақтлар Рожанкада Альбинани шайдо қилган оқ-сарик мўйлов ва соқол қоплаб олган эди; доим тутаб турган трубкаси оғзидан тушмас, айниқса Альбина оғироёқ бўлиб қолганида тутунидан безор бўлган эди.

Мигурский ҳам Альбинанинг қанақалигини энди билиб олди, хотин сифатида энди таниди. Уйланмасдан бурун таниган аёллардан хотин кишининг қанақалигини била олмаган эди. Альбинада, умуман, хотинларда бўладиган хусусиятлар борлигини билиб у ҳайрон қолди, агар Альбина — Альбина бўлмаганда, уни севмаганда, ундан миннатдор бўлмаганда Альбинанинг умуман хотинлик сифатларини кўриб, ҳайрон бўлган, кўнгли совиган бўларди.

Альбина хотин киши бўлгани учун, риюя қилиб, унга нисбатан истеҳзо аралаш мулойим муомалада бўларди. Альбина — Альбина бўлгани учун уни жонидек севарди. Фидокорлик кўрсатиб, ўзига лойиқ бўлмаган бир бахтни бағишлаган Альбинага қойил қолиб, ўзининг қарздор эканини сезган Мигурский миннатдорлик ҳисси билан тўлиб-тошган эди.

Бир-бирларини севган Мигурскийлар бегона одамлар орасида ўзларини қишда адашиб қолиб совқотган, бир-бирларини иситган икки кишидек ҳис этганлари учун ҳам бахтли эдилар. Ўз бекасига фидокорона содиқ бўлган мулойим, сергап, ҳамма эркакларга ошиқ бўлган қизиқ энага Лудвиканинг Мигурскийлар билан бирга туриши ҳам уларни қувноқ ҳаёт кечиришига кўмаклашарди. Мигурскийларнинг боладан ҳам толелари бор экан. Бир йилдан кейин ўғил кўрдилар, бир ярим йилдан кейин — қиз. Ўғил худди онанинг ўзгинаси эди: кўзлари ҳам, шўхлиги ҳам, қилиқлари ҳам онасиникига ўхшарди. Қизлари эса айиқ боласидек соғлом, чиройли эди.

Бироқ Мигурскийлар ватанларидан узоқда бўлганлари, камситилганлари учунгина ўзларини бахтсиз ҳис этар эдилар. Хусусан, Альбина бу хўрликка ҳеч чидай олмасди. Унинг қаҳрамон, чин инсон бўлган эри — Юзё ҳар қанақа офицер олдида ғоз туриб қотиб қолишга, милтиқ кўтариб машқ қилишга, қоровул туришга, сўзсиз итоат этишга мажбур эди.

Бундан ташқари, Польшадан биридан бири хунук хабарлар келмоқда эди. Уларнинг яқин қариндошлари, дўстларининг кўпи ё сургуи қилинган, ёки бор-йўқларидан маҳрум бўлиб чет элга қочган эдилар. Мигурскийларнинг аҳволи шундоғлигича қолиб кетадиганга ўхшаб кўринарди. Ёзган бутун илтимослари, жилла қурмаса, ҳаётларини яхшилаш, офицерлик даражасига кўтариш тўғрисида аризалари оқибатсиз қолди. Николай Павлович аскарларни кўриқдан ўтказиш, парадлар, маскарадларга бориш билан банд, у маска кийган хонимлар билан ўйнашар, одамларни кўрқитиб, отларни чарчатиб, бекордан-бекорга Россия бўйлаб Чугуевдан Новороссийскка, Петербург, Москвагача югуриб юрар, бирор жасур одам юрак бетлаб сургундаги декабристларнинг ёки ватанпарварлик туфайли азоб чекаётган полякларнинг (Николайнинг ўзи ватанпарварликни мақтарди) тақдирини енгиллатиш тўғрисида илтимос қилганда кўкрагини кериб, қўргошин соққага ўхшаган кўзларини бир жойга тикиб, «Қўяверинг, хизмат қилаверсинлар, ҳали эрта», дер эди. Қачон эрта эмас, қачон вақти соати келиши гўё унинг ўзига аён эди. Подшонинг яқинлари: генераллар, камергерлар ва уларнинг хотинлари — унинг ювиндихўрлари бу улуг одамнинг ҳаддан ташқари фаҳмли эканига, донолигига қойил қолар эдилар.

Умуман, Мигурскийлар бахтсиз бўлсалар ҳам вақтларини хурсандчилик билан ўтказар эдилар.

Шу зайлда улар беш йил умр кечирдилар. Бироқ уларнинг бошига кутилмаган бахтсизлик тушди. Олдин қиз, икки кун кейин ўғил касал бўлиб қолди. Тиббий ёрдам бўлмаганидан (врач топишнинг иложи йўқ эди) тўртинчи кун бола жон берди. Икки кундан кейин қиз ҳам қаза қилди.

— Альбина ўзини ўлдирса эрининг қандай аҳволга тушишини тасаввур қилиб кўрқиб кетгани учунгина, ўзини Урал дарёсига ташламади. Аммо у ҳаётдан безган

эди. Илгари ишчан, куйди-пишди бўлган Альбина энди ҳамма ишни Лудвикага ташлаб қўйди, ўзи соатларча, дуч келган нарсага кўзини тикиб, миқ этмай ўтирар, баъзан иргидан туриб чопганича ўз ҳужрасига кириб кетар, у ерда эрининг ва Лудвиканинг таскин беришига парво қилмай, юм-юм йиғлар, фақат бошини сарак-сарак қилиб уларнинг чиқиб кетишини, ўзини ёлғиз қўйишларини сўрарди. Езда эса у болаларнинг мозорига бориб у ерда ўтирар, ўтган нарсаларни эслаб армон қилар, юрак-бағрини қон этарди. Агар шаҳарда турсак, тиббий ёрдам кўрсатиб болаларни олиб қолардик, деган фикр уни азобга соларди. Гуноҳимиз нима? Нима сабабдан бундай?— деб ўйларди у.— Юзё ҳам, мен ҳам ҳеч кимдан ҳеч нима тама қилмаймиз. Юзё ҳам дунёга келиб, ўзининг ота-боболари сингари умр кечиришни, мен эса у билан бирга туриб, уни ардоқлаб, жажжи болаларимни бағримга босиб тарбиялашдан бошқа нарсани истамас эдик. Тўсатдан уни азоблаб сургунга юбордилар. Мени нурийдидаларимдан жудо этдилар. Нима сабабдан? Гуноҳимиз нима?— деб у одамларга ва худога савол берарди. Бунга бирор жавоб топишнинг мумкинлигига ақли етмасди.

Саволига жавоб тополмаган Альбина дунёдан безган, ёруғ дунё кўзига қоронғи бўлган эди. Илгари сургундан бечоралик билан ўтган ҳаётини ўзининг хотинларга хос диди билан безар эди, энди бўлса — ҳаёт ёлғиз унга эмас, балки ўз хотини учун азоб чеккан, унга қандай қилиб ёрдам беришни билмай қолган Мигурский учун ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган даражада оғир эди.

VII

Мигурскийлар бошига шу мусибат тушган пайтда Уральска Росоловский деган бир поляк келиб қолди. У ўша пайтда сургундаги ксендз Сироцинский томонидан ташкил этилган жуда катта исён ва қочиш режасига аралашишда айбланган эди.

Худди Мигурский ва минглаб кишилар сингари, полякклигича қолишни истагани учун жазоланиб Сибирга сургун қилинган Росоловский шу ишга аралашиб таёқ билан жазоланган ва Мигурский хизмат қилган батальонга тайинланган эди. Собиқ математика ўқитувчиси

Росоловский новчадан келган, бир оз букчайган, юзи қотма, пешонаси тиришган, ориққина одам эди.

Росоловский биринчи келган кунёқ, кечаси Мигурскийларникида чойхўрлик қилар экан, шошмасдан, эранқаран ўзининг нима учун жафо чекканини дўриллаб ҳикоя қилиб берди. Воқеа бундай бўлган экан: Сироцинский бутун Сибирь бўйлаб махфий бир жамият ташкил этибди, бу жамиятнинг мақсади — казак полкларига, линия полкларига тайинланган поляклар ёрдами билан солдатлар ва каторгага ҳукм қилинганларнинг исёнини кўтариш. Омскдаги артиллерияни қўлга олиб, ҳаммани озод этишдан иборат бўлган.

— Ажабо, шундай қилиш мумкинмиди?— деб сўради Мигурский.

— Жуда мумкин эди, ҳамма нарса тахт эди,— деди Росоловский қовоғини солиб. У ҳаммани озод этиш ва ишнинг муваффақияти учун барча чоралар кўрилганини, агар ишқал чиқса, исёнчиларни қутқариш ҳам назарда тутилганини гапириб берди. Агар икки нокас хиёнат қилмаганда, муваффақият таъминланган экан. Сироцинский, Росоловскийнинг гапига қараганда, иродали ва гениал одам экан. У қаҳрамонларча шаҳид бўлибди. Росоловский унинг жазолаб ўлдирилишини тафсилоти билан бафуржа дўриллаб гапириб берди. Бошлиқларнинг буйруғига кўра у шу иш юзасидан судланувчиларнинг ҳаммаси жазолаш маросимида ҳозир бўлишлари керак экан.

— Икки батальон солдат кўчанинг икки четига тизилиб, икки қатор бўлиб турди. Ҳар бир солдатнинг қўлида ихчам таёқ бор. Учтаси милтиқнинг қувурига сиғадиган бу таёқларнинг қай даражада йўғон бўлиши зоти олий томонидан тасдиқланган. Бошлаб доктор Шакальскийни етаклашди. Икки солдат уни етаклаб юрар, уларнинг олдига келганида таёқ ушлаган солдатлар докторнинг яланғоч орқасига урар эдилар. Доктор мен турган жойга яқинлашгандагина унга кўзим тушди. Дастлаб барабанларнинг дириллагани қулогимга чаллиди, кейинроқ, таёқларнинг визиллаб яланғоч бадан устига тушаётгани эшитила бошлади, унинг яқинлашиб қолганини пайқадим. Милтиқни чапгаллаб олган икки солдат уни сургаб бораётганларини кўрдим. Доктор сапчиб-сапчиб тушиб, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга бошини ўгириб қарар эди. Бир сафар, уни бизнинг олди-

миздан олиб ўтаётганларида, рус врачининг солдатларга: «Қаттиқ урманг, раҳм қилинг», деганини эшитиб қолдим. Аммо солдатлар урабердилар, менинг олдимдан иккинчи марта олиб ўтганларида у энди ўзи юролмас, уни судраб олиб юрардилар. Докторнинг орқасига қараб юрагим эзилиб кетди. Мен кўзларимни юмдим. У йиқилиб тушгач, аллақаяққа олиб кетдилар. Ундан кейин иккинчисини, сўнгра учинчисини, тўртинчисини олиб ўта бошладилар. Ҳаммалари йиқилишарди, баъзиларини ўлик ҳолда, бошқаларини чалаўлик ҳолда судраб чиқишар, биз эсақ сафда гоз қотганимизча бу даҳшатни томоша қилишга мажбур эдик. Бу олти соатга қадар — каллан саҳардан тушлик соати иккигача давом этарди... Энг сўнг Спроцинскийнинг ўзини олиб келдилар. Мен уни кўндан буён кўрмаган эдим, қариб қолибди, зўрғатандим: соқоли қирилган, ажин босиб кетган юзи бўзарган эди. Яланғоч бадани қоқ суяк, сап-сарик қовурғалари саналиб турар, қорни ичига кириб кетган эди. У ҳам ҳамма сингари, ҳар таёқ текканда сапчиб тушар, бошини опқочар, аммо инграмас, баланд овоз билан дуо ўқирди: *Miserere mei Deus secundam magnam misericordiam tuam*¹.

— Ўз қулогим билан эшитдим,— деди тез-тез гапириб, хириллаб Росоловский, кейин оғзини юмиб, бурнини тортиб қўйди.

Дераза тагида ўтирган Лудвика юзини дастрўмоли билан беркитиб, ҳўнграб йиғларди.

— Бунча тафсилоти билан гапиришнинг нима ҳожати бор! Ваҳшийлар ваҳшийлигини қилади-да,— деб қичқириб юборди Мигурский. У трубкасини ташлаб, стулдан ирғиб, турди-да, тез-тез юриб қоп-қоронғи ётоқ бўлмасига кириб кетди. Альбина эса қоронғи бурчакка кўзини тикиб, тошдек қотиб қолган эди.

VIII

Эртаси куни Мигурский машқдан кейин уйига қайтиб келгач, хотинининг авзойини кўриб ҳайрон қолди.

¹ Худойё ўзинг қарам қил, ўз раҳматингга ол. (Лотинча.)

Альбина худди қадимгисидек, енгил қадам ташлаб, уни очиқ чеҳра билан қарши олди ва ётоқ бўлмасига судради.

— Юзё, қулоқ сол.

— Икки қулогим сенда. Нима дейсан?

— Кечаси Росоловский сўзлаб берган нарсалар ушунда мижжа қоқмай ўйлаб бир қарорга келиб қўйдим: мен шундай яшай олмайман, бу ерда туролмайман. Улсам ҳам бу ерда қолмайман.

— Нима қилиш керак?

— Қочиш керак.

— Қочиш? Қандай қилиб?

— Мен ипидан-игнасиғача ўйлаб қўйдим. Қулоқ сол.

Альбина кечаси билан тузиб чиққан режасини гапириб берди. Бу шундан иборат эди: Мигурский кечкурун уйдан чиқиб Урал дарёсининг бўйига шинелини ташлаб кетади, шинелнинг устида, ўзимни ўлдирдим, деб хат қолдиради. У ўзини дарёга ташлабди, чўкиб ўлибди деб ўйлайдилар. Улигини қидирадилар, ҳар ёққа қоғоз юборадилар. Мигурский бўлса беркиниб олади. Альбина уни шундай жойга беркитадики, ҳеч ким тополмайди. Шу зайлда бир ой яшаш мумкин. Гап босди-босди бўлиб кетгандан кейин, улар қочадилар.

Бу режа биринчи дақиқада Мигурскийга амалга ошириб бўлмайдиган нарсага ўхшаб кўринди, аммо хотини қизишиб, шундай ишонч билан гапини маъқуладдики, кечга бориб у хотинининг гапига кўнди. Бундан ташқари, у шунинг учун ҳам рози бўлган эдики, қочиш муваффақиятсиз чиққудек бўлса, Росоловский тасвираб берган жазони у, яъни Мигурский тортади, муваффақиятли чиқса, Альбина озод бўлади. Болалар ўлганда кейин хотинининг бу ерда туриши жуда оғир эканини у ўз кўзи билан кўриб турган эди.

Росоловский билан Лудвика ҳам бу режа билан танишган эдилар, узоқ кенгаш қилиб, баъзи ўзгартишлар киргизилгандан кейин режа тайёр бўлди. Дастлаб, Мигурскийнинг чўкиб ўлганига бошлиқлар ишонганларидан кейин, у битта ўзи шунда қочиши керак, деган фикрда эдилар.

Альбина эса соябон аравада жўнайди ва белгиланган жойда у билан учрашади. Биринчи тузилган режа

шу эди. Аммо Росоловский сўнгги беш йил ичида Сибирдан қочишга уринганларнинг ҳаммаси муваффақиятсизликка учраганини гапириб бергач, (шу вақт ичида биттагина кишининг омади келиб қочиб қутулибди), Альбина бошқача режа таклиф қилди: арава ичига беркиниб олган Юзё Альбина ва Лудвика билан бирга Саратовгача боради, сўнгра бошқа кийим олиб, Волга қиргоғи бўйлаб қуйи томонга пиёда кетаверади, ваъдалашиб қўйилган жойда қайиққа ўтиради. Саратовда ёлланган қайиқда Альбина ва Лудвика билан бирга Волга бўйлаб жануб томонга қараб Астрахангача, у ердан Каспий денгизи орқали Эронга етиб олишади. Бу режа ҳаммага ва бу ишга бош қўшган Росоловскийга маъқул тушди. Аммо аравада бошлиқларнинг эътиборини жалб қилмайдиган, ичига одам сиғадиган бир жой ясаш жуда мушкул эди. Бир куни Альбина болаларининг мозорига бориб келгандан кейин Росоловскийга, болаларининг жасадини ёт элларда қолдириб кетишга кўнглим бўлмапти, деганида у ўйлаб туриб шундай деди:

— Бошлиқлардан болаларингизнинг жасади солинган тобутларни олиб кетишга рухсат сўранг, ижозат беришади.

— Йўқ, бундай қилишга ҳеч юрагим йўқ,— деди Альбина.

— Гап битта, сўрайсиз. Ҳамма гап шунда. Биз тобутларни олиб кетмаймиз, балки болаларнинг жасадини солиш учун катта бир яшик ясаймиз, аммо яшик ичига Юзефни яширамыз.

Бошда Альбина бу таклифни рад қилди, чунки алдамчиликни болаларнинг хотираси билан боғлаш унга ёқмади, аммо Мигурский кулиб бу режани маъқуллаганда, у кўнди.

Энг охири шундай режа тузишди: Мигурский усталлик билан иш кўрсатиб, ўзининг чўкиб ўлганига бошлиқларни ишонтиради. Унинг ўлганига ҳамма ишонгандан кейин Альбина, эрим ўлди, эндиликда ўз ватанимга қайтишга ва болаларининг жасадини олиб кетишга рухсат беринг, деб илтимоснома ёзади. Унга ижозат берилгандан кейин, гўё гўрни қазиб, тобутларни чиқарган бўладилар, аммо уларни ўз жойида қолдирадилар, болаларнинг тобути ўрнига махсус тайёрланган яшикка Мигурский кириб беркиниб олади. Бу яшикни та-

рантасга жойлайдилар, шу залда Саратовгача борадидилар. Саратовда қайиққа ўтирадилар. Юзё яшик ичидан чиқади. У ёғи Эрон ёки Туркия — озодлик.

IX

Даставвал Мигурский Лудвикани ўз ватанига юбориш баҳонаси билан тарантас сотиб олдилар. Сўнгра ичида икки букилиб бўлса ҳам нафас олиб ётиш, билинтирмай ичидан чиқиш ва яна кириш мумкин бўлган яшик ясай бошладилар. Яшикни Альбина, Росоловский ва Мигурскийнинг ўзи, уч кишилашиб бамаслаҳат ясашди. Яхши дурадгор бўлган Росоловскийнинг катта ёрдами тегди. Араванинг орқасига жипс қилиб маҳкам жойлаштириладиган яшик шундай ясалган эдики, унинг арава томондаги қопқоғи очилиб, ичидаги одам қисман яшикда, қисман араванинг тагидаги тахтасида ётиб кетаверарди. Бундан ташқари, ҳаво кириб туриши учун яшикнинг бир неча жойидан тешик қилинган эди. Уни чиптага ўраб, арқон билан чандиб ташлашмоқчи эди. Яшикка арава ичидан кириш-чиқиш мумкин эди, арава ичига ўтиргич ҳам ясашди.

Арава ва яшик тайёр бўлгач, Мигурский ғойиб бўлишдан олдин, бошқаларни чалғитиш учун Альбина полковникнинг ҳузурига бориб, эрим савдойиннамо бўлиб қолди, ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлди, ундан ҳавотирдаман, уни вақтинча бўшатиб қўйинг, деб арз қилди. Альбинанинг драматик санъатга бўлган қобилияти иш бериб қолди. Эридан ташвишланиб қўрққанини у шу қадар табиий ифода этдики, полковникнинг раҳми келиб, нимаки қилиш мумкин бўлса ҳаммасини қилишга ваъда берди. Шундан сўнг Мигурский бир хат ёзди, уни Урал бўйига ташлаган шинелининг енг қайтармасидан топиб олишлари лозим эди. Аҳдлашиб қўйилган куни кечқурун у Урал бўйига борди, қоронғилик тушгандан кейин қиргоққа кийим-бошлари, хат солинган шинелини қўйиб, ўзи киши билмас уйга қайтиб келди. Эшиги қулфлоглиқ турадиган чордоқда унинг учун жой ҳозирлаб қўйилган эди. Альбина эрининг йнгирма соат аввал уйда чиқиб кетиб ҳалигача қайтиб келмаганини билдириш учун кечаси Лудвикани полковник олдига юборди. Эрта билан унга эрининг мактубини келтириб

топширдилар. Альбина ҳасрат-надомат чеккан кишидек, кўз ёшини оқизиб бу хатни полковникка обориб берди.

Бир ҳафтадан кейин Альбина ўз юртига қайтиб кетишни илтимос қилиб ариза берди. Альбинанинг қайғуришини кўрган кишилар ҳайратда қолдилар. Ҳамма бу муштипар она ва бахтсиз хотинга ачинар эди. Кетишга рухсат олгандан кейин у яна ариза бериб, болаларининг жасадини гўрдан чиқариб олиб кетишга рухсат сўради. Бошлиқлар унинг қалби нозиклигига ҳайрон қолиб, бу илтимосини ҳам ерда қолдирмадилар.

Эртаси кун, бунга ҳам рухсат олгандан кейин, Росоловский, Альбина ва Лудвика билан бирга, кира қилинган аравага болаларнинг тобутлари солинадиган яшиқни ортиб, қабристонга, болаларнинг мозорига келишди. Альбина болаларининг гўри олдида тиз чўкиб дуо ўқиди-да, қовоғи осилиб Росоловскийга:

— Қани, ишни бошлаб, менинг қўлим бормайди,— деб бир чеккага ўтиб турди.

Росоловский билан Лудвика қабр устидаги тошни суриб белкурак билан гўрнинг устки қавагидаги тупроғини олиб ташладилар, шуида гўр очилгандек бўлиб қолди. Иш бажарилгандан кейин улар Альбинани чақиринди-да, ичига тупроқ тўлдирилган яшиқ билан уйга қайтишди.

Жўнаб кетадиган кун ҳам етиб келди. Росоловский ишнинг муваффақиятли чиққанидан хурсанд эди. Лудвика эса йўлга ширин нон ва сомса пишириб, ўзининг севган «Jak mate koshat» (онадан яхши кўраман) деган мақолининг такрорлар, юрагим кўрқувдан ва хурсандчиликдан тарс ёрилиб кетай даяпти, дер эди. Бир ой ўтириб зериккан Мигурский чордоқдан қутулганига, ҳаммадан ҳам Альбинанинг терисига сиғмай қувонганига хурсанд эди. Альбина гўё илгариги қайғуларини, хавф-хатарни унутганга ўхшар, чордоққа югуриб чиқиб, худди қизлик вақтидагидек шодлигини ичига сиғдиролмай жилмаярди. Кузатувчи казак кечаси соат учда аравакаш билан уч отни бошлаб келди. Альбина Лудвика билан устига шолча солниган ёстиқ устига ўтиришди. Улар кучукни ҳам оливолишган эди. Казак билан аравакаш ўриндиққа жойлашиб олишди. Мужикчасига кийинган Мигурский арава тагидаги тахта устида ётарди.

Уч от қўшилган тарантас кумушдек товланган бултурги чалов ўтлар ўсган, бир умр ҳайдалмаган бепоён чўл ўртасидаги теп-текис йўлдан қушдек учиб борарди.

X

Альбинанинг умид ва шавқ-завқ билан тўлиб-тошган юраги орзиқарди. У ўз ҳислари билан ўртоқлашмоқ учун гоҳ жилмайиб Лудвикага ўриндиқда ўтирган казакни, гоҳ арава тагини имлаб кўрсатарди. Лудвика эса қиёфасига маънодор тус бериб, тўғрига қараб қимир этмай ўтирар, лабларини сал-пал қимтиб қўярди. Ҳаво очик, ҳар тарафни тонг қуёшининг қия тушган нурлари остида товланиб турган чалов ўсган поёнсиз чўл энлаб ётибди. Асфальтдек қотиб кетган йўл устида кетиб кетган тақасиз бошқирд отларининг дупури эшитиларди, йўлнинг икки четида юмронқозиқлар чиқариб ташлаган тупроқлар уюлиб ётади; чўққайиб ўтириб қоровуллик қилаётган бир юмронқозиқ хатардан дарак бериб қаттиқ чийиллаб, инига уриб кетади. Йўловчилар жуда оз эди: йўлда араваларига буғдой ортилган казаклар карвони ёки отлиқ бошқирдлар учрар, казак улар билан татарчалаб балодек гаплашарди. Ҳамма бекатларда дам олволган, қорни тўқ отлар турар. Альбина ароқ пули деб ярим сўлкавой сўна қилгани учун аравакашлар отларни, уларнинг таъбирича, фельдъегерчасига, яъни чоптириб ҳайдар эдилар.

Биринчи бекатда, аввалги аравакаш отларни аллақаяққа олиб кетди, янгиларини ҳали келтирмаган эдилар, казак бекат кўрасига кириб кетганида Альбина энгашиб, эридан, аҳволнинг қалай, бирор нарса керакми, деб сўради.

— Жуда яхши, тинч кетяман. Ҳеч нарса керак эмас. Икки сутка бўлса ҳам бемалол ёта бераман.

Кечга томон Дергачи деган катта қишлоққа етиб келдилар. Эрим қўл-оёғини ёзиб дам олволсин, деган ниятда Альбина почтахонага эмас, карвонсаройга тушди, казакка пул бериб, тухум ва сут сотволиш учун қишлоққа жўнатди. Тарантас бостирма тагида турар, ҳовли зим-зиё эди. Альбина казакни пойлаб туриш учун Лудвикани қоровул қўйди-да, эрини яшиқдан чиқариб қорнини тўйғизди, казак қайтиб келмасдан бурун Ми-

гурский яна ўз жойига кириб ётиб олди. Яна одам юбориб от келтирдилар ва йўлга тушдилар. Альбинанинг борган сари кўнгли кўтарилиб ўз хурсандлигини ичига сиғдирилмай қолди. Лудвика, казак ва Трезоркадан бошқа гаплашадиган кимса йўқ эди. Альбина улар билан гаплашиб вақтини чоғ қилиб борарди.

Ўзи ўлгудек хунук бўлишига қарамай, Лудвика дуч келган ҳар бир эркак менга ошиқ-шайдо бўлиб қолади, деб гумон қиларди; ҳозир ҳам уларни кузатиб бораётган мовий кўз, барваста, кўнгилчан урал казагига нисбатан ҳам шу фикрга келган эди. Содда ва мулойим казак иккала аёлга ҳам ёқиб қолганди. Бироқ Трезорка араванинг тагини искамоқчи бўлганда Альбина бунга йўл қўймас, унга дўқ қиларди. Альбинанинг Трезоркадан ташқари яна бир эрмаги — Лудвика эди. Лудвика ҳеч нарсадан хабари бўлмаган, нима десалар мулойимгина жилмайиб турадиган казакка кулгили тарзда поз-истигно қиларди. Хавф-хатардан ва ишининг ўнгидан келаётганидан, ажойиб чўл ҳавосидан маст бўлган Альбина болалардек қувонарди, у кўпдан буён бу қадар шод-хуррам бўлмаган эди. Мигурский ётган жойида унинг ҳушчақчақ гапларини эшитар, оғир аҳволдалигига қарамай (у исиб кетган, ташналикдан қийналган эди), ўзини унутиб Альбинанинг хурсандлигидан кайфи чоғ бўларди.

Иккинчи кун кечга яқин туман орасидан бир нарса кўзга чалина бошлади. Бу Саратов ва Волга эди. Казак ўзининг ўткир кўзлари билан Волгани ҳам, кема минораларини ҳам кўриб турар, уларни Лудвикага кўрсатар, Лудвика, ҳа, мен ҳам кўряпман, дер эди, бироқ Альбинанинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Эрига эшитириб қаттиқ овоз билан:

— Саратов, Волга,— дер эди. Трезор билан гаплашган киши бўлиб, кўрган нарсаларининг ҳаммасини эрига эшиттириб, гапириб берарди.

XI

Альбина Саратовга кирмасдан Волганинг сўл қирғоғида, шаҳар рўпарасидаги Покровский слободасида тўхтади. Бу ерда у кечаси эри билан гаплашиб, яшиқдан чиқариб юбориш ниятида эди. Аммо казак қисқа баҳор кечаси тарантасдан бир қадам ҳам нари силжимай унинг

ёнида, бостирма тагидаги бўш шалдироқ аравада ўтириб чиқди. Лудвика Альбинанинг буйруғи билан арава ичида ўтирар, казак мени деб аравадан нари кетмаяпти, деб ўйлаб, унга кўз сузиб қўяр, ҳиринглар, рўмоли билан чўтир юзини беркитар эди. Бироқ Альбинага бу парса кулгили бўлиб туюлмас, нега казак арава ёнидан бир қадам ҳам жилмайди, деб ташвишланар, борган сари безовталанарди.

Кўз юмиб очгунча тонг отадиган қисқагина май кечасида Альбина карвонсаройнинг ҳужрасидан тушиб бадбўй йўлак билан орқа эшикка чиқиб қарар эди. Казак ҳамон мижжа қоқмай, тарантас ёнидаги бўш арава устида оёғини солинтириб ўтирарди. Фақат тонг олдидагина, хўрозлар уйғониб, ҳовлима-ҳовли чақирриша бошлаганларида, Альбина пастга тушиб эри билан гаплашиб олишга фурсат топди. Казак арава устида чалқанчасига тушиб хуррак отиб ётарди. Альбина тарантас ёнига келиб яшиқни бир туртди-да:

— Юзё!— деб чақирди. Жавоб олмагандан кейин кўрқиб қаттиқроқ: — Юзё! Юзё!— деб юборди.

— Нима дейсан, жонгинам?— деди Мигурский яшиқ ичидан туриб уйқусираган овоз билан.

— Чақирганимда нега овоз бермадинг?

— Ухлаб ётувдим,— Альбина унинг овозидан илжайганини пайқади.— Нима, чиқаверсам бўладими?— деб сўради у.

— Йўқ, бўлмайди. Казак шу ерда,— деб Альбина аравада ухлаб ётган казакка кўз ташлади.

Шуниси қизиқки, казак хуррак отиб ётар, аммо унинг мулойим кўзлари очиқ эди. У Альбинага қараб турарди, фақат кўзига кўзи тушгандагина юмиб олди.

«Менга шундай туюлдими ёки у ухламай ётдимикан?— деб ўзига ўзи савол берди Альбина.— Йўғ-э, кўзимга шундай кўрингандир».

— Яна бир оз сабр қилиб тур,— деди Альбина.— Овқат егинг келяптими?

— Йўқ. Чекким келяпти.

Альбина яна казакка қараб қўйди. У ухлаб ётарди. «Кўзимга кўринган экан», деб ўйлади у.

— Мен энди губернаторнинг олдига бораман.

— Майли, оқ йўл...

Альбина чамадондан кўйлагини олди-да, кийингани ҳужрасига кириб кетди. У энг яхши одми кўйлагини

кийиб Волганшиг нари томонига ўтиб олди, дарё бўйидаги кўчада бир извошга ўтириб губернаторникига жўнади. Губернатор уни қабул қилди. Кулиб турган, француз тилида яхши гаплашадиган чиройликкина тул поляк аёли ўзини ёш қилиб кўрсатишга уринган чол губернаторга жуда ёқди. У Альбинанинг ҳамма илтимосларини қабул қилди ва Царицин шаҳар бошлиғига ундан фармон олиш учун эртага яна бир келиб кетишини сўради. Уз илтимосларининг қабул қилинганлиги ва губернаторнинг авзойидан ўзининг чиройи унга қандай таъсир этганини билиб, Альбина хурсанд ва умидвор бўлди, шу кайфиятда, извошда ўтириб тош ётқизилган қия кўчадан пристанга тушмоқда эди. Офтоб ўрмон устига кўтарилган, унинг қия тушган нурлари жимирлаб турган тошқин сув устида жимжима қиларди. Йўлнинг ўнг ва чап томонидаги тепаликларда хушбўй олма дарахтлари оппоқ чамандек бўлиб очилиб ётар эди. Қирғоқда кемаларнинг миноралари қалашиб турар, елканлар шамолдан чайқалар, офтобдан жимирлаган тошқин сув устида оқариб кўринарди. Пристанда Альбина извошчи билан гаплашиб туриб, Астрахангача қайиқ ёлласа бўладими, деб сўраб қолди. Шунда ўнлаб хушчақчақ қайиқчилар шовқинлашиб ўз хизматлари ва қайиқларини тақдим этдилар. Альбина бошқалардан кўра ўзига кўпроқ ёққан бир қайиқчи билан гаплашиб, унинг елкали қайиғини бориб кўрди, унинг қайиғи пристанда тиқилишиб ётган бошқа қайиқлар орасида эди. Қайиқда елкали пастак мачта ўрнатилган бўлиб, шамол турганда ўзи юрар эди. Шамол тўхтаб қолгудек бўлса, эшаклар ва офтобрўядаги қайиқда ўтирган иккита барзанги, хушчақчақ эшакчи бор. Хушчақчақ, кўнгилчан лоцман тарантасни ташлаб кетмасдан, унинг гилдиракларини чиқариб олиб қайиққа ўрнатишни таклиф этди. «Жуда яхши жойлашади, сиз ҳам бемалол ўтириб кетасиз. Агар худо бериб ҳаво очиқ туриб берса, беш кун деганда Астраханга етамиз».

Альбина қайиқчи билан келишиб, тарантасни кўриш ва закат олиш учун Покровский слободасидаги Логинов карвонсаройига келишни унга таклиф этди. Ҳамма иш кутганидан ҳам яхши бўлаётган эди. Альбина ўзида йўқ шод-хуррам бўлиб Волганинг бу ёғига ўтди ва ўзини ўтказиб қўйган эшакчинини рози қилиб, карвонсаройга йўл олди.

Сирт соқчилардан бўлган казак Данило Лифанов ўттиз тўрт ёшда бўлиб, ҳарбий хизматни битиришига бир ой қолган эди. Унинг оиласида, ҳали ҳам Пугачёвни эсида сақлаган тўқсон яшар қари бобоси, икки укаси, эски мазҳабда бўлгани учун Сибирга каторгага юборилган акасининг хотини, ўзининг хотини, икки қизи, икки ўғли бор эди. Отаси французлар билан бўлган урушда ҳалок бўлган. Данило оила бошлиғи эди. Уларнинг қўрасида ўн олтига от, икки қўшхўкизи бўлиб, ўн беш ботмонча бўз ерга буғдой экишган эди. Данило Оренбургда, Қозонда хизмат қилди, энди ўз муддатини тугалламоқда эди. Эски мазҳабга эътиқоди зўр бўлган бу одам чекмас, пчмас, бошқа мазҳабдагилар билан бир товоқдан овқат емас, ичган қасамига риоя қиларди. Ҳамма ишини шошмасдан, пухта қилар, бошлиқлар топширган вазифани ўришлатиб бажармагунча, кўнгли жойига тушмасди. Энди бўлса, тобут олиб кетаётган икки поляк аёлини Саратовгача кузатиб қўйишни унга топшириб, йўлда ҳеч ким уларга озор бермасин, уларнинг ўзлари шўхлик қилмай, тинчгина борсинлар, Саратовда уларни бошлиқларга қўлма-қўл топшириш керак, деб буюрган эдилар. Казак уларни кучуклари ва тобутлари билан Саратовгача элтиб қўйди. Хотинлар, гарчи поляк бўлсалар ҳамки, ювош, мулойим бўлиб, улардан бирор ёмонлик чиқмади. Аммо шу ерга — Покровский слободасига етиб келганда, кечга яқин тарантас ёнидан ўтиб кета туриб кучукнинг тарантасга сакраб чиққанини кўриб қолди, кучук у ерда ингиллаб, думини ликиллата бошлади, тарантас тахтасининг остидан аллаким товуш чиқаргандай бўлди. Поляк аёллардан биттаси, қарироғи, кучукнинг тарантасга чиққанини кўриб, негадир қўрқиб кетди, дарҳол кучукни ушлаб олиб жўнаб қолди.

«Бунда бир гап бор», деб ўйлади казак ва кўз-қулоқ бўла бошлади. Ёш аёл тарантас олдига келганда у ўзини ухлаганга солди, шунда яшик ичидан эркак кишининг овозини аниқ-таниқ эшитди. Тонг отар-отмас у полицияга бориб, унга топширилган поляк аёлларнинг нияти бузуқлигини, яшиқда ўлик ўрнига тирик одамни олиб кетаётганларини билдирди.

Ўзида йўқ қувонган, энди ҳамма ишнинг бир ёқли

бўлганига, бир неча кундан кейин озод бўлишларига ишончи комил бўлган Альбина карвонсаройга яқинлашганида дарвоза олдида турган иккита тулпор қўшиғлиқ извошга ва икки казакка кўзи тушиб қолди. Дарвоза олдида тўпланган оломон ичкарига қараб турарди.

Альбинанинг кўнгли шу қадар тўқ, ўзи шу қадар ғайратга кирган эдики, бу қўшот ва йиғилган халойиқнинг унга дахли борлиги тўғрисидаги фикрни ақлига ҳам келтирмас эди. У қўрага кирган заҳоти ўзининг тарантаси турган бостирма тагига қаради-ю, халойиқнинг худди тарантас ёнида тўпланиб турганини кўрди, худди шу пайтда Трезорканинг жон-жаҳди билан во-виллаганини эшитди. Мудҳиш бир воқеа рўй берган эди. Тарантас ёнида погони, тугмалари офтобда ялтираган тоза мундир ва амиркон этик кийган серсоқол киши кўкрагини кериб хирқироқ, амирона овоз билан бир нарса деб бақирар эди. Унинг олдида, икки солдат ўртасида чигал сочларига пичан ёпишган, деҳқон киймидаги Юзё қаққайиб турар, атрофида нима ҳодиса бўлаётганини тушунмаган кишидек, кенг елкаларини учуриб қўярди. Бутун фалокатнинг сабаби ўзи эканини билмаган Трезорка юнгини ҳурпайтириб, жон-жаҳди билан полицмейстрга қараб беҳудага акиллар эди. Мигурский Альбинанинг кўриши билан сесканиб тушди, унинг ёнига келмоқчи бўлди, бироқ солдатлар йўлини тўсди.

— Ҳечқиси йўқ, Альбина, ҳечқиси йўқ,— деди Мигурский мулойимгина жилмайиб.

— Ана, хонимнинг ўзлари ҳам келдилар!— деди полицмейстр.— Қани, бу ёққа келсинлар. Болаларингизнинг тобути шуми? А?— деб Мигурскийни имлаб кўрсатди.

Альбина жавоб қилмади, фақат кўкрагини чангаллаб, оғзини очиб, ваҳима ичида эрига қараб турарди.

Жон бераётган маҳалда ва умуман, турмушда муҳим бир ҳодиса рўй берган вақтдагидек, бир лаҳзада Альбинанинг хаёлидан ҳар хил фикр ўтди, шу билан бирга у ўз бошига қандай фалокат тушганини англамас ва бунга кўнгли ишонмас эди. Қахрамон эрининг қўпол, ваҳший одамлар қўлига тушиб хор бўлганини кўриши билан у, дастлаб турурининг тақдирланганини ҳис этди. Бу ҳис унга аввалдан таниш эди. «Одамлар-

нинг сараси бўлган кишини ўз ҳукмлари остида ушлаб туришга уларнинг нима ҳақлари бор?» Айни замонда унинг бутун вужудини қамраб олган иккинчи ҳис, рўй берган фалокат таъсирида вужудга келган эди. Бу фалокат унинг ҳаётида юз берган катта бахтсизликни, болаларнинг ўлимини эслатди. Шу заҳоти: «Қайси гуноҳимга болаларимдан жудо бўлдим? Нега?»— деган савол туғилди. Бу савол «Одамларнинг сараси бўлган энг яқин одамим, эрим нима сабабдан ҳалок бўляпти, азоб чекапти?»— деган саволни туғдирди. Шу пайт у эрини қандай ёмон жазо кутиб турганини, бунга Альбинанинг ўзи сабабчи бўлганини эслади.

— Бу одам кимингиз бўлади? Эрингизми?— деб қайтадан сўради полицмейстр.

— Гуноҳимиз нима?— деб чинқириб юборди Альбина. У асабийлашганидан ўзини йўқотиб, қаҳ-қаҳ уриб, араванинг шотисидан кўчириб олинган ва тарантас ёнида турган яшик устига йиқилиб тушди. Кўз ёшлари юзаётган, титраб-қақшаб йиғлаётган Лудвика Альбинанинг ёнига келди.

— Бекам, жоним бекам! Худо ҳаққи, ҳеч нарса бўлмайти, ҳеч нарса,— деб ҳушини йўқотиб унинг орқасини силар эди.

Мигурскийнинг қўлига кишан солиб қўрадан олиб чиқа бошладилар. Альбина буни кўриб эрининг орқасидан чопди.

— Мени кечир, афв эт,— деди у.— Ҳаммасига мен айбдор, мен, мен!

— Кимнинг айбдорлигини ўша жойда суриштиришади. Сизга ҳам навбат келади,— деди полицмейстр қўли билан уни четлатиб.

Мигурскийни дарёдан кечиб ўтиладиган жойга бошлаб кетдилар. Ўзининг нима қилаётганидан беҳабар бўлган Альбина унинг кетидан эргашиб борар, юпатмоқчи бўлган Лудвикага қулоқ солмас эди.

Қазак Данило Лифанов шу воқеалар бўлаётган маҳалда тарантас гилдираги ёнида турар, қовоғини солиб, гоҳ полицмейстрга, гоҳ Альбинага, гоҳ ўзининг оёқ панжаларига қарар эди.

Мигурскийни олиб кетганларидан кейин, ёлғиз қолган Трезорка думини ликиллаб казакка эркалана бошлади. Кучук йўлда унга ўрганиб қолган эди. Қазак сапчиб тарантас ёнидан силжиди: бошидан шапка-

сини юлқиб олиб, бор кучи билан ерга урди, Трезоркани оёғи билан итқитиб ташлаб, майхонага кетди. Майхонада у ароқ чақириб, бир кечаю бир кундуз ичди, ёнидаги пулини ичиб соб қилди, устидаги кийим-бошини ҳам сотиб ичди. Ароқ ичида ётиб қолган казак эртаси куни кечкурун уйғонди. Энди у ўзига азоб бераётган савол устида: «Поляк хотиннинг яшикка беркитган эри тўғрисида бошлиқларга хабар етказганим яхши бўлди-ми?..»— деган савол устида бош қотирмас эди.

Мигурскийни суд қилишди, уни аскарлар сафи орасидан юргизиб минг таёқ уриш тўғрисида ҳукм чиқарилди. Бироқ Мигурскийнинг қариндош-уруғлари ҳамда Петербургда таниш-билишлари кўп бўлган Ванда воситачилик қилиб, унга юмшоқроқ жазо беришни илтимос қилди. Мигурскийни Сибирга абадий сурғун қилишди. Альбина у билан бирга жўнаб кетди.

Николай Павлович эса ёлғиз Польшада эмас, бутун Европада революция аждарининг бошини янчгани учун хурсанд, рус подшоларининг панд-насиҳатларини бажо келтирганига ва рус халқининг бахти учун Польшани Россия қўлида сақлаб қолганига хурсанд эди. Юлдуз таққан, зар ёқа мундир кийган одамлар уни шундай мақтар эдиларки, Николай Павлович ўзининг улуг одамлигига, унинг ҳаёти бутун башариятнинг, хусусан, рус халқининг бахт-саодати эканлигига ростдан ҳам ишонар эди, ҳолбуки унинг бутун фаолияти беихтиёр, шу халқни ёмон йўлга бошлаш, лақиллатишдангина иборат эди.

СЕВАСТОПОЛЬ ҲИКОЯЛАРИ



СЕВАСТОПОЛЬ ДЕКАБРЬ ОИИДА

Тонг ёришиб, Сапунгора тепасида кўк юзига нур сочила бошлади; зангори денгиз бетидеги тун либосини ташлаб, мавжланиш учун қуёшнинг илк нурларини кута бошлади; кўрфаз томондан совуқ аралаш туман босиб келмоқда; қор йўқ, ҳамма ёқ қоп-қора, лекин эрталабки қаттиқ изғирин юзни ялаб ачиштиради, ер чирсиллайди, ахён-ахёнда Севастополда гумбурлаган ўқ товушлари билан кесилиб-кесилиб турган денгизнинг узоқ-узоқларда тинмай шовуллашигина бу жимликни бузарди. Кемаларда саккизга занг урилгани қулоққа чалинди.

Шимол томонда тун сокинлиги аста-секин тугаб, кундузги ҳаракат бошланди: бир жойда соқчилар милтиқларини шақирлатиб навбат алмаштиришяпти, бир жойда доктор шошилиб госпиталга келяпти; яна бир ерда ёш бир солдат ертўладан чиқиб, шамол ялаган юзини муздек сув билан ювди-да, қизариб келаётган шарқ томонга ўгирилиб тез-тез чўқиниб, ибодат қилди, бир жойда қонга беланган лиқ тўла ўлик ортилган, туя қўшилган баланд, оғир *можаро* арава гижирлаб гўристон томон ўтиб кетяпти... Сиз пристанга яқинлашаркансиз — тошкўмир, гўнг, захлик ва мол гўшти ҳиди димоғингизни ёрай дейди; пристань ёнида ўтин, гўшт, қайиқ, ун, темир ва шунга ўхшаш минг хил нарса уйилиб ётибди; қоп ва милтиқ кўтарган турли полк солдатлари ҳам, қопсиз ва милтиқсиз солдатлар ҳам шу ерда уймалашиб юришибди, тамаки чекишяпти, сўкиннишяпти, кўприк ёнида бурқиратиб тутун чиқариб турган пароходга юк ташшишяпти; турли тоифа одамлар: солдатлар, денгизчи-

лар, саводгарлар, хотин-халаж ортиб олган қайиқлар пристанга бири келиб, бири кетиб турибди.

Истеъфога чиққан икки-уч матрос қайиқдан сакраб чиқиб:

— Граф пристанига элтиб қўяйми, жаноблари? Марҳамат,— деб хизматингизга тайёр туришади.

Ўзингизга яқинроқ турганини танлайсизу қайиқ ёнида, лойда ирий бошлаган аллақандай тўриқ отнинг ўлигидан ҳатлаб, руль томонга ўтасиз. Қайиғингиз қирғоқдан жўнаб кетади. Теврак-атрофингиз эрталабки қуёш нурида ялтираётган денгиз, рўпарангизда туя терисидан пальто кийган кекса матрос ва малла сочли бола ўтирибди, иккалови ҳам миқ этмай зўр бериб эшкак эшади. Сиз кўрфаз бўйлаб узоқ-яқинларда тизилишиб турган зўр кемаларга, денгизнинг ялтираб турган ложувард сатҳида сузиб, кичкина қора нуқтадай бўлиб кўринаётган қайиқларга, нариги томонда эрталабки қуёшнинг пуштиранг нурларига ғарқ бўлиб кўринаётган шаҳарнинг кўркам иморатларига, бопнинг кўпираётган оқ чизиги ва ҳар ер-ҳар ерда мачтасининг учи сув тагидан қорайиб чиқиб турган чўккан кемаларга, денгизнинг биллур уфқида қорайиб турган узоқдаги душман флотига, эшкак зарбида пайдо бўлаётган сув ҳалқалари орасида ўйнаётган шўр пуфакчаларга қарайсиз; эшкакнинг бир меъёрдаги шап-шап овозига, сувдан қулоғингизга келиб чалинаётган товушларга ва назарингизда Севастополда борган сайин кучаяётгандек бўлиб туйилган отишмаларга қулоқ соласиз.

Ўзингизнинг Севастополда эканлигингизни ўйлаганингизда кўнглингизда қандайдир мардлик, фахр туйгулари уйғонади, юрагингиз тез-тез уриб кетади.

— Жаноблари! Тўппа-тўғри Кистентинга² қараб кетяпмиз-ку,— дейди кекса матрос, қайиқни қай тарафга олиб бораётганингизни кўздан кечириш учун орқага ўгирилиб қараб,— ўннга буринг.

— Ҳамма замбараклари ҳали ҳам омон-а,— дейди малла соч бола, кема ёнидан ўтиб кетаётганда уни кўздан кечирар экан.

¹ Бон — хода, пўкак ва ҳоказолардан ишланган сув бетида сузиб юрувчи нарса. Бу, гавань ёки рейдга сув ости кемалари киришидан сақлайди.

² «Константин» кемаси. (Л. Н. Толстой изоҳи.)

— Бўлмасам-чи, ўзи ҳали яп-янги-да, Корнилов шунда турарди,— дейди чол ҳам кемани кўздан кечириб.

Жанубий бухта тепасида бомбанинг қаттиқ портлаган товуши билан тўсатдан пайдо бўлиб, булут сингари аста-секин тарқалаётган оппоқ тутунга тикилар экан:

— Анавининг портлаган ерини қаранг,— дейди бола узоқ жимликдан сўнг.

— Энди у янги батареядан отяпти,— деб қўшиб қўяди чол бепарволик билан қўлига туфлар экан.— Қани, бир зўр бер энди, Мишка, баркасдан ўзиб кетайлик.— Шундан кейин қайиғингиз бухтанинг мавжланаётган кенг бетида тез сузиб кетади, кўп ўтмай ҳақиқатан ҳам аллақандай қоплар ортилган, солдатлар қовушолмай эшкак эшаётган оғир баркасдан ўзиб кетади-да, қирғоққа бойлаб қўйилган бир қанча қайиқлар қаторига келиб, Граф пристанида тўхтайдн.

Соҳилда кулранг кийимдаги солдатлар, қора кийинган матрослар ва ҳар хил кийинган хотин-халаж тўда-тўда бўлиб юришади. Аёллар булка сотишади, самовар ёнида турган рус мужиклар: кеп қолинг, қайноқ *сбитенлар*¹га деб қичқиришади. Худди шу ерда биринчи зинада занглаган ядролар, бомбалар, сочма ўқлар ва турли калибрдаги чўян замбараклар уйилиб ётади. Нарироқда каттакон майдон: бу ерда катта-катта ходалар, замбарак станоклари қалашиб ётади; солдатлар ухлашади; отлар, аравалар, яшил рангга бўялган замбараклар, яшиклар, бир-бирига суяб қўйилган милтиқлар туради; солдатлар, матрослар, офицерлар, хотин-халаж, болалар, савдогарлар ўтиб туради; пичан, қоп ва бочка ортган аравалар ўтиб қолади; баъзан у ер-бу ердан отлиқ казак билан офицер, извошга тушган генерал ўтиб қолади. Баррикада қилиб тўсилган ўнг томондаги кўчанинг амбразурасида қандайдир кичкина замбараклар туради, уларнинг олдида бир матрос трубка чекиб ўтиради. Пештоқига рим рақамлари ёзилган чап томондаги ҳашаматли уй ёнида солдатлар ва қонга беланган замбиллар туради — қаерга қарасангиз ҳарбий лагернинг хунук изларини кўрасиз. Дастлабки таассуротингиз албатта ёқимсиз: лагерь ва шаҳар ҳаётининг, чиройли шаҳар ва ифлос лашкаргоҳнинг ғалати бир омихтаси хунук-

¹ Сбитень — асал ва хушбўй нарсалар солиб пиширилган ичимлик.

кина эмас, балки жирканч тартибсизлик бўлиб кўринади; ҳатто назарингизда ҳамма қўрққандек, ҳовриққандек, нима қилишини билмаётгандек туйилади. Лекин теваарак-атрофингизда юрган бу одамларнинг юзига яхшилаб тикилиб қарасангиз, бутунлай бошқа нарсани пайқайсиз. Ҳеч бўлмаса, хиргойи қилиб, учта тўриқ отни суғориш учун олиб кетаётган ҳарбий арава ҳайдовчи анави солдатга бир қаранг, у ҳар тоифадаги бу оломонга парво қилмай, қандай иш бўлмасин: от суғоришми ёки қурол ташишми — ишини гўё Тула ёки Саранскда қилаётгандек ишонч ва хотиржамлик билан бажаради. Қордек оппоқ қўлқоп кийиб ёнингиздан ўтиб кетган офицернинг юзидан ҳам, баррикада тепасида тамаки чекиб ўтирган матроснинг афтидан ҳам собиқ Собраниенинг эшиги ёнида замбил кўтариб кутиб турган ишчи солдатларнинг юзидан ҳам, пуштиранг кўйлагини ҳўл қилиб кўймаслик учун тошдан-тошга сакраб, кўчани кесиб ўтаётган қизнинг юзидан ҳам шу ифодани ўқийсиз.

Агар Севастополга биринчи келишингиз бўлса, ҳафсалангиз пир бўлиши турган гап. Бирор кишининг чеҳрасида жонсараклик, паришонликни ёки ғайрат ва шижоатни, ўлимдан тап тортмасликни, жасоратни кўрмайсиз, бундай гаплар йўқ: бу ерда кундалик иш билан банд бўлган оддий кишиларни кўрасиз-да, одамларнинг ҳикоялари, ривоятлари, шаҳар манзараси ва Шимолий томондан эшитилган товушларга қараб Севастополнинг қаҳрамон мудрофаачилари ҳақида ўзингизда ҳосил бўлган тушунчанинг тўғрилигига бир оз шубҳаланасиз, ортиқча завқланиб юборганингиз учун ўзингиздан ўпкаланасиз. Лекин шубҳаланишдан олдин бастионга бир бориб келинг, Севастополь мудрофаачиларини худди ўша мудрофаа истеҳкомларида бир кўринг, ё бўлмаса, яхшиси, эшиги ёнида замбил кўтарган солдатлар турган қаршидаги анави бинога — собиқ Севастополь Собраниеси биносига кириг, у ерда сиз Севастополь мудрофаачиларини кўрасиз. Шу ерда сиз даҳшатли ва мунгли, улугвор ва диловар, лекин кўнгилни хуш қиладиган манзарани кўрасиз.

Собраниенинг катта залига кириб борасиз. Эшикни очишингиз биланоқ, баъзилар каравотда, кўпчилиги ерда ётган қирқ-эллик нафар қўли ё оёғи кесилган энг оғир ярадорнинг кўрнинишидан, ичкарининг ҳидидан ҳайратда қоласиз. Сизни зал остонасидан ҳатлашга қўймаётган ҳисга бўш келманг — бу ёмон туйғу — ичкари кираве-

ринг, гўё бу бахти қароларни кўргани келганингиз учун уялманг, улар ёнига бориб гаплашишдан тортинманг: кулфатга учраган одам ўзига раҳмдиллик билан қараган кишиларни ёқтиради, тортган азоб-уқубатлари ҳақида сўзлашни, меҳрибонлик билан ҳамдард бўлиб айтилган сўзларни эшитишни севади. Сиз ўринлар орасидан ўтиб борасиз ва ёнига бориб суҳбатлашса бўладиган мулойимроқ ва дарди енгилроқ кишини қидирасиз.

Каравотда ўтириб, сизни худди ўз ёнига чорлаётгандек очик юз билан кузатиб ўтирган ҳаддан ташқари сариқ, кекса солдатдан:

— Қаерингдан яралангансан? — деб сўрайсиз ҳадиксираб ва тарадудланиб. «Ҳадиксираб сўрайсиз», деяпман, чунки улар тортган азоб, кишида ачинишдан ташқари, шу азобни бошидан кечирганларга нисбатан ҳурмат уйғотади, сиз уларни беҳосдан таҳқирлаб кўйишдан чўчийсиз.

— Оёғимдан, — деб жавоб беради солдат; лекин шу вақт устига ёпилган одеял қатларидан оёғининг тиззасидан пасти йўқлигини пайқаб қоласиз. — Худога шукур, энди тузукман, — деб қўшиб қўяди у, — тузалиб, чиқиб кетай деб турибман.

— Яраланганингга анча бўлдим?

— Олти ҳафта бўлиб қолди, жаноблари!

— Хали ҳам оғрийдими?

— Йўқ, ҳозир оғримайди; фақат ҳаво ёмон бўлиб турса, болдирим зирқирагандек бўлади, бошқа вақт билинмайди.

— Қандай қилиб ярадор бўлдинг?

— Бешинчи баксионда¹, жаноблари, биринчи бандировка² вақтида тўпни тўғриладиму бошқа амбразурага ўтиш учун орқага қайтаётган ҳам эдимки, оёғимга солиб қолди, худди чуқурга тойиб кетгандек бўлдим. Бундай қарасам, оёқ йўқ.

— Наҳотки ўша оғриқни сезмаган бўлсанг?

— Билинмади; фақат оёғимга аллақандай иссиқ нарса теккандек бўлди.

— Хўш, кейин-чи?

— Кейин нима бўларди; фақат терини тортаётганларида жазиллаб кетгандай бўлди. Энг яхшиси шуки,

¹ Бастионда демоқчи.

² Бомбардировка, яъни тўпга туттиш вақтида демоқчи.

жаноблари, кўп ўйламаслик керак. Ўйламасанг, унча билинмайди. Қини қанча ўйласа, шунича оғрийди.

Шу вақт йўл-йўл кўйлак кийган, қора дурра ўраган хотин ёнингизга келади; у матрос билан қилаётган суҳбатингизга аралашиб, шу матрос ҳақида, у тортган азоб-уқубатлар, унинг тўрт ҳафтагача жуда оғир аҳволда ётгани, ярадор бўлгандан кейин ҳам батареясининг залл берганини кўриб қолиш учун замбилни бирпас тўхтагани, улуғ князларнинг у билан суҳбатлашиб, йигирма беш сўм берганлари, матрос эса уларга энди ўзи иш кўрсата олмаса ҳам бастионга бориб ёшларни ўргатиш ниятида эканини айтгани ҳақида сўзлаб беради. Хотин шуларнинг ҳаммасини бир йўла айтиб, гоҳ сизга, гоҳ сўзига қулоқ солмай тескари ўгирилиб, ёстигининг ипини чимдиб тортаётган матросга қарар экан, кўзларида аллақандай завқ учқунлари кўринади.

— Менинг хўжайкам бу, жанобларни!— деди матрос. Бу сўзини у шундай қилиб айтадики, гўё: «Уни афв этасиз. Хотин киши бўлгандан кейин бўлар-бўлмас гапларни гапираверади-да», деб кечирим сўраётандек бўлади.

Сиз Севастополь ҳимоячиларини тушуна бошлайсиз; шу одам олдида ўзингизни айбдор ҳисоблайсиз, уяласиз. Унга ачинаётганингизни ва ажабланганингизни билдириш учун кўп гаплар айтгиниз келади, лекин сўз тополмайсиз ёки миянгизга келган сўзлар сизни қониқтирмайди-да, мана шу ўз фазилатларидан тортиниб турган улуғвор ва темир иродали киши қаршисида жимгина бош эгасиз.

— Худо дардинга шифо берсин,— дейсиз-да, ерда чидаб бўлмас оғир азоб чекаётган, кўринишидан, ўлим кутиб ётган бошқа бемор олдида тўхтайсиз.

Буниси кулча юзли, сариқ сочли, ранглар киши. У юзубан тушиб, чап қўлини орқага ташлаб ётибди. Оғир азоб тортаётгани авзондан кўриниб турибди. Қуриб-қақшаб қолган очиқ оғиздан зўрга хир-хир нафас чиқаради; қалайи тусига кирган зангори кўзлари олайган, осилиб тушган кўрпа тагидан бинт билан боғланган ўнг қўлининг қолган қисми кўриниб туради. Жонсиз тананинг ёқимсиз ҳиди димоғингизни ачитади, жафокашининг аъзойи баданини зирқиратаётган ички иссиқ гўё сизга ҳам ўтаётгандек бўлади.

— Нима, у ҳушсиз ётибдими?— деб сўрайсиз орқангиздан келаётган ва сизга худди яқин кишисидек меҳрибонлик билан боқаётган хотиндан.

— Йўқ, ҳозирча ҳуши жойида, фақат аҳволи жуда оғир,— деди у шивирлаб.— Боя чой ичириб кўрдим. Бегона одам бўлса ҳам ҳар ҳолда раҳминг келади киши — ичмади ҳисоб.

— Аҳволинг қалай?— деб сўрайсиз ундан.

Ярадор овозингиз келаётган томонга қарайди-ю, лекин сизни кўрмайди ҳам, гапингизни англамайди ҳам.

— Юрагим ёнапти.

Сал нарироқда кийимини алмаштираётган кекса солдатни кўрасиз. Афт-башараси ва бадани аллақандай жигарранг тусда, ўзи қоқсуяк. Унинг қўли бутунлай йўқ: елкасидан кесиб ташланган. У тетик-бардам ўтиради, тузалиб қолган. Лекин унинг нурсиз кўзларининг хира боқиши, ҳаддан ташқари ориқлаб кетгани ва юзидаги ажинларнинг кўплиги бу жон эгаси ҳаётининг энг яхши қисмини азобда ўтказганини кўрсатиб туради.

Иккинчи томонингиздаги каравот азоб тортиб, ранги бўздек оқариб кетган, нозик юзи иситмада ўт бўлиб ёнаётган аёлни кўрасиз.

— Бир матросимизнинг хотини эди, бешинчи числода оёғига бомба тегди,— дейди йўл бошловчи хотин,— у бастионда жанг қилаётган эрига овқат олиб келаётган эди.

— Хўш, кесиб ташлашдими?

— Тиззасининг юқорисидан.

Энди, агар асабингиз мустаҳкам бўлса, чап томондаги эшикка кириш: бу хонада яраларни боғлашади ва операция қилишади. У ерда ранги ўчган, қовоғи солиқ, билагигача қонга беланиб, каравот ёнида операция билан банд бўлган докторларни кўрасиз. Каравотда эса бир ярадор, кўзи очиқ ҳолда худди алаҳлаётгандек маъносиз қичқириб, баъзан оддий ва таъсирли гапириб, хлороформ таъсирида ётади. Докторлар жирканч, лекин савоб иш билан — касал аъзони кесиб ташлаш билан банд. Сиз ўткир эгри пичоқнинг оппоқ соғлом танага ёриб киришини кўрасиз; ярадорнинг юракни пора-пора қилувчи фарёд ва лаънатлар билан бирдан ҳушига кела бошлашини кўрасиз; фельдшернинг кесиб олинган қўлни бурчакка улоқтириб ташлашини кўрасиз; худди шу хонанинг ўзида ўртоғининг операция қилинаётганига қараб, минг азобга тушиб, юрак-бағри эзилиб, инграб ётган бошқа ярадорни кўрасиз — хуллас, юракни ўртовчи манзараларни кўриб даҳшатга келасиз. Бунда сиз уруш-

ни музика ва барабанлар чалиб, байроқларни ҳилпиратиб бораётган чиройли, текис сафларда, генералларнинг от ўйнатишида эмас, балки ҳақиқий маъносида — тўкилаётган қонлар, азоб-уқубатлар, ўлимлар ичида кўрасиз...

Мапа шу азоб-уқубатлар уйдан чиқиб келаётиб, сиз албатта ўзингизни анча эркин ҳис этасиз, кўкрагингизни тўлдириб нафас оласиз, ўзингизнинг соғ-саломатлигингиздан хурсанд бўласиз, лекин шу билан бир қаторда, бу азоб-уқубатларни кузатар экансиз, ўзингизнинг ҳеч нарсага арзимас киши эканлигингизни тан оласиз, хотиржамлик ва дадиллик билан бастионга йўл оласиз.

«Мен каби арзимас бир қуртнинг ўлими ё тортган азоби шунча ўлим ва шунча азоб-уқубатлар олдида нима деган гап?» Лекин тиниқ ҳаво нур сочиб турган қуёш чиройли шаҳар, дарвозаси очиқ черков ва ҳар ёқда ўтиб турган ҳарбийларни кўриб, кўп ўтмай одатдаги ҳолатингизга тушиб, майда-чуйда ташвишлар ва шу тобадаги бирорта ишга берилиб кетасиз.

Балки пушти тобутга солинган қандайдир бир офицерни дафн этиш учун музика чалиб, черков туғини ҳилпиратиб черковдан чиқиб келаётганларга дуч келарсиз; бастионлардаги отишмаларнинг овози эшитилиб қолиши ҳам мумкин, лекин бу аввалги фикрингизни эсингизга келтирмайди; дафн этиш маросими сизга ҳаддан зиёд чиройли, жанговар манзара бўлиб кўринади, овозлар эса ҳаддан зиёд хуш ёқадиган жанговар овозлар бўлиб эшитилади, ўзингиз эса, бу ерда азоб-уқубатлар ва ўлим ҳақида ярадорларни боғлаш пунктида фикр юритганингиз каби бу манзара ва овозларни мутлақо ўйламайсиз.

Черков билан баррикададан ўтгач, шаҳарнинг ичига — шаҳарнинг ҳаёти қайнаган қисмига кириб борасиз. Икки томонингизда дўконларнинг, майхоналарнинг лавҳалари осиглик; шляпа кийган савдогарлар, рўмол ўраган хотин-халаж, олифта офицерлар — ҳамма нарса аҳолининг бардамлигидан, ўзига ишонганидан, хавф-хатардан қўрқмаслигидан далолат беради.

Агар денгизчи ва офицерларнинг нималар тўғрисида гаплашаётганларини эшитгингиз келса, ўнг томондаги майхонага кириб, у ерда бу кеча бўлиб ўтган воқеалар ҳақида, Фенька воқеаси ҳақида, 24-да бўлган ишлар ҳа-

қида, котлетларнинг ҳам қиммат, ҳам сифатсизлиги ҳақида, фалон ва фалон ўртоқларининг ҳалок бўлгани ҳақида ҳикоя қилинаётган бўлса керак.

— Қурғур, ҳозир бизда аҳвол жуда чатоқ-да!— дейди йўғон овоз билан малла соч, мўйловсиз, яшил тўқима шарф ўраган ёшгина офицер.

— Бизда деганинг қаерда?— деб сўрайди ундан бошқаси.

— Тўртинчи бастионда-да,— деб жавоб беради ёш офицер: сиз эса малла соч офицер «4-бастионда» дегани ҳамано унга албатта диққат ва ҳатто бир қадар эҳтиром билан қарай бошлайсиз. Унинг ҳаддан ташқари такаллуфсизлик билан қўлларини силкиб, бақриб гапириши, қаттиқ-қаттиқ кулиши сизга боя сурбетлик бўлиб кўринаётган бўлса, энди ёшгина йигитчалар хавф-хатардан кейин ўзлаштириб оладиган дадиллик деб тушунасиз; лекин шундай бўлса-да, сиз, йигит 4-бастионда ёғилаётган ўқ ва бомбалардан аҳвол чатоқ деб зорланса керак деб ўйлайсиз: қайда дейсиз! Ҳамма ёқ лой-ботқоқ бўлгани учун чатоқ экан. «Батереяга ўтиб бўлмайди»,— дейди у, тиззасигача лойга ботган этигини кўрсатиб. «Бугун менинг энг яхши комендорим ҳалок бўлди, худди пешонасидан ўқ тешиб кетди»,— дейди бошқаси. «Қимни айтяпсан? Митюхинними?»—«Йўқ... Қачонгача ўтирман, менга овқат беришадими, йўқми ўзи? Оббо, махлуқлар-э!— дейди у, майхона хизматкорига.— Митюхинни эмас, Абросимовни айтяпман. Мард йигит эди — олти марта ҳужумга қатнашгани».

Столнинг бошқа бурчида олдиларига нўхат билан котлет солинган тарелка ва «бордо» деб аталган нордон қрим виносидан бир шиша қўйиб пиёдалар офицерлари ўтирибди: уларнинг бири — қизил ёқали ва шинелига икки юлдуз тақилган, ёшгинаси қора ёқали, ҳеч қандай юлдузи йўқ кекса офицерга Альма жанги тўғрисида ҳикоя қилмоқда. Биринчи офицер бир оз ичиб олган, унинг тўхтаб-тўхтаб гапиришидан, шеригининг ўз ҳикоясига ишонаётганига иккиланганидан тарадудланиб қараши ва энг муҳими, бу ишда ўзининг ҳаддан ташқари, катта роль ўйнаганини айтиб, воқеаларни жуда даҳшатли қилиб тасвирлашидан ҳақиқатда бўлган ишлардан анча четга чиқиб кетаётгани сезилиб турарди. Россиянинг ҳамма бурчагида жуда кўп эшитишингиз мумкин бўлган бундай ҳикояни тинглаб ўтирмайсиз, албатта: тезроқ

бастионга, сизга жуда кўп марталаб ва турлича ҳикоя қилинган ўша 4-бастионга боришга шошиласиз. Бирор киши 4-бастионда бўлгани ҳақида гапирадиган бўлса, албатта ғурур ва фахр билан сўзлайди; бирор одам: «Мен 4-бастионга кетяпман», дейдиган бўлса, унинг овозида албатта бир оз ҳаяжон ёки ортиқча совуққонлик сезилиб туради, битта-яримта одамга тегишмоқчи бўлсалар: «Сени 4-бастионга қўйишганда бўларди-да» дейишади; ярадорлар солинган замбилни кўриб: «Қаердан?» — деб сўраганларида кўпинча: «4-бастиондан», деб жавоб беришади. Умуман, мана шу даҳшатли бастион ҳақида бир-биридан тамоман бошқа-бошқа бўлган икки хил фикр юради: у ерда ҳеч қачон бўлмаган кишилар 4-бастионга юборилган одам омон қолмайди, деб ҳисобласа, сариқдан келган ёш мичман сингари ўша ерда яшаб келаётганлар 4-бастион ҳақида гапирганларида, у ернинг қуруқ ёки захлиги, ертўлаларнинг иссиқ ёки совуқлиги ва ҳоказолар тўғрисида гапирдилар.

Майхонада ўтказилган ярим соат ичида ҳаво бузилиб қолган эди: денгиз бетини қоплаган туман ёқимсиз кулранг булутларга айланиб, қуёш юзини тўсиб қўйган эди; аллақандай булдириққа ўхшаш бир нарса ёғиб, йўлкаларни ва солдатларнинг шинелини ҳўл қиларди...

Яна бир баррикададан ўтиб, эшикдан ўнг томонга чиқасиз-да, катта кўча бўйлаб юқорига кўтариласиз. Шу баррикаданинг нариги томонидаги кўчанинг икки тарафидаги уйлар бўш, лавҳалар йўқ, эшикларга тахта қоқилган, деразалардаги ойналар синиб тушган, баъзи ерларда деворнинг бир бурчи нураган, бошқа бир жойида эса том ўпирилиб тушган. Иморатлар турли ғам-ғуссани бошидан кечирган, аскарлик хизматида кексайган солдатларга ўхшар, сизга ғурур ва бир оз нафрат билан қараётгандек туйиларди. Йўл-йўлакай ерда юмалаб ётган ядроларга ва бомба тушиб ўйган сувли чуқурларга тийғонасиз. Кўчада кетаётиб солдатлар командасини, разведкачиларни, офицерларни учратасиз, улардан ўзиб кетасиз; аҳён-аҳёнда бирор хотин ёки бола йўлиқиб қолади, лекин бу ерда учраган хотинлар шляппа кийган эмас, булар эски пўстин ва солдат этиги кийган матрос хотинлардир. Шу кўчадан яна бир оз борғач, пастликка тушасизу теварак-атрофингизда уй-жой эмас, балки аллақандай тош ва харсанглр, тахталар, тупроқ ва ёғоч уюмларини кўрасиз; олдинда — тикка тепа-

ликда ўйдим-чуқурликлар билан қопланган аллақандай қоп-қора, ифлос бир жойни кўрасиз: олдиндаги ана шу жой 4-бастион... у ерда одамлар аввалгидан ҳам кам учрайди, хотин-халаж бутунлай кўринмайди, солдатлар тез-тез юриб ўтиб кетишади, йўл-йўлакай қон томчилари кўзга ташланади, ранги заъфарон бўлиб кетган ярадорнинг устига қонга беланган шинель ёпиб қўйилган замбилни кўтарган тўрт солдат албатта учрайди. Агар сиз: «Қаеридан яраланган?» деб сўрасангиз, агар енгил яраланган бўлса, замбил ташувчилар сизга ўгирилиб ҳам қарамай, жаҳл билан: оёғидан ёки қўлидан, деб жавоб беришади; агар замбилда ярадорнинг боши кўринмаётган ва у ўлган ёки оғир яраланган бўлса, индамай ўтиб кетишади.

Тепаликка энди кўтарилиб келаётан пайтингизда ядро ёки бомбанинг яқингина жойдан чийиллаб ўтиши сизга ёмон таъсир қилади. Тўсатдан сиз отишмаларни то шу вақтгача, отишмалар товушини шаҳардан туриб эшитгандагидан кўра бутунлай бошқача англайсиз. Қандайдир қувончли хотирот бирдан тасаввурингизни ёритади; кузатишлардан кўра сизни ўз шахсиятингиз кўпроқ банд қила бошлайди: теварак-атрофингиздаги нарсаларга камроқ эътибор берасиз ва қандайдир иккиланш ҳисси вужудингизни қамраб олади. Хавф-хатарни кўрганда тўсатдан дилингизда пайдо бўлган ана шу ярамас товушга қарамай, айниқса ёнингиздан қўлларини силкиб, суяқ лойда тийғона-тийғона, кулиб югургилаб ўтиб кетган солдатга қараб олгач, ўша ярамас товушини жим бўлишга мажбур этасиз, беихтиёр қаддингизни ростлаб бошингизни баланд кўтарасиз ва тийғончиқ лой тепаликка тирмашиб чиққа бошлайсиз. Сиз тепаликка энди чиқа бошлаган эдингиз ҳамки, ўнг ва сўлингиздан шутицер¹ ўқлари физиллаб ўта бошлайди, шунда сиз, балки йўл билан ёнма-ён кетган траншеядан кетсаммикан, деб ҳам ўйлаб қоласиз; лекин траншеядаги тиззадан ҳам юқори келадиган сап-сариқ сассиқ суяқ балчиқни кўриб, албатта тепаликдаги йўлдан юришга қарор қиласиз. Бунинг устига кўрасизки, *ҳамма йўлдан кетяпти*. Икки юз қадамча юргач, ҳамма тарафи тур²лар,

¹ Шутицер — қадимий ҳарбий милтиқ.

² Тур — ҳарбий инженерлик ишларида ишлатиладиган ва ичига тупроқ тўлдириб қўйиладиган узун сават.

тепаликлар, кавлаб чиқарилган тупроқлар, кўтармалар устида катта чўян тўплар ва ядролар бир меъёردа тўда-тўда қилиб териб қўйилган ертўлалар билан қуршалган ифлос бир жойга чиқиб қоласиз. Буларнинг ҳаммаси ҳеч қандай мақсадсиз, алоқасиз ва тартибсиз пала-партиш сочилиб ётгандек туйилади. Бир ерда батарея тепасида матрослар ўтиришган бўлади, бошқа бир жойда — майдон ўртасида мажақланган тўп ярмигача лойга ботиб ётади, яна бир ерда милтиқ кўтариб батареядан ўтиб кетаётган пиёда солдат ёпишқоқ лойдан оёғини зўрға ажратиб босиб боради; ҳамма ерда, ҳар тарафда қаёққа қараманг, сопол парчаларини, портламаган бомба, ядроларни ва ҳарбий лагерь изларини кўрасиз. Шуларнинг ҳаммаси суюқ, ёпишқоқ балчиққа қоришиб кетган. Назарингизда ўзингиздан сал нарироққа ядро келиб тушганини, ҳар тарафдан ўқларнинг ҳар хил товушларини — аридек ғувиллаганини, ҳуштак сингари чийиллаганини, визиллаб учиб ўтганини ёки тор сингари тинғиллаганини эшитгандек бўласиз — ҳаммаингизни ҳайратга солган ва назарингизда жуда ҳам ваҳимали бўлиб тўйилган даҳшатли гумбурлашни эшитасиз.

Бир оз мағрурланиб ва ўзингиздаги қурқув ҳиссини ўчиришга уриниб: «4-бастион деганлари шу экан-да, ўша даҳшатли, ҳақиқатан ҳам ваҳимали жой мана шу экан-да!» — деб ўйлайсиз. Лекин севинмай қўя қолинг: бу ҳали 4-бастион эмас. Бу Язонов редути — нисбатан беҳавотир ва даҳшатдан бутунлай холи жой. 4-бастионга бориш учун ўнгга бурилиб, пиёда солдат эмаклаб ўтиб кетган тор траншеядан йўл оласиз. Шу траншея бўйлаб борар экансиз, балким яна замбил кўтарганларни, матросни, белкурак ушлаган солдатларни, миналарнинг тортма симларини, икки киши эмаклаб зўрға сиғадиган, лойга буланган ертўлаларни учратасиз ва шу ернинг ўзидаёқ оёқ кийимларини алмаштириб кияётган, овқатланаётган, трубка чекаётган, шу ерда яшаётган қора денгиз батальони разведкачиларига йўлиқасиз, яна ҳамма жойда худди боягидек сассиқ балчиқни, лагерь изини ва чўяннинг турли кўринишларда ҳар ерда сочилиб ётганини кўрасиз. Яна уч юз одим юргач, яна батареяга ўйдим-чуқур кавланиб, атрофига турлар терилган ва тупроқ билан бекитилган, саҳнида эса тўплар қатор турган, тупроқ қўрғон жойлашган майдонга чиқасиз. Бу ерда бруствер тагида карта ўйнаётган бештача матрос-

ни кўрасиз; сизнинг бу ерда янги одам эканлигингизни пайқаш билан ўз хўжалигини ва сизни қизиқтирган ҳамма нарсани кўрсатишга бажонидил тайёр бўлган денгиз офицерини ҳам балки учратиш қоласиз. Бу офицернинг тўп устида ўтириб сариқ қоғозга хотиржамлик билан тамаки ўрашини, бир амбразурадан иккинчисига жуда хотиржамлик билан ўтиб юришини, сиз билан жуда бемалол гаплашишини кўрганнингиздан кейин ўқларнинг аввалгига қараганда кўпроқ визиллаб учаётганига ҳам парво қилмай, сиз ҳам анча хотиржам бўлиб қоласиз, офицернинг гапини диққат билан тинглайсиз, синчиклаб суриштирасиз. Агар суриштириб қолсангиз, ўша офицер сизга ойнинг бешинчи куни бўлган бомбардировка тўғрисида сўзлаб кетади, ўша куни батареяда ишга яроқли фақат битта тўп қолганини, тўпчилардан ҳаммаси бўлиб саккизта ишга яроқли киши қолганини, лекин шунга қарамай эртаси эрталаб, 6 декабрда батарея барча тўплардан ўқ ёғдириб турганини сўзлаб беради; бешинчи числода матрослар ертўласига бомба тушиб, ўн бир кишини ер тишлаганини ҳикоя қилади; амбуразурадан туриб ўттиз-қирқ саржин нарига жойлашган душман батареяси ва траншеясини кўрсатади; фақат бир нарсадан қўрқаман, у ҳам бўлса шуки, ўқларнинг визиллаши таъсири остида душманни кўриш учун амбуразурадан бошингизни чиқариб қараганингиз билан ҳеч нарса кўрмайсиз, мабодо кўриб қолгудек бўлсангиз, ўшанда ҳам яқин бир ерда оппоқ тутун чиқиб турган ўша оқ харсанглар душман эканлигини солдат ва матросларнинг сўзидан билиб ҳайрон қоласиз.

Шундай бўлиши ҳам мумкинки, денгиз офицери шуҳратпарастликданми ёки шунчаки ўзини мамнун қилиш учунми, сизнинг олдингизда тўп отмоқчи бўлиб қолади. «Комендор¹ билан ёрдамчилар тўп ёнига» деб команда бергач, ўн тўртта матрос бири чўнтагига трубкасини тикиб, бири нон-сухари чайнаб, тагига нағал қоқилган этикларини дупурлатиб платформа бўйлаб хушчақчақлик билан жадал юриб тўп ёнига келишади-да, уни ўқлашади. Шу одамларнинг юзига, қиёфасига ва ҳаракатларига бир разм солинг: ана шу қорайиб кетган, суякларини туртиб чиққан одамларнинг ҳар бир ажинида, ҳар бир пайида, яғриндорлигида, каттакон этик кийган бу

¹ Комендор — тўпчи.

оёқларининг йўғонлигида, ҳар бир осойишта, қатъий, шошилмай қилган ҳаракатларида рус кишисининг қудратини мужассам этувчи асосий хусусиятлар — соддалик ва ўжарлик барқ уради.

Тўсатдан фақат қулоқ пардаларинигина эмас, балки бутун борлигини ларзага солувчи даҳшатли гулдирос янграйди-да, бутун вужудингиз билан чўчиб тушасиз. Шундан кейин узоқлашиб кетаётган снаряднинг чийиллаганини эшитасиз ва сизни, платформани, платформада у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган қора кийимли матросларни қуюқ порох тутуни ўраб олади. Мана шу тўпдан ўқ узишимиз муносабати билан матросларнинг ҳар турли фикрларини эшитасиз ва уларнинг жонланиб, ҳиссиётларини намоён қилаётганларини кўрасиз, балки улардан буни кутмаган ҳам чиқарсиз — бу ҳар бир кишининг юрагида яшириниб ётган ғазаб ва душмандан қасос олиш туйғусидир. «Тўппа-тўғри *амбразурага* бориб тушиб шекилли; икки киши ўлганга ўхшайди... ана олиб ўтишяпти!»— деган шодлик хитобларни эшитасиз. «Ҳозир жаҳли чиқади-ю, бу ёққа қараб отади»,— дейди бошқа бири; ҳақиқатан ҳам шу гапдан кейин кўп ўтмай, олдинда чақмоқ чақилиб, тутун кўринади; брустверда турган соқчи: «Тў-ўп!» деб қичқиради. Шундан сўнг ёнингиздан ядро визиллаб учиб ўтади-да, гумбурлаб ерга тушиб, ерни воронка сингари ўпиради, лой ва тошларни атрофга итқитиб ташлайди. Бу ядро батарея командирини аччиғлантиради ва у учинчи ва бошқа тўпларни ҳам ўқлашга буюради, душман ҳам бизга жавоб қайтара бошлайди, шунда сиз ажойиб туйғуларни ҳис этасиз, қизиқ нарсаларни эшитасиз ва кўрасиз. Соқчи яна: «Тўп!»— деб қичқиради, яна худди боягидек гумбурлаш овозини эшитасиз, боягидек тош-тупроқларнинг сочилганини кўрасиз ёки соқчи: «Маркела!»¹— деб қичқиргудай бўлса, сиз шу вақт чийиллаган товушнинг борган сайин яқинлашиб ва жадаллашиб келаётганини эшитасиз, кейин қора юмалоқ нарса кўриниб, гумбурлаб ерга бориб тушади ва бомба даҳшат билан портлайди. Бошда бир меъёردа визиллаб, қандайдир ёқимли туйилган бу товуш бомбанинг ваҳимали гумбурлашига алоқадорлигига ақл бовар қилмайди. Бомба парчалари чийиллаган

ва визиллаган товуш чиқариб сочилади, тошлар ҳавога учади ва ҳамма ёнингизга лой сачратади. Шу товуш эшитилганда сизда аллақандай ҳузур ва шу билан бирга қўрқув ҳисси пайдо бўлади. Снаряд сизга қараб учиб келаётган бир пайтда, шу снаряд тегиб мени ўлдиради, деб ўйлайсиз; лекин иззат-нафсингиз сизга далда бериб туради ва ҳеч ким юрагингизга ботаётган пичоқни сезмайди. Лекин снаряд сизга тегмай ўтиб кетгач, сизга жон киради ва аллақандай қувончли, бениҳоя ёқимли туйғу бутун борлигини бир дақиқада қамраб олади; натижада сиз хавф-хатардан, ҳаёт билан ўлим ўртасидаги бу ўйиндан қандайдир алоҳида бир лаззат кўрасиз; ядро ёки бомба яна ва яна, аввалгидан ҳам яқинроққа келиб тушишини истайсиз. Ана, соқчи баланд ва йўғон овоз билан яна: «Маркела!» деб қичқиради, яна бомбанинг визиллаши, гумбурлаши ва портлаши эшитилади, лекин бу товуш билан баравар одамнинг инграган товуши сизни танг қолдиради. Сиз қонга ва лойга беланган, аллақандай ғайри инсоний бир қиёфага кириб қолган ярадор олдига замбил билан бир вақтда етиб борасиз. Матрос кўкрагидан бир қисми узилиб кетган. Даставвал унинг лой сачраган юзида, шу аҳволдаги одамга хос бўлган қўрқув ва аллақандай сунъий азобланиш ифодаси кўринади; лекин замбил келтирилиб, унинг ўзи соғ ёпбоши билан унга секин ўтиб ётиб олгач, юзидаги бу ифода қандайдир баён этиб бўлмайдиган завқ ва буюк фикр ифодаси билан алмашади: кўзлари ёнади, тиши қиснади, бени зўр билан баланд кўтарилади-да, уни кўтариб олиб кетишмоқчи бўлишганда замбилни тўхтади ва жуда қийналиб, титроқ товуш билан ўртоқларига: «Алвидо, оғайнилар!»— дейди. У яна бирор нарса демоқчи бўлади, таъсирли қилиб гапирмоқчи бўлади-ю, лекин яна: «Алвидо, оғайнилар!»— деб такрорлайди холос. Шу пайт матроснинг ўртоғи ёнига келади, ярадор берган фуражкани бошига кийиб, қўлларини силкиб, хотиржамлик билан бепарво юриб, ўз тўпи ёнига қайтади. Денгиз офицери юзингизда пайдо бўлган даҳшат ифодасига жавоб берар экан, эснаб ва сариқ қоғозга тамакни ўрай туриб: «Ҳар кун аҳвол шу — етти-саккиз кишидан жудо бўламиз», дейди.

Шундай қилиб, Севастополь мудофаачиларини мудофаа марраларининг ўзида кўриб қайтасиз, энди сиз то театр вайронасига етиб олгунча йўлда ҳамон визил-

¹ Маркела — мортира. Қалта стволли тўп.

лаб учиб ўтаётган ядро ва ўқларга негадир парво қилмай,— бамайлихотир ҳамда кўтаринки руҳда қайтаётисиз. У ердан ўзингиз билан олиб қайтган энг муҳим нарса шу бўладики, сиз Севастополни олиш мумкин эмаслигига, Севастополни фақат олишгина эмас, балки бирор ерда бўлсин, рус халқининг қудратини синдириб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиб қайтдингиз, буни сиз сон-саноксиз траверслар, брустверлар, усталик билан қазилган траншеялар, бири бирига мингашиб кетган ва сиз ҳеч нарса англаёлмаган мина ва тўпларда эмас, балки Севастополь мудофаачиларининг руҳи деб аталган нарсада— кўзларида, сўзларида, ишларида кўрдингиз. Ушбу қилаётган ишларини улар шу қадар осон, зўриқмай ва тиришиб тез бажарадиларки, сиз уларнинг бундан яна юз чандон ортиқ иш қилишларига ҳам ишонасиз... уларнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Уларни ишлашга мажбур этган ҳис, сиз ўзингизда боя ҳис этган пасткашлик, шуҳратпарастлик, паришонлик туйғулари эмас, балки бошқа ҳис эканини, уларни ҳар бир инсон сингари фақат битта эмас, юзта ўлимга гирифтор бўлиш хавфи остида, ядролар ёмғири тагида хотиржам, лекин хушёр лой-балчиққа булғаниб яшашга мажбур этадиган бошқа бир буюк ҳиссиёт эканини тушунасиз. Одамлар бундай оғир шароитга крест¹ учун, унвон учун ёки қўрққанларидан кўнмайдилар. Бунинг учун бошқа бир мажбур этадиган сабаб бўлиши керак. Севастополь қамал этилган илк давр ҳақидаги, у ерда истехком ва қўшин бўлмаган вақтлардаги, Севастополни қўлдан бермасликка жисмоний куч етишмаган, аммо шунга қарамай, душманга бериб қўймасликка шубҳа туғилмаган давр ҳақидаги; қадимги юнон афсоналаридаги паҳлавонлардан қолишмайдиган Корнилов қўшинни айланиб юриб: «Оғайнилар, ўлсак ўламызми, Севастополни бермаймиз» деганда, маҳмадонгарчиликни ёмон кўрадиган русларимиз: «Ўламыз! Ура!»— деб жавоб қайтарган вақтлар ҳақидаги ҳикоялар биз учун ажойиб тарихий ривоят эмас, ҳақиқат бўлиб қолди. Ҳозир кўрган кишиларингизни ўшандай оғир пайтларда тушкунликка учрамай, кўтаринки руҳда шаҳар учун эмас, балки ватан учун ширин жонларидан кечишга тайёр турган қаҳрамонлар ўрнида тасаввур эт-

¹ Крест — орден.

сангиз, уларга дарҳол тушунасиз. Рус халқи қаҳрамонлик кўрсатган — Севастополь эпопеяси Россияда узоқ вақтларга чуқур из қолдиради...

Қош қорая бошлади. Қуёш ботар олдидан ҳавони қоплаган кулранг булутлар орасидан чиқади-да, бирдан бинафшаранг булутларни, яшилга яқин тусга кирган денгизни, кема ва қайиқлар билан тўлган, бир текисда мавжланаётган денгизни, шаҳардаги оппоқ иморатларни, кўчаларда у ёқ-бу ёққа ўтиб турган халқни ўзининг қипқизил нури остига ғарқ қилади. Бульварда полк музикачилари чалаётган аллақандай қадимги валъс товуши денгиз бетиде сузади, бастионлардан отилаётган ўқларнинг шовқини унга ғалати жўр бўлади.

Севастополь, 1855 йилнинг 25 апрели

СЕВАСТОПОЛЬ МАЙ ОИДА

1

Севастополь бастионларидан биринчи ядро отилиб, душман эгаллаган ерларни қўпорганига олти ой бўлди, шу вақтдан буён минглаб бомбалар, ядролар ва ўқлар бастионлардан траншеяларга, траншеялардан бастионларга учишдан тўхтамади, ўлим фариштаси улар тепа-сида парвоз этишдан тинмади.

Минглаб одамларнинг иззат-нафси таҳқирланди, минглаб одамларнинг иззат-нафси эса қаноат топди, минглаб одамнинг кибр-ҳавоси ошиб кетди, минглаб одамлар ўлим қучоғида тинчиди. Қанча-қанча юлдузлар тақилди, қанчаси ечиб олинди, қанчадан-қанча Анна, Владимир орденлари улашилди, қанчадан-қанча пушти тобутлар ясалди ва кафанлар йиртилди! Бастионлардан ҳамон ўша товушлар эшитилади, французлар эса ҳаво очиқ кечалари ўз лагерларидан туриб Севастополь бастионларининг паст-баланд ерларни ҳамон қўрқув ва беихтиёр қалтираш билан кўздан кечирадилар, у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган матросларнинг қораларини кузатадилар, чўян тўпларнинг оғзи хўмрайиб чиқиб турган амбразураларни санайдилар; штурман унтер-офицерни ҳамон телеграф вишкасидан туриб дурбин билан ола кийинган французларни, уларнинг батареяларини, палаткаларини, Зелёнаягора бўйлаб келаётган колонналарини, ўқтин-ўқтин траншеялардан кўриниб қоладиган тутунни кўздан кечиради; турли тонфадаги одамлар бу машъум жойга, дунёнинг турли бурчагидан, турли ният билан ҳамон илгаригидек интиладилар.

132

Дипломатлар ҳал этолмаган масалани порох ва қон билан ҳал этиб бўлармиди.

Кўпинча миямга ғалати бир фикр келарди: агар урушувчи томонлардан бири иккинчисига ҳар бир армиядан биттадан солдат қайтариб юборишни таклиф қилса нима бўларкин? Бу тилак жуда ғалати бўлиб кўриниши мумкин лекин шу тилак ўрнига келтирилса нима бўлибди? Кейин ҳар бир томондан иккинчи солдатни, кейин учинчисини, кейин тўртинчисини жўнатиб юборилса, шу тарзда то ҳар бир армияда биттадан солдат қолгунча шундай иш тутилса (иккала томон армияси кучи тенг ва сони сифатига тўғри келади деб тасаввур этсак). Идрокли мавжудотнинг оқил вакиллари орасидаги мураккаб сиёсий масалалар урушиш йўли билан ҳал этилиши шарт бўлса, ана шундан кейин майли, ана шу икки солдат бир-бири билан уруша қолсин — бири шаҳарни қамал қилсин, иккинчиси мудофаа этсин.

Бу мулоҳаза фақат парадокс бўлиб кўриниши мумкин, лекин ҳар ҳолда тўғри фикр. Ҳақиқатан ҳам иттифоқчиларнинг бир вакилига қарши уруш қилаётган бир рус кишиси билан саксон мингга қарши курашаётган саксон минг кишининг фарқи нимада? Нега 135 мингга қарши 135 минг эмас? Нима учун 20 мингга қарши 20 минг эмас? 20 га қарши 20 киши эмас? Нега бир одам бир одамга қарши эмас? Бунинг бирини иккинчисидан мантиқлироқ деб бўлмайди. Аксинча охиргисини мантиқлироқ деса бўлади, чунки буниси ҳар ҳолда инсонпарварликка яқинроқ. Иккидан бири: ё уруш телбалик, ёки бу телбаликни одамларнинг ўзи чиқараётган бўлса, одамни ақлли мавжудот деб ҳисобласалар ҳам, аслда, акси ўлароқ, ақлсиз мавжудот.

2

Қамал қилинган Севастополь шаҳарида, хиёбонда, павильон ёнида полк оркестри чалиб турар, ясаиб олган ҳарбийлар ва хотин-халаж йўлкалардан секин-секин сайр қилиб юришарди. Ёрқин баҳор қуёши инглизлар вайрон қилган жойдан тонгда кўтарилиб бастионга, кейин шаҳарга — Никола казармаси устига ўтди,

133

кун бўйи барчага баравар нур сочиб, энди кумуш каби товланиб бир меъёрда тўлқинланаётган кўк денгиз узоқ-узоқларга бота бошлади.

Новча, сал букчайган пиёда аскарлар офицери оппоқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда анча тоза қўлқопини кия туриб Морская кўчасининг чап томонидаги пастаккина матрослар уйининг биридан чиқиб келди ва ерга ўйчан назар ташлаганича бульвар томонга бориладиган тепаликка чиқиб кетди. Бу офицернинг тор пешонаси, хунуккина башараси унинг зеҳни анча паст одам эканидан, лекин шунга қарамай мулоҳазали, виждонли ва номусли, андишали киши эканидан дарак бериб турарди. Унинг қомати ҳам келишган, оёқлари узун-узун, қовушмаган, ўзи бир оз тортинчоқ туюларди. Унинг бошида у қадар кўп кийилмаган фуражка, эгнидаги ғалати бинафшарангга ўхшаш шинель, шинелининг тугма қадайдиган еридан ён соатнинг олтин занжири кўриниб турарди; эгнида астарли шим, оёғида бузоқ терисидан тикилган, пошналари икки томонга қараб бир оз кийшайиб кетган, ярқираган тоза этик. Лекин ҳар қандай тажрибали ҳарбий киши оддий пиёда офицерда бўлмайдиган бу буюмларга қарабгина эмас, балки бу одамнинг умумий кўринишига қараб ҳам унинг оддий пиёда офицердан бошқачароқ — сал юқорироқ одам эканини ажратиб оларди. Агар афти-ангори унинг рус эканлигини кўрсатиб турмаганда, уни немис деб, ёки адъютант, ё полк квартирмистри деб (ундай десак, шпори бўлиши лозим эди), ёинки уруш вақтида кавалериядан, ё гвардиядан вақтинча ўтган офицер деб ўйлаш мумкин эди. У ҳақиқатан ҳам кавалериядан ўтган бўлиб, ҳозир бульвар томон борар экан бир вақтдаги ўртоғидан, ҳозир Т. губернасида яшаб турган истеъфодаги бир помещикдан ва унинг рангпар, кўк кўз хотини Наташадан (Наташа билан қалин эдилар) келган хат ҳақида ўйларди. У хатнинг бир ерини эслади, унда ўртоғи шундай деб ёзарди:

«Бизга «Инвалид»ни келтирганларидан Пупка (истеъфога чиққан улан¹ хотинини шундай деб атарди) йўлакка югуриб чиқади-да, газетларни ола солиб чопганича боғдаги суҳбатхонага, меҳмонхонага кириб кета-

¹ Улан — чор Россиясида найзабардор енгил кавалерияда хизмат қилган ҳарбий хизматчи.

ди (полк шаҳаримизда турган кезлари қишки оқшомларни шу ерда қандай яхши ўтказганимиз эсингиздир), сизларнинг қаҳрамонона жасоратларингизни шу қадар қизиқиб ўқийдики, асти қўяверасан. Хотиним сен тўғрингда кўпинча: мана, Михайловни қара! — деб қўяди. — Ана уни жонон йигит деса бўлади — келиб қолса борми, бир ўпиб олишгача бораман, у бастионда жанг қиляпти, Георгий крести олмай қўймайди, ҳали у тўғрида газеталарда ҳам ёзилади ва ҳоказо, ва ҳоказолар дейди, кўриб турибсанки, сенга рашк қиладиган бўлиб турибман». Хатнинг бошқа бир ерида шундай деб ёзарди: «Газеталар бизга жуда кеч келади, оғзаки хабарлар кўп бўлгани билан ҳаммасига ишониб бўлмайди. Масалан, сенга маълум музыкага ишқибоз нозанинлар, кеча казакларимиз Наполеонни тутиб, Петербургга жўнатиб юборган эмишлар», дейишди, уларнинг гапига қанчалик ишонишимни биласан-ку. Петербургдан келган бир кишининг гапига қараганда (министрнинг ҳузурда алоҳида топшириқларни бажарадиган лавозимдаги жонон киши, ҳозир шаҳарда дурустроқ одамлар йўқлигидан бизга у шундай эрмак *рисурс* бўлиб қолганки, асти қўяверасан) — ўша одамнинг айтишича, бизникилар Евпаторияни олган эмишлар, *натижада французлар энди Балаклава билан алоқа қилолмай қолган эмишлар*, шу ишда бизникилардан икки юз киши ҳалок бўлган, французлардан эса ўн беш минг киши қирилган эмиш. Бу хабарни эшитиб хотиним шу қадар севиниб кетдики, кечаси билан байрам қилиб чиқди. Бу ишда у ҳам албатта қатнашган, ўзини кўрсатган, юрагим сезиб турибди, дейди...»

Мен атайлаб курсив билан ажратган сўз ва иборалар ва хатнинг ёзилиши услубиданоқ такаббур китобхон пошнаси майишган кўн этик кийган штабс-капитан Михайлов ҳақида, *рисурс* деб ёзган ва географиядан ана шундай ғалати тушунчага эга бўлган ўртоғи тўғрисида, эсаги рангпар дўсти ҳақида (ўша Наташани мутлақо асосли равишда тирноқларининг ораси кир ҳолда тасаввур қилса ҳам ажаб эмас) ва умуман, ана шу ахлоқи бузуқ, бекорчи қишлоқи, ўзи ҳазар қиладиган ёру дўстлари ҳақида хунуккина тасаввурга эга бўлади. Штабс-капитан Михайлов эса ўзининг губернадаги рангпар дўстини, у билан баъзан оқшомлари шийпонда ўтириб ҳиссиёт ҳақида гаплашганларини из-

ҳор этиб бўлмас ғамгинлик билан ҳузур қилиб эслади. Мулойим улан ўртоғи ёдига тушди. Улар кабинетда бир тийиндан тикиб пулька¹ бошлашганда ўртоғининг жаҳли чиқиб, гирромлик қилиб ютқизаверганини, хотини ундан роса қулганини ва шу одамлардаги ўзига нисбатан бўлган дўстона муносабатларини (назарида, рангпар дўсти ўзини унга бир дўстан ҳам яқинроқ тутгандек бўлиб туюлгандир) эслади; ана шуларнинг ҳаммаси унинг тасавурида шу қадар нашъали бўлиб кўриндики, бу хотиралардан лабига табассум югуриб, ўша қимматли хат ётган чўнтагини ушлаб қўйди. Ҳозир унинг мажбуран яшаб турган пиёдалар полки, илгари кавалерист ва кавалер сифатида Т. шахрида араллашиб юрган доирадан анча паст бўлгани учун ҳам бу хотиралар штабс-капитан Михайловга ажойиб бўлиб кўринарди.

Илгариги доираси ҳозиргига қараганда шу қадар баланд эдики, чеҳраси очиқ пайтларида у пиёда қисмдаги ўртоқларига ўз фойтони бўлгани, губернаторникида берилган балда танца қилгани, штатский генерал билан карта ўйнагани ҳақида сўзлаб берган вақтлари ҳам бўлиб турарди. Шунда унга эътироз билдириб, бунинг аксини тасдиқлашни истамай, майли, оғзига келганини гашира қолсин, деяётгандай, унинг гапини ишончсизлик ва бепарволик билан тинглардилар. Ундаги ўртоқларининг айш-ишратларига, ароқхўрлик, картабозлик ва умуман, қўпол муомалаларига нисбатан очикдан-очиқ нафрат билдирмаслик одатига келсак бу унинг ҳаддан ташқари ювошлиги, муросасозлиги ва сермулоҳазалигидан деб билардилар.

Штабс-капитан Михайлов ўтганларни эслаб кетиб, беихтиёр равишда орзу ва умидларга ўтганини ўзи ҳам сезмай қолди. У пошнаси қийшайган этикда тор кўчадан борар экан: «Тўсатдан «Инвалид»да менинг тўпга биринчи бўлиб чиқиб, Георгий олганимни ўқиса, Наташа тоза ҳайрон бўлади-да, роса қувонади-да», деб ўйларди. Олдинги тақдимга кўра-ку, капитан бўлишим керак. Шундай бўлгач, шу йилнинг ўзидаёқ осонгина майор бўлиб оламан, нега деганда мен сингари офицерларнинг озмунчаси ўлиб кетдими, бу кампанияда

¹ Пулька — преферанс ўйинининг бир қисми.

ҳали озмунчаси қириладими. Кейин яна катта иш бўлади, шунда менга, машҳур бир одам сифатида полк топширилади... подполковник бўламан... Анналик¹ бўламан... полковник бўламан...» шу зайл хаёл суриб бораркан, назарида генераликкача кўтарилди, бу вақт ичида ўртоғи ўлган бўлади, у ўртоғининг бева хотини Наташа ҳузурига генерал бўлиб қадам ранжида қилади. Бульвардан музика садоси қулогига кирганда, тўда-тўда оломон кўзига кўринганда, у яна ўша-ўша аввалги қовушмаган, тортинчоқ оддий штабс-капитан бўлиб қолди.

У аввал музикантлар турган павильон ёнига борди, пюпитр² бўлмаганидан уларга нотани шу полкнинг бошқа солдатлари очиб ушлаб туришарди. Улар ёнида хаттотлар, юнкерлар, бола кўтарган энагалар ва эски шинелли офицерлар тўпланишган бўлиб, музика тинглашдан ҳам кўпроқ одамларни томоша қилишарди. Павильон атрофида турган, ўтирган ва у ёқдан-бу ёққа ўтиб юрганларнинг кўпчилиги денгизчилар, адъютантлар ва оқ перчатка кийган офицерлар эди. Бульварнинг катта аллеясида ҳар хил офицерлар, хотин-халаж кезиб юрар, буларнинг кўпчилиги дурра ўраган, бир хиллари шляпа кийган (дуррасиз ва шляпасизлари ҳам бор) хотинлар бўлиб, биронта кекса хотин учрамас, ҳаммаси ёшлар эди. Пастдаги акас дарахтларининг соя-салқинидаги хушбўй аллеяда тўда-тўда бўлишиб, хилватлашиб юрганлар, ўтирганлар учрарди.

Ўзининг ҳамполклари капитан Обжогов билан прапорщик Сусликовни ҳисобга олмаганда, штабс-капитан Михайловни бульварда учратганига ҳеч ким севинмади ҳам. Иккови ҳам унинг қўлини қаттиқ қисиб кўришди, лекин Обжогов перчаткасиз тўзиган шинель кийган, афт-башараси қип-қизариб терлаб кетган, Сусликов эса ҳеч тортинмай овозини шундай баралла қўйиб бақирардики, Михайлов айниқса, оқ перчатка кийган офицер олдида улар билан ёнма-ён юришга орқиларди; шундай офицерлардан иккитасини танирди —

¹ Анна — орден.

² Пюпитр — нота қўядиган қия курси.

улардан бири — бир адъютант билан штабс-капитан Михайлов саломлашиб юрар, иккинчиси — бир штаб-офицери билан эса саломлашиши мумкин эди, чунки уни бир танишникида икки марта учратганди.

Бундан ташқари у ҳар куни беш-олти мартадан учрашиб, қўл сиқишиб юрган бу жаноб Обжогов ва Сусликов билан сайр қилишдан нима чиқди дейсиз. У *музикага* шунинг учун келмаган-ку, ахир.

У салом-алик қилишиб юрадиган адъютант ёнига боргиси ва ўша жаноблар билан сўзлашгиси келарди, улар билан гаплашиб турганини капитан Обжогов билан прапорщик Сусликов ёки поручик Пиштецкий ва бошқалар кўрсин учун эмас, балки улар яхши одамлар бўлганидан ва турли янгилеклардан хабардор бўлганларидан бориб бирпас гаплашишни истарди... Аммо штабс-капитан Михайлов нега уларнинг ёнига боришга ботинмайди? «Саломимга жавоб беришмаса нима бўлади?— деб ўйларди у.— Ё саломлашишару гўё мен ёнида йўқдай ўзаро гапларини давом этираверишади, ёки индамай кетиб қолишса, мен *аристократлар орасида* ёлғиз қоламан» *Аристократлар* сўзи (қайси табақадан бўлмасин олий, юқори доира маъносида) бизнинг Россияда (бу ерда бўлмаслиги лозим эди шекилли-да) бир неча вақтдан буён жуда кенг тарқалиб кетди ва шуҳратпарастлик илдиз отган (бу олчоқ ҳис қандай шарт-шароитларда илдиз отмайди дейсиз) жамоатчиликнинг ҳамма табақасига: савдогарлар, амалдорлар, хаттотлар, офицерлар орасида, Саратовда, Мамадишида, Винницада, хуллас, қаердаки одам бўлса, ўша ернинг ҳаммасида сингди. Қамал қилинган Севастополь шаҳрида одамлар кўп бўлгани туфайли ҳар бир аристократнинг ҳам, аристократмаснинг ҳам тепасида ҳар доим ўлим турганига қарамай, шуҳратпарастлик ҳам, яъни аристократлик ҳам кўп. Капитан Обжогов учун штабс-капитан Михайлов *аристократ*, чунки унинг шинели ҳам, қўлқопи ҳам тоза. Гарчи уни бир оз ҳурмат қилса-да, юқоридаги одатлари учун жирканиб юради. Штабс-капитан Михайлов учун адъютант Калугин *аристократ*, чунки у адъютант, бунинг устига бошқа адъютант билан «сенсиррашиб» гаплашади; Михайлов ундан бир оз чўчиб турса ҳам худди мана шу сабабли уни у қадар ёқтирмайди. Адъютант Калугин учун граф Нордов *аристократ*, Нордов флигель-адъютант бўлгани

важидан ҳам Калугин доим уни ичида сўкиб юради, ёмон кўради. *Аристократ* сўзи жуда даҳшатли сўз. Подпоручик Зобов штаб-офицер билан ёнма-ён ўтирган ўртоғи ёнидан ўтиб кета туриб нега зўрма-зўраки кулади? Бу билан мен аристократ бўлмасам ҳам ҳар ҳолда сизлардан кам жойим йўқ демоқчи бўлади. Штаб-офицер нега бундай заиф, эринчоқ, маънос товуш билан гапиради? Бу билан ҳамсуҳбатига ўзининг *аристократ* эканини, подпоручик билан сўзлашиб катта марҳамат қилаётганини кўрсатмоқчи бўлади. Нима учун юнкер умрида энди кўраётган бир хоним кетидан, ёнига яқин йўлашга ҳеч қачон юраги бетламаслигига қарамай, қўлларини силкиб, кўзи билан имо-ишоралар қилиб боради? Бу билан у ҳамма офицерларга уларни кўрганда бошидан шапқасини олиб саломлашишига қарамай, ҳар ҳолда ўзининг аристократ эканини, ҳозир жуда вақти чоғ эканини кўрсатмоқчи бўлади. Артиллерия капитани ординарсец¹ билан нега бу қадар қўпол муомилада бўлди? Бу билан у ҳеч қачон хушомадгўйлик қилмаслигини ва *аристократларга* муҳтож эмаслигини кўрсатмоқчи бўлди ва ҳоказо, ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Қаерга қараманг, ҳамма ерда шуҳратпарастлик, шуҳратпарастлик ва яна шуҳратпарастлик — ҳатто ўлим ёқасида ҳам, буюк маслак йўлида ўлимга тайёр турган кишилар орасида ҳам шу. Шуҳратпарастлик! Бу, асримизнинг характерловчи хусусияти ва ўзига хос касали бўлса керак. Нега бурунги одамлар орасида чечак ёки вабо касалига ўхшаган бу ҳис ҳақида гап-сўз кўп бўлмасди? Нима учун бизнинг асримизда фақат уч турдаги одамлар яшайди: бир хиллари шуҳратпарастликнинг бор бўлиши шарт, у мавжуд нарса деб, шунинг учун бўлгани тўғри деб ҳисоблаб, унга осонгина бўйсундилар; иккинчи тоифа одамлар эса шуҳратпарастликни бир бахтсизлик, енгилмас шарт-шароит деб ҳисоблайдилар, учинчи хилдаги одамлар бўлса унинг таъсирига кўр-кўрона берилдилар. Нима учун Гомерлар ва Шекспирлар севги, шон-шараф ва жафо ҳақида гапиришарди-ю, бизнинг асримиздаги адабиёт

¹ Ординарсец — командир ҳузурида турли топшириқларни бажарувчи ҳарбий хизматчи.

эса «Сноб»¹ ва «Шухратпарастлик» қиссаларидан бошқа нарса эмас?

Штабс-капитан Михайлов ўз *аристократлари* доираси ёнидан икки марта боргани ботинолмай ўтиб кетди, учинчи гал эса ўзини мажбур этиб, улар олдига яқинлашди. Бу доира тўрт офицердан иборат эди: Михайловнинг таниши адъютант Калугин, ҳатто Калугин учун ҳам бир оз аристократ ҳисобланган адъютант князь Гальцин, бир оз ватанпарварлик, бир оз шухратпарастлик ва асосан, *ҳамма* шундай қилаётгани учун истеъфода юрган жойидан ҳарбий хизматга қайтиб келган, бир юз йигирма икки юқори табақа кишиларидан бири бўлган подполковник Нефердов; у Москва клублари остонасини сийқа қилиб юборган, бу ерда ҳеч нарса қилмайдиган, ҳеч нарсага тушунмайдиган ва бошлиқларнинг барча буйруқларини ёмонлаб юрадиган норизолар сафига келиб қўшилган бир кекса бўйдоқ эди; тўрт офицернинг биттаси юз йигирма икки қаҳрамонлардан бўлган ротмистр Праскухин эди. Михайловнинг бахтидан бўлиб, Калугиннинг кайфи чоғ эди (генерал ҳозиргина у билан жуда очилиб гаплашганди, князь Гальцин эса Петербургдан келиб, тўғри унинг уйига тушганди). У штабс-капитан Михайлов билан қўл олишиб сўрашишдан ор қилмади, аммо Михайловни бастионда тез-тез учратиб турадиган, неча марта лаб унинг вино ва ароғини ичган, ҳатто преферанс¹ ўйнаб ўн икки сўму эллик тийин қарздор бўлган Праскухин қўлини бермади: князь Гальцинни яхши билмагани учун унинг олдида оддий пиёда аскарлар штабс-капитани билан танишлигини кўрсатгиси келмаганидан, билинар-билимас бош қимирлатиб саломлашиб қўя қолди.

— Хўш, капитан,— деди Калугин,— энди яна қачон баксиончага борамиз. Шварцов редутида² учрашганимиз ёдингиздами — иш тоза қизгин бўлди-а?

— Ҳа, жуда қизгин бўлганди,— деди Михайлов, ўшанда кечаси траншеядан бастионга бориш учун икки

¹ Сноб — олифта, қуруқ (буржуа жамиятида). Инглиз сатириги Ккерейнинг «Сноб» номли романи назарда тутилади.

² Преферанс — карта ўйини.

³ Редут — айланасига чуқур қазилиб четлари тупроқ билан тўсилган ҳарбий истеҳком.

букилиб кетаётиб Калугинни учратганини, шунда Калугин қиличини шақирлатиб мардонавор юриб келаётганини эслади.

— Аслида мен эртага чиқишим керак эди-ю, лекин бизда бир офицер касал бўлиб қолди...— деб давом этди Михайлов. У ўзининг павбати ҳали келмаганини, лекин 8-ротанинг командири бетоб бўлиб қолгани, ротада фақат бир прапорщик борлигини, шунинг учун, поручик Непшитшетскийнинг ўрнига боришни ўзининг бурчи деб ҳисоблаб, бугун бастионга кетаётганини гапириб бермоқчи эди. Лекин Калугин унинг сўзини охиригача тингламади.

— Сезиб турибман, шу кунларда бирор нарса бўлмай қолмайди,— деди у, князь Гальцинга.

— Нима дейсиз, бугун ҳеч нарса бўлмасмикан?— деб сўради Михайлов, журъатсизлик билан гоҳ Калугинга, гоҳ Гальцинга қараб. Ҳеч ким унга жавоб бермади. Гальцин юзини аллақандай қилиб буруштириб, унинг фуражкаси ёнидан қаёққадир тикилди-да, бир оз жим тургач:

— Хув анави қизил дуррали қиз жуда жонон экан-да. Уни танийсизми, капитан?— деди.

— Менинг қўшним бир матроснинг қизи,— деб жавоб берди штабс-капитан.

— Юринглар, яқинроқ бориб кўрамиз.

Шундай деб князь Гальцин бир томондан Калугинни, иккинчи томондан эса штабс-капитанни қўлтиқлади. Штабс-капитанни қўлтиқлагани билан унга зўр ҳузур бахш этишига ишонарди, бу жиҳатдан у ҳақ эди ҳам.

Штабс-капитан иримчи эди. Иш олдида хотин-қизларга яқин йўлашни зўр гуноҳ деб ҳисобларди, лекин шунга қарамай бу галча у ўзини фосиқ қилиб кўрсатишга уринди, бунга князь Гальцин ҳам, Калугин ҳам ишонмаслиги кўришиб турарди. Лекин бу ҳол қизил дурра ўраган қизни айниқса ҳайрон қолдирди, чунки штабс-капитан унинг деразаси тагидан ўта туриб, қипқизариб кетганини неча бор кўрган эди. Праскухин орқада борар ва француз тилида гап отиб, нуқул князь Гальциннинг қўлини туртарди, йўлкага тўрт киши сигмагани учун у ёлғиз боришга мажбур бўлиб, иккинчи бор айланиб ўтилаётганда *аристократлар* даврасига қўшилишни истаб, унинг ёнига келиб гап бошлаган

машҳур қаҳрамон, денгиз офицери Сервягинни қўлтиқлаб олди. Машҳур қаҳрамон эса қанчадан-қанча французларга найза урган забардаст қўлини, ёмон одам эканлиги ҳаммага, шу жумладан, Сервягиннинг ўзига ҳам маълум бўлган Праскухинни қўлтиқлаб олди. Лекин Праскухин князь Гальцинга, бу денгизчини қаердан танишлигини тушунтира туриб, унинг машҳур қаҳрамон эканлигини шипшитганда, кеча 4-бастионга бориб, ўздан йигирма қадам нарида бомбанинг портлаганини кўрган князь Гальцин ўзини қаҳрамонликда бу жанобдан қолишмайдиган одам ҳисоблаб ва кўплар арзимаган нарса билан ном чиқаришади, деб ўйлаб, Сервягинга парво қилмади.

Штабс-капитан Михайловга бу одамлар ичида сайр этиш шу қадар хуш ёқдики, у Т. губернасидан келган ёқимли хатни ҳам, бастионга бориш ҳақида ўйлаганда кўнглини хира қилаётган фикрларни ҳам, энг муҳими, соат еттида уйга етиб боришлиги кераклигини ҳам унутди. То ҳамроҳлари энди кетаверсанг ҳам бўлади дегандек, унга қарамай ҳам қўйишгунча, фақат ўзаро сўзлаша бошлагунларича ва ниҳоят, ундан нари кетиб қолмагунларича Михайлов улар билан бирга бўлди. Лекин шунга қарамай штабс-капитан жуда мамнун эди. Кеча умрида биринчи бор 5-бастион блиндажида тунаганидан ўзини қаҳрамон деб ҳисоблаган ва ниҳоятда кеккайган, ўзига бино қўйган юнкер барон Пест ёнидан ўтиб кетаётганида такаббурлик билан тик туриб, фуражкасини ечиб салом берганида, у сира хафа бўлмади.

4

Лекин штабс-капитан остона ҳатлаб уйига кириши биланоқ бошқа фикрлар уни банд қилди. У ерига тахта тўшаммаган, ойна ўрнига қоғоз ёпиштирилган қийшиқ деразали кичкина хонасига, тепасига чавандоз аёлнинг расми туширилган гилам қоқилган ва икки Тула тўппончаси осланган эски каравотига, ўзи билан бир уйда яшовчи юнкернинг кир, чит кўрпа ёпилган тўшагига қаради; сочлари тўзиб, қашиниб ётган еридан қўзғолиб тура бошлаган хизматкори Никитага кўзи тушди; эски шинелини, этигини ва бастионга олиб

кетиши учун тайёрлаб қўйилган, бир чеккасидан пишлоқ ва ароқ солинган шишанинг учи чиқиб турган тугунчани кўрди-ю, бутун вужудини даҳшатга ўхшаш бир ҳис қамраб олди, тўсатдан бугун тун бўйи рота билан ложемент¹да бўлиши кераклигини эслади.

«Бугун соғ қолмайдиганга ўхшайман,— деб ўйлайди штабс-капитан,— сезиб турибман. Бунинг устига ўз навбатим бўлса ҳам гўрга эди. Ўзим илтимос қилиб ўтирибман-а. Одатда шундай: ўз ихтиёри билан чиққан ҳалок бўлади. Бу лаънати Непшитшенский нима касал бўлганикан-а? Эҳтимол, мутлақо касал ҳам эмасдир, уни деб биров бекордан-бекор ўлиб кетади, албатта, ўлдиришади. Шуниси ҳам борки, мабодо ўлдиришмаса, албатта мукофотга тақдим этишади. Поручик Непшитшетский касал бўлса, менга рухсат этинг, деганим полк командирига қанчалик ёққанини ўз кўзим билан кўрдим. Майорликка кўтаришмаса ҳам жуда бўлмаганда Владимир²га илинарман. Ахир ўн учинчи бор бастионга боришим-а. Эҳ, ўн уч-а! Бехосият рақам. Ўлдирмай қўйишмайди; ўлдиришларини сезиб турибман; лекин бирор кишининг бориши керак эди-да, ахир рота фақат прапорщик бошчилигида кетолмайди-ку. Бирор нарса юз бериб қолгудек бўлса, ахир полк шарафи, бутун армия шарафи шунга боғлиқ-а. Бориш менинг бурчим эди... Ҳа, бурчим. Лекин кўнглим ғаш-да»: Штабс-капитан бастионга бориш олдидан озми-кўпми ҳар гал кўнгли ғаш бўлишини унутган ва бундай ишга жўнаш олдидан ҳар кимнинг ҳам бир оз кўнгли ғаш бўлишлигини билмас эди. Ҳамма нарсага ақли етавермайдиган кишилар сингари штабс-капитанда ҳам шу ҳис айниқса ривожланганлигидан, ўзини бурч деган тушунча билан бир оз юпатди. У стол ёнига ўтириб, кейинги вақтларда пул масаласида ораси анча бузилиб қолган отасига видолашув хати ёза бошлади. Ўн минутлардан кейин хатни ёзиб бўлгач, йиғидан кўзи қизариб, стол ёнидан турди-да, барча билган дуоларини ичида ўқиб (хизматкори олдида овозини чиқариб дуо ўқишга тортинарди), кийина бошлади. У марҳум онаси фотиҳа қилиб берган ва ўзи анча эътиқод қўйган авлиё Митрофаній суратини ўпгиси жуда келиб

¹ Ложемент — истеҳком.

² Владимир — орден.

турса ҳам Никита ёнида бундай қилишдан тортиниб, санамни кўчала тугмасини ечмай олиб бўладиган қилиб сюртугидан чиқариб қўйди. Маст ва дағал хизматкор унга янги сюртукни эринчоқлик билан узатди (штабс-капитан одатда бастионга жўнаётганда кийиб борадиган эски сюртуги ямалмаган эди).

— Нега сюртукни ямаб қўймадинг? Сенга нуқул уйку бўлса!— деди жаҳл билан Михайлов.

— Ухламай бўладими,— деб гўлдиради Никита.— Эртадан қора кечгача итдек югурганинг югурган: чарчайсан-да киши, ухлаб ҳам бўлмайдими энди.

— Яна мастга ўхшайсан-а?

— Сизнинг пулингизга ичибманми, нега таъна қиласиз?

Боядан бери авзойи бузилиб турган штабс-капитан ўн икки йилдан бери бирга яшаб келган, ўзи яхши кўрган, ҳатто эркалаб ҳам турадиган Никитанинг қўполлигидан сабр косаси тўлиб, жаҳли чиқиб:

— Оғзингни юм, ҳайвон!— деб ўшқириб берди ва уриб юбораёзди.

— Ҳайвон? Ҳайвон дедингизми?— деб такрорлади хизматкор.— Нега ҳайвон деб сўкаси, афандим? Ҳозир сўкадиган вақтми?

Михайлов ҳозир кетаётган жойини эслаб, хижолат чекди.

— Ҳар қандай одамнинг ҳам зардасини қайнатасан, Никита,— деди у мулойимлик билан.— Столда ётган анави хатни отамга ёзганма, тегмагин, тураверсин,— деб қўшиб қўйди у қизариб.

— Хўп бўлади,— деди Никита, «ўз пулига» ичган винонинг кайфи билан кўнгли бўшаб ва кўзларини пирпиратиб, йиғлаб юборишга тайёр тураркан.

Штабс-капитан пиллапояга чиқиб: «Хайр, Никита!» деганда эса, Никита бирдан ясама янги билан хўнграб йиғлаб юборди ва хўжайинининг қўлини ўпа бошлади. «Хайр, хўжайини!»— деярди у хўрсиниб.

Пиллапояда турган кекса матрос хотин аёл киши бўлгани учун ҳам бундай хайрлашувга бефарқ қараб туролмади-да, ифлос сити билан кўз ёшларини артаркан, насл-насабли одамлар ҳам шу қадар азоб-уқубат тартаётганларида, мендек камбағал бир хотин бева қолсам нима бўпти, деган гапларни айтиб, маст Никитага ўз қайғусини биринчи бандировка вақтдаёқ эрининг ҳа-

лок бўлганини, қишлоқдаги уйнинг кулини кўкка совурганларини (ҳозир яшаб турган уйи ўзиники эмас эди) ва ҳоказо, ва ҳоказоларни юзинчи бор ҳикоя қила бошлади. Хўжайини жўнаб кетгач, Никита тезда овуниб трубкасини тутатди ва хўжайикасининг қизидан ароқ олиб келиб беришини илтимос қилди-да, аллақандай челакин пачақлаб қўйдиган, деб кампир билан уришиб ҳам олди.

Оқшом паллада рота билан бастионга яқинлашиб борар экан: «Балки фақат ярадор бўларман,— деб ўзича мулоҳаза юргизарди штабс-капитан.— Ярадор бўлармикинман. Қаеримдан яраланармикинман? Қандай қилиб? Бу еримдан ярадор бўлармикинман ёки бу еримдан?— деб ўйларди у гоҳ қорнини, гоҳ кўкрагини ушлаб.— Агар бу еримдан бўлса-ку,— деди у, оёғининг юқори қисмини кўз олдига келтириб,— майли эди-я, лекин шунда ҳам анча оғриси керак. Аммо мана бу ерга снаряд парчаси тегсами — тамом!»

Шунга қарамай, штабс-капитан трашся бўйлаб энгашган ҳолда, эсон-омон ложементга стиб борди, сапёр офицери билан биргаликда зим-зиё қоронғиликда одамларни ишга қўйди-да, бруствер тагидаги чуқурчага тушиб ўтириб олди. Отишма жуда суст эди; ахён-ахёнда гоҳ биз томонда, гоҳ у томонда чақмоқ чақилгандай бўлиб, бсмба юлдузлар чарақлаган қоронғи фазода оловдай ёй ясаб ўтарди. Аммо бомбаларнинг ҳаммаси ложементнинг орқа томонига ва штабс-капитан ўтирган ложементнинг ўнг тарафига тушарди. Шундан кейин у анча тинчланди; ароқдан ичиб, пишлоқдан еб олди, папирос чекди, кейин худога сизинди-да, ухлашни мўлжаллаб қолди.

5

Князь Гальцин, подполковник Нефердов, уларни бульварда учратиб қолган юнкер барон Пест ва Праскухин ҳаммалари бульвардан чиқиб, чой ичгани Калугинникига кетишди. Праскухинни ҳеч ким таклиф қилмаса-да, у билан ҳеч ким гаплашмаса-да, уларга эргашиб кетаётганди.

Калугин шинелини ечиб, дераза ёнидаги юмшоқ креслога ўтираркан, крахмалланган оппоқ кўйлагининг ёқасини еча туриб:

— Шундай қилиб, Васька Мендель ҳақидаги гапинг-

ни тамом қилмадинг-а, уйланиши қандай бўлипти?— деб сўради.

Фортепьяно ёнида ўтирган Гальцин ўрнидан сакраб турди-да, Калугиннинг ёнига — деразага ўтираркан:

— Кулавериб ичагинг узилади, огайни- Le vous dis, il y avait un temps où on parlait que de ça à Pétersbourg¹, — деди кулиб, — ичагинг узилади. Ҳаммасини батафсил биламан.— У хушчақчақлик, қизгинлик ва усталик билан аллақандай бир ишқий можарони ҳикоя қила бошлади, бизга қизиги бўлмагани учун биз бу тўғрида индамай ўта қоламиз.

Лекин қизиги шундаки, фақат князь Гальцингина эмас, ҳатто бири деразага ўрнашган, яна бири оёғини кериб ўтирган, бири фортепьяно ёнига жойлашиб олган бу жаноблар бульварда юрган чоқлардагидан бутунлай бошқача одамлар бўлиб қолишган эди: боя пиёда офицерлар ҳам ёнидаги кеккайиш, такаббурликлардан асар ҳам қолмаганди; бу ерда улар ўз кишилари орасида, аслда Калугин билан Гальцин ёқимтой, очиқ, хушчақчақ ва хушфеъл йигитлар эди. Гап петербурглик ҳамкасабалари ва танишлари устига кўчди.

— Маслоцкой нима қилиб юрибди?

— Қайси бири? Лейб-уланми ё отлиқ гвардиячими?

— Икковини ҳам танийман. Отлиқ гвардиячи мен боримда ҳали ёш бола эди, эндигина мактабдан чиққан эди. Каттаси ротмистирми?

— Э! Аллақачондан бери!

— Ҳали ҳам ўша лўли қизга мубталоми?

— Йўқ, ташлаб кетган, — ва ҳоказо, шунга ўхшаган гаплар.

Кейин князь Гальцин фортепьяно ёнига ўтириб, лўли кўшигини ёқимли қилиб куйлади. Ҳеч ким сўрамаса ҳам Праскухин унга жўр бўлди, аммо шу қадар чиройли жўр бўлдики, ундан ачулага яна қўшилишни илтимос қила бошладилар, бундан эса у жуда мамнун бўлди.

Кумуш патнисга қаймоқли чой ва ўрама булка нон қўйиб, хизматкор кириб келди.

— Князга узат, — деди Калугин.

— Уйлаб кўрсанг жуда қизиқ-да, — деди Гальцин,

¹ Сизга айтилман-ку, Петербургда фақат шу тўғрида гап кетган вақтлар бўлди. (Франц.)

стаканни олиб дераза ёнига қайтар экан, — ўзимиз қамал қилинган шаҳардамизу: ўйин-кулги дейсанми, қаймоқли чою мана бундай уй-жойлар, қани энди шунақаси Петербургда бўлса — жон-жон дердим.

— Шу ҳам бўлмасинми энди, — деди ҳамма нарсдан норизо мўйсафид подполковник, — муттасил алланарсани кутиб хавотирланиб ўтиришдан ёмони борми... Ҳар куни қанча-қанча одамнинг ўлишини кўрасан — ҳали-бери кети кўринса ҳам гўрга эди, яна бунинг устига ифлосликда ва ноқулайликда яшайликми.

— Бастионда, блиндажда солдатлар билан яшаб, кам шўрва ичиб юрган пиёда офицерларимизнинг аҳволига нима дейсиз? — деди Калугин.

— Мана шунга ҳайронман, — деди Гальцин. — Ростини айтсам, ифлос кийим-бош кийган, қўли бир умр ювилмайдиган битлиқи кишиларнинг довурак бўлишига ишонгим келмайди. Ҳалиги, биласанми, — cette belle bravoure de gentilhomme¹ бўлиши мумкин эмас.

— Тўғри, улар бу ботирликни тушунмайди ҳам, — деди Праскухин.

— Нима қиласан бекорчи гапларни гапириб, — деб жаҳл билан унинг гапини бўлди Калугин, — уларни сендан кўра мен кўпроқ кўрганман бу ерда. Ҳамма ерда ва ҳамма вақт шунини айтишим мумкинки, пиёда офицерларимиз ўн кунлаб ич кийимини алмаштирмаса ҳам, битлиқи бўлса ҳам, ҳақиқий қаҳрамон, ажойиб кишилар — ўша.

Шу вақт хонага бир пиёда офицер кириб келди.

— Мен... менга буюришдики... учрашсам бўладимн... жаноб олийларига... генерал NN юборган эди? — деди таъзим қиларкан, тортинчоқлик билан.

Калугин ўрнидан турди, лекин офицернинг таъзимига жавоб бермай, таҳқирловчи такаллуф ва зўрма-зўраки расмий табассум билан офицерга юзланди-да, бир оз кутиб турсалар бўлмайдими, деб сўради ва ўтиришни ҳам таклиф этмай, уни эътиборсиз қолдириб Гальцинга қараб француз тилида гапира бошлади. Бечора офицер ўзини ва перчаткасиз қўлини қаерга қўйишини билмай уйнинг ўртасида қаққайганича қолди.

— Жуда зарур иш билан келган эдим, — деди офицер, бир дақиқа жимликдан сўнг.

¹ Дворянларга хос ботирликнинг нафис тури. (Франц.)

— О, ундай бўлса марҳамат,— деди Калугин боягидек таҳқирловчи табассум билан шинелини кияр ва уни эшикка бошлаб борар экан.

— Eh bien, messieurs, je crois due cela chauffera cette nuit!,— деди Калугин генерал ёнидан чиқа туриб.

— А? Нима? Нима? Атаками ё?— деб сўради ҳамма.

— Биллолмадим — ўзингиз кўрасиз,— деб сирли табассум билан жавоб берди Калугин.

— Менга айта қол,— деди барон Пест,— агар бирор нарса бўлса, мен Т. полки билан биринчи атакага боришим керак.

— Боравер, худо ҳайрингни берсин.

— Менинг бошлиғим ҳам бастионда, бундан чиқди мен ҳам борар эканман-да,— деди Праскухин, қиличини тақар экап, лекин ҳеч ким унга жавоб бермади — бориш-бормаслигини унинг ўзи билиши керак эди.

— Ҳеч нарса бўлмайди, сезиб турибман,— деди барон Пест, жанг ҳақида ўйларкан юраги орқасига тортиб. Лекин, шунга қарамай фуражкани олифтарчилик билан қийшайтириб кийиб, кўрқув ичида жой-жойларига шошилаётган Праскухин ва Нефердов билан бирга шахдам қадам ташлаб хонадан чиқди. «Хайр, жаноблар».— Праскухин билан Пест ўзларини казак фаҳмлаб бўлса керак, казакча эгарнинг бошига эгилиб отни йўрттириб кетаётганларида Калугин: «Хайр, жаноблар! Ҳали кечаси яна кўришамиз»,— деб деразадан қичқириб қолди.

Унга нима деганларини яхши англай олмаган юнкер:

— Ҳа, озгина,— деб қичқирди. Казак отларининг дупури қоронғи кўчада тезда тинди.

— Non, dites moi, est-ce qu'il y aura véritablement quelque chose cette nuit?² — деди Гальцин, Калугин билан деразадан бастион тепасидан кўтарилаётган бомбаларни томоша қилишаркан.

— Сенга гапириб беришим мумкин, менга қара — бастионга борганмисан ҳеч? (Гальцин атиги бир марта 4-бастионга борганига қарамай, ҳа, деб жавоб қилди). Люнетимизнинг³ рўпарасида траншея бор эди,— ўз ҳар-

¹ Жаноблар, бу кечаси тоза онамизни кўрадиганга ўхшаймиз. (Франц.)

² Айтинг-чи, бугун кечаси бирор нарса бўлиши ростми? (Франц.)

³ Люнет — дала истеҳкомининг бир тури.

бий мулоҳазаларини гоят тўғри деб ҳисоблаб юрса-да, ўзи мутахассис бўлмаган Калугин фортификацияга¹ оид ибораларни адаштириб, чалкаштириб, биздаги ва душман томонидаги аҳволнинг қандайлигини, мўлжалланган ишнинг планини гапириб бера бошлади.

— Уҳ-ҳў, ложементларнинг ёнида пақиллай бошладик-ку. Уҳ-ҳў! Бу бизникими ё *уникими*? Ана ёрилди,— дейишарди улар, ҳавода тўқнашиб, тўқ зангори осмонни бир дақиқа ёритаётган бомбанинг олов чизикларини, ўқларнинг ёруғини, порохнинг оқ тугунини дераза тоқчасига ётиб томоша қилишар ва зўрайиб бораётган ўқ товушларига диққат билан қулоқ солар эканлар.

— Quel charmeant coup d'oeil!²— деб Калугин меҳмоннинг диққатини ҳақиқатан ҳам гўзал бўлган бу манзарага жалб этди.— Баъзан юлдузни бомбадан ажратиб бўлмай қолади.

— Мен ҳам ҳозир уни юлдуз деб ўйлаб турган эдим, қарасам, учиб тушди-да, бирдан портлади. Ҳув анави катта юлдуз нима деб аталарди-а?— Худди бомбанинг ўзгинаси-я.

— Бомбаларга шу қадар ўрганиб қолибманки, Россияга қайтгандан кейин ҳам чарақлаган юлдузларни ҳам бомбага ўхшатавераман энди: шунақа кўникиб қоларкансан киши.

Шундай даҳшатли отишма пайтида *ўша ерда* бўлишни ўйлаб кўришнинг ўзиданоқ князь Гальциннинг аъзойи баданини титроқ босиб:

— Ана шу атакага борсаммикан?— деди у; ўзи шундай қоронғи кечда уни барибир юбора олмасликларини ўйлаб севинарди.

— Қўй-э, оғайни, гапирма, барибир юбормайман,— деб жавоб берди Калугин, Гальциннинг у ёққа ўлса ҳам бормаслигини яхши билса-да.— Улгурасан ҳали, оғайни!

— Шундайми? Бориш керак эмас, дейсанми? А?

Шу пайт бу жаноблар қараб турган томондан артиллерия гулдуриси орасида милтиқларнинг қасир-қусири

¹ Фортификация — жанг олиб бориш мақсадида бирор жойни мустаҳкамлаш, истеҳком қуриш ҳақидаги ҳарбий илм.

² Қандай гўзал-а, бу манзара! (Франц.)

эшитилди, минглаб майда учқунлар бутун линия бўйлаб тўхтовсиз ёниб-ўчиб ялтирай бошлади.

— Ана ростакани бошланиб кетди!— деди Калугин.— Милтиқ товушини бепарво эшитолмайман, биласанми, худди юрагингни ўртаб юбораётгандай. Ана, «ура» ҳам бошланди,— деб қўшиб қўйди бастион томондан эшитилаётган юзлаб овознинг: «а-а-а-а-а-а-а»— деб гувиллашган қулоқ соларкан.

— «Ура» деб қичқираётганлар уларми ёки бизникиларми?

— Билмадим, лекин найзабозлик бошланди, нега деганда отишув тиниб қолди.

Шу маҳал ординарец-офицер казак билан дераза тагига, пиллапоя ёнига от йўрттириб келди-да, сакраб отдан тушди.

— Қаердансизлар?

— Бастиондан. Генерал керак эди.

— Юринглар. Хўш, ишлар қалай?

— Ложементларни атака қилишди, олишди, французлар сонсиз-саноқсиз резервларини ишга солиб, бизникиларни атака қилишди — бизникилар атиги икки батальон эди,— дерди боя кечқурун келган офицер ҳарсиллаб, зўрга нафасини ростлар экан, лапанглаб эшик томон юриб.

— Хўш, чекиндигларми?— деб сўради Гальцин.

— Йўқ,— деб жаҳл билан жавоб берди офицер,— бир батальон ёрдам келиб қолди, атакани қайтардик, лекин полк командири ҳалок бўлди, офицерлар кўп, мадад сўралсин, деган буйруқ бор...

Шу сўзлар билан у генерал ёнига кириб кетди. Бизнинг кетидан кирмай қўя қоламиз.

Беш минутлардан кейин Калугин казак отига миниб, (минганда ҳам эгарга quasi-казакча ўтириш қилиб) сезишимча, шу тарзда от минини негадир барча адъютантларга ёқди — генералнинг фармони билан бир қанча буйруқини бастионга етказиш ва урушнинг охиригача туриб, оқибатини билиб қайтиш учун бастионга от чоптириб кетди; урушда қатнашмаган одамларга яқинлашиб келаётган уруш қай хил оғир таъсир қилиб, юрагига ваҳима солса, князь Гальцин ҳам шундай ваҳимали оғир таассуротлар билан кўчага чиқиб кетди, бетоқатланиб, у ёқдан-бу ёққа сандироқлаб юра бошлади.

Солдатлар тўда-тўда бўлишиб замбилларда ярадорларни ташишар, қўлтиқлаб боришарди. Кўча қоп-қоронғи; фақат аҳён-аҳёнда госпитал ёки узоқ ўтиришиб қолган офицерларнинг деразаларида ёруғ кўринади. Бастионлардан ҳамон боягидек тўпларнинг гумбурлаши, милтиқларнинг қасир-қусури эшитилар, қоп-қора осмонда худди боягидай оловлар ярқираб кўринарди. Аҳён-аҳёнда бирор ординарецнинг дупурлатиб от чоптириб ўтгани, ярадорнинг инграши, замбил ташувчиларнинг оёқ товуши ва гўнғир-гўнғир гаплашгани ёки канонадани¹ кўриш учун пиллапояга чиққан, кўпчилиги хотин-халаждан иборат бўлган аҳолининг шов-шуви эшитилади.

Кейингиларнинг ичида бизнинг танишимиз Никита, кекса матрос хотини ва унинг ўн яшар қизи ҳам бор эди. Никита бу хотин билан аллақачон ярашиб ҳам олганди.

— Худоё худовандо, ўз паноҳингда сақла!— деярдик кампир хўрсиниб ва оловли копток сингари бир томондан иккинчи томонга бетўхтов учиб турган бомбалардан кўз узмай.— Ёпирай, анавини қаранг-а, анавини! И-и-ҳи-ҳи. Биринчи бандировкада ҳам бунақаси бўлмаган эди. Лаънатининг портлаган жойини қаранг-а, нақ слободакадаги уй устида портлади-я.

— Йўқ, нарироқда, Аринка холанинг богига тушяпти,— деди қизи.

— Хўжайиним қаерларда юрганикин-а, шу тобда, хўжайиним?— деди чўзиб мастлиги ҳали тарқаманган Никита.— Шу хўжайинимни бирам яхши кўраманки, ўзим ҳам ҳайронман. У мени уради-ю, мен бўлсам барибир шу хўжайинимни яхши кўраман. Шу қадар яхши кўраманки, худо кўрсатмасин, агар уни ўлдириб қўйишса, ишонасизми, холажон, ўзимни-ўзим бир нима қилиб қўйишдан ҳам тоймайман. Худо ҳаққи! У шундай хўжайинки, асти қўясиз! Анави картабозлар билан тенглаштириб бўладими — туф-е, бети қурсин, ўшаларнинг! Гап шу!— деб хулоса чиқарди Никита, хўжайинининг ёруғ тушиб турган деразасини кўрсатиб. У ерда юнкер Жвадческий штабс-капитаннинг йўқлигидан фойдаланиб,

¹ К а н о н а д а — замбараклардан қаттиқ ўқ отиш.

крест олгани муносабати билан ўтириш ўтказаетган эди. У подпоручик Угрович билан бастионга бориши лозим бўлган ва милкига пилла чиқиб, ўзини хаста ҳис қилган ўша поручик Непшитшетскийни меҳмонга чақирган эди.

— Юлдузчаларни қаранг, юлдузчаларнинг учинини қаранг!— деб Никитадан кейин ўртага тушган жимликни бузди осмонга қараб турган қизча.— Ана, ана, яна учяпти! Нега шунақа-я? А, ойи?

Қизининг саволига жавоб бермасдан:

— Уйимизни кулпарчин қилишади,— деди хўрсиниб кампир.

— Боя амаким билан у ёққа борганимизда-чи, ойи,— деб гапини чўзиб давом эттирди қиз,— қарасак, уйда шкафнинг ёнгинасида мана бундай каттакон ядро ётибди: даҳлизни тешиб ўтгану меҳмонхонага тушган шекилли. Шундай каттаки, кўтара олмайсан киши.

— Эри борлар, пули кўплар, аллақачон кўчиб кетишди,— дерди кампир,— бу ерда бўлса — эҳ, шўрги-намга шўрва-я — охирги кулбамгача вайрон қилишди. Қара, отишини қара ярамасинг! Худоё худовандо, ўзинг асра!

— Биз энди чиқамиз деб турганимизда, битта бомба шу-ун-да-ай уч-и-иб келди-ю, пақиллаб ёрилди, ҳамма ёққа тупроқ сочи-и-иб юборди, сал бўлмаса бир ўўлаги амаким икковимизга келиб тегарди.

Бу пайт отишмани томоша қилиш учун офицерлар билан бошлашиб пиллапоёга чиққан юнкер:

— Шу иши учун қизга орден бериш керак,— деди.

— Генералнинг олдига боргин, кампир,— деди поручик Непшитшетский хотиннинг елкасини қоқиб,— рост гапиряпман!

— *Pójde na ulice zobaczić co tam powbgo¹*, — деб қўшиб қўйди у, зинадан тушаётиб.

— *A my tutaj czasem napijmy sie wódkí, do coś dusza wpiety usieka²*, — деди кулиб юнкер Жвадческий.

¹ Кўчага чиқиб қандай янгиллик борлигини билиб келиш керак. (Полякча.)

² Бу ғрада биз оз-оздан ютиб оламиз, йўқ эса одамни негадир қўрқув босиб кетяпти. (Полякча.— Л. Н. Толстой тарж.)

Князь Гальцинга замбилда ётган, пиёда кетаётган, бир-бирини суяган ва бир-бири билан қаттиқ-қаттиқ гаплашаётган ярадорлар борган сайин кўпроқ учрай бошлади.

— Шундай бостириб чиқишдики, оғайнилар,— дерди елкасига иккита милтиқ осиб олган новча бир солдат, йўғон товуш билан,— шундай бостириб чиқишдию овозларининг борича: «Олло, олло!»¹— деб қичқиришиб, бир-бирининг устига ёпирилишиб келаверишди. Бирини ўлдирсанг, бошқаси чиқиб келяпти — ҳеч нарса қилмайсан киши. Тумонат, сон-саногни йўқ...— Шу ерга етганда Гальцин уни тўхтатди.

— Бастиондан келясанми?

— Худди шундай, жаноблари.

— Хўш, у ерда нималар бўлди? Гапир.

— Нима бўларди? Бостириб келаверишди, жаноблари, кучини айтинг, кети узилмайди, ҳали бостириб келяпти, бостириб келяпти. Ҳолимизни танг қилишди, жаноблари!

— Қанақасига танг қилишади? Ахир уларнинг атакасини қайтардиларинг-ку?

— Шунча *кучи* билан ёпирилиб келади-ку, қаёқдан қайтарамиз: бизникиларнинг ҳаммасини қириб ташлади, ёрдамдан бўлса дарак йўқ. (Солдат янглишди, чунки траншея орқа томонимизда эди. Лекин бу ҳолатни англаб олиш қийин эмас: чунки бундай ишда ярадор бўлган солдат ҳамма вақт иш пачава бўлди, деб ўйлайди, қон кўп тўкилди, деб ҳисоблайди).

— Ҳозиргина менга атака қайтарилди, дейишди-ку,— деди Гальцин хафа бўлиб.

Шу вақт поручик Непшитшетский қоронғида князь Гальцинни оппоқ фуражкасидан таниб қолди ва фурсатдан фойдаланиб шундай эътиборли киши билан сўзлашиб қолиш ниятида унинг ёнига келди.

— Нима иш бўлганидан хабардор бўлмадиларми?— деб сўради ҳурмат юзасидан қўлини фуражкасининг козирёгига текизиб.

— Ўзим ҳам шуни суриштириб турган эдим,— деди.

¹ Бизнинг солдатлар турклар билан жанг қилавериб, душманининг шу зайл қичқиришига ўрганиб қолишганки, энди французлар ҳам «Олло!» деб қичқиришади, дейишади. (Л. Н. Толстой изоҳи.)

да, князь Гальцин яна иккита милтиқли солдатга ўғирди.— Эҳтимол, сендан кейин қайтаришгандир? У ердан қайтганинга кўп бўлдимми?

— Ҳозир қайтдим, жаноблари!— деб жавоб берди солдат.— Қайтаришимиз даргумон, траншея орқасида қолиб кетди — жуда ҳолдан тойдирди.

— Траншеяни бериб қўйгани уялмайсанларми. Жуда чатоқ бўпти!— деди Гальцин, уларнинг совуққонлигидан аччиғланиб.— Уялмайсанларми!— деб такрорлади у, солдатдан юзини ўгириб.

— Эҳ! булар ўлгудек расво халқ! Сиз ҳали уларни билмайсиз,— деб гапни илиб кетди поручик Непшитшетский,— шуни эслатиб ўтайки, бу одамларда на ғурур, на ватанпарварлик ва на ҳиссиёт бор. Мана, ўзингиз бир қаранг, тўда-тўда бўлиб келишяпти. Лекин булар ичида ярадорлари ўндан бир ҳам келмайди, кўпчилиги ёрдамчилар, ўзларини жангдан олиб қочишса бўлгани. Ярамас халқ! Айб эмасми, йигитлар, уят эмасми! *Бизнинг* траншеяни қўлдан берибсизлар-а!— деб қўшиб қўйди у, солдатларга юзланиб.

— Шундай куч билан бостириб келса нима қилайлик!— деб ғўлдиради солдат

— Йе! Жаноб олийлари!— деб гап бошлади замбилда ётган ярадор, улар билан ёнма-ён келганда.— Ҳаммамизни қириб юборай деди-ю, қўлдан бермай бўладими? Кучимиз кўпроқ бўлганда-ку, икки дунёда ҳам бериб қўймасдик-а. Қўлимиздан нима келарди? Биттасини санчиб ўлдирган ҳам эдимки, шу пайт пақиллаб келиб тегди... О-оҳ, секинроқ, оғайнилар, бир текис олиб юринглар, бир текис... во-о-ой!— деб инграй бошлади ярадор.

— Ростдан ҳам келаётганларнинг кўпи соғ-саломат кўринарди,— деди Гальцин, яна бояги икки милтиқли, солдатни тўхтатиб.— Сен нега келяпсан! Ҳой, тўхта!

Солдат тўхтади ва шапкасини чап қўлига олди.

— Қайсқа кетяпсан, нега кетяпсан?— деб дўқ қилди у солдатга.— Ярама...— лекин солдатга яқин бориб қолди-ю, унишг ўшг қўлини енг қайтармаси ичидалигини, билагидан юқориси қонга беланганини кўрди.

— Ярадорман, жаноблари!

— Нимадан яраландинг?

— Мана бу еримга ўқ теккан бўлса керак,— деди солдат, қўлини кўрсатиб,— лекин калламга нима тек-

канини ўзим ҳам билмайман,— деди-ю, бошини эгиб гарданидаги қонга беланиб, ёпишиб қолган сочини кўрсатди.

— Милтиқнинг биттаси кимники?

— Француз стучери, жаноблари, тортиб олдим. Агар манави солдат бўлмаганда-ку, қайтмасдим-а, йўл-пўлда йиқилиб-нетиб қолмасин дейман,— деб қўшиб қўйди сал олдинроқда милтигига таяниб, чап оёгини зўрға судраб кетаётган солдатни кўрсатиб.

Поручик Непшитшетский мўтабар князь олдида ўзини кўрсатиб қолиш шиятида:— Сен *қайсқа* кетяпсан, аблаҳ!— деб қичқирди рўпарасидан чиқиб қолган бошқа бир солдатга. У солдат ҳам ярадор эди.

Князь Гальцин поручик Непшитшетскийнинг бу қилигидан бирдан ўсал бўлиб кетди, ўзи учун эса ундан бағтар уялди. У ўзининг қизариб кетаётганини ҳис қилди,— бундай ҳолга жуда камдан-кам учрарди. Поручикдан юзини ўғирди-да, ярадорларни ортиқ суриштирмай, кетларидан кузатиб ҳам турмай, тўғри яра боғлаш пунктига қараб кетди.

Яёв келаётган ярадорлар ва ярадорларни кўтариб кириб, ўликларни олиб чиқаётган замбил ташувчилар орасидан пиллапояда сиқилиб ўтган Гальцин биринчи хонага кирди-ю, ўша заҳотиёқ беихтиёр орқасига ўғирилиб, кўчага қочиб чиқди. Бу кўрганлари жуда даҳшатли эди!

8

Тўрт ёки бешта шам билан ёритилган каттакон, баланд қоронғи зал ярадорлар билан лиқ тўла эди. Докторлар шам ёруғида ярадорларни кўрардилар. Замбил ташувчилар ярадорларни бетўхтов ташиб киришар, ерга — бир-бирининг ёнига зич ётқизиб, яна бошқа ярадорларни келтириш учун чиқиб кетишарди. Бечора ярадорлар ерда тикилишиб, бир-бирларининг қонларига беланишиб ётишарди. Бўш жойлардаги халқоб бўлиб ётган қондан, неча юз кишининг нафас олишидан, замбил ташиётганларнинг терлашидан, тўрт бурчагида тўртта шам хирагина ёниб турган бу залнинг ҳавоси бузилиб жуда оғир, сассиқ аччиқ ҳидга тўлиб кетган эди.— Аҳён-аҳёнда тўсатдан кўтарилган чинқириқ хонани тўлдирган турли хилдаги инграш, хўрсиниқ ва хириллоқ-

ларни бўлиб турарди. Ҳамширалар ўзларини хотиржам тутиб, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда пайдо бўлишар, ярадорларнинг устидан ҳатлаб ўтишар, аёлларга хос бўлган бефойда раҳмдиллик билан эмас, балки ўз ишлари билан уларга ҳамдард бўлишарди. Қўлларида эса дори, сув, бинт, корпия¹ кўтарган ҳолда, қонга беланган шинелли ёки кўйлакли солдатлар орасида пайдо бўлишарди. Қопоги солиқ, енг шимаририлган докторлар фельдшер шам ушлаб турган ярадорлар ёнида тиз чўкишиб, жафокашларнинг оҳ-войига, ялиниш-ёлворишига парво қилмай бармоқларини ўқ теккан жойга тиқиб қарашар, осилиб қолган аъзони ағдариб кўришарди. Докторлардан бири эшикка яқин жойдаги стол ёнида ўтирарди. Гальцин хонага кирганда у беш юз ўттиз иккинчи ярадорни ҳисобга олмоқда эди.

— Иван Богаев, С. полки, 3-ротасининг оддий жангчиси, fractura femoris complicata²,— деб қичқирарди бошқа бир доктор, бир ярадорнинг синган оёғини ушлаб кўрар экан, залнинг нариги бошидан туриб.— Қани, ағдар-чи, уни.

— Вой, жоним, жонгинам-ей!— деб қичқирарди солдат ва тегманлар, деб ялишарди.

— Perforatio carilís³.

— Семён Нефердов, Н. пнёдалар полкининг подполковниги. Бир оз сабр қилинг, подполковник, унақа қилсангиз, қарамай кетиб қоламан,— дерди учинчи доктор, бечора подполковникнинг бошини аллақандай илмоқ билан кавлаб.

— Вой, керак эмас! Худо ҳаққи, тезроқ тезроқ бўлинг, худо... во-о-ой!

— Perfortio pectorís⁴... Севастьян Середа, қайси полкнинг оддий солдати?.. Езмасангиз ҳам бўлади: moritur⁵. Олиб чиқинг уни,— деди доктор, кўзини олайтириб хириллай бошлаган солдат ёнидан узоқлаша туриб...

Қирққа яқин замбил ташувчилар ўқтин-ўқтин оғир нафас олиб, юк пойлаб, яраси боғланганларни госпи-

¹ Корпия— латтадан титиб олинган ип, илгари пахта ўрнида ишлатиларди.

² Соп суяги мажақланган. (Лат.)

³ Қалла суяги тенилган. (Лат.)

⁴ Кўкрак қафаси тенилган. (Лат.)

⁵ Жон беряпти. (Лат.)

талга, ўлганларни черковга ташиш учун эшик ёнида индамай туришар ва бу манзарани томоша қилишарди...

9

Бастионга борадиган йўлда Калугин жуда кўп ярадорларни учратди; жанг пайтида бу манзара кишининг руҳига нақадар ёмон таъсир этишни тажрибадан яхши билганидан тўхтаб, суриштириб ўтириш у ёқда турсин, ҳатто уларга парво ҳам этмасликка ҳаракат қилди. Тепаликка яқинлашганда бастиондан тарақа-туруқ қилиб от чоптириб келаётган ординарцни учратди.

— Зобкин! Зобкин! Шошмай туринг.

— Хўш, нима дейсиз?

— Қаердан келяпсиз?

— Ложементдан.

— Хўш, у ерда аҳвол қалай? Қизняптимми?

— Дўзахнинг ўзгинаси!

Шундай деди-ю, ординарц отини йўрттириб йўлга қараб кетди. Ҳақиқатан ҳам отишув кам бўлса-да, кононада янада шиддатли тус олган эди.

«Аҳ, қуриб кетгур-а!» — деб ўйларди Калугин, ўзида аллақандай ёмон туйғу ҳис этиб. Унинг қўнгли ғаш бўлиб, миясига энг оддий фикр — ўлим ҳақидаги фикр келиб қолди. Лекин Калугин штабс-капитан Михайлов эмасди. У иззат-нафси зўр, асаби мустаҳкам одам эди, хуллас, бир сўз билан айтганда, ботир йигит эди. У биринчи пайдо бўлган ҳиссиётга берилмай, ўзига далда бера бошлади. Бир адъютантни эслади — Наполеоннинг адъютанти эди шекилли — у буйруқни ерига етказиб, бошидан тирқираб қон оқаётганига қарамай Наполеон ёнига от чоптириб келади.

— Vous êtes blessé?¹ — деб сўрабди ундан Наполеон.

Адъютант:

— Je vous demande pardon, sire, je suis tué², — деб жавоб қайтаргану отдан йиқилиб, шу ернинг ўзида жон берган.

Бу ҳол унга жуда ажойиб бўлиб кўринди. У ўзини бир оз шу адъютантга ҳам ўхшатди-да, отига қамчи уриб, энчил казак чавандози тусига кириб олди, узан-

¹ — Ярадормисиз? (Франц.)

² Авф этасиз, подшоҳи олам, ўликман. (Франц.)

гида тик туриб орқасидан от йўрттириб келаётган казакка ўгирилиб қаради-да, отдан тушиши лозим бўлган жойга мардонавор стиб борди. Бу ерда у тошга ўтириб олиб трубка чекаётган тўрт солдатга дуч келди.

— Ишма қиялпсизлар бу ерда?— деб қичқирди уларга.

— Ярадорин элтиб қўйдик, жаноблари, энди бир оз дам олянимиз,— деб жавоб берди улардан бири, қўлидаги трубкани орқасига яшириб, бошидан шапкасини оларкан.

— Дам олишни ким қўйибди! Марш, жой-жойингга, худди полк командирига айтиб бераман.

Шундан кейин улар билан биргаликда траншея бўйлаб, ҳар қадамда ярадорларга йўлиқиб, тепаликка қараб кетди. Тепаликка чиққач, чап томондаги траншеяга бурилди-да, бир неча қадам юргач, ёлғиз ўзи қолди. Унинг ёнгинасидан бомба парчаси визиллаб ўтди-да, траншеяга келиб урилди. Рўбарўсида яна бир бомба пайдо бўлиб, худди ушга қараб учиб келаётгандек туйилди. Бирдан юраги орқасига тортиб кетди: беш қадамча жойга чопиб бора солиб, ўзини ерга отди. Бомба ўзидан анча нарида портлагач, ўзининг бу қилмишидан жуда аччиғланди ва йиқилганимиши биров кўрмаганмикан деб аланглай-аланглай ўрнидан турди. Лекин атрофда ҳеч ким йўқ эди.

Қўрқув кишининг юрагига бир кириб олгач, бошқа ҳисга дарров жой бўшатиб бера қолмайди; ҳеч қачон эгилмайман, деб мақтаниб юрган Қалугин траншеядан эмаклагудай бўлиб тез-тез юриб кетди. «Эҳ, қуриб кетсин! Улдириши турган гап»,— деб ўйлади у, қоқилиб тушаркан. Нақадар оғир нафас олаётганини, аъзойи баданини тер босиб кетганини ҳис қилар экан, ўзига-ўзи ҳайрон бўларди, лекин бу ҳисни босишга ҳеч бир уринмасди.

Қўққисдан олд томонда аллакимнинг оёқ товуши эшитилди. У дарҳол қаддини ростлаб бошини кўтарди-да, қиличини тақирлатиб, тетиклик билан илгаригидан секинроқ юриб кетди. У ўзини ўзи танимай қолди. У сапёр¹ офицери билан бир матросга рўпара келганда, қаршисида келаётган офицер ёруғ нуқта бўлиб, кўриниб борган сайин ёришиб, тез яқинлашиб келаётган бом-

бани кўрсатиб: «Ётинг!»— деб қичқирганда, ҳатто бомба траншея ёнига келиб тушганда, у ваҳима ичида бақирган товуш таъсирида бошини беихтиёр бир оз эгди-ю, яна йўлида давом этди.

— Дадиллигини қаранг-а!— деди тажрибали кўзи билан қараб, бомба парчалари траншеяга келиб етмаслигини чамалагани учун тушаётган бомбага хотиржам қараб турган матрос.— Ерга ётгиси ҳам келмайди-я.

Майдончадан ўтиб, бастион командири билиндажига етишига бир неча қадам қолганда Қалугиннинг юраги орқасига тортиб, яна ваҳимага тушиб қолди; юраги гупиллаб уриб, миясига қон қуйилади. Блиндажга етиб олиш учун ўзини мажбур қилиб югуриб кетди.

— Нега мунча ҳарсиллаб кетибсиз?— деди генерал, у буйруқни топширгач.

— Жуда тез юриб келдим, жаноб олийлари!

— Бир стакан вино ичиб олмайсизми?

Қалугин бир стакан вино ичди, папирос чекди. Жанг тўхтаган, фақат икки томондан ҳам кучли канонада давом этарди. У блиндажга генерал NN, бастион командири ва яна олтитача офицер жангнинг турли тафсилотлари ҳақида гаплашиб ўтирар, улар қаторида Праскухин ҳам бор эди. Уйнинг деворига ҳаворанг қоғоз ёпиштирилган, диван каравот, устида қоғоз сочилиб ётган стол қўйилган, девор соати осилган. Бурчакдаги санам олдига мой чироқ қўйилган. Қалугин турар жойнинг бу белгиларини, шифтдаги йўгон хариларни кўздан кечириб ўтириб, блиндажда кучсиз бўлиб эшнтилаётган отишмаларни тинглар экан, ўзининг икки марта шундай юраксизлик қилганига ақли ҳайрон бўларди; у ўзидан ўзи аччиғланар, яна бир бор ўзини синаб кўриш учун хавф-хатарга йўлиқишни истарди.

— Келиб қолганингизга жуда хурсандман, капитан,— деди у, шу вақт блиндажга кириб келган штаб-офицери шинели кийган, кўкрагига Георгий тақилган мўйловдор денгиз офицерига. У батареясидаги кўмилиб кетган икки амбразурани тузатиш учун генералдан ишчи беришини сўраб келган эди.

— Тўпларингиз траншеядан картеч билан отоладими?— деб сўзини давом эттирди Қалугин, батарея командири генерал билан гаплашиб бўлгач.— Менга генерал шуни билиб келишни буюрганди.

¹ Сапёр — инженерлик қўшинларининг ҳарбий хизматчиси.

— Фақат битта тўп ота олади,— деб қовоғини со-
либ жавоб берди капитан.

— Юринг, шундай бўлса-да, кўриб келамиз.

Капитаннинг қовоғи осилди ва жаҳл билан гўлди-
ради.

— Кечаси билан ўша ерда эдим. Бир оз дам олар-
миканман деб келгандим,— деди у,— ўзингиз бориб ке-
ла қолсангиз бўлмайдими? У ерда ёрдамчим,— лейте-
нант Қарц бор, сизга ҳаммасини кўрсатади.

Капитан энг хатарли ҳисобланган бу батареяга ол-
ти ойдаи буён командирлик қиларди. Қамал бошланган-
дан буён ҳали блиндаж бўлмаган кезларда ҳам бас-
тионда яшар ва *денгизчилар* орасида довиюрак деб ном
чиқарган эди. Шу сабабли унинг рад жавоби Калу-
гинни ҳайрон қолдирди.

«Ана шуҳрату мана шуҳрат!»— деб ўйлади у.

— Ижозат этсангиз, ёлғиз кетдим бўлмасам,— де-
ди у истеҳзоли оҳангда, капитанга. Лекин капитан Ка-
лугиннинг гапига парво ҳам қилмади.

Аммо Калугин капитаннинг бу ерда олти ой мутта-
сил яшагани билан ўзининг ҳар замон-ҳар замонда
бир келиб, бастионда ҳаммаси бўлиб эллик соатча вақт
ўтказгани орасидаги фарқни фаҳмламади. Калугинни
шуҳратпарастлик, ўзини кўрсатиш, мукофотга, шуҳрат
қозонишга умидворлик ва таваккалчиликнинг латофати
ҳовлиқтирарди; капитан бўлса шуларнинг ҳаммасини
аллақачоноқ бошидан кечирган— аввал шуҳрат кети-
дан қувган, ботирлик кўрсатган, таваккалчи ҳам бўл-
ган, ном чиқаришга, мукофотлар олишга умидвор бўл-
ган, ҳатто ўшаларга эга ҳам бўлган эди. Лекин энди
ана шу барча ундовчи воситалар ўз кучини йўқотиб, у
ишга бошқача кўз билан қарарди: ўз вазифасини аниқ
бажарар, лекин шу билан бирга ҳаёт қолиш тасодифи
нақадар кам қолганини яхши тушунар, олти ой басте-
онда яшаган, ортиқча зарурат бўлмай туриб энди шун-
дай тасодифлар хавфига дучор бўлишни истамасди.
Шунинг учун ҳам Калугинга батареяга келганига бир
ҳафтагина бўлган ва ҳозир Калугинга батареяни кўр-
сатиб юрган ён лейтенант капитандан кўра ўн чандон
ботирроқ бўлиб кўринди. Калугин ҳам, лейтенант ҳам
бир-бирининг олдида мақтанчоқлик қилишиб бекордан-
бекорга амбразурадан бош чиқариб қарашар, банкетга
чиқишарди.

Батарейани кўздан кечириб, блиндажга қайтаётган
Калугин қоронғида ўз ординарецлари билан бирга ми-
норага кетаётган генералга дуч келди.

— Ротмистр Праскухин!— деди генерал.— Унгида-
ги окопга бориб, ўша ерда ишлаётган М. полкининг ик-
кинчи батальонига айтсангиз, шов-шув қилмасдан се-
кингина чиқиб, тепалик тагида резервда турган полкка
қўшилсин. Тушундингизми? Полккача ўзингиз бошлаб
боринг.

— Хўп, бўлади.

Шундай деб Праскухин ложемент томонга югуриб
кетди. Отишма борган сайин сусайиб борарди...

— М. полкининг иккинчи батальони шуми?— деб
сўради Праскухин, тайинланган жойга етиб бориб, қоп-
да тупроқ ташиётган солдатга дуч келганда.

— Худди ўзи.

— Командир қани?

Михайлов рота командирини сўрашяпти, деб ўйлаб
чуқурчасидан чиқиб келди ва Праскухинни бошлиқ гу-
мон қилиб, қўлини чаккасига қўйиб, унинг ёнига борди.

— Генерал буюрди... сизларга... боринглар... тез-
роқ... ва шовқин чиқармасдан... орқага, орқага эмас,
резерв турган жойга,— дерди Праскухин, душман томо-
нидан отилаётган ўқларга кўз қирини ташлаб.

Праскухинни танигач, қўлини тушириб, гапнинг ни-
мада эканига тушуниб олган Михайлов буйруқни жо-
йига етказди. Батальон солдатлари жонланиб, милтиқ-
ларни йиғиштирди, шинелларини кийиб, йўлга тушди.

Уч соатли бомбардимондан кейин ложемент каби
хатарли жойдан чиқиб кетиш кишига нақадар ҳузур
бахш этишини, бундай ишни бошидан кечирмаган одам
тасаввур қилолмайди. Уч соат ичида неча-неча бор ку-
ним битди, деб ўйлаган, бўйнига осилган санамларни
неча-неча марталаб ўпиб чиққан Михайлов, ниҳоят,
шунча бомба ва ядро ёнгинамдан учиб ўтиб тегмага-
нидан кейин, эндигиси нега тегаркан, деган фикр таъ-
сирида анча ўзини тутиб олди. Лекин шунга ҳам қара-
май, Праскухин билан ёнма-ён ложементдан чиққанда
ротанинг олдида югуриб кетмасликдан ўзини зўрға
тийиб қолди.

— Хайр,— деди окопда қолаётган бошқа батальон командири. Бу майор билан у бруствер ёнидаги чуқурда биргалашиб пишлоқ еган эди.— Оқ йўл.

— Сизга ҳам мудофаа қилишда муваффақият тилайман; ҳозир, анча тинчиб қолди шекилли.

У эндигина гапириб бўлган ҳам эдики, душман ложементдаги ҳаракатни сезиб қолди шекилли, ўққа тутишни тезлаштирди. Бизникилар унга жавоб қайтара бошладилар. Натижада канонада зўрайиб кетди. Юлдузлар жуда баландда, лекин у қадар ёруғ эмасди; тун зимистондек қоронғи — ҳеч нарса кўринмайди, фақат милтиқлардан чиққан олов ва бомбаларнинг портлаши нарсаларни бир зумгина ёритади. Солдатлар сўзсиз ва тез юриб боришар, беихтиёр бир-бирларидан ўзиб кетишарди; ўқларнинг тинимсиз қасир-қусури орасидан қуруқ йўлдан кетаётган солдатларнинг бир меъёردа ташлаган оёқ товушлари, тўқнашиб кетган найзаларнинг жаранги ёки бирор юраксиз солдатнинг хўрсиниши ва: «Ё раббим! Нима бўляпти ўзи?»— деб гўлдирагани эшитилади. Баъзан бирор ярадорнинг инграши ва: «Замбил!» деган қичқирӣқ қулоқни батанг қилади. (Михайлов командирлик қилган ротада бир кечада фақат артиллерия ўти остида йигирма олти киши сафдан чиқди). Узоқ қоронғи уфқда чақмоқ чақилар, бастиондаги соқчи: «Тў-ўп!»— деб қичқирар, ядро рота устидан визиллаб учиб ўтиб ерни қўпорар ва тошларни осмонга иргитарди.

«Лаънатилар-ей! Мунча секин юришади-я,— деб ўйларди Михайловнинг ёнида кетаётган Праскухин ҳадеб орқасига аланглаб,— яхшиси, ўзим олдинга ўтиб кета қолай-да, буйруқни бажардим-ку, ахир... Йўқ, бўлмайди, бу махлуқ кейин, ҳамма ерда мени қўрқоқ деб гап тарқатиб юради. Кеча мен ҳам уни шундай дедим-ку. Бор-е, бўлганча бўлар — ёнма-ён кетавераман».

«Нега энди мендан ажралмайди-я бу,— деб ўйларди Михайлов,— бу одам ҳамма вақт бахтсизлик келтиради, ана, яна биттаси учиб келяпти, тўппа-тўғри шу ёққа қараб учиб келаётганга ўхшайди».

Бир неча юз қадам юргач, қиличини шарақлатиб, генералнинг буйруғига биноан ишлар қандай бораётганини билиш учун тетик юриб ложементга кетаётган Калугинга дуч келишди. Лекин Михайловни учратган Калугин шу даҳшатли отишма пайтида ложементга бориб

юришдан кўра — бунинг устига бундай буйруқ олмаган ҳам эди,— ҳаммасини ўша ердан келаётган офицердан суриштириб олсам бўлади, деб ўйлаб қолди. Ҳақиқатан ҳам Михайлов ишлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Аммо ҳикоя қилар экан, ҳар гал снаряд отилганда снаряд ўзидан жуда узоққа келиб тушганда ҳам чўккалар, бошини эгар ва тўппа-тўғри шу ёққа келяпти деб уқдирарди, унинг бу хатти-ҳаракати отишмага ҳеч қандай парво қилмаётгандек бўлиб кўринган Калугинга эрмак бўлди.

— Қаранг, капитан, буниси тўппа-тўғри шу ёққа учиб келяпти,— деди Калугин, Праскухинни туртаркан, ҳазиллашиб. Улар билан яна бир оз юргач, Калугин блиндажга бориладиган траншеяга бурилди. «Бу капитани тушкур у қадар ботир эмас экан»,— деб ўйлади у, блиндаж эшигидан кираётиб.

— Хўш, нима янгилик бор?— деб сўради хонада ёлғиз овқатланиб ўтирган офицер.

— Ҳеч гап йўқ, энди ҳеч нима бўлмайди шекилли.

— Нега бўлмас экан? Аксинча, генерал ҳозир яна минорага қараб кетди. Яна бир полк келди. Ана, эшитяпсизми? Яна отишма бошланди. Бормай қўя қолинг. Нима бор сизга у ерда?— деб қўшиб қўйди офицер, Калугиннинг қимирлаганини кўриб.

«Чинакамига бир боришим керак,— деб ўйлади Калугин,— лекин бугун жуда кўп хавф остида юрдим. Фақат *chaig á saïon*¹ бўлиш учунгина яратилмаганман-ку».

— Рост айтасиз, уларни шу ерда кута қолганим маъқул,— деди у.

Ҳақиқатан ҳам беш минут ўтар-ўтмас генерал офицерлари билан бошлашиб кириб келди; улар ичида юнкер-барон Пест ҳам бор эди, лекин Праскухин кўринмади.

Ложемент қайтариб олинган, уни бизникилар эгалган эди.

Иш ҳақида батафсил маълумот олгач, Калугин Пест билан бошлашиб блиндаждан чиқди.

¹ Тўп еми. (Франц.)

— Шинелинг қон бўлипти: наҳотки, сен ҳам олишув-да қатнашган бўлсанг?— деб сўради ундан Калугин.

— Ишлар жуда ёмон; оғайни! Ишонасанми, йўқ-ми...— Пест ротани қандай бошлаб борганини, рота командирининг ҳалок бўлганини, бир французни найза санчиб ўлдирганини ва агар ўзи бўлмаганда ҳеч иш чиқмаган бўлишини ва ҳоказоларни ҳикоя қила бошлади.

Рота командирининг ҳалокати ва Пестнинг бир французни ўлдиргани рост эди; бу гапнинг тағи бор эди; лекин тафсилотга келганда юнкер ёлғон-яшиқларни қўшиб мақтанарди.

Бутун иш давомида у қандайдир туман ичида, хаёлот таъсирида бўлдики, бўлиб ўтган воқеалар унинг назарида қаердадир, бошқа бир одамнинг бошидан кечгандек туюлар ва у, табиий, бу тафсилотларни ўзи учун фойдали қилиб кўрсатишга уриниб, беихтиёр мақтанарди. Аммо аслида иш мана бундай бўлган эди.

Юнкер атакада қатнашиши лозим бўлган батальон аллақандай бир девор ёнида икки соатга яқин ўқ ёмғири остида турди, кейин батальон командири олдинда алланарса деган эди, рота командирлари ҳаракатга келди, батальон йўлга тушди. Бруствердан чиқиб, юз қадамча юргач, рота колонналарга бўлиниб саф тортди-да, тўхтади. Пестга 2-ротанинг ўнг қанотида туришни буюришди.

Қаерда ва нима учун турганини яхши англамаса-да, юнкер айтилган жойга борди, беихтиёр нафасини ичига ютиб, қўрқувдан аъзойи бадани жунжикиб, узоқ қоронғиликка тикилганича қандайдир даҳшат юз беришини кута бошлади. Отишув тўхтагани сабабли у қадар қўрқмаса-да, қалъада эмас, ялангликда эканлигини ўйлаб кўриш унга ғалати туюларди. Батальон командири олдинда яна алланарса деди. Офицерлар яна шивирлашиб буйруқни такрорлай бошладилар. 1-ротанинг қораси йўқолди — пастга тушди. Ётишга буйруқ берилган эди. Иккинчи рота қатори Пест ҳам ётган эди, қўлига тикан кириб кетди. Фақат 2-ротанинг командири ётмади; у яланғочланган қиличини силкиб, тўхтовсиз гапириб, рота олдида борарди.

— Йигитлар, бўш келманглар! Милтиқ отиш йўқ,

фақат найза билан... Мен «ура!»— деб қичқирганимда кетимдан югуринглар... Энг муҳими, ҳамжиҳатлик бўлсин... ўзимизни бир кўрсатайлик, юзимиз ерга қараб қолмасин-а, йигитлар? Подшо учун, отахонимиз учун!— дерди у, сўз орасида сўкиниб, бетўхтов қўлини силкитар экан.

— Рота командиримизнинг фамилияси нима?— деб сўради Пест, ёнида ётган юнкердан.— Жуда ботир экану!

— Ҳа, ишга тушадиган бўлса, ҳамма вақт шунақа — ўласи бўлади,— деб жавоб берди юнкер,— фамилияси Лисинковский.

Шу пайт бирдан ротанинг олд томонидан ўт чиқди, бутун ротанинг қулоғини батанг қилган даҳшатли қасир-қусур кўтарилди, тош ва бомба парчалари баланд осмонгача учди (орадан эллик секунд чамаси ўтгач, бир тош тепадан тушиб, бир солдатнинг оёғини майиб қилди). Бу *элевацион станокдан*¹ отилган бомба эди. Унинг тўғри ротага келиб тушиши французлар колоннани пайқаб қолишганидан дарак берарди.

Рота командири:

— Бомба отишни ҳали! Ит эмган... етиб олайлик-чи, ўшанда уч қиррали рус найзасининг мазасини татиб кўрасан, лаънати!— деб бақира бошлаган эди, батальон командири унга кўп шовқин солмай, жим туришни буюрди.

Шундан кейин биринчи рота кўтарилди, кейин иккинчиси турди — милтиқни олдинга қаратиб ушлашга буйруқ бўлди ва батальон илгари юрди. Пест шу қадар кўрқиб кетган эдики, кўп юришдимиди. Қаёққа боришди? Қим нима қилди? Ҳеч нарсани билмасди. У худди маст кишидек борарди. Лекин бирдан ҳар тарафдан миллионлаб олов ярқираб кўринди, алланарса чийиллади, қарсиллади; ҳамма чопиб кетаётгани ва қичқираётгани учун у ҳам бақириб юборди ва аллақайёққа қараб югуриб кетди. Кейин қоқилиб кетди-да, алланарсанинг устига йиқилди — оёғи остидаги рота командири эди (у ротанинг олдида кетаётиб ярадор бўлганди, юнкерни француз деб ўйлаб, оёғидан ушлаб олди). Кейин у оёғини тортиб олиб, энди ўрнидан турган ҳам эдики, қо-

¹ Элевацион станок — миномётга ўхшаш улоқтирадиган асбоб.

ронғида аллаким унга орқаси билан урилиб кетиб йикитиб юбораёзди, бошқа бир киши: «*Санч найзангни! Нега қараб турибсан?*»— деб қичқирди. Кимдир найзасини аллақандай бир юшоқ нарсага санчди. «*A moi, camarades! Ah! sacré b... ..Ah! Dieu!*»¹— деб қичқириб юборди шунда аллаким даҳшатли, чинқирган овоз билан. Шундагина Пест французга найза санчганини аңлади. Аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб, худди безгак тутгандай дир-дир қалтираб, милтигини ташлаб юборди. Лекин бу ҳол фақат бир дақиқа давом этди; шу ондаёқ миясига қаҳрамонлик-ку, бу, деган фикр келди. У милтиқни маҳкам ушлаганча оломонга қўшилиб: «ура», деб қичқира-қичқира, ўлдирилган французнинг этигини бир солдат ечиб олаётган жойдан узоқлашиб кетди. Йигирма қадамча югуриб, траншеяга етиб борди. У ерда бизникилар ва батальон командири бор эди.

— Мен биттасини санчиб ўлдирдим!— деди у батальон командирига.

— Баракалла, барон

12

— Эшитдингми, Праскухин халок бўлипти,— деди Пест, уйига кетаётган Калугинни кузатиб.

— Йўғ-е!

— Рост, ўз кўзим билан кўрдим.

— Хайр бўлмасам, мен тезроқ етиб ола қолай.

«Қандай яхши,— деб ўйларди Калугин, уйига қайтаётиб,— навбатчилигимда биринчи бор омад келди. Иш жуда соз ўтди, ўзим эсон-омон қолдим, мукофотга тақдим этишади, олтин қилич бермай қўйишмайди. Ўзим олтин қиличга муносибман ҳам».

Генералга айтадиган гапларини айтиб бўлиб, хонасига келганда, князь Гальцин аллақачон қайтиб келган ва Калугиннинг столдан топган «*Sptendeur et misères des courtisanes*»² китобини ўқиб ўтирарди.

¹ Бу ёққа, ўртоқлар! Оҳ иблис! Оҳ худойим! (Франц.)

² «Ишратбозлар дабдабаси ва нотапонлиги»— Балзак романи. Кейинги вақтларда кўпайиб кетган ва негадир ёшларимиз орасида машҳур бўлган китоблардан бири. (Л. Н. Толстой изоҳи.)

Калугин ўзининг уйда, хавф-хатардан йироқда эканлигидан ниҳоятда хурсанд эди. У кечаси киядиган либосини кийиб, ўрнига чўзилиб ётди-да. Гальцинга бўлган ишнинг тафсилотларини жуда табиий қилиб сўзлаб бера бошлади. Шундай қилиб гапириб бера бошладик, бу тафсилотлар Калугиннинг жуда бамаъни ва ботир офицер эканлигидан далолат берарди. Назаримда, бунга ишора қилиш ҳам ортиқча бўлса керак, чунки буни ҳамма яхши билар, марҳум ротмистр Праскухинни ҳисобга олмаганда, эҳтимол, шубҳа қилишга ҳеч кимда ҳеч қандай ҳуқуқ ҳам, асос ҳам йўқ эди. Аммо марҳум ротмистр Праскухин Калугин билан қўлтиқлашиб юришни бир бахт деб ҳисобласа-да, кечагина бир оғайнисига Калугиннинг жуда яхши одам эканлигини, лекин гап шу ерда қолсину бастронга боришни ўлгудек ёмон кўришини гапириб берган эди.

Михайлов билан ёнма-ён кетаётган Праскухин Калугиндан эндигина ажралишган ва анчагина бежавотирроқ ерга яқинлашиб ўзига кела бошлаган ҳам эдики, орқа томонидан ялтираб кетган чақмоқни кўрди. Соқчининг: «Маркела!» — деб қичқирганини ва орқа томонда келаётган бир солдатнинг: «Тўппа-тўғри батальонга келиб тушади!»— деганини эшитди. Михайлов ўгирилиб қаради. Ярқираган нуқта бўлиб кўринаётган бомба бу вақтда тикка келган — қаёққа йўналаётганини аниқлаб бўлмайдигандек кўринарди. Лекин бу фақат бир дақиқа давом этди: бомба борган сайин тезлашиб, ҳамон яқинлашиб келар, трубкасидан чиқаётган учқунлар кўринар, машъум овози эшитиларди. Батальоннинг нақ ўртасига тушаётгани аниқ эди.

— Ёт!— деб қичқирди аллаким ваҳима билан.

Михайлов юзтубан тушиб ётиб олди. Праскухин беихтиёр ергача букилиб, кўзини чирт юмди; у бомбанинг жуда яқин бир жойда қаттиқ ерга шапиллаб тушганини эшитди. Бир соатдек туюлган бир дақиқа ўтди — бомба портламади. Праскухин бекор кўрқоқлик қилмадиммикин, деб хавотирлана бошлади,— бомба балки узоққа бориб тушгандиру трубкаси жуда яқин жойда пишиллаётгандек бўлиб туюлгандир, деб ўйлади. У кўзини очиб қаради ва унга ўн икки ярим сўм қарз берган Михайлов ундан анча пастда — нақ оёғи остида унинг пинжиги тиқилиб, ерга юзтубан тушиб, қимир этмай ётганини кўраркан, зўр мамнуният ҳис қилди. Лекин шу

замоноқ ўзидан бир газ нарида айланаётган бомбанинг ёниб турган трубкасига кўзи тушди.

Даҳшат — бутун борлигини, барча фикр ва туйғуларни мустасно қилувчи даҳшат қамраб олди; у юзини қўли билан бскитиб, чўккалаб қолди.

Бир дақиқа ўтди, бу дақиқа ичида унинг хаёлидан дунё-дунё ҳис ва фикрлар, умид ва хотиралар кечди.

«Кимни ўлдираркин — меними ёки Михайловни? Ё икковимизни баравар ўлдирармикан? Агар менга тегса, қаеримга тегаркин? Бошимга теккудек бўлса, тамом; оёғимга тегса, кесиб ташлашади. Мен хлороформ бериб туриб кесиларини сўрайман, шунақада тирик қолишим ҳам мумкин. Эҳтимол, фақат Михайловни ўлдирар. Унда мен икковимиз ёнма-ён кетаётганимизни, унга бомба парчаси тегиб ўлганини, қони менга сачраганини гапириб юраман. Йўқ, менга яқинроқ — менга тегади». Шу вақт у Михайловдан ўн икки сўм қарздорлигини, Петербургда яна бир кишидан қарзи борлигини, уни аллақачон тўлаши кераклигини эслади; кечқурун хиргойи қилиб берган лўлилар қўшиғининг куйи миясини чулғади; тасавурида ўзи севган аёл бошида сарандоз ва бинафшараиғ лента таққан ҳолда пайдо бўлди; бундан беш йил муқаддам уни ҳақорат қилган кишини, лекин ундан ўч олмай қолганини эслади. Мана шу ва бошқа минглаб хотиралар билан бир қаторда ҳозирги туйғу — ўлим даҳшатини кутиш туйғуси — бир дақиқага бўлсин уни тарк этмади. «Балки портламас ҳам», — деб ўйлади у ва дадиллик қилиб кўзини очмоқчи бўлди. Лекин шу дақиқа, ҳали ёпиқ турган қовоқлари орасидан қизил аланга кўзига келиб урилди ва алланарса даҳшат билан қарсиллаб кўкрагига келиб тегди. У аллақаяққа қараб югуриб кетди, оёғига ўраллашиб қолган қиличга қоқилди-да, ёнбошига йиқилди.

«Худога шукур! Фақат майиб бўлибман», — деб ўйлади ўзига келган ҳамон ва кўкрагини ушлаб кўрмоқчи бўлган эди, қўлини қимирлатолмади, аллақандай исканжа билан боши қисиб қўйилгандек туюлди. Унинг кўз олдидан солдатлар лип-лип ўта бошлади. Беихтиёр уларни санай бошлади: «Бир, икки, уч солдат, анани қайтарма шинель кийгани офицер» — деб ўйларди у; кейин кўзида чақмоқ чақнаб кетди, у бўлса, нимадан

отишган экан: мортираданми ёки тўпданми? — деб ўйлай бошлади. Тўпдан отишган бўлса керак, ана, яна отишди, ана, яна солдатлар ўтишяпти — беш, олти, етти солдат, нуқул ёнимдан ўтиб кетишяпти. Бирдан босиб, оёқ ости қилиб кетишса-я, деб ваҳимага тушди. Майиб бўлдим, деб бақирмоқчи бўлди-ю, тили шу қадар қуриб кетган эднки, ташглайига ёпишиб қолибди, уни ташналик қийнай бошлади. Кўкрагининг олди ҳўл эканини ҳис қиларкан, бу унга сувни эслатарди. У кўкрагини ҳўл қилиб турган шу нарсани ичиб юборишга ҳам рози бўлди. «Ёмон йиқилибман шекилли», — деб ўйларди у. Кейин ёнимдан лип-лип ўтиб турган солдатлар босиб кетмасин тагин, деб нуқул ваҳима қила бошлади. Ниҳоят, бутун кучини йиғиб: «Мени ҳам олиб кетинглар», — деб бақирмоқчи бўлди-ю, лекин бунинг ўрнига шу қадар қаттиқ инграб юбордики, ўз овози ўзига даҳшатли туюлди. Кейин қандайдир қизил оловлар кўз олдига ирғишлай бошлади. Назарида, солдатлар унинг устига тош қўяётгандай туюлди; бора-бора оловлар камроқ ирғишлай бошлади, устига қўйилаётган тош эса борган сайин оғирлашиб, қаттиқроқ эза бошлади. У тошни олиб ташламоқчи бўлиб бир чиранди-ю, кейин ҳеч нарсани кўрмай, эшитмай, ўйламай ва ҳис этмай қолди. У кўкрагига бомба парчаси тегиб ўлган эди.

13

Михайлов бомбани кўриши биланоқ ўзини ерга отди ва худди Праскухин сингари кўзини чирт юмиб олди, худди ўшандай икки марта кўзини очиб-юмди ва бомба портламаган ана шу икки дақиқа ичида Праскухин каби мислсиз даражада кўп нарсаларни кўз олдига келтирди ва туйди. У фикран худога сиғинар ва: «Э худоё худовандо, ўзинг бандам дегин! Нега ҳарбий хизматга кирдим-а, — деб такрорларди-да, — бунинг устига кампанияда қатнашиш учун пиёдалар қисмига кўчишимнинг нима кераги бор эди, — деб қўшиб қўярди; — ундан кўра Т. шаҳридаги улан полкида қолиб, Наташа дўстим билан вақт ўтказиб юрганим яхши эмасмиди... ана энди, кўрган-кечирганим шу!» У агар бомба жуфт сонга етганда портласа, тирик қоламан, тоқ сонда портласа, ўлишим турган гап деганича: бир, икки, уч

тўрт... деб санай бошлади. «Тамом — ўлдим!»— деб ўйлади у бомба портлаганда (у жуфт сонда портладими, тоқ сонга келганида портладими, буни билолмай қолди). Алланарсанинг бошига қаттиқ келиб текканини ҳис қилди. «Э, худоё худовандо, гуноҳларимни ўзинг кечир!»— деб гўлдиради у, қўлларини бир-бирига уриб. Урнидан турмоқчи бўлди-ю, юзтубан йиқилди.

Ҳушига келиб, биринчи ҳис этган нарсаси бурнидан оқаётган оғриқ бўлди. «Жоним чиқиб кетяпти,— деб ўйлади у,— у ёқда нима бўларкин? Э худоё худовандо, ўзинг қўлла. Фақат шуниси қизиқки,— деб ўйларди у,— ўлаётиб ҳам солдатларнинг оёқ товуши ва ўқ овозларини шу қадар аниқ эшитяпман-а».

— Эй, замбил келтир, рота командири ҳалок бўлипти!— деб қичқирди аллаким тепасида. Бу овоз эгаси — барабанчи Игнатъев эканлигини беихтиёр таниб олди.

Аллаким елкасидан ушлади. У кўзини очишга интилди ва боши тепасида тўқ зангори осмонни, юлдузларни, бир-бирини қувиб келаётган икки бомбани, Игнатъевни, замбил кўтарган, милтиқ осган солдатларни траншея кўтармасини кўрди-да, тўсатдан ҳали нариги дунёга кетмаганига ишонч ҳосил қилди.

Унинг бошига тош тегиб, енгил яраланган эди. Биринчи таассуроти афсусланишга ўхшаш бир ҳис бўлди: нариги дунёга кетишга шу қадар жўнгина, осонгина тайёр бўлиб қўйган эдики, бомбалар портлаб турган, атрофни траншея, солдат ва қон босган воқеликка қайтиш унга ёмон таъсир қилди; иккинчи таассуроти тирик қолганига беҳад қувончдан иборат бўлиб, учинчиси — қўрқув ва бастиондан тезроқ нари йўқолиш истаги эди. Барабанчи рўмолча билан командирнинг бошини бойлаб қўйди-да, қўлтиқлаганича яра боғлаш пунктига бошлаб кетди.

«Қаёққа ва нимага кетяпман ўзи?»— деб ўйлади штабс-капитан бир оз ўзига келгач. «Менинг бурчим олдинга кетиш эмас, рота билан бирга қолишдир, шуниси ҳам борки, кўп ўтмай рота жангдан чиқади,— деб шивирлагандек бўлди қандайдир бир овоз, унинг қулоғига — ярадор бўлганинга қарамай жангдан чиқмасанг — мукофотланмай қолмайсан».

— Керақ эмас, оғайни,— деди у, шу баҳонада бу

ердан чиқиб кетишни мўлжаллагани илтифотли барабанчидан қўлнинг тортиб олиб,— яра боғлаш пунктига бормайман, рота билан қоламан.

Шундай деди-ю, орқасига қайтди.

— Ярангизни дурустроқ боғлатиб олсангиз бўларди, жаноблари,— деди юраксизлик билан Игнатъев,— қизиқ устида оғримагандай туюлади, яна зўриқтириб юборманг, қаранг, борган сайин қизиб кетяпти... омади гапни айтяпман, жаноблари.

Михайлов бир дақиқа иккиланиб турди, яқинда яра боғлаш пунктида бўлиб ўтган бир воқеани эсламаганда, Игнатъевнинг маслаҳатига кирган ҳам бўларди: қўли сал қирилиб кетган бир офицер ярасини боғлатишга келганда, докторлар унга қараб жилмайишади, ҳатто чакка соқол қўйган бир доктор — бундай ярадан ҳеч ким ўлмайди, баъзан вилька билан ҳам бундан баттар оғритиш мумкин,— деган эди унга.

«Балким менинг ярамга ҳам худди шундай шубҳа билан қарашар, яна алланималар ҳам дейишар»,— деб ўйлади штабс-капитан ва барабанчининг далилларига қарамай, қатъият билан орқага, рота томонга қайтди.

— Мен билан бирга кетаётган ординарец Праскухин қани?— деб сўради у, ротага бошчилик қилаётган прапоршчик билан учрашиб.

— Билмадим, ўлди шекилли,— деб истар-истамас жавоб қайтарди прапоршчик. У штабс-капитаннинг қайтиб келгани ва уни ротада ёлғиз ўзимдан бошқа офицер қолмади, дейишдан маҳрум қилгани учун жуда норози эди.

— Ўлганми, ярадор бўлганми? Нега билмайсиз, ахир биз билан кетаётган эди-ку. Нега уни олиб келмадингиз?

— Олиб кетиб бўладими, ҳамма ёқни тўс-тўполони чиқиб ётипти-ку!

— Шу ҳам гап бўлдим, Михаил Иванович,— деди Михайлов, аччиғланиб,— тирик бўлса ташлаб кетиб бўладими; ўлган тақдирда ҳам жасадини олиш керак-ку,— ҳар қалай, генералнинг ординареци, балки тирикдир.

— Қаёқда тирик, ўзим ёнига бориб қарадим деяпман-ку, сизга,— деди прапоршчик.— Ўзимиз эсон-омон чиқиб кетсак ҳам катта гап. Ҳе, лаънати! Энди ядро ота бошлади,— деб қўшиб қўйди у, чўккалаб ўтириб

Михайлов ҳам чўккалади ва қимирлаган сайин зирқираб оғриётган бошини чангаллади.

— Йўқ, албатта бориб кўриш керак: балки ҳали тирикдир,— деди Михайлов.— Бу бизнинг бурчимиз, Михайло Иванич!

Михайло Иванич жавоб бермади.

«Агар у яхши офицер бўлгандайди, ўша замониёқ олиб чиққан бўларди, энди солдатларни юбориш керак; яна қандай юбориш денг? Шундай даҳшатли отишма пайтида бекордан-бекорга ўлиб кетиши мумкин»,— деб ўйларди Михайлов.

— Ингитлар, орқага қайтинглар, чуқурда яраланиб ётган офицерни олиб келиш керак,— деб буюрди, у паст товушда. Унинг овозида буйруқ оҳанги ҳам кам эди. Бу буйруқни бажариш солдатларга у қадар ёқмаслигини ҳис қиларди — ҳақиқатан ҳам у ҳеч кимга шахсан юзланиб гапирмагани учун ҳеч ким буйруқни бажаришга отланмади.

— Унтер-офицер, бу ёққа кел.

Унтер-офицер эшитмагандек йўлида кетаверди.

«Балки ростдан ҳам алақачон ўлгандир, одамларни бекорга хавф-хатарда қолдиришга ҳам *арзимас*, вақтида ғамхўрлик қилмаганим учун ёлғиз ўзим айбдорман. Ўзим бориб хабар олиб келаман, тирикмикан-йўқмикан. Бу менинг *бурчим*»,— деди Михайлов ўзига.

— Михаил Иванич, сиз ротани бошлаб бора туринг, кетингиздан етиб оламан,— деди у бир қўли билан шинелини йиғиштириб, иккинчи қўли билан эса у қадар ишонмаса ҳам бўйнидаги санамни ушлаб-ушлаб кўяркан. У кўрқувдан дир-дир титраб эмаклагундай бўлиб траншея бўйлаб югуриб кетди.

Ўртоғи ўлганига қаноат ҳосил қилгач, Михайлов боягидек пишиллаб, чўккалаб ва тушиб кетаётган яраси боғланган латтани, оғриғи кучаяётган бошини ушлаб орқага қайтди. Михайлов етиб олганда батальон тепаликка, ўқ деярли етиб келолмайдиган жойга бориб қолган эди. Ўқ деярли етиб келолмайдиган ер деганимнинг сабаби шундаки, бу ерга ҳам аҳён-аҳёнда дайди бомбалар тушиб қоларди (шу кеча шундай бир бомба парчаси матрос ертўласида ўтирган бир капитанни ўлдирди).

«Ҳар ҳолда эртага яра боғлаш пунктига бориб ёзи-

либ қўйиш керак,— деб ўйлади штабс-капитан, фельдшер келиб ярасини боғлаётган маҳалда,— тақдим этиш вақтида фойдаси тегиб қолиши мумкин».

14

Икки соат муқаддам турли-туман, юксак ва майда умид-орзулар билан тўлган юзлаб одамларнинг қонга беланган аъзолари тўнғиб қолган таналари бастион билан траншея орасидаги шабнам тушган, гуллар очилиб ётган водийда ва Севастополдаги Ўликлар черковининг текис полида ётарди; юзлаб кишилар — баъзилари гуллаб ётган водийдаги жасадлар орасида эмаклар юрар, бошқалари замбилларда, яра боғлаш пунктининг койкалари ва қонга беланган полида эмаклар, тўлғанар ва ингрардилар — уларнинг қақраган лабларидан қарғиш ва дуо учарди; Сапун-гора тепасида шафақ ҳар вақтдагидай яллиғланди, ярқираб турган юлдузлар хиралашди, қорайиб кўриниб шовқин солаётган денгиз томондан оқ туман сурилиб келди, шарқда қирмизи шафақ ёнди, қип-қизил, узун булутлар ложувард уфқ бўйлаб сузиб кетди ва ҳар вақтдагидек бутун жонланган оламга қувонч, севги ва бахт ваъда қилиб буюк, ажойиб қуёш кўтарилди.

15

Эртасига кечқурун бульварда яна егерлар музикаси чалина бошлади, офицерлар, юнкерлар, солдатлар ва қиз-жувонлар павильон ёнида ва хушбўй оқ акас дарахтлари соя ташлаб турган пастки йўлларда яна сайр эта бошлашди.

Калугин, князь Гальцин ва аллақандай бир полковник павильон ёнида қўлтиқлашиб юрар ва кечаги иш тўғрисида гапиришарди. Одатдагидек суҳбатнинг асосий мавзуи бўлиб ўтган иш, яъни жанг эмас, ҳикоя қилувчининг бу ишдаги иштироки, кўрсатган қаҳрамонлигида эди. Гўё кечаги талафотлар уларни жуда хафа қилгандек қиёфалари ва овозлари жиддий ҳамда ғамгин бўлса-да, ростини айтганда, уларнинг бирортаси ҳам бу ишда яқин одамини йўқотмаганидан (ҳарбий

ҳаётда жуда яқин кишилар бўлармиди?), бу зоҳирий расмий ифода бўлиб, улар ўзларини шундай кўрсатиш шарт деб ҳисоблардилар. Аксинча, Калугин билан полковник ўзлари яхши одам бўлсалар-да, бундай ишнинг ҳар куни бўлиб туришига ҳам рози эдилар, уларга олтин қиличми, генерал-майорлик унвоними тегиб турса бас. Ўз шуҳрати учун миллионлаб кишиларни хонавайрон қиладиган жаҳонгирни ваҳший дейишса тушунаман. Прапоршчик Петрушов, поручик Антонов ва шунга ўхшашлар билан очиқчасига гаплашиб кўринг, биласиз. Уларнинг ҳар биттаси кичик Наполеон, ўзига яраша ваҳший. Улар битта ортиқча юлдуз ёки ойлигининг тўртдан уч қисмини олиш учун ҳозирнинг ўзида уруш бошлашга, юзлаб одамларни ўлдиришга тайёр.

— Йўқ, кечирасиз,— деди полковник,— аввал чап қанотда бошланди. *Ўзим ўша ерда эдим-ку, ахир.*

— Балки шундайдир,— деб жавоб берарди Калугин,— *мен кўпроқ ўнг қанотда бўлдим; у ёққа икки марта бордим, бир марта генерални қидириб бордим, иккинчи марта, шундай, ўзимча ложементларни кўриб келдим. Тоза қизиди-да.*

— Тўғри, тўғри, Калугин биледи,— деди князь Гальцин, полковникка,— биласанми, бугун В... *менга сени роса мақтади.*

— Фақат, талафот кўп, талафот жуда кўп,— деди полковник, расмий маъюслик билан.— *Менинг полкимда тўрт юз киши ишдан чиқди. Ўзимнинг эсон-омон қолганимга ҳайронман.*

Шу вақт бу жанобларнинг рўпарасидан, бульварнинг нариги бошидан оёғида тўзиган этик, боши боғланган, кўкариб кетган Михайлов кўринди. Уларни кўриб Михайлов жуда хижолат бўлди: кеча Калугиннинг олдида неча бор чўккалаб қолганини эслади. Миясига булар ўзини ярадор қилиб кўрсатяпти деб ўйлашмасин тагин, деган фикр келди. Агар бу жаноблар уни кўришмаганда, то яраси тузалиб, ечиб ташлаш мумкин бўлгунча ҳеч кимга кўришмаслик учун пастга тушиб, уйига кетиб қоларди-я.

— *Il fallait voir dans quel état je l'ai rencontré hier sous le feu¹,* — деди жилмайиб Калугин, улар рўпарамарўпара келишаётганда.

¹ Кеча жанг пайтида уни қай алфозда учратганимни бир кўрсангиз эди. (Франц.)

— Тинчликми ўзи, ярадор бўлдингизми дейман, капитан?— деди Калугин: «Кеча мени кўрдингизми? Қалай эканман?»— дегандек қилиб жилмайиб.

— Ҳа, сал, тош тегиб кетди,— деб жавоб берди Михайлов, қизариб. Унинг юзидаги ифода: «Сизни кўрдим ва жуда қойил қолдим, лекин ўзимнинг аҳволим чатоқ, ўзимнинг» деяётгандек бўларди.

— *Est-ce que le pavillon est haissé défà¹* — деб сўради князь Гальцин, яна кеккайганича штабс-капитаннинг фуражкасига қараб ва бирор кишига ҳам юзланмай.

— *Non pas encore²,* — деб жавоб берди французча гаплашишни кўрсатгиси келган Михайлов.

— Наҳотки сулҳ ҳали ҳам давом этаётган бўлса?— деди Гальцин, одоб юзасидан унга рус тилида мурожаат қилиб. Штабс-капитаннинг назарида, бу билан у французча гаплашиш сизга оғирлик қилса керак, ундан кўра соддагина гаплашганимиз яхши эмасми?— деяётгандай бўлди. Шундан кейин адъютантлар ундан нари кетишди.

Штабс-капитан, худди кечагидек ўзини жуда ҳам ёлғиз ҳис этди ва ҳар турли жаноблар билан саломлашиб — баъзиларига рўпара келишни истамай, бошқаларига яқинлашишга юраги дов бермай,— Қазарскийнинг ҳайкали ёнига бориб ўтирди-да, папирос чека бошлади.

Барон Пест ҳам бульварга келди. У сулҳ тузилаётган ерда бўлганини, французлар билан гаплашганини ҳикоя қила бошлади. Унинг айтишича, француз офицерларининг бири унга: «*S'il n'avait pas fait clair encore pendant une demi heure, les ambuscades auraient été reprises³,* — деган экан, Пест унга: «*Monsieur! Je ne dit pas non, pour ne pas vous donner un dementi⁴,* — деб жавоб қайтариб тоза болаган эмиш ва ҳоказо.

Аслида у ҳақиқатан ҳам сулҳ тузилаётган ерга борган бўлса-да, французлар билан гаплашиш иштиёқи зўр беришига қарамай (ахир французлар билан гап-

¹ Байроқни аллақачон туширдими? (Франц.)

² Йўқ ҳали. (Франц.)

³ Агар яна ярим соат тонг отмай турганда, окопни иккинчи бор қўлга олардик. (Франц.)

⁴ Фақат сизларга эътироз билдирмаслик учунгина йўқ демаепман. (Франц.)

лашиш жуда қизиқ-да), биронта ҳам оқилона сўз айтмаган эди. Юнкер барон Пест линияда анчагача ўралашиб юрди ва яқинроқда турган французлардан: «De quel régiment êtes-vous?»¹ — деб сўрайверди. Унга жавоб қайтаришарди, вассалом. Аммо у линиядан анча ичкарига кириб кетганда эса, француз соқчиси, бу солдат французча билар, деб ўйлаб ҳам ўтирмай, уни учинчи шахсда боплаб сўкиб қолди. «Il vient regarder vos travaux, ce sacré c...»² деди у. Шундан кейин юнкер барон Пест сулҳ тузилаётган ерда юришдан бирон наф кўрмай уйига кетди ва йўл-йўлакай мана шу ҳозир сўзлаб бергани французча сўзларни ўйлаб топди. Бульварда қаттиқ-қаттиқ гаплашаётган поручик Зотов ҳам, алланечук қиёфадаги капитан Обжогов ҳам, ҳеч кимга хушомадгўйлик қилмайдиган артиллерия капитани ҳам, ишқ-муҳаббатда омади келган юнкер ҳам, ҳамон ўша ёлғончилик, манманлик ва енгилтакликка бўлган майли ўчмаган кечаги одамларнинг ҳаммаси бор эди. Бу ерда фақат Праскухин, Нефердов ва яна баъзи бировлар етишмасди, жасадлари ҳали ювилиб-саранжомланишга ва ерга кўмилишга улгурмаган бўлса-да, бу ердагиларнинг биронтаси уларни эсламасди ҳам, ўйламасди ҳам. Агар уларнинг ота-оналари, хотин, бола-чақалари бор бўлса-ю, ҳали унутганича йўқ бўлса, орадан бир ой ўтар-ўтмас улар ҳам унутиб юборадилар.

— Мен уни, чолни танимай қолдим,— дейди жасадларни йиғиштириб юрган бир солдат, кўкрагидан ўқ еган, боши шишиб, юзи қорайиб ярқираб кетган ва кўзлари олайган жасадни елкасидан кўтара туриб,— тузукроқ ушла, Морозка, узилиб тушмасин тағин. Фу, сассиғи қурсин!

«Фу, сассиғи қурсин!»— бу кишидан одамлар орасида қолган нарса шу бўлди, холос.

16

Бизнинг бастионга ва французларнинг траншеясига оқ байроқлар илинган. Бу иккаловининг орасидаги гуллар ўсган водийда эса, кулранг ва кўк кийимдаги, этиги

¹ Қайси полкдансиз? (Франц.)

² Бизнинг ишларимизни кўрмоқчи бўлиб юрибди анави лаънати... (Франц.)

ечиб олинган, хунуги чиққан жасадлар ётади. Ишчилар уларни ташиб, аравага тахлайди. Улик гавданинг қўланса сассиғи ҳавони тўлдирган. Севастополдан ва француз лагеридан одамлар тўда-тўда бўлишиб бу манзарани томоша қилишга чиққанлар ва зўр қизиқиш билан ютоқишиб бир-бирларига дуч келишга ошиқадилар.

Шу одамларнинг ўзаро гапларига бир қулоқ солинг.

Мана, атрофига тўпланган рус ва французлар ўрта-сида турган, ёмон бўлса-да, ҳар ҳолда гапини тушунтириш даражасида французчани билган ёшгина офицер гвардия сумкасини кўздан кечиради.

— Э сесу пуркуа се уазо усу?¹ — дейди у.

— Parce que c'est une giberne d'un régiment de la garde, monsieur, qui porte l'aigle impérial².

— Э ву де ла гард?³

— Pardon, monsieur, du monsieur, du sixieme de linge⁴.

— Э сеси у аш ге?⁵ — деб сўрайди бир офицер, француз папирос олиб чекаётган сариқ ёғочдан ишланган сигаретдонни кўрсатиб:

— A Balaclave, monsieur! C'est tout simple — en bois de palme⁶.

— Жоли!⁷— дейди офицер, суҳбатда ўз истаган сўзини тополмай билган сўзларини ишлатиб.

— Si vous voulez bien garder cela comme souvenir de cette rencontre, vous m'obligerez,⁸ — деб одобли француз папиросини пуфлаб туширади-ю, таъзим қилиб сигара қутисини офицерга узатади. Офицер ўзиникини унга беради. Шу ерда тўпланганларнинг ҳаммаси французлар ҳам, руслар ҳам жуда мамнун кўринадилар ва жилмаядилар.

Ана пушти кўйлак кийган, шинелини елкасига ташлаган дадил пиёда солдати, қўлини орқасига қилган,

¹ Бу ерида нега қуш бор? (Франц.)

² Нега деганда, бу гвардия полкининг сумкаси: унда император бургути туширилган. (Франц.)

³ Сиз гвардиядансиз? (Франц.)

⁴ Йўқ, олтинчи линейнийданман. (Франц.)

⁵ Буни қаердан сотиб олдингиз? (Франц.)

⁶ Балаклавадан. Бу оддий хурмо дарахти ёғочидан ясалган. (Франц.)

⁷ Чиройли экан!

⁸ Агар шу буюмини учрашувимиздан бир эсдалик сифатида қабул этсангиз, мени жуда хурсанд қилган бўлардингиз. (Франц.)

хушчақчақ, сичков бир қиёфадаги бошқа солдатлар қуршовида бир француз ёнига келди ва трубкасини тутатиб олиш учун ундан олов сўради. Француз трубкасини тутатиб, оловни олдиради-да, руснинг трубкасига ағдариб беради.

— Табак бун,— дейди пушти кўйлак кийган солдат. Томошабинлар жилмайишади.

— Oui, bon tabac, tabac turs, — дейди француз, — et chez vous tabac russe? bon?¹

— Рус бун,— дейди пушти кўйлакли солдат. Атрофини қуршаб турганлар қаҳ-қаҳ кулишади.— Франсе йўқ бун, бонжур, мусье,— дейди пушти кўйлакли солдат, бутун билган сўзларини ишлатиб, французнинг қорнига уриб қўяди ва кулади. Французлар ҳам кулишади.

— Ils ne sont pas jolis cesbêtes de russes,² — дейди французлар тўдасидаги бир зуав.³

— De quoi de ce qu'ils rient donc?⁴ — дейди итальянча талаффуз этаётган бошқа бир қорачаси, бизникиларга яқинлашаркан.

— Кафтан бу, — дейди эпчил солдат, зуавнинг этагидаги тикилган гулни кўздан кечирар экан, яна кулги кўтарилди.

— Ne sortez pas de la linge, à vos places, sacré nom...⁵ — деб қичқиради француз каптали⁶ ва солдатлар ошкор равишда истар-истамас тарқалишади.

Бошқа бир ерда бизнинг ёшгина отлиқ офицери-миз француз офицерлари доирасида французча кўча шевасида тўхтовсиз бидирларди. Сўз аллақайси бир comte Sazonoff, que j'ai beaucoup connu, monsieur,⁷ — устида боради, — дейди битта эплетли рус офицери, — c'est un de ces vrais comtes russes, comme nous les aimons⁸,

— Il y a un Sazonoff que j'ai connu, — дейди кавале-

¹ Ҳа, яхши тамаки, турк тамакиси, сизда-чи, рус тамакисими? Яхшими? (Франц.)

² Хунуккина экан, бу рус ҳайвонлари. (Франц.)

³ З у а в — француз армиясидаги Жазоир полкининг солдати.

⁴ Нега кулишяпти? (Франц.)

⁵ Чизикдан ўтмаларинг, жой-жойингга борларинг, ярамаслар... (Франц.)

⁶ Ка п р а л — баъзи чет. мамлакатлардаги армияларда хичик командир.

⁷ Мен яхши таниган граф Сазонов ҳақида. (Франц.)

⁸ У биз севган асл рус графларидан. (Франц.)

рист, — mais il n'est pas comte, a moins que le sache. un petit brun de votre âge à peu près.¹

— C'est ça, monsieur, c'est lui. Oh, que je voudrais le voir ce cher comte. Si vous le voyez, je vous pris bien de lui faire mes compliments. Capitaine Latour², — дейди у таъзим қилиб.

— N'est ce pas terrible la triste besogne, que nous faisons? Ca chauffait cette nuit, n'est-ce pas?³ — дейди кавалерист, гапни давом эттирмақ мақсадида ва жасадларни кўрсатиб.

— Oh, monsieur, c'est affreux! Mais quels gaillards vos soldats, quels gaillards! C'est un plaisir que de se battre contre des gaillards comme eux. — Il faut avouer que les vôtres ne se mouchent pas du pied non plus,⁴ — дейди кавалерист таъзим қилиб ва ўзини жуда ақлли гумон қилиб. — Энди бас қилайлик, шу кифоя.

Яхшиси бошига, отасиники бўлса керак, эски шапка, яланг оёғига бошмоқ кийган, сариқ дағал газламадан тикилган иштонини тасма билан тортиб илиб олган мана бу ўн яшар болага қаранг, сулҳ тузиш бошланган ҳамона кўтармадан ўтиб, пастликда айланиб, французларни ва ерда ётган жасадларни беихтиёр қизиқиш билан кузатиб, бу машъум водийда очилиб ётган зангори дала гулларини териб юрган ўн яшар анави болага бир қаранг. Бир даста гул териб уйига қайта туриб, шамол келтираётган қўланса ҳидни сезмаслик учун бурнини қўли билан бекитиб, бир тўда йиғиб қўйилган жасадлар ёнида тўхтади ва ўзига яқинроқ жойдаги бир калласиз, қўрқинчли жасадга узоқ тикилиб қолди. Анчагача қимир этмай тургач, яқинроқ борди-да, ўликнинг қотиб чўзилиб қолган қўлини оёғи билан туртиб кўрди. Қўл тебраниб кетди. У яна қаттиқроқ туртди. Қўл яна тебрланди-да, жойига қайтиб тушди. Бола бирдан қичқи-

¹ Мен бир Сазоновни танирдим,— дейди кавалерист,— лекин билишимча, у граф эмас, ўзи паст бўйли, қорамағиздан келган, бўйи сиздек келади. (Франц.)

² Худди шундай, ўшанинг ўзи. О, ўша дилкаш графни қани энди бир кўрсам. Агар кўриб қолгудек бўлсангиз, ўтини сўрайман, мендан салом айтинг: капитан Латур бўламан. (Франц.)

³ Қандай даҳшатли ва қайғули иш қиляпмиз-а, тўғрими? Ўтган кеча жуда иш қизиди-а, тўғрими? (Франц.)

⁴ О! Жуда даҳшат бўлди! Лекин солдатларингиз азамат йигитлар экан, жуда азамат экан! Бундай азаматлар билан жанг қилишининг ўзи роҳат.

— Лекин тан олишимиз керак, сизларники ҳам бўш келадиганлардан эмас. (Франц.)

риб юборди, юзини гуллар орасига яшириб олди ва жон ҳолатда қалъа томон ура қочди.

Ҳа, бастионда ҳам, траншеяда ҳам оқ байроқ илинган, гуллаган водий сассиқ жасадалар билан тўлган, порлоқ қўш тиниқ осмондан кўк денгиз томон тушиб келмоқда, кўк денгиз эса қуёшнинг олтин шуълаларида жимирлаб ялтирайди. Минглаб кишилар тўдалашиб томоша қилишади, гаплашишади ва бир-бирларига қараб жилмайишади. Ана шу одамлар — христианлар, севги ва фидойиликдек бир буюк қонунга эътиқод қиладиган одамлар. Ана шулар қилиб қўйган гуноҳларини кўриб, ўзларини яратиб, ҳар бирининг дилига ўлим ваҳимаси билан бирга яхшилик ва гўзалликка муҳаббат ҳислари солганнинг қаршисида бирдан тиз чўкиб, тавба-тазарру қилмайдиларми, қувонч ва бахтиёрлик кўз ёши билан оға-инилардек қучоқлашмайдиларми? Йўқ! Оқ латталар яширилади — яна ўлим ва жафо қуроллари тилга киради, оҳ-воҳлар, қарғишлар янграйди.

Мана, мен ҳам айтмоқчи бўлганларимни айтиб олдим; лекин оғир хаёл мени қийнаб қўйди. Балки буларни гапиришнинг кераги ҳам йўқ эди. Винони бузиб қўймаслик учун тагида чўккан қуйқимини чайқаш лозим бўлмаганидек, ана шу мен айтган нарсалар ҳам зарарли бўлиб кетмаслиги учун балки ҳар бир одамнинг дилида онгсиз равишда яшириниб ётиши, баён этилмаслиги лозим эди.

Ўзимизни четга олиб юриш лозим бўлган ёвузлик ифодаси қани? Бу қиссада ибрат бўладиган эзгулик ифодаси қани? Ёвуз куч киму қаҳрамон ким? Ҳамма яхши, шу билан бирга ҳаммаси разил.

На барча ишларини ботирлик ва шуҳратпарастлик қабилдан қиладиган Қалугин, *на имон, тахт ва ватан учун* олиб борилган жангда ҳалок бўлган ношуд ва зарарсиз Праскухин, на юраксиз, ҳамма нарсага ҳам ақли етавермайдиган Михайлов, на қатъий маслаги ва тартибинтизоми бўлмаган болага ўхшаган Пест қиссанинг ёвуз кучи ёки қаҳрамони бўла олади.

Қиссамнинг қаҳрамони — бутун борлиғим билан севганим, бор кучимни унинг бутун латофати билан тасвирлашга қаратганим, ҳамма вақт энг гўзал нарса ҳисобланиб келган, гўзал ҳисобланаётган ва гўзал бўлиб қоладиган нарса — ҳақиқатдир.

1855 йилнинг 26 юни

СЕВАСТОПОЛЬ 1855 ЙИЛНИНГ АВГУСТИДА

1

Августнинг охирлари эди. Севастополь йўлида даралар оралаб, Дуванка¹ билан Боғчасарой ўртасида қуюқ ва иссиқ чанг ичида бир офицер араваси ўтиб борарди (бошқа ҳеч қаерда учрамайдиган бу узунчоқ арава жухуд арава билан рус четан аравасига ўхшаб кетадиган хилидан эди).

Араванинг бош томонида дағал газламадан сюртук ва эскиб, юмшаб кетган офицер фуражкеси кийган деншик тиз чўкиб, жиловни тортиб-тортиб ўтиради; орқада устига тўқим ёпилган тугун турар, юк устида эса энгил шинель кийган бир пиёдалар офицери ўтиради. Унга шу ўтирган ҳолда баҳо берилса, бўйи ўртача, лекин жуссали киши эди. Ўлгудек тарвақайлаган кўкраги билан яғринининг ўртаси кифтларидан кенгроқ бир киши эди. У жуссадор ва яғриндор бўлиб, юзи билан бўйни пишиқ, пайдор эди. Гавдасининг ўрта қисмида камар боғланадиган жой — бел деган нарса кўринмас, қорни ҳам дўмпаймаган эди. Аксинча, уни озғин деса ҳам бўларди, сарғиш бўлиб қорайган юзи айниқса ориқ эди.

Агар бетидаги салқиганлик, афти ангорига умумий дағаллик бериб турувчи, юз бичимини йирик қилиб кўрсатувчи қарилликка хос бўлмаган йирик, майин ажинлар бўлмаганда, уни чиройли деб ҳисоблаш мумкин эди. Қиссиқ қўй кўзлари ҳаддан зиёд дадил, ҳатто беорлик билан боқади, деса ҳам бўлади; мўйлови жуда қуюқ,

¹ Севастополь яқинидаги станция. (Л. Н. Толстой изоҳи.)

лекин юпқагина, учи тишлаб кемтилган; даҳани ва ай-ниқса ёноқлари икки ҳафтадан буён олдирилмай ўсиб ётган қалин, қора соқол билан қопланган, 10 май куни бомба парчаси тегиб бошидан яраланган бу офицер ҳозиргача ярасини ечиб ташламаган ва бир ҳафтадир-ким, ўзини бутунлай соғайиб кетган ҳисоблар, Симферополь госпиталидан чиқиб, ана шу ўқ овозлари эшитилаётган томоннинг қаеригадир жойлашган полкига қайтиб кетаётир, лекин полкнинг қаердалигини — Севастополдами, Шимолий томондами ёки Инкермандами эканлигини у ҳали ҳеч кимдан дурустроқ суриштириб билолганича йўқ. Ўқ товушлари эшитилар, айниқса тоғ халақит бермай қолган маҳалда ёки шамол учириб келганда жуда аниқ, тез ва жуда яқин бўлиб туюларди: гоҳ портлаш ҳавони ларзага солиб, беихтиёр чўчитиб юборарди, гоҳ барабанларнинг дамбир-думбур овозига ўхшаш бир-бирини қувалаган, кучсиз товушлар эшитилиб, зўр гулдирос ичида эшитилмай қолади, гоҳ шуларнинг ҳаммаси чақмоқ зўрайиб, ҳозиргина шаррос жала қуйиб ўтган вақтдаги момақалдиروқнинг гулдирашига ўхшаш тасир-тусурга айланиб кетади. Одамларнинг айтишига қараганда ва эшитилиб турган товушларга қараб ҳукм қилганда, даҳшатли бомбардимон борарди. Офицер деншикни шоширарди: ўша ёққа иложи бори-ча тезроқ етиб боргиси келаётгандек кўринарди. Рўпарадан Севастополга озиқ-овқат ташиб келтириб, энди кулранг шинелли касал ва ярадор солдатларни, қора пальтодаги матросларни, қизил феска¹ кийган грек кўнгиллиларини, соқоли ўсиб кетган халқ лашкарларини тўлдириб қайтаётган рус мужикларининг катта карвони чиқиб қолди. Офицер тушган арава тўхтаб, уларни ўтказиб юборишга мажбур бўлди. Шундай қилиб офицер йўлда қуюқ ҳаракатсиз булутдек кўтарилган, кўз ва қулоқларини тўлдириб, терлаган юзига ёпишаётган чангдан кўзини қисиб, юзини буруштирганича ёнидан бирин-кетин ўтиб турган бемор ва ярадорларнинг юзига жаҳли чиқиб, аммо совуққонлик билан қараб ўтирарди. Деншик булар ёнидан ўтиб кетаётган ярадорлар тўлдирилган бир аравани кўрсатиб:

— Анави нимжон солдатча бизнинг ротадан,— деди хўжайинига ўгирилиб.

Араванинг бош томонида барра телпак кийган серсоқол рус ёни билан ўтирар ва билаги билан дастанни қисиб туриб, қамчи тўқирди. Унинг орқасида, аравада бештача солдат, турли вазиятда силкиниб борарди. Уларнинг бири, қўли аллақандай каноп билан бойланган, кир кўйлаги устидан шинелини ташлаб олган, ўзи ориқ ва рангсиз бўлишига қарамай, араванинг ўртасида тетик ўтирарди. Офицерни кўриб қолиб, бошидан шапкасини олмоқчи бўлди-ю, лекин ярадорлиги эсига тушиб қолди шекилли, ўзини бошини қашимоқчи бўлган кишига олди. Бошқаси, унинг ёнидагиси, араванинг тубида ётарди; унинг арава четини ушлаб турган икки ориқ қўли ва ҳар томонга чайқалаётган чиптага ўхшаш тиззасигина кўринарди. Учинчиси, юзи шишган ва бойланган бошига солдатча шапка кўндириб олгани, ён томондан ғилдирак устига оёғини осилтириб, қўлини тиззасига тираб мудраётгандек ўтирарди. Йўловчи офицер худди шунисига юзланди.

— Должников!— деб қичқирди у.

Солдат кўзини очиб, бошидаги фуражкани ола туриб:

— Ҳа-о,— деб жавоб берди. У шундай йўғон, дўриллаган овоз билан жавоб бердики, худди йигирматача солдат баравар қичқиргандек бўлди.

— Қачон ярадор бўлдинг, оғайним?

Солдатнинг шишган қалайи кўзлари жонланди: у, афтидан, ўз офицерини таниди.

— Соғ бўлинг, жаноблари!— деб қичқирди у боягидек йўғон, дўриллаган товуш билан.

— Полкимиз ҳозир қаерда?

— Севастополда эдик; чоршанбида бошқа ёққа ўтишмоқчийди, жаноблари!

— Қаёққа?

— Аниқ айтолмайман... Шимолга бўлса керак, жаноблари! Бугун кўчишмоқчи эди, жаноблари,— деб қўшиб қўйди у чўзиб, бошига шапкасини кияркан,— тинмай отиб ётибди, нуқул бомба отади, ҳатто бухтага-ча бориб етаяпти; ҳозир шундай отаяптики, жуда...

Солдатнинг охириги сўзларини эшитиб бўлмади: лекин унинг юз ифодаси ҳамда вазиятига қараганда, бундай оғир нарсаларни уқубат чеккан кишидаги алам билан айтаётгани кўриниб турарди.

Йўловчи офицер, поручик Козельцов, ўткир одам

¹ Феска — баъзи Яқин Шарқ мамлакатларида бош кийими.

эди. У бошқалар шундай яшашади ва шундай қилишадю деб, худди ўшандай яшаб, одамлар қилган ишни қилиб, қилмаганини қилмай юрадиган одамлардан эмасди: у ҳамма вақт истаган нарсасини қилар, бошқалар ҳам унга эргашар ва яхши иш қилганларига ишқиниб юрардилар. Ҳзи ҳам анча миришкор, қўлидан ҳар бало келадиган йигит эди; у бефаросат одамлардан эмас, қобилиятли, яхши куйлайдиган, гитара чалишни биладиган, шинаванда, ёзиш-чизиш ишларига уста, айниқса полк адъютанти бўлган даврида малака ортириб олганидан подшоликка хос қоғозларни ёзишни бошлайдиган йигит эди; лекин унинг серғайрат, иззатнафси зўр табиати ана шу майда қобилиятга асосланган бўлса-да, кескин ва жуда ажойиб эди. Унда ҳаёт билан шу қадар сингишиб кетган, фақат эркаклар ва айниқса ҳарбийлар доирасида авж оладиган иззатнафс ривожланган бўлиб, у ё биринчи бўлишни, ёки яқсон бўлишни афзал кўрар ва ундаги иззатнафс ҳатто ички майлларини ҳам ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланарди; у ўзи билан таққослаб юрган одамларидан ҳам олдинда бўлишни севарди.

Поручик ярадорларни ортган аравалардан ва солдатнинг сўзларидан кейин юраги сиқилди, кўнгли ғаш бўлди-да:

— Шу Москванинг¹ валдирашига қулоқ солиб ўтирибман-а,— деб гўлдиради ва лекин бомбардимоннинг гулдираб келаётган овози солдатнинг айтганлари ростлигини тасдиқларди.— *Жуда қизиқ-да, бу Москва...* Қимирла, Николаев, ҳайда деяпман... Нима, ухлаб қолдингми!— деб қўшиб қўйди деншикни уришиб, шинелининг барини тузатар экан.

Николаев жиловни тортиб, чух-чухлаб отни йўлга солди, арава ғилдираб кетди.

— Отга бир оз ем бериб оламизу, шу бугуноқ йўлга тушамиз,— деди офицер.

2

Татар ўйларининг вайронасидан қолган тош деворлар орасидан ўтган кўчага кириб келаётганда, Севас

¹ Жуда кўп армия полкларига офицерлар солдатни бир оз жирканиб ва сал эркалаб Москва ёки қасам деб атайдилар. (Л. Н. Толстой изоҳи.)

тополга кетаётган, йўлда тўдалашиб қолган, бомба ва ядро ортган аравалар поручик Козельцовни яна тутиб қолди. Арава тўхташга мажбур бўлди.

Икки пиёда солдат йўл ёқасидаги вайрона деворда чангга ботиб ўтирар ва тарвуз билан нон ейишарди.

Улардан бири ёнларига келиб тўхтаган, қопчиқ орқалаган солдатга:

— Йўл бўлсин, ҳамшаҳар?— деди нон чайнай туриб.

— Губернадан ротага кетяпмиз,— деб жавоб берди солдат, орқасидаги қопчиғини тўғрилар экан, тарвузга қарамасликка тиришиб.— Мана, уч ҳафтача бўлди, ротада эдик. Энди бўлса ҳаммамизни шу ёққа жўнатишди. Полкимиз шу топда қаёқдалигини ҳам билмаймиз. Бизникилар ўтган ҳафта Қорабельнаяга киришди дейишган эди. Ҳеч нарса эшитганингиз йўқми, жаноблар?

Ҳом тарвузни маза қилиб қаламтарош билан қирқиб еяётган ҳарбий карвон хизматидаги кекса солдат:

— Шаҳарда ҳозир, оғайни, шаҳарда,— деди.— Ушадан чиққанимизга ярим кун бўлди. Шунақа даҳшатки, оғайни, қўяверасан, яхшиси бормаи қўя қол, шу ерда похолга ағнаб бир-икки кун ёт,— шундай қилганинг маъқул қайтага.

— Нега ундай дейсиз, жаноблар?

— Эшитмаяпсанми, ҳозир ҳамма ёқда отишув, битта бутун жой қолган эмас. Уқ еб ўлганларнинг сон-саногини йўқ.

У қўлини силкитди ва шапкасини тўғрилаб қўйди.

Йўловчи солдат ўйчанлик билан бош чайқади, тилни тақиллатиб қўйди, кейин қўнжидан трубкасини олди-ю, ичига тамаки солмасдан ковлаштириб, эски тамакисини чиқарди-да, чекиб ўтирган солдатдан бир парча пиликни ёндириб олди ва шапкасини бир оз кўтарди.

— Худонинг ўзи ярлақасин, жаноблар! Яхши қолинглар!— деди у ва орқасидаги қопчиғини силкиб, йўлга тушди.

— Эҳ, бир оз сабр қила қолсанг бўларди,— деди чўзиб тарвузни кавлаштириб ўтирган солдат.

— Барибир эмасми,— деб тўнғиллади йўловчи, тўп-ланиб турган араваларнинг ғилдираклари орасидан сиқилиб ўтар экан,— одамларининг гапига қараганда кечга бориб мен ҳам тарвуз олиб, еб ётадиганга ўхшайман.

Козельцов етиб келганда, станцияда оломон тўла эди. Пиллапояда унга биринчи дуч келган киши, орқасидан эрганиб юрган икки офицер билан жанжаллашаётган ориқдан келган, ёш йигит, назоратчи бўлди.

— Лозим бўлса, уч кеча-кундуз эмас, ўн кеча-кундуз ҳам кутасиз! Генераллар ҳам кутишяпти, тақсир,— деярди назоратчи, йўловчиларга тегизиб,— нима, ўзимни от қилиб қўшиб бераманми сизларга.

— От йўқ бўлса, ҳеч кимга ҳам бермаслик керак... Нега юк кўтарган аллақандай малайга от бердинг?— деб қичқирарди офицерлардан бири — каттаси, у қўлида бир стакан чой кўтариб юрар ва, кўринишидан, сўзида олмош ишлатмасликка атайлаб уринар, шу билан назоратчига *сенсираб* юборишим ҳам чўт эмас, демоқчилигини билдирмоқчи бўларди.

— Танангизга бир ўйлаб кўринг, жаноб назоратчи,— дерди иккинчи ёшгина офицер тутилиб,— биз харалатарала қилгани кетаётганимиз йўқ-ку. Бизни чақиртирган эканлар, демак керак эканмиз у ерда, йўқ эса генерал Крамперга айтаман. Нима деган гап бу ўзи... бундан чиқди, сиз офицер унвонини сира ҳурмат қилмас экансиз-да.

— Доим ишни бузасиз!— деб унинг сўзини бўлди каттаси аччиқланиб.— Ҳамма вақт менга халақит бера-сиз; улар билан гаплашишни билиш керак. Ҳурматни биладими булар. Қани, ҳозир от тайёр бўлсин!

— Жон деб топиб берардим, тақсир, лекин қаердан оламан?

Назоратчи бир оз жим турди-да, бирдан қизишиб кетди ва қўлларини силкитиб гапира бошлади:

— Тақсир, мен ҳам яхши тушунаман, ҳаммасини биламан, аммо иложим қанча! Мени ўз ҳолимга қўйиб туринг, (офицерларнинг юзида умидланиш ифодаси кўринди)... шу ойнинг охиригача ўз ҳолимга қўйиб туринг, кейин бу ердан соямни ҳам топмайсиз. Бу ерда қолгандан кўра Малах кўрғонига кетганим яхши. Худо ҳаққи! Фармойишлари шу бўлгандан кейин қўллари-дан келганини қилишсин: бутун бошли станцияда бирорта дурустгина арава топилмайди, от бечоралар уч кундан буён бир боғ пичан кўрмади.

Шундай деди-ю, назоратчи дарвозага кириб ғойиб бўлди.

Козельцов офицерлар билан бирга хонага кирди.

— Начора,— деди бир дақиқа муқаддам бениҳоя дарғазаб кўринган катта офицер, кичигига жуда хотир-жамлик билан,— уч ойдан буён йўлдамиз, яна бир оз кутсак кутармиз. Ҳечқиси йўқ — етиб оламиз.

Тутун босган, ифлос хона офицерлар ва чамадонлар билан шу қадар лиқ тўлган эдики, Козельцов ўзига деразадан зўрға жой топиб ўтирди; у одамларга разм солиб, гапларини диққат билан тинглаб, папирос ўрай бошлади. Эшикнинг ўнг томонида, устида турли қоғозларга қанд қўйилган ва баъзи-баъзи жойида миси кўкариб кетган самовар турган, ёғ босган қийшиқ стол атрофида асосий гуруҳ жойлашган эди: аёллар капотидан бузиб тикилганга ўхшаб тушган янги яктак кийган мўйловсиз бир ёш офицер чойнакка сув тўлдирмоқда, худди шунга ўхшаш тўртга яқин офицер хонанинг ҳар қаерида жойлашган; улардан бири боши тагига пўстин қўйиб олиб, ухлаб ётарди, бошқа бири стол ёнида тикка туриб, стол ёнида ўтирган қўлсиз офицерга қўйи гўшти тўғраб бермоқда. Бири адъютант шинелида, иккинчиси тоза матодан пиёдалар шинели кийиб елкасига сумка осган икки офицер сўри ёнида ўтиришар ва бошқаларга қарашларидан, сумка осганининг сигара чекишидан, уларнинг фронтда хизмат қилиб келган офицерлар эмаслиги, бундан эса ўзлари мамнун эканликлари кўриниб турарди. Уларнинг қилиғида жирканиш кўринмас, балки қисман пулга ва қисман генераллар билан яқиндан алоқада бўлганликларига асосланган қандайдир ғурур, оқойишталик бор эди. Улар ўзларининг бошқалардан кўра устунликларини англагандек, ҳатто бунни яширишга урингандек кўринардилар. Ёшгина лаби дўрдоқ доктор ва немисбашара артиллерист диванда ухлаётган ёш офицернинг оёғи ёнида ўтириб пул санашарди. Тўртга яқин деншикнинг бири мудрар, бошқалари эшик ёнида чамадонлари ва тугунлари ёнида уймаланишарди. Козельцов шунча одам орасида бирорта таниш учратмади; лекин шунга қарамай уларнинг гапига қизиқсиниб қулоқ сола бошлади. Козельцов ёш офицерларнинг кўринишидан тўппа-тўғри корпусдан келаётганликларини сизди. Ёш офицерлар унга ёқиб қолди, муҳими шундаки, улар укасини эслат-

ди. Унинг укаси ҳам корпусдан чиққан, бугун-эрта Севастополь батареяларидан бирига етиб келиши керак. Сумка осган офицерни аллақерда кўргандек бўлди. Унинг туриш-турмушидан жирканч ва беор одам бўлиб кўринди. У ҳатто: «Бирор нарса дейдиган бўлса, адабини бериб қўяман», деган фикрда деразадан тушиб, сўрига келиб ўтирди. Козельцов умуман яхши ва ҳақиқий жанговар офицер бўлганидан штаб офицерларини ёқтирмаслик билангина чекланмай, бир қарашдаёқ мана шу икки офицернинг штаб одамлари эканликларини англаб, уларга нисбатан нафрати кўзгаган эди.

4

— Ҳар ҳолда, жуда алам қилар экан,— дерди ёш офицерлардан бири,— шунча яқин келганда етиб боролмай ўтирсанг-а. Балки бугун иш бошланар, биз эса иштирок этолмаймиз.

Унинг чийиллаган овозида, гапираётганда юзига югурган доғсимон қизилликда бирор ўринсиз сўз айтиб қўймадиммикин, деб ҳамма вақт ташвишланадиган одамнинг уятчанлиги сезилиб турарди.

Қўлсиз офицер унга жилмайиб қараб қўйди.

— Ҳали улгурасиз, шошилманг,— деди у.

Ёш офицер тўсатдан пайдо бўлган табассум-ла қўлсизнинг ориқ юзига зўр эҳтиром билан қаради-да, жим қолиб, яна чой билан машғул бўлди.

Ҳақиқатан ҳам қўлсиз офицернинг юз ифодасида, вазиятида ва айниқса шинелининг бўш турган енгиди осойишта бепарволик акс этиб турарди. Бу ифодани шундай деб тушуниш мумкин эди: ҳар қандай иш ёки гап бўлаётганда у, буларнинг ҳаммаси жуда соз, буни мен биламан, агар истасам, ҳаммасини бемалол қиламан, деяётгандек кўринарди.

— Нима қиламиз энди,— деди ёш офицер, яқтак кийган ўртоғига,— шу ерда тунайимизми ёки ўз отимизда йўлга тушамизми?

Ўртоғи йўлга тушишни рад қилди.

— Ўзингиз ўйлаб қаранг, капитан,— деб сўзини давом эттирди чой қуяётгани қўлсизга мурожаат қилар экан, у тушириб юборган пичоқни ердан олиб,— бизга

Севастополда от жуда қиммат дейишган эди, икковимиз бир бўлиб Симферополда от сотиб олдик.

— Роса қўлга тушган бўлсангиз керак?

— Тўғриси айтсам, билмадим, капитан; араваси билан тўқсон сўмга олдик. Жуда қимматми?— деб сўрайди у ҳаммадан, шу қаторда унга қараб турган Козельцовга ҳам юзланиб.

— Той бўлса қиммат эмас,— деди Козельцов.

— Ростданми? Бизга қиммат дейишаётган эди... Фақат сал оқсоқроқ, тузалиб кетади, дейишганди. Лекин ҳали бақувват.

— Қайси корпусдансиз?— деб сўради Козельцов, укаси ҳақида бир хабар топиш мақсадида.

— Биз ҳозир Дворян полкиданмиз, олти кишимиз, ҳаммамиз ҳам Севастополга ўз ихтиёримиз билан келяпмиз,— деди сўзамол офицер йигитча,— лекин батареямизнинг қаердалигини билмаймиз: биров Севастополда дейди, анавилар бўлса Одессада, дейишади.

— Симферополда билиб олишнинг иложи бўлмади-ми?— деб сўради Козельцов.

— Билишмайди... Ишонасизми-йўқми, оғайнимиз бир маҳкамага кирган эди; тоза қўпол муомала қилишди... ишонасизми-йўқми, жуда алам қилар экан. Тайёр папирос керак эмасми?— деди у, шу вақт сигара қутисини олмоқчи бўлиб турган қўлсиз офицерга.

У сермулозаматлик билан унинг хизматига тайёр турарди.

— Сиз ҳам Севастополданмисиз?— деб давом этди у.— Оҳ, худойим-ей, қандай яхши! Биз ҳаммамиз Петербургда сиз тўғрингизда, барча қаҳрамонлар тўғрисида ўйлардик!— деди у, Козельцовга ҳурмат ва меҳрибонлик билан қараб.

— Ҳали, қайтиб кетиш ҳам тўғри келиб қолар?— деб сўради поручик.

— Ана шундан қўрқамиз-да. Ўзингиз ўйлаб кўринг, от сотиб олдик, ҳамма керакли нарсаларни — спиртли кофеиник ва турли зарур майда-чуйдаларни сотиб олдик,— энди пулимиз ҳам қолмади,— деди у паст товуш билан ва ўртоғига ўгирилиб қаради,— энди қайтишга тўғри келиб қолса, нима қилишимизга ҳам ҳайронмиз.

— Йўл пули олмадингларми?— деб сўради Козельцов.

— Йўқ,— деб жавоб қайтарди у шивирлаб,— шу ерда беришни ваъда қилишган эди.

— Гувоҳноманглар борми?

— Энг муҳими — гувоҳнома эканлигини биламан. Лекин Москвада уйига оборманида бир сенатор — ўзимнинг амаким, менга шу ерда беришларини айтганди, бўлмаса ўзи ҳам берарди-я. Энди гувоҳномасиз ҳам беришармикан-а?

— Албатта беришади.

— Мен ҳам, балки гувоҳнома бўлмаса ҳам беришар деб ўйлайман,— деди у. У шундай оҳангда гапирдики, бундан ўттизлаб станцияда такрор-такрор сўрайвериб, ҳамма ерда турлича жавоб олаверганидан энди ҳеч кимга ҳам ишонмай қўйгани кўриниб турарди.

5

— Нега бермас экан,— деди бирдан, шу вақт галлашаётганлар олдига келиб қолган, боя пиллапоёда назоратчи билан ёжиллашиб юрган офицер. У тингловчилар ичида энг мўътабарлари деб яқинроқда ўтирган штаб офицерларига ҳам қисман мурожаат қилиб гапирарди.— Мен ҳам худди ўша жаноблар сингари, иссиққина ўрнимни ташлаб, ҳаракатдаги армияга, ҳатто худди Севастополнинг ўзига юборишларини сўраб арз қилдим. Менга П. дан чиқиб, бу ерга етиб олишимга ҳаммаси бўлиб бир юз ўттиз олти сўм беришди, холос, унинг ёнига ўзимнинг бир юз эллик сўмдан ортиқ пулим кириб кетди. Уч ойдан бери йўл юриб, саккиз юз чақирим босибман-а. Яхши ҳамки, ёнимда пул бор экан. Бўлмаганда нима қилардим?

— Наҳотки уч ой йўл юрган бўлсангиз?— деб сўради аллаким.

— Нима қилай бўлмаса,— деб давом этди офицер.— Агар келишни истамасам яхши жойимни ташлаб чиқаримдим, йўлда кунимни ўтказиб овора бўларимдим, қўрққанимдан йўлимни узайтираётганим йўқ-ку... ноиложликдан. Мана, масалан, Перекопда икки ҳафта турдим; назоратчиси сиз билан гаплашгиси ҳам келмайди,— қачон хоҳласангиз кетаверинг, курьерларнинг гувоҳномаси бир тўп бўлиб уйилиб ётибди. Тақдир шу экан-да... менга қолса-ку, аллақачон етардим-а, лекин

тақдир экан; бомбардимон бўлаётгани учун тўхталиб турганим йўқ, лекин шошилсанг ҳам, шошилмасанг ҳам барибир, менга қолса-ку...

Бу офицер йўлда тутилиб қолгани сабабли ўзини оқлаётгандек шу қадар тиришиб тушунтирардики, кишида беихтиёр қўрқоқлик қилмаяптимики, деган фикр туғиларди. У ўз полки турган жойни ва у ер хатарлими-йўқми, деб суриштирганда гап айниқса равшан бўлди. Худди ўша полкдан келаётган қўлсиз офицер, кейинги икки кун ичида фақат офицерларнинг ўзидан ўн етти киши ҳалок бўлганини айтганда, унинг ранги бўзариб, нафаси ичига тушиб кетди.

Ҳақиқатан ҳам бу офицер олти ой муқаддам анча довурак бир киши бўлишига қарамай, ҳозир ўтакетган қўрқоқ бўлиб қолганди. Бу офицерда унғача ҳам, ундан кейин ҳам кўпларнинг бошидан ўтгани каби кескин ўзгариш юз берди. У кадет корпуслари жойлашган губернияларимиздан бирида яшарди, иссиққина, осойишта ўрни ҳам бор эди. Лекин газеталарда ва хатларда Севастополь қаҳрамонларининг, бир вақтдаги ўртоқларининг ишлари ҳақида ўқиб, тўсатдан шуҳратпарастликка учди, ватанпарварлиги тутиб кетди.

У ўзининг шу ҳисси деб жуда кўп нарсани қурбон қилди — ўрганиб қолган жойидан, саккиз йил тиришиб орттирган юмшоқ мебелли квартирасидан, таниш-билишларидан, бадавлат хонадоннинг қизига ўйланиш умидидан,— шуларнинг ҳаммасидан воз кечиб, шоншуҳрат қозониш ва генералликка кўтарилиш умидида февраль ойидаёқ ҳаракатдаги армияга жўнатишни сўраб ариза берди. Орадан икки ой ўтгач, у *команда орқали* расмий хат олди; бунда ҳукуматдан нафақа талаб қиладими-йўқми деб, сўралган эди. У нафақа сўрамаслигини айтиб жавоб ёзиб юборди, шу икки ой ичида ватанпарварлик туйғуси анча совиб қолган бўлса-да, сабр-қаноат билан бирор жойга белгиланишини кута бошлади. Икки ойдан кейин яна, масонлар¹ жамиятига мансуб эмасми ва шунга ўхшаш расмиятчиликлар сўралган хат келди. Бунга ҳам мансуб эмаслигини ёзиб юборгач, беш ой деганда ишга белгиланди. Шу орада

¹ Масон — XVIII асрда пайдо бўлган ва «ахлоқни камолотга етказишни» мақсад қилиб олган, мистик маросимлар ўтказадиган махфий диний-фалсафий жамият.

огайнилари, ҳаммадан ҳам кўра вазият ўзгарганда кишида пайдо бўладиган бу янгиликдан норизолик ҳисси, уни ҳаракатдаги армияга кириб катта аҳмоқчилик қилиб қўйганига ишонтирдилар. Чангга ботиб, меъда қайновига гирифтор бўлиб, бешинчи станцияга етгандан ва у ерда Севастополдан қайтаётган курьер билан учрашиб, ундан уруш даҳшатларини эшитгандан, ўша ерда ўн икки соат от кутишга мажбур бўлгандан кейин ўзининг енгилтаклик қилганига пушаймон эди, ўзи кетаётган жой ҳақида ўйласа, юрагини ваҳима босиб, қурбонликка кетаётган одамдек ихтиёрсиз йўлида давом этди. Бу ҳис станцияма-станция саргардон бўлиб кечирган уч ой давомида ҳар станцияда Севастополдан қайтаётган офицерлар учрар ва у ердаги даҳшатларни ҳикоя қилиб берардилар — борган сайин ўсиб, ниҳоят бечора офицерни шу даражага етказдики, П. даги Дуванкада ўзини ҳар қандай жонбозликка тайёр деб тасаввур этган бир одамни аянч қўрқоққа айлантириб қўйди. Шундай қилиб, бир ой муқаддам корпусдан келаётган ёшлар билан топишиб олиб, бу кунларни ғанимат билиб, иложи борича секин йўл босишга тиришар ҳар станцияда кроватини йиғиштириб яна саранжомлар, вино дўконидан бери келмас, преферанс ўйнаб вақт ўтказар, шикоят дафтарига вақт ўтказувчи манба деб қарар ва от бермаганларида эса бениҳоя қувонарди.

Агарда у П. дан чиқиб, тўғри бастионга етиб келса, ҳақиқатан ҳам қаҳрамон бўларди. Энди бўлса, меҳнатда ҳам, хавф-хатарда ҳам чидамли, хотиржам рус кишиси бўлиб олиши учун жуда кўп руҳий азоблардан ўтиши керак эди. Аммо ундаги ғайрат ва иштиёқни энди тирилтириш жуда қийин.

6

— Ким карам шўрва деган эди?— деди бир товоқ карам шўрва кўтариб хонага кирган қирқ ёшлар чамасидаги, семиз, исқирт меҳмонхона бекаси.

Гурунг шу замоноқ тинди, хонадагиларнинг ҳаммаси ошпаз хотинга тикилди. П. дан келаётган офицер ёш офицерга бекани имо қилиб кўрсатиб, кўзини қисиб қўйди.

— Ҳа, Козельцов сўраган эди,— деди ёш офицер,— уни уйғотиш керак.— Тур, овқатингни е,— деди офицер диванда ётган йигитнинг ёнига келиб, уни елкасидан туртар экан.

Ўн етти ёшлар чамасидаги икки бети қип-қизил ўспирин ирғиб дивандан турди ва ўйноқи қора кўзларини ишқалаб келиб уйнинг ўртасида тўхтади.

— Вой, кечирасиз,— деди у докторга қўнғироқдек жанрагланган товуш билан, йигит тураётиб уни бехос туртиб юборган эди.

Поручик Козельцов дарров укасини таниб, унинг ёнига борди.

— Танимаяпсанми?— деди у жилмайиб.

— А-а-а-а— деб қичқариб юборди укаси.— Ана холос!— деди-ю, акасини ўпа кетди.

Улар уч бор ўпишишди, лекин учинчи гал гўё икковининг миясига баравар: нега энди албатта уч бор ўпишиш керак, деган фикр келгандек, тўхтаб қолишди.

— Жуда хурсандман,— деди каттаси, укасига тикилиб.— Юр, ташқарига чиқайлик, гаплашайлик.

— Юр, юр. Карам шўрвани энди ичмайман... Сен ича қол, Федерсон,— деди у ўртоғига.

— Қорним оч девдинг-ку.

— Йўқ, ичмайман.

Ташқарига чиқишгач, укаси акасидан: «Хўш, аҳволлар қалай, гапир?»— деб аҳвол суриштирар, кўриб жуда севинганини айтарди-ю, ўзи ҳеч нимани гапирмасди.

Орадан беш минутча ўтди. Бу орада улар бир оз жим ҳам қолишди. Кейин акаси ундан нега *бизникилар* кутганидек гвардияга чиқмадинг, деб сўради.

— Ҳа-ҳа,— дея жавоб берди укаси, фақат эслашнинг ўзидаёқ қип-қизариб,— бу мени ерпарчин қилди. Бундай бўлишини сира кутмаган эдим. Ўзинг ўйлаб қара, битириш олдидан биз уч киши бўлишиб бир чеккага чиқдик, дарвозабон турадиган хонанинг нариги ёғидаги уй бор-ку, сизларнинг вақтингизда ҳам шундай эди шекилли,— муттаҳам қоровул кўриб қолгану, навбатчи офицерга чақишга югурган (яна у қоровулга неча бор ароқ пули ҳам берганмиз-а), у ҳам пусиб етиб келган; биз уни кўриб қолишимиз билан шерикларим папиросни ташлаб, ёндаги эшикларга ўзларини уриб қочиб қолишди— мен бўлсам турган жойимда қолавердим. У ҳар хил бўлмагур гапларни қилди, мен

ҳам албатта, индамай қўя қолмадим. Кейин у инспекторга чақди, шу билан алғов-далғов бошланиб, хулқимга ўрта баҳо қўйишди, бўлмаса-ку, ҳаммаси аъло бўлиб келаётган эди-я. Фақат механикадан ўн икки, ана шундай гаплар. Армияга узатишди. Кейин гвардияга ўтказмоқчи ҳам бўлишган эди-ю, лекин ўзим хоҳламадим, урушга юборишларини сўрадим.

— Шундай де!

— Рост, тўғриси ҳам шу, кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолди, тезроқ Севастополга етиб бора қолсам деб шошилдим. Шуниси ҳам борки, бу ерда ишим ўнгидан келиб қолса, гвардиядан ҳам кўпроқ фойда қилишим мумкин: у ерда ўн икки йилда полковник бўлсанг, бунда Тотлебени икки йилда полковникликдан генералликка кўтаришибди. Ҳалок бўлиб кетсанг, нима ҳам қилардинг!

— Уҳу, сени қара-ю,— деди акаси жилмайиб.

— Энг муҳими, биласанми нимада, ака,— деди укаси, жилмайиб ва бирор жуда уятли нарсани айтмоқчи бўлгандай қип-қизариб,— булар-ку, аҳамиятсиз нарсалар-а; муҳими шундаки, бу ерда кўплар ватан учун жонини фидо қилиб турган бир пайтда Петербургда яшагча номус қиласан киши. Ундан ташқари, сен билан бирга бўлгим ҳам келди,— деб қўшиб қўйди у аввалгидан ҳам ийманиб.

— Жуда қизиқсан-а!— деди акаси, папиросдонини оларкан укасидан кўзини узмай.— Афсуски, бирга бўлмаймиз-да.

— Менга қара, ростингни айт, бастион қўрқинчлими?— деб сўраб қолди тўсатдан укаси.

— Аввал қўрқасан, кейин ўрганиб кетасан, борганингда ўзинг кўрасан.

— Яна шунини ҳам айтсанг: Севастополни олишарми-кан? Бунга нима дейсан? Мен сира ҳам олишолмайди деб ўйлайман.

— Худо билади.

— Шуниси алам қиладики, ишонасанми-йўқми: йўлда бир тугунимизни ўғирлатдик. Ичида менинг киверим¹ бор эди. Энди бир алфозда қандай қилиб боришимга ҳайронман. Биласанми, бизда ҳозир янги кивер чиққан, хуллас, янгилик кўп; яхши томонга ўзгариш катта. Ҳам-

¹ Кивер — баъзи ҳарбий қисмларда кийиладиган баланд бош кийими.

масини гапириб бераман... Москвада бормаган жойим қолмади...

Кичик Козельцов Владимир акаси Михаилга жуда ўхшарди. Лекин янги очилаётган ғунча гулини тўккан наъматакка қанчалик ўхшаса, уларнинг ўхшашлиги ана шу қабилда эди. Владимирнинг ҳам сочи худди акасиники сингари сариқ, лекин қалин ва чаккалари қўнғироқ эди. Оппоқ, нозик бўйнида сариқ сочи, энагаларнинг айтишича, бахт аломати бор эди. Нозик оппоқ юзи қизариб турмас, балки унинг бутун руҳий ҳолатини намоян қилиб гоҳ ёниб, гоҳ сўниб турарди. Худди акасиникига ўхшаган кўзлари каттароқ ва тез-тез намланиб тургани учун ҳам порларди. Ёноқларида ва қизил лаблари устида малла мўй кўринарди. Тортинчоқлик билан тез-тез жилмайганда оппоқ садафдек тишлари ярқираб кетарди. Қадди-басти келишган, яғрини кенг, тугмалари солилмаган шинели тагидан қийиқ ёқали қизил кўйлаги кўришиб турган, қўлида папирос ушлаган бу йигитча зинапоянинг қанотиға суянганича акасидан кўз узмай турарди. Бу ёқимтой ва келишган боланинг юзи ва ҳаракатларида қувонч ифодаси барқ урар, у акасини учратганига беҳад хурсанд эди. Акасини қаҳрамон деб ҳисоблагани учун ҳурмат қилар ва фахрланарди; лекин баъзи масалаларда, французча гапириш, эътиборли одамлар ичида ўзини тутта билиш, танца қилиш ва ҳоказоларга келганда, ростини айтганда, бундай илм унинг ўзида ҳам йўқ эди, умуман, юқори табақалардагиларга хос илм мулоҳазасига келганда, акаси учун бир оз уялар, юқоридан туриб қарар, агар иложи бўлса ўргатмоқчи ҳам бўларди. У ҳамон Петербург таассуротида, келишган йигитларни яхши кўрадиган ва байрам кунлари чақириб турадиган хонимнинг ҳамда бир вақт Москвадаги сенатор уйидаги катта балда танца қиларкан, балдан олган таассуроти таъсирини остида эди.

7

Деярли тўйиб гаплашгач, бир-бирингни севганинг билан кўпинча бўладигандек орада ҳеч қандай умумлик йўқлигини ҳис қилишгача бориб етгач, оғанини анчагача жим бўлиб қолишди.

— Нарсаларингни йиғиштир энди, бирга кетамиз,— деди акаси.

Укаси тўсатдан қизариб кетди, дудуғланиб қолди.

— Тўппа-тўғри Севастополгами?— деб сўради у, бир дақиқа сукутдан сўнг.

— Ҳа, юкинг оздир, жой топамиз, деб ўйлайман.

— Жуда яхши, жўнаймиз,— деди укаси хўрсиниб, сўнг ичкари кириб кетди.

Лекин даҳлизда эшикни очмасданоқ, бошини қуйи эгганича хомуш ўйлаб қолди.

«Тўппа-тўғри Севастополга, ўша жаҳаннамга жўнаш — даҳшат-ку! Лекин барибир бир кун эмас, бир кун ахир борамиз-ку, ўша жойга. Ҳозир бўлса, ҳар ҳолда акам ёнимда бўлади...»

Гап шундаки, ҳозир аравага ўтиргач, тўғри Севастополга етиб боришини, энди ҳеч қандай тасодиф уни йўлда тутиб қолмаслигини ўйлаганда, ўша ўйлаб юрган хавф-хатарлар кўз олдида аниқ намоён бўлди, унинг яқинлиги ҳақидаги фикр юрагига гулгула солди. Ўзини бир оз босиб олиб хонага кирди; лекин орадан чорак соат ўтса ҳамки, чиқавермагач, акаси уни чақириш учун эшикни очди. Кичик Козельцов пилик офицер ёнида гуноҳкор ўқувчи вазиятида туриб, нима тўғридадир гапирарди. Акаси эшикни очганда, у ўзини бутунлай йўқотиб қўйди.

— Ҳозир, ҳозир чиқаман!— деди у, акасига қўлини силкиб.— Ўша ерда бир оз кутиб тур.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас у ҳақиқатан чиқиб келди ва чуқур хўрсиниб, акасига яқинлашди.

— Сен билан кетолмайдиган бўлиб қолдим, ака,— деди у.

— Нега? Шу ҳам гап бўлди-ю!

— Ростини айтсам, ҳеч қайсиимизда пул йўқ. Ҳаммамиз П. дан келаётган анави штабс-капитандан қарздоримиз. Жуда уятли бўлдики!

Акаси қовоғини солди ва анчагача индамай турди.

Кейин укасига ер тагидан қараб:

— Кўп қарзмисан?— деб сўради у.

— Кўп... йўқ, унча кўп эмас; лекин жуда уятли бўлдим. Уч станцияда нуқул мен учун чиқимдор бўлди, ҳар гал унинг қантини едик... билмадим энди... ундан ташқари преферанс ўйнадик... ундан озгина қарздор бўлиб қолгандим.

— Яхши эмас, Володя! Мен учраб қолмасам нима

қилардинг?— деди акаси қатъийлик билан, укасига қарамасдан.

— Севастополда йўл пулини оламану дарров тўлайман деб ўйлаган эдим, ака. Ахир шундай қилсам бўлади-ку; яхшиси эртага у билан бирга кета қоламан.

Акаси ёнидан ҳамёнини олди ва титраётган бармоқлари билан иккита ўн сўмлик ва битта уч сўмлик қоғоз пул чиқарди.

— Бор-йўқ пулим шу,— деди у.— Қанча қарзсан?

Козельцов пулимнинг бор-йўғи шу деб ёлғон гапирган эди: у ҳар эҳтимолга қарши тўртта тиллани энгининг қайтармасига чатиб қўйган эди-ю, лекин унга тегмасликка аҳд қилганди.

Кенжа Козельцов қанд ва преферансга ютқизгани бўлиб П. лик офицерга саккиз сўм қарздор экан. Акаси унга шу пулни берди-ю, лекин бундай қилиш ярамаслигини, пул йўғида преферанс ўйнаш ортиқчалигини айтди.

— Нимадан ўйнадинг?

Укаси жавоб бермади. Акаси бу саволни унинг тўғрилигидан шубҳаланиб бергандек туюлди. Севган акаси шундай шубҳа билан қарашига ва таҳқирланишга олиб келган бу қилигидан изза тортди, у йигитчага шундай оғир таъсир қилдики, ўпкаси тўлиб келаётганини ҳис қилди ва овозда йиғи оҳанги эшитилишидан қўрқиб, жавоб бермади. У қарамасдан пулни олди-да, ўртоқлари олдига кириб кетди.

8

Дуванкада, кўприк устида ароқ сотаётган солдатдан икки стакан ароқ олиб ичган Николаев от жилловини тортиб ўтиради, арава Бельбек ёнидан Севастополга қараб чўзилган тош йўлда дукур-дукур ирғишлаб боради, оёғи оёғига тегиб турган оғанини, ҳар дақиқа бир-бирини ўйлашаётган бўлса-да, индамай ўтиришади.

«Нега мени ҳақорат қилди,— деб ўйларди кичиги,— шуни айтмаса бўлмасмиди? Худди мени ўғри деб ўйлаётгандек. Ҳозир ҳам аччиқланган кўринади, энди орамиз бутунлай бузилди-қўйди. Севастополда икковимизга қандай яхши бўларди-я. Бир-бири билан иноқ оғанини, иккови душманга қарши урушади: бири кексайиб қолган, унча ўқимишли бўлмаса ҳам ботир жангчи, иккин-

чиси ёш, лекин у ҳам бўш келмайди... Бир ҳафтадан кейин мен ҳам у қадар ёш эмаслигимни кўрсатиб қўярдим! Қизарадиган одатим ҳам йўқолади, юзимда мардлик ифодаси пайдо бўлади, унганча мўйловим ҳам ўсиб чиқади,— у лаблари тепасидаги мўйни чимдиб қўйди.— Балким бугун етиб борамизу, шу замоноқ акам икковимиз ишга тушиб кетармиз. Акам ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ботир бўлса керак — бунақа одам кўп гапирмайди-ю, лекин ишини билиб қилади. У мени араванинг четига қисяпти,— деб ўйларди у,— атайлаб қиялпими бунни, ҳайронман. У менинг ўнғайсизланиб ўтирганимни ссзаётгандиру, лекин ўзини билмаганликка соляпти. Мана, бугун етиб борамиз,— деб мулоҳаза юргизарди у, ўнғайсиз ўтирганини акасига сездирмаслик учун қимирлашга ҳам қўрқиб, арава чеккасига баттар қисилиб,— бирдан тўғри бастиянга жўнатишса-я: мен замбараклар олдида бўламан, акам рота билан боради — бирга жанг-ла кирамиз. Бирдан французлар ҳужум қилиб қолади. Мен отавераман, отавераман: жуда кўпини қириб ташлайман; лекин улар барибир тўппа-тўғри ёпирилиб келишаверади. Отишининг ҳам иложи қолмайди, нажот кўринмайди: шу пайт бирдан қилич яланғочлаб акам келиб қолади, мен ҳам қўлимга милтиқ оламану солдатлар билан биргаллашиб югуриб кетаман. Французлар акамга ташланишади. Мен ёнига югуриб бораман, бир французни ўлдираман, иккинчисини ўлдираман ва акамни қутқазаман. Бир қўлимни ярадор қилишади, мен милтиқни иккинчи қўлимга олиб, қувиб кетавераман; бирдан акамга ўқ тегиб, ёнимда ҳалок бўлади. Мен бир дақиқа тўхтаб, унга маънос боқаман, ирғиб тураман-у: «Менинг орқамдан, қасосга!— деб қичқираман.— Акамни дунёда ҳамма нарсадан ҳам ортиқ кўрардим,— дейман,— энди ундан жудо бўлдим. Душмандан ўч оламиз, уни яксон қиламиз ёки ҳаммамиз қурбон бўламиз!» Ҳамма қичқиради, орқамдан эргашади. Шу пайт французларнинг бутун қўшини бизга қарши чиқади,— уларнинг бошида Пелисьенинги ўзи. Биз уларни қириб ташлаймиз; лекин ниҳоят мени яна ва яна ярадор қилишади, оғир ярадор бўлиб йиқиламан. Шунда ҳамма ёнимга югуриб келади, Горчаковнинг ўзи ҳам келади-да, нима исташимни сўрайди. Мен унга ҳеч нарса истамаслигимни, фақат акамнинг ёнига қўйишларини, у билан ёнма-ён ўлишни хоҳлашимни айтаман. Мени акамнинг қонга беланган жасади

ёнига қўйишади. Мен бошимни кўтариб: «Ватанни жонидан ҳам афзал кўрган икки кишининг қадрига етмадинглар; энди иккови ҳам ҳалок бўлди... худо ярлақасин сизларни!»— дейману, жон бераман».

Бу ҳаёллар қай даражада рўёбга чиқишини ким билади дейсиз!

Володя акасига гапирмасликка аҳд қилганини унутиб:

— Сира қўл жангига кирганмисан?— деб сўради акасидан.

— Йўқ, сира,— деб жавоб беради акаси,— полкимизда икки минг киши нобуд бўлди, ҳаммаси ишда; мен ҳам ишда ярадор бўлдим. Уруш сира ҳам сен ўйлагандек олиб борилмайди, Володя!

«Володя» сўзи укага қаттиқ таъсир қилди: у Володяни таҳқирладим, деб хаёлига ҳам келтирмаган акаси билан очиқчасига гаплашиб олмоқчи бўлди.

— Мендан хафамасмисан, Миша?— деди у бир оз жимликдан сўнг.

— Нега хафа бўлай?

— Шундай ўзим. Бояги ишларга-да. Хайр, майли.

— Йўқ, сира,— деб жавоб берди акаси, унга ўгирилиб ва укасининг оёғига шапатилаб уриб қўйди.

— Агар сени хафа қилиб қўйган бўлсам, кечир мени, Миша.

Укаси жиқ тўла кўз ёшларини яшириш учун юзини ўгириб олди.

9

Улар тепаликка кўтарилиб, рўпараларида кема мачталари кўриниб турган бухта, узоқда душман флоти кўзга чалинаётган денгиз, оппоқ қирғоқ батареялари, казармалар, водопроводлар, доклар ва шаҳар иморатлари, шаҳарни қуршаган ва зангори осмонгача бўй чўзган сарғиш тоғ тепасига кўтарилаётган оқ ва кўкиш тутун ҳамда уфққа ботаётган қуёшнинг пушти нурлари акс этган денгиз кўринганда, укаси:

— Наҳотки Севастополга етиб келган бўлсак?— деб сўради.

Володя жуда кўп ўйлаган ана шу даҳшатли жойни кўрганда ҳатто сесканмади ҳам; аксинча, ярим соатдан

кейин ўзи ҳам ўша ерда бўлишини ўйлар экан, қаҳрамонлик ҳисларига тўлган ҳолда зўр ҳузур ила ана шу ҳақиқатан ҳам ажойиб бир манзарани томоша қила бошлади. У то Шимолга, полк ва батареянинг қаерда жойлашганлигини аниқ билиб олишадиган жойга, акасининг полки карвони турган ерга етиб боргунларича бу манзарадан кўз узмади.

Карвонга бошчилик қилаётган офицер янги шаҳарча деб аталган жойга, матрос оилалари томонидан қурилган тахта баракларга яқин ерда, ҳали яхши қурилмаган эман дарахти новдаларидан тўқилган каттагина чайла билан туташган палаткада яшарди.

Оғани кириб боришганда, офицер ичига папирос кули тушган бир стаканга совуқ чой, ароқ, қуруқ икра ва нон ушоқлари сочилиб ётган патнис турган тахланадиган стол ёнида, сарғиш кир кўйлақда каттакон чўт қоқиб, бир тўп пулни санаб ўтирган эди. Лекин офицер ва унинг муомаласи ҳақида гапиришдан аввал унинг чайласини яхшилаб бир кўздан кечириш, бир оз бўлсада унинг ҳаёт кечириш тарзи ва ҳунарини билиб олиш керак. Ажриқдан тўқилган столчалар ва скамейкалар қўйилган янги чайла генерал ёки полк командирларига мослаб катта қилиб, пишиқ-пухта тўқилгандек эди; деворлари ва шифтига барг тўкилмаслиги учун, хунуқкина бўлса ҳам, лекин янги ва кўринишидан қимматбаҳо гиламлар қоқилган эди. Чавандоз хотин тасвир этилган гилам тагидаги темир каравотда қизил духоба кўрпа, йиртиқ чарм ёстиқ ва ёнут пўстин ётарди; столда кумуш ромли кўзгу, кир босган кумуш чўтка, ёғ босган ва соч ўралашиб ётган синиқ суяк тароқ, кумуш шамдон, каттакон зарҳал ёрлиқ ёпиштирилган ликер шишаси, Петр I тасвир этилган олтин соат, икки олтин узук, аллақандай пистонлар солинган қути, ноннинг чети ва эски карталар сочилиб ётар, каравот остида эса портер виноси ва бўш шишалар кўринарди. Бу офицер полк карвонбошига бош эди, отларнинг ем-хашагидан хабардор бўлиб турарди. Аллақандай савдо-сотик ишлари билан шуғулланувчи даллол ошнаси у билан бирга турарди. Оғани палаткага кирганда, у ухлаб ётарди; карвонбоши офицер эса ой охирлаб қолгани учун подшолик пулларини ҳисобкитоб қилмоқда эди. Карвонбоши офицернинг ташқи кўриниши жуда чиройли ва жанговар эди: бўйи баланд, мўйлови узун, семиз. Тер босиб кетган юзи, кичик кул-

ранг кўзларини қисиб юборар даражада салқиб тушгани ва ўтакетган даражада ифослиги — ёғ босган сийрак сочларидан тортиб қандайдир оқ сичқон терисидан тикилган туфли илиб олган катта яланг оёқларигача беўхшов, ёқимсиз эди.

— Вой-бўй, пулнинг кўплигини!— деди катта Қозельцов, чайлага кира туриб. У даста-даста бўлиб турган пулга беихтиёр очкўзлик билан тикилиб қолган эди, қани энди ярмини қарзга бериб турсангиз, Василий Михайлич.

Карвон бошлиғи меҳмонни кўриб, худди ўғирлик устида қўлга тушгандек ранжиди ва пулни йиғиштира туриб, ўрнидан турмасдан саломлашди.

— Оҳ, қани энди ўзимники бўлса... Подшоликники, тақсирим! Ёнингиздаги ким?— деди у, пулни ёнида турган қутичага яшираркан, Володяга тик қараб.

— Укам, корпусдан келяпти. Полкнинг қаердалигини билиш учун кирган эдик.

— Ўтиринглар, жаноблар,— деди у ўрнидан туриб ва меҳмонларга парво қилмай палаткага кириб кета туриб,— озгина ичасизларми? Портердан қуйиб берайми?— деди у ичкаридан.

— Ёмон бўлмас эди, Василий Михайлич!

Карвон бошлиғининг савлати, илтифотсизлиги ва акасининг унга ҳурмат билан қараши Володяни ҳайрон қолдирди.

«Ҳамма иззат-ҳурмат қиладиган энг яхши офицерлардан бўлса керак; ўзи ҳам соддадил, ботир ва меҳмондўстга ўхшайди»,— деб ўйлади у, тортинибгина диванга ўтираётди.

— Полкимиз қаерда ҳозир?— деб сўради акаси, бу ёқдан.

— Нима?

У саволни такрорлади.

— Бугун Зейфер келган эди; айтишига қараганда, кеча бешинчи бастионга ўтишибди.

— Ростданми?

— Мен айтганимдан кейин рост бўлади-да; яна ким билади дейсиз! У ёлғон гапиришдан ҳам тоймайди. Нима дейсизлар, портер ичасизларми?— деди карвон бошлиғи палаткадан туриб.

— Ичсак, ича қолайлик,— деди Қозельцов.

— Сиз ҳам ичасизми, Осип Игнатъич?— деб давом

этди палаткадан, у ухлаб ётган комиссионерга мурожаат қилаётган эди.— Ҳадеб ухлайвераркан-да, одам, соат саккиз бўлай деб қолди.

— Э, қўйсангиз-чи! Ухлаётганим йўқ,— деб жавоб берди комиссионер эринибгина ингичка овоз билан, у, л ва р ҳарфларини чучук қилиб талаффуз этаркан.

— Туринг, туринг, сизсиз зеркиб қоляпман.

Карвонбоши меҳмонлар ёнига чиқди.

— Портердан келтир. Симферополникдан!— деб қичқирди у.

Володянинг назарида, мағрур бўлиб кўринган деншик чайлага кириб келди, офицерни туртиб юбориб каравот тагидан портерни олди.

— Шундай, тақсир,— деди карвонбоши, стаканларга вино қуяётиб,— ҳозир полк командиримиз янги. Ҳар хил нарсалар сотиб оляпти, пул керак.

— Буниси жуда бошқача бўлса керак, янги авлод,— деди Козельцов, одоб билан стаканни қўлига олиб.

— Ҳа, янги авлод! Хасисликда аввалгидан қолишмайдиган бўлади. Батальонга командирлик қилганда шундай бақирардики, энди бошқача тили чиқиб қолди. Иложи йўқ, тақсирим.

— Тўғри айтасиз.

Уқаси уларнинг гапидан ҳеч нарса тушунмади, лекин назарида ақаси кўнглидаги гапни айтмаётганидек, ана шу офицернинг портерини ичаётгани учунгина шундай деяётандек туюлди.

Чодирнинг пардалари очилиб, попукли кўк шоҳи халат, қизил гардишли ва кокардали¹ фуражка кийган ўрта бўйли, норғил киши чиқиб келганда, шишадаги портер ичилиб бўлиб, суҳбат бояги вазиятда анчадан буён давом этаётган эди. У қора мўйловини силай-силаи, гиламнинг қаеригадир тикилганича чиқиб келди, офицерларнинг саломига елкасининг сезилар-сезилмас ҳаракати билан жавоб қилди.

— Қани, бер-чи, мен ҳам бир стакан ичай!— деди у, стол ёнига ўтираётиб.— Петербургдан келяпсизми, яхши йигит?— деди у, Володяга очиқ юз билан мурожаат қилиб.

— Шундай, Севастополга боряпман.

— Ўз ихтиёрингиз билан-а?

— Шундай.

— Жаноблар, нимага бунга орзиқасизлар, ҳайронман!— деди гапни давом этдириб комиссионер.

— Агар Петербургга юборсалар, пиёда кетишга ҳам рози эдим. Бу ит ётиш, мирза туриш, худо ҳаққи, жонга тегди!

— Бу ернинг сизга нимаси ёмон?— деди катта Козельцов унга юзланиб.— Ҳузур, ҳузур сизники-ку, бу ерда!

Комиссионер унга қараб қўйди ва юзини чапга ўгирди.

— Бу хавф-хатар («Шимол томонда ўтириб қанақа хавф-хатарни гапиради-я?»— деб ўйлади Козельцов), муҳтожлик, ҳеч нарса топиб бўлмайди,— деб давом этди комиссионер, ҳамон Володяга қараб.— Нимага бунча орзиқасизлар, шунга жуда ҳайронман, жаноблар! Бирор фойда бўлса ҳам майли эди. Сизнинг ёшингизда умрбод майиб бўлиб қолишнинг нимаси яхши?

— Биров даромад қидирса, бошқа биров шараф учун жанг қилади!— деб жаҳл билан сўзга аралашди катта Козельцов.

Комиссионер карвон бошига юзланиб:

— Ейишга нон топилмайди-ю, шон-шарафларга бало борми!— деган эди нафратомуз кулиб, у ҳам кулиб юборди.— «Лучия»дан чал-чи; бир эшитайлик,— деди комиссионер, музикали қутини кўрсатиб,— жуда яхши кўраман...

Қоронғи тушгач, чайладан чиқиб Севастополга йўл олганларида Володя ақасидан:

— Ҳалиги Василий Михайлич қанақа ўзи, яхши одамми?— деб сўради.

— Ёмон эмас, фақат ўлгудек хасис, қўяверасан! Ойига кам деганда уч юз сўм туширади-ю, чўққадан баттар ифлос яшайди, ўзинг кўрдинг-ку. Бояги комиссионерни бўлса, кўргани кўзим йўқ, бир кун эмас бир кун тутиб олиб, бир дўппослашим турган гап. Бу фирибгар Туркиядан ўн икки мингга топиб келди...— Козельцов балохўрлик ҳақида гапира кетди, (ростини айтганда) балохўрлик — ёмон бўлгани учун эмас, балки ундан фойда кўрадиган одамларнинг борлиги алам қилаётгани учун қоралаётган киши сингари аччиқ билан гапирарди.

¹ Кокарда — расмий фуражкага қадаладиган нишон.

Кечаси бухта устига солинган катта кўприкка етиб келишганда, Володянинг кайфи бузуқлигидан ташқари негадир юраги гаш ҳам эди. Бутун кўрган-кечирганлари, эшитганлари яқиндагина бошидан кечган хотиротлардан жуда йироқда қолганди: паркет ётқизилган каттакон, ёруғ имтиҳон залидаги ўртоқларининг хушчақчақ меҳрибон товушлари ва кулгилари, янги мундир, етти йилдан буён кўравериб ўрганиб қолгани, улар билан йиглаб хайрлашаётиб, болаларим, деб атаган севиқли подшоҳ — бутун кўрганлари унинг ажойиб, қувончли ва олижаноб хаёлларига сира ўхшамас эди.

— Ана, етиб ҳам келдик!— деди акаси улар Михайловская батареясига етиб келиб, аравадан тушганларидан кейин.— Агар кўприкдан ўтказиб юборишса, тўғри Николаевская казармасига борамиз. Сен эрталабгача ўша ерда қолсан, мен эса полкка бориб, батареянинг қаерга жойлашганини билиб келаман-да, эртага келиб сени олиб кетаман.

— Нима кераги бор? Яхшиси бирга борамиз,— деди Володя.— Мен ҳам бастионга бораман. Энди барибиз эмасми: кўникиш керак. Сен борадиган бўлсанг, мен ҳам боравераман.

— Бормаганинг маъқул.

— Йўқ, ҳар ҳолда кўриб келаман, унда...

— Бормай қўя қолганинг маслаҳат, балки...

Осмон тиниқ ва қоронғи эди; юлдузларнинг, бетўхтои визиллаб учаётган бомба ва ўқларнинг ёруғи тун қоронғисини ёритарди. Батареянинг катта оқ биноси ва кўприкнинг боши қоронғиликдан чиқиб турарди. Ҳар секунд да бир неча бор тўп отилар, бомба тортлар, гоҳ бирин кетин, гоҳ баравар гулдираб ҳавони ларзага соларди. Шў гулдурос орасида, гўё унга жўр бўлаётгандек бухтанинг шовуллаши эшитиларди. Оға-ини кўприкка яқинлашдилар. Аллақандай лашкар милтигини ўнғайсизлик билан шарақлатиб қўйди-да:

— Ким у?— деб қичқирди.

— Солдат!

— Ўтказишга рухсат йўқ!

— Қўй-е, унақа дема! Ўтиб кетишимиз керак.

— Офицердан сўранглар.

Лангар устида мудраб ўтирган офицер ўрнидан қўзғалди-да, ўтказиб юборишни буюрди.

— У ёққа ўтиш мумкин, бу ёққа қайтиш мумкин эмас. Нега ҳамманг баравар тиқиласан!— деб қичқирди у, кўприкка кираверишда тўдалашиб турган, баланд қилиб тур ортган, полк араваларига қараб.

— Оға-ини биринчи понтонга¹ тушиб кетаётиб, ўша томонда қаттиқ-қаттиқ гаплашиб келаётган солдатларга дуч келишди.

— Йўл жабдугини олдим, тамом, ора очиқ деявер — шундай...

— Эҳ, оғайнилар!— деди бошқа бири.— Утнинг дегунча, худо ҳаққи, ёруғ дунё ҳам кўрина қолади! Ҳаво ҳам бутунлай бошқача.

— Гапира-гапир!— деди биринчиси.— Боя лаънати-нинг биттаси ўша ёққача учиб келди, иккита матроснинг оёғини учириб кетди, яхшиси оғзингни очмай қўя қол.

Оға-ини арава кутиб, биринчи понтондан ўтиб кетишди ва ҳар ер-ҳар ериги сув босган иккинчи понтон ёнида тўхташди. Далада кучсиз бўлиб туюлган шамол бу ерда анчагина зўр ва шиддатли эди; кўприк чайқалар, тўлқинлар шовқин билан келиб ёғочларга, лангар ва арқонларга урилиб, тахталарга сув сачратарди. Ўнг томонда, юлдузлар чарақлаб ётган оч кулранг уфқдан чексиз текис қора чизиқ билан ажралиб турган денгиз ғанимларча шовқин солар ва қорайиб кўринарди; узоқда душман флотиди чироқлар кўринарди. Чапда бизнинг бир тўда кемаларимиз қорайиб турар, тўлқинларнинг кема бортларига келиб урилгани эшитиларди. Шимол томондан тез ва шовқин солиб келаётган пароход кўзга чалинарди. Пароход ёнида портлаган бомбанинг ёруғи палубага баланд қилиб уйилган турларни, унинг тепасида турган икки одамни, оқ кўпикни ва пароход кесиб ўтаётган кўкимтир тўлқинларни ёритди. Эгнига кўйлак кийган бир матрос оёғини сувга осилтириб, кўприк четида болта билан алланарсани чопиб ўтирарди. Олдинда, Севастополь устида ҳамон ўша хилдаги оловлар учиб ўтар, даҳшатли товушлар борган сайин қаттиқроқ гумбурларди. Денгиздан отилиб келган тўлқин кўприкнинг ўнг томонига келиб ёйилди-да, Володянинг оёғини ҳўл қилди; икки солдат сувни шапиллатиб унинг ёнидан

¹ Понтон — сузувчи кўприк.

ўтиб кетди. Тўсатдан аллаёнарсга шатирлаб кўприкни, кўприкдан ўтиб келаётган аравани ва отлични ёритди-ю, парчалари сувга тушди ва ҳуштак чалгандек чийиллаб сув томчиларини атрофга сочди.

— Сизмисиз, Михаил Семёнич!— деди отлик отини катта Козельцов ёнида тўхтатиб.— Соғайиб кетдингизми?

— Тузукман. Қаёққа кетяпсиз?

— Шимол томонга, ўқ-дори келтиргани кетяпман; ҳозир полкка адъютантлик қилинман... соат сайин штурм бўлишини кутяпмиз-у, сумкамизда бештадан ҳам ўқ топилмайди. Ажойиб фармойишлар!

— Марцов қани?

— Кеча оёғини учириб кетди... шаҳарда, уйда ухлаб ётган эди... Ҳозир яра боғлаш пунктида, ҳали кўриб қолсангиз ҳам ажаб эмас.

— Полк бешинчида-а, шундайми?

— Ҳа, М... ларнинг ўрнини эгаллашган. Яра боғлаш пунктига киринг: бизникилар бор — кузатиб қўйишади.

— Морскаядаги квартирам қалай, бутунми?

— Э, тақсирим, бомба тушиб портлаб кетганига анча бўлди. Энди Севастополни танимайсиз ҳам; аёл зоти қолгани йўқ, на қовоқхона, на музыка бор; кеча охиргиси кўчиб кетди. Энди жуда ҳувиллаб қолди... Хайр!

Офицер отини йўрттириб, ўз йўлига кетди.

Володяни тўсатдан ваҳима босди: назарида ядро ёки бомба парчаси учиб келиб, тўппа-тўғри бошига тегадигандек туюларди. Бу зах қоронғилик, ана шу товушлар, айниқса тўлқинларнинг шовуллаши унга, нарига ўтма, у ёқда ҳеч қандай яхшилиқ кутмайди сени, оёғинг бухтанинг бу томонидаги рус ерини энди сира босмайди, яхшиси ана шу даҳшатли ажалхонадан узоқроққа кет деётгандек бўларди. «Балки ҳозироқ вақт ўтгандир, аллақачон масала ҳал бўлгандир»,— деб ўйлади у, қисман шу фикрдан, қисман этигидан силқиб оёғигача ўтган сувнинг совуғидан сесканиб.

Володя чуқур ҳўрсинди ва акасида сал чеккароққа бориб турди.

— Э, худо! наҳотки ўлиб кетсам, худди мен ўлсам-а? Худоё худовандо, ўзинг асра!— деди у шивирлаб ва чўқиниб олди.

— Юр, энди Володя,— деди акаси арава кўприкка ўтгач.— Бомбани кўрдингми?

Оға-ини кўприкда ярадорлар тушган, четан ортилган араваларга дуч келишди, аллақандай хотин мебель ортилган араванинг олдида ўтириб боради. Кўприкнинг нариги бошида уларни ҳеч ким тўхтатмади.

Оға-ини ихтиёрсиз суратда Николаев батареясининг деворларини ушлаб, бошлари устида портлаётган бомба овозига ва тепадан тушаётган бомба парчаларининг гувиллашига қулоқ солиб, индамай батареянинг санам ўрнатилган жойига етиб боришди. Шу ерга келганда, Володя тайинланган бешинчи енгил батарея Қорабельнаяда тўхтаганидан хабар топишди-да, хавф-хатарга ҳам қарамай Володя акаси билан 5-бастионга бориб тунайди, у ердан эрталаб батареяга чиқиб кетади деган қарорга келишди.

Йўлакка бурилиб, батарея девори тагида қаторлашиб ухлаб ётган солдатларнинг оёғи устидан ҳатлаб ўтиб, улар ниҳоят яра боғлаш пунктига етиб бордилар.

11

Қатор қилиб қўйилган койкаларда ярадорлар ётган ва госпиталга хос ёқимсиз ҳид сингиб кетган биринчи хонага кирганларида, рўпараларидан икки шафқат ҳамшираси чиқиб қолди.

Эллиқ ёшлар чамасидаги, бинт ва латта-путта қўтариб келаётган қора кўз, жиддий аёл орқасидан келаётган фельдшер болага буйруқ берарди; иккинчиси оқ чепчик тагидан кўриниб турган юзи ёқимтойгина, ёши йигирмаларга борган рангпар қиз қўлини фартугининг чўнтагига тикиб, каттасининг ёнида ерга қараб, худди ундан қолиб кетишдан кўрқаётгандек келарди.

Козельцов улардан кеча оёғини бомба учириб кетган Марцовнинг қаердалигини билиш-билмасликларини сўради.

— П. полкидан шекилли?— деб сўради каттаси.— Қариндошингизми?

— Йўқ, ўртоғим.

— Ҳм! Кўрсатиб қўйинг,— деди у, француз тилида ёш ҳамширага,— мана бу ёққа,— деди-ю, ўзи фельдшер билан ярадор ёнига кетди.

— Юрсанг-чи, нега анқайиб турибсан!— деди Козельцов қошини чимириб аллақандай аламзада қиёфада

207

ярадорларга тикилиб, кўз узолмай турган Володяга.— Юр.

Володя акасининг кетидан эргашди, лекин ҳамон ўгирилиб қарар ва беихтиёр:

— Э худойим-ей! Э худойим-ей!— деб такрорларди.

— Яқинда келганга ўхшайдилар-а?— деб сўради ҳамшира Козельцовдан, ҳамон ҳайрон бўлиб, хўрсиниб улар кетидан келаётган Володяни кўрсатиб.

— Ҳозир келиб турибди.

Хушрўйгина ҳамшира Володяга қаради-ю, бирдан йиғлаб юборди.

— Эй худойим-ей, худойим-ей, қачон тамом бўлар экан-а, булар!— деди у куюниб.

Улар офицерлар палатасига киришди. Марцов томирлари ўйнаб чиққан энги билагигача шимариб қўйилган қўлини бошининг тагига қўйиб чалқанча тушиб ётарди. Унинг саргайиб кетган юзига қараб, оғриқдан қичқириб юбормаслик учун тишини-тишига қўйиб ётганини кўриш мумкин эди. Пайпоқ кийгазилган бутун оёғи кўрпа тагидан чиқиб турар, оёқ бармоқларини жон аччиғида қимирлатарди.

— Ҳўш, аҳволингиз қалай?— деб сўради ҳамшира, ингичка ва нозик бармоқлари билан ярадорнинг сийрак соч бошини бир оз кўтариб ёстиғини тuzатаркан. Володя унинг бармоқларидан бирнга олтин узук тақилганини кўрди.— Ана, сизни кўргани ўртоқларингиз келишди.

— Оғрияпти албатта,— деди у жаҳл билан.— Мени ўз ҳолимга қўйинг, дурустман,— пайпоқ ичидаги бармоқлари яна тезроқ қимирлаб кетди.— Салом! Кечирасиз исмингиз нима,— деди у, Козельцовга юзланиб.— Ҳа-я, кечирасиз, бу ерда ҳамма нарсани ҳам унутаркансан,— деди у, Козельцов фамилиясини айтгач.— Сиз билан бирга турган эдик-а,— деб қўшиб қўйди сира севинмасдан у ва Володяга савол назари билан қаради.

— Менинг укам бугун Петербургдан келди.

— Ҳм! Мана, мен бўлсам, *тўла-тўқис* хизмат қилиб бўлдим,— деди у, юзини буриштириб.— Вой, вой, оғриб кетяпти!.. Ундан кўра тезроқ тинчиганим яхши эди.

У оёғини тортди ва алланарса деб ўкириб, юзини қўли билан бекитиб олди.

— Уни ўз ҳолига қўййлик,— деб шивирлади кўзига жиқ ёш тўлган ҳамшира,— аҳволи жуда оғир.

Оғанин Шимол томондаёқ 5-бастионга бирга бориш-

га қарор қилишган эди; лекин Николаев батареясидан чиқиб келаётиб, худди ўзларини бекорга хавф-хатарга дуч қилмасликка ва якка-якка кетишга олдиндан келишиб қўйгандай эдилар.

— Қандай топиб бораркансан, Володя,— деди каттаси,— ҳа-я, Николаев сени Қорабельнаяга кузатиб қўяди, мен ёлғиз кетаман, эртага олдинга бораман.

Ана шу охирги хайрлашув пайтида ака-ука бир-бирига бошқа ҳеч нарса демади.

12

Тўплар аввалгидек гумбурлар, лекин миқ этмай эргашиб бораётган Николаев билан Володя келаётган Екатеринбург кўчаси бўм-бўш ва тинч эди. Қоронғида кенг кўча, вайрон бўлган катта биноларнинг оқ деворлари ва тош йўлка кўринарди; аҳён-аҳёнда солдатлар ва офицерлар учрарди. Адмиралтействонинг ёнидан, чап томондан ўтиб кетаётиб у девор орқасида ёнаётган аллақандай ёруғ оловнинг нурида йўлка чеккасида кўк тирагич қўйиб ўтказилган акас кўчатларини, унинг чанг босган барглари кўрди. Ўзининг ва оғир нафас олиб орқасидан келаётган Николаевнинг оёқ товуши равшан эшитиларди. У ҳеч нарсани ўйламасди: хушрўй ҳамшира, Марцовнинг пайпоқ ичида қимирлаётган бармоқлари, қоронғилик, бомбалар ва турли одамларнинг қиёфаси тасавурида ғира-шира гавдаланарди. Хавф-хатар остида қолган бир пайтда қисматига парво қилувчи одамнинг йўқлигини, ўзининг яккалигини ҳис этиш таъсирида унинг ёш, таъсирчан юраги қисилди ва зирқиради. «Ўлдиришди, тоза қийналаман, азоб чекаман, йиғлайдиган одам ҳам тошлмайди!» Шунча вақтдан бери хаёл қилиб юрган, гайрат билан тўлган, қаҳрамонликлар билан безанган ҳаёт ўрнига тонгани шу бўлади энди. Бомбалар борган сайин яқинроқда визиллар ва портларди, Николаев кўпроқ хўрсинар ва овозини чиқармасди. Маллий Қорабельний кўпригидан ўтиб кетаётиб, у алланарсанинг нарироқдан визиллаб учиб кетганини, бухтага тушганини, бинафшаранг тўлқинларни қип-қизил қилиб ёритиб йўқолганини ва тўфон бўлиб кўтарилиб, томчиларни ҳар ёққа сочганини кўрди.

— Қара, қолиб кетмади-ку!— деди Николаев.

— Ҳа,— деб жавоб берди у, ўзи учун ҳам кутилмаганда ниғичка чийиллаган овоз билан.

Ҷраддорлар ётқизилган замбиллар, турлар ортилган полк аравалари яна учради; Қорабельнаяда аллақандай полк учради; ёнидан отликлар ўтиб туришарди. Бир марта казак билан офицер ўтди. У отини йўрттириб келадётган эди. Лекин Володяни кўриб, отини унинг ёнида бир оз тўхтатди-да, йигитчанинг юзига тикилиб қаради, тескари ўгирилди-да, отига қамчи уриб жўнаб кетди. «Якка-ёлғизман, дунёда борманми-йўқманми, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ»,— деб ўйлади даҳшат ичида бечора йигитча, унинг жуда ҳам йиғлагиси келиб кетди.

Қандайдир баланд оқ девор ёнидан тепага кўтарилгач, бомбалар тўхтовсиз ёритиб турган кичик-кичик уйлар қаторлашган кўчага чиқишди. Бир эшикдан бир матрос билан бошлашиб чиқиб келаётган маст-аласт хотин унга тўқниш кетди.

— Ор-номуси бор одам бўлгандаям майлиди,— деб гўлдиради у,— пардон, жаноб офицер.

Бечора йигитнинг юраги борган сайин сиқиларди; қора уфқда борган сайин кўпроқ чақмоқ чақилар, бомбалар борган сайин кўпроқ чийиллар ва тобора яқинроқда портларди. Николаев чуқур хўрсиниб қўйди ва Володянинг назарида, бирдан қандайдир мадорсизлик билан гапирга бошлади:

— Губернадан кетгунча тоза шошган эдилар. Кетамиз, кетамиз, деб қўймагандилар. Шошилганга арзийдиган жой бўлса ҳам гўрга эди! Ақлли одамлар сал-пал яраланди дегунча ошпиталдан чиқмай ётади. Шундан яхшиси борми.

— Акам соғайиб кетган-ку, энди,— деб жавоб қайтарди Володя, ўзини қамраб олган ҳисни ҳеч бўлмаганда гап билан ёзиш учун.

— Соғайган эмиш! Қаёқда соғаяди, ғирт касал-ку! Соппа-соғ одамлар ҳам, ундан кейин ҳамма ақли расолар бундай вақтда ошпиталда ётишади. У ерда нима роҳат кўради? Қўлини узиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас! Фалокат бўлиши қийин дейсизми! Бундан ортиб қаерга борарди! Тағни ҳам булар баксиоп эмас, шаҳарнинг ичи, шундаям даҳшатиини қаранг. Ҳар қадамда калима келтирасан. Қаранг лаънатини, қулоқ тагидан визиллаб ўтади-я!— деб қўшиб қўйди у, яқин гумбурлаган бомба парчасининг товушига қулоқ солиб.— Энди, келиб-келиб,—

деб давом этди Николаев,— сиз жанобларини кузатиб қўйишни буюрди. Бизнинг ишимиз маълум: буйруқни бажариш, вассалом, аммо лекин аравани аллақандай бир солдатга ташлаб келдик, тугун ҳам очиқ эди. Бор, бор, дейди-ю, лекин бирор нарса йўқолса, Николаев жавобгар.

Яна бир неча қадам юргач, майдонга чиқдилар. Николаев индамас ва хўрсинарди.

— Ана, артиллериянгиз турибди, жаноблари!— деди у тўсатдан.— Соқчидан сўрасангиз, кўрсатиб қўяди.— Володя бир неча қадам юргач, орқада Николаевнинг хўрсинган товуши эшитилмай қолди.

У тўсатдан ўзини бутунлай кимсасиз, ёлғиз ҳис қилди. Хавф-хатар, ўлим олдидаги бу ёлғизлик, унинг назарида жуда оғир эди, совуқ тошдек бўлиб юрагига ботарди. У майдон ўртасида тўхтади, биров кўрмаётганмикан, деб атрофга аланглаб қаради-да, бошини чангаллаганича даҳшат ичида: «Ё раббим, наҳотки мен номард бўлсам, қабиҳ, тубан, ярамас қўрқоқ бўлсам? Яқиндагина ватан учун, подшо учун жон беришгача тайёрман, деб хаёл қилиб юрган бўлсаму энди соф виждон билан ўлиб кетолмасам? Йўқ, мен бебахт, тубан махлуқман!»— деб гўлдиради ва шундай деб ўйлади.

Шундай қилиб, Володя ўзидан-ўзи умидсизланган ва ҳафсаласи пир бўлган бир аҳволда соқчи ёнига бориб, батарея командирининг уйи қаердалигини сўради ва ўша томонга кетди.

13

Соқчи кўрсатиб қўйган батальон командири туради-ган жой, ҳовлидан кириладиган икки қаватли уй эди. Қоғоз ёпиштириб қўйилган деразалардан бирида шамнинг хирагина нури кўриларди. Пиллапояда бир деншик трубка чекиб ўтирарди. У батарея командирига хабар бериш учун ичкари кириб кетди ва Володяни хонага бошлаб кирди. Хонада, икки дераза ўртасида, синган кўзгу тагида подшоликка хос қоғозлар уйилган стол, бир неча стул ва ёнига кичкинагина гиламча солинган, озодагина кўрпа-ёстиқ тўшалган темир каравот турарди.

Узун мўйловли, крест ва венгер медали тақилган шинель кийган, ханжар қистирган чиройли киши—

фельдфебель эшикнинг пақ ёнгинасида турарди. Юпқа эски шинель кийган, қирқ ёшлар чамасидаги, ўрта бўйли, юзи шинган штаб-офицери хона ўртасида у ёқдан-бу ёққа юрарди.

— Бешинчи батареяга командировка қилинган прапорщик кенжа Козельцов ҳузурингизга келдим,— деб ёдлаб олган гапларини такрорлади Володя, хонага кириб.

Батарея командири унинг саломига қуруққина жаноб берди, қўл олишиб сўрашиб ҳам ўтирмай, Володяни ўтиришга таклиф этди.

Володя ёзув столи ёнидаги стулга тортинибгина ўтирди ва қўлига тушиб қолган қайчини ўйнай бошлади, батарея командири бўлса ҳамон қўлини орқасига қилиб, бошини эгиб, ахён-ахёнда қайчи ўйнаётган йигитчанинг қўлига қараб-қараб қўйиб, алланарсани эшлашга уринаётган киши қиёфасида индамай, хонада у ёқдан-бу ёққа кезарди.

Батарея командири семизгина, тепакал, оғзининг атрофини бекитиб турган шоп мўйловли, катта ва ёқимли қўй кўз киши эди. Унинг қўллари чиройли, тоза ва дўмбоққина, оёғи эса келишган эди. У ишонч ва ҳатто бир оз олифтарчилик билан қадам ташлардики, бу батарея командири тортинчоқ одамлардан эмаслигини кўрсатарди.

— Хўп,— деди у, фельдфебелнинг рўпарасида тўхтаб,— артиллерия аравасини тортадиган отларга эртдан бошлаб бир гарнецдан¹ қўшиб берса бўлади, бўлмасам отлар жуда ориқлаб кетибди. Сен нима дейсан бунга?

— Қўшиб берса бўлади, жаноб олийлари! Ҳозир сули анча арзон бўлиб қолган,— деб жавоб берди фельдфебель, икки ёнига қилиб турган қўлларининг бармоғини қимирлатиб. Гапирганда қўлини қимирлатиб сўзлашга ўрганиб қолгани кўриниб турарди.— Фуражир² Франшчук кеча карвон билан менга хат бериб юборибди, жаноб олийлари, у ердан албатта ғилдирак ўқи сотиб олишимиз керак дебди, жуда арзон эмиш, шунга нима дейсиз?

— Майли, сотиб олаверсин, унда пул бор-ку.— Ба-

¹ Гарнец — революциядан илгариги Россияда 3,28 литрга тенг келадиган дон ўлчови.

² Фуражир — ем-хашак етказиб берувчи киши.

тарея командири хонада яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.— Нарсаларингиз қани?— деб тўсатдан Володядан сўраб қолди у, йигитча рўпарасида тўхтаб.

Қўрқоқ эканман, деган фикр бечора Володяни шу қадар ганг қилган эдики, у ҳар бир боқишда, ҳар бир сўзда ўзига нисбатан разил бир қўрқоққа қаратилган нафрат ўқирди. Назарида, батарея командири унинг сирини билиб олгандай ва мазах қилаётгандай туюларди. У хижолат тортиб, нарсалари Графскаяда эканлигини ва акаси эртага етказиб беришга ваъда қилганини айтди.

Лекин полковник унинг сўзини охиригача эшитиб ўтирмай, фельдфебелга юзланиб:

— Прапорщикни қаерга жойлаштирсак экан-а?— деб сўради.

— Прапорщикни дейсизми?— деди фельдфебель, Володяга кўз қирини ташлаб. Бу қарашда: «Шу ҳам прапорщик бўлди-ю, бирор жойга жойлаштириб ўтиришга ҳам арзирмикан?» деган саволни ўқигандек бўлган Володя аввалгидан баттар хижолат тортди.— Ростдан ҳам, жаноб олийлари, бу жаноблари пастда, штабс-капитаннинг ўринларига жойлашсалар бўлади,— деб гапида давом этди, у бир оз ўйлаб олгач,— штабс-капитан ҳозир баксиондалар, койкалари ҳозир бўш турибди.

— Ҳозирча ўша ерда жойлаша турасизми?— деди батарея командири,— чарчаган бўлсангиз керак, эртага дурустроқ жойлаштирамиз.

Володя ўрнидан туриб, таъзим қилди.

— Чой ичмайсизми?— деди батарея командири, Володя эшикка яқинлашганда.— Самовар қўйдирсак бўлади.

Володя таъзим қилиб, чиқиб кетди. Полковникнинг деншиги уни пастга бошлаб тушди-да, бўм-бўш, бир чеккада турли латта-лутталар ётган ва кўрпа-тўшаксиз темир каравот турган ифлос бир хонага бошлаб кирди. Каравотда пушти қўйлак кийган қандайдир киши қалин шинелга бурканиб ётарди.

Володя уни бирор солдат бўлса керак деб ўйлади.

— Пётр Николаевич!— деди деншик ухлаб ётган кишининг елкасига туртиб.— Бу ерга прапорщик ётадилар... Бизнинг юнкеримиз бу киши,— деб қўшиб қўйди у, прапорщикка юзланиб.

— Қераги йўқ, овора бўлманг!— деди Володя; лекин каравотдан бўйдор, кенг яғринли, чиройликкина бўл-

са-да, жуда беақллиги кўриниб турган бир киши турди, шинелини елкасига ташлади-да, ҳали яхши уйғонмагандек кўринса-да, хонадан чиқиб кетди.

— Зарари йўқ, ҳовлида ёта қоламан,— деб гўлдиради у.

14

Володя ўз фикрлари билан ҳоли қолгач, биринчи ҳис қилган туйғуси, кўнглининг бу қадар сиқилгани ва гашлигига нисбатан нафрат туйғуси бўлди. Унинг ухлагиси ва бутун борлиқни, энг муҳими, ўз аҳволини унутгиси келарди. У шамни ўчирди, ўрнига ўтиб ётди-да, қоронғиликдан қўрқиш ташвишидан қутулиш учун шинелини ечиб, боши билан унга бурканиб олди. У болалик чоқларидан бери қоронғиликдан қўрқарди. Лекин кўққисдан миясига бомба тушиб, шифтни тешиб ўтади-ю, ўлдирадигўяни деган фикр келди. У диққат билан қулоқ сола бошлади; бошининг нақ тепасида батарея командирининг оёқ товушлари эшитиларди.

«Айтгандай, агар бомба тушгудек бўлса ҳам,— деб ўйларди у,— аввал тепадагиларни ўлдиради, кейин мени; ҳар ҳолда фақат мени ўлдирмайди-ку». Бу фикр унга анча далда берди; у ухлаб қолаёзди ҳам. «Тўсатдан Севастополни олишса-ю, французлар бу ерга бостириб киришса-я? Мен ўзимни нима билан ҳимоя қиламан?» У яна ўрнидан турди ва хонада у ёқдан-бу ёққа юрди. Ҳақиқий хатар ташвиши қоронғиликдан қўрқиш ташвишидан устун чиқди. Хонада эгар ва самовардан бошқа бирорта ҳам қаттиқ нарса йўқ эди. «Мен ярамас, мен кўрқоқ, разил кўрқоқман» деб ўйлади у кўққисдан ва уни яна нафрат ҳисси, ҳатто ўз-ўзига нисбатан нафрат туйғуси қуршаб олди. У яна ётди ва ҳеч нарса ўйламасликка ҳаракат қила бошлади. Шунда тинимсиз бир бомбардимондан хонадаги яккаю ягона деразанинг зириллашидан кундузги таассуротлар унинг хаёлида яна гавдалана бошлади ва яна хавф-хатарни эсига солди: унинг хаёлига гоҳ ярадорлар ва қон, гоҳ бомбалар ва хонага учиб кираётган бомба парчалари, гоҳ ўлим тўшагида ётган Володянинг ярасини боғлаб, тепасида йиғлаб турган чиройли шафқат ҳамшираси, гоҳ уезд шаҳарчасида уни кузатиб қолган ва йиғлаб туриб бут ёнида тоат-ибо-

дат қилган онаси кўзига кўринарди, яна уйқу қочиб кетгандек туюларди. Лекин тўсатдан миясига ҳар нарсага қодир, ҳар нарсанинг иложини қила оладиган, қудратли худо ҳақидаги фикр келди. У тиз чўкиб, қўлини қовуштирди. Унга ёшлигида ибодат вақтида шундай қилишни ўргатишган эди. Бу ҳаракат унга аллақачон унутилган ёқимли ҳисни эслатди.

«Агар ўлим лозим бўлса, йўқ бўлишим лозим бўлса, шундай қил, худо,— деб ўйларди у,— шуни тезроқ қил; аммо менда йўқ бўлган ботирлик керак бўлса, қатъийлик керак бўлса, шуларни бер менга, номуссизлик ва шармандаликдан ўзинг асра. Мен беномуслик ва шармандаликка чидай олмайман. Амрингни жойига келтириш учун нима қилишим кераклигини ўргат ўзинг».

Кенг ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, қўрқиб-писиб турган ёш қалб бирдан балоғат топди, янги, кенг, ёрқин уфқлар кўрди. Бу ҳис қалбида жўш урган ўша пайтда, кўп нарсаларни яна бошқатдан ўйлаб, яна бошқатдан ҳис қилиб чиқди, лекин ҳали-ҳали тинмаган тасир-тусирлар бомбардимон гулдуриси, ойналарнинг зингир-зингири остида дарров беғам-бепарво ухлаб кетди.

Ё раббий, маъсумлик, дудмал пушаймон ва изтиробнинг оддий, лекин қизғин ва жўшқин илтижоларини ёлғиз ўзинг эшитдинг, ёлғиз ўзинг биласан; бу ёлвориш ва илтижолар даҳшатли ажалгоҳдан кўтарилмоқда, бу ёлвориш ва илтижолар бир зумгина аввал зиёфатни ва бўйнига Георгий ордени тақилишини ўйлаб, сенинг яқинлигингни бир қўрқув билан сезиб турган генералдан тортиб, Николаев батареясининг яйдоқ ерида йиқилиб ётган ва ноҳақ тортаётган барча азобу уқубатлари учун шуурсиз ҳис этаётган мукофотни тезроқ тарқатсанг, деб қақшаётган мазлум, оч, битлиқи солдат қилмоқда! Ҳа, сен бандаларингнинг илтижоларини эшитишдан чарчамагансан, юракларга сабру тоқат, бурч ҳисси ва орзу қувонч бахш этувчи сабр фариштасини уларга ҳар ерда юбориб турасан.

15

Катта Қозельцов кўчада ўз полки солдатини учратиб, у билан бирга тўғри 5-бастионга кетди.

— Девор таги билан юринг, жаноблари!— деди солдат.

215

— Нега?

— Хавотирли, жаноблари, қаранг, визиллаб келяпти,— деди солдат, ҳуштак чалиб келиб кўчанинг нариги бетига, йўлга тушган ядро товушига қулоқ солиб.

Козельцов солдатнинг гапига қулоқ солмай, кўчанинг ўртасидан дадил юриб кетди.

Кўчалар ҳам ўша-ўша, отишувлар ҳам, товушлар, полалар, ярадорлар билан учрашувлар ҳам ўша-ўша, ҳатто кўпроқ батареялар ҳам, брустверлар ҳам, траншеялар ҳам аввалгидек, баҳорда, у Севастополда эканлигида қандай бўлса, ўшандай; лекин ана шуларнинг ҳаммаси энди негадир маҳзун ва шу билан бир қаторда жонлироқ эди, уйларнинг ўпирилган ерлари кўнайган, Кушччи уйи (госпиталь)ни ҳисобга олмаганда, бошқа бирорта деразада чироқ кўринмасди, бирорта бўлсин аёл учрамайди — энди ҳамма парсадан бурунгидек одат ва бепарволик аломатлари эмас, балки аллақандай ҳорғинлик, зўр интизорлик нишонаси акс этади.

Мана, у охириги траншеяга етиб келди, мана собиқ рота командирини таниган. П. полки солдатининг овози янгради, мана, ўқ отилганда ўқтин-ўқтин ёришаётган қоронгиликда деворга суяшиб турган 3-батальон кўринади, солдатларнинг гўнги-гўнги сўзлашлари ва яроқ-аслаҳаларнинг жаранглаши эшитилди.

— Полк командирини қаерда?— деб сўрайди Козельцов.

— Флотчилар блиндажида, жаноблари!— деб жавоб берди солдат ҳурмат билан.— Марҳамат, кузатиб қўяман.

Солдат Козельцовни траншеяма-траншея олиб ўтиб, траншеядаги зовурга бошлаб келди. Зовурда бир матрос трубка чекиб ўтирарди, унинг орқасидан бир эшик кўриниб турарди. Бу эшикнинг тирқишидан ёруғ тушиб турибди.

— Кирсам мумкинми?

— Ҳозир кириб хабар берай,— деди матрос ва ичкари кириб кетди.

Эшик ортида икки кишининг гаплашаётгани эшитиларди.

— Агар Пруссия ҳамон бетараф бўлиб тураверса,— дерди бири,— у тақдирда Австрия ҳам...

— Австрия нима бўлти,— дерди иккинчиси,— славян ерлари... Майли, чақир.

Козельцов илгари бу блиндажга ҳеч қачон келмаган эди. Блиндажнинг дабдабали қилиб безатилганлиги уни жуда ҳайрон қолдирди. Поли паркетли, эшикни парда пана қилиб турарди. Девор тагига иккита каравот қўйилган, бурчакда Момо Ҳавонинг олтин ромга солинган иконаси осилган, унинг ёнида пушти лампа ёнмоқда. Каравотлардан бирида бир денгизчи бутун эгни-боши билан ухлаб ётибди, иккинчисидан, ичила бошланган икки шиша вино турган стол ёнидагисидан, янги полк командирини билан адъютант гаплашиб ўтиришарди. Полковник шу қадар мутакаббирлик билан ўрнидан турди ва унинг сўзларини кибр билан тингладики, Козельцов қўрқоқлардан бўлмаса ҳам на давлат, на полк командирини олдида ҳеч қандай айбдор бўлмаса-да, яқиндагина ўртоғи бўлган бу полковникка рўпара келганда анча чўчиди, ҳатто титрай бошлади. Бунинг устига, шу ерда ўтирган адъютант: «Мен полк командирининг ўртоғиман холос: сиз менинг олдимга келган эмассиз, шу сабабли мен сиздан ҳеч қандай иззат-икром талаб қила олмайман ҳам, талаб қилишни истамайман ҳам», деяётгандек боқишлари билан анчагина хижолат қиларди. «Қизиқ,— деб ўйларди Козельцов, командирини қараб,— полкни қабул қилганига атиги етти ҳафта бўлипти-ю, туриш-турмушида, кийинишида, ўзини тутишида полк командирини хос салобат — ёшининг улуглиги, хизмат даражасининг юқорилиги, ҳарбий фазилатлардан ҳам кўра полк командирининг бойлигига асосланган салобат ҳукм суради. Мана шу Батришчев,— деб ўйларди у,— яқиндагина биз билан учфатчилик қилиб, кир кўтарадиган чит кўйлақни ҳафталаб ечмай, котлет билан чучварани ҳеч кимга кўрсатмай еб юрмасмиди? Энди-чи! Қенг енгли драп камзул тагида голландча кўйлаги кўринади, қўлида ўн сўмлик сигара, столда ўн сўмлик вино — буларнинг ҳаммаси квартирмейстер¹ орқали Симферополда гоят қимматга сотиб олинган — кўзларида бўлса бадавлат аристократга хос мағрурлик ифодаси. Бу боқишлар сизга: мен янги мактабнинг полк командирини сифатида сенга ўртоқ бўлсам-да, шунинг унутмаки, ойлигининг учдан бири олтиш сўм бўлса, менинг қўлимдан ўн минг сўмлаб пул ўтиб туради.

¹ Квартирмейстер — аскарини қисмларни уй-жойга ўрнаштирувчи ва озиқ-овқат билан таъминлаб турувчи офицер.

Ундан ташқари менинг ўрнимда бўлиш учун ярим умрининг қурбон қилишга ҳам ҳозирлигингни яхши биламан, дер эди».

— Аичагина даволандингиз,— деди полковник, Козельцовга совуққина қараб.

— Касал эдим, полковник, ҳали ҳам ярам яхши битиб кетгани йўқ.

— Бекор келибсиз бўлмасам,— деди полковник, ишонқирамай офицернинг бақувват гавдасига қараб.— Лекин хизматни ўтай оласизми?

— Бўлмаса-чи, ўтай оламан.

— Жуда хурсандман. Ундай бўлса прапоршчик Зайцевдан тўққизинчи ротани — ўзингизнинг аввалги ротангизни қабул қилиб оласиз; ҳозирнинг ўзидаёқ буйруқ бераман.

— Хўп бўлади.

— Малол келмаса, кетаётганингизда полк адъютантини айтиб юборсангиз,— деб гапини тугатди полк командири ва қабул тугади, деган маънода енгилгина таъзим қилиб қўйди.

Блиндаждан чиққач, Козельцов бир нима алам қилган, ўнгайсизланган ёки аччиқланган кишидек тўнғиллаб-тўнғиллаб, елкасини қисиб-қисиб қўйди. У полк командирларидан аччиқлангани йўқ (бунга ўрин ҳам йўқ эди), у ўзидан ва атрофдаги бутун ишлардан норозидек кўринарди.

Тартиб-интизом ва унинг шарт-шароитлари — субординация¹ барча қонунлаштирилган муносабатлар каби — унинг зарурлигини ҳар иккала томон эътироф этишидан ташқари, паст мартабалилар томонидан юқори мартабалиларнинг тажрибаси ортиқлиги, ҳарбий эътиборининг зўрлиги ёки ҳатто маънавий жиҳатдан ҳам устунлигини тан олинишига асосланган; ammo лекин тасодиф ёки пул асосига қурилган ана шу интизом жорий этилгандан кейин (бизда бунақа нарсалар кўп учрайди), у бир томондан такаббурликка, иккинчи томондан эса — пинҳона ҳасад ва аламга айланади, оммани бир бутун қилиб жипслаштириш ўрнига бутунлай аксинча таъсир қилади. Ўзининг эътибори билан

¹ Субординация — хизматда кичик унвонларнинг катта унвонлиларга бўйсунуш қондаси.

обру қозонишига ақли етмаган одам қўл остидагилари билан яқинлашишдан чўчийди, ўзининг савлати билан танқиддан сақланиб қолишга уринади. Бундай бошлиқнинг қўл остидаги кишилари ўзларини таҳқирловчи ана шу ташқи сабабни кўриб, кўпинча ноҳақ бўлса-да, бу одамдан ҳеч қандай яхшилик кутмайдилар.

16

Козельцов офицерлар ёнига боришдан олдин, ўз ротасидагилар билан сўрашиб келишга ва рота қаерда жойлашганини кўришга борди. У ёнидан ўтиб бораётган траншеялар, турлардан ясалган брустверлар, тўп-лар, ҳатто йўл-йўлакай ўзи қоқилиб-суқилиб бораётган бомбалар ва бомба парчалари — тинимсиз отишма пайти ёруғида кўринаётган ана шу нарсаларнинг ҳаммаси унга жуда таниш эди. Мана шуларнинг ҳаммаси уч ой муқаддам худди шу бастионда икки ҳафтагача узлуксиз турган пайтда миясида қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Бу хотираларда даҳшат кўп бўлса-да, ўтмишнинг қандайдир латофати бунга омихта бўларди, у таниш жойларни ва нарсаларни шу ерда ўтказилган икки ҳафта гўё кўнгилли ўтгандек зўр қониқиш билан таниб оларди. Рота мудофаа девори бўйлаб, то б-бастионга бориб тақаладиган маррага жойлашган эди.

Козельцов киравериш томони бутунлай очиқ бўлган узун билиндажга кирди. 9-рота шу ерда жойлашган де-йишган эди. Блиндажда оёқ қўядиган жой йўқ; кираве-ришдан тортиб солдатлар билан лиқ тўлганди. Бир томонда ётиб олган бир солдат ушлаб олган қийшиқ шам липиллаб турарди. Бошқа бир солдат аллақандай китобни шамга жуда яқин тутиб ҳижжалаб ўқирди. Аччиқ тутун босган ярим қоронғи блиндажда китоб-хонни қизиқиб тинглаётган, кўтарилган каллалар кўри-нарди. Бу алифбе бўлиб, Козельцов блиндажга кириб келганида қўйидаги сўзларни эшитди:

«Ўлим...дан... қўр-қиш ни-сонга туг-ма ҳис-сиётдир».

— Шамни тозаласаларинг-чи,— деди аллаким.— Жуда қизиқ, китоб экан.

«Худо-йим...»,— деб давом этди китобхон.

Козельцов фельдфебелни сўраганида, китоб ўқиёт-

219

ган солдат жим бўлди, солдатлар бир оз жимликдан сўнг бўладигандек ҳаракатга келишди, йўталишди, бурунларини тортинди; китоб ўқиётган солдат ёнидаги тўда орасида ётган фельдфебель тугмаларини қадай-қадай ўрнидан турди, оёқлари устидан ҳатлаб ва оёгини қўйишига жой тополмаганларнинг оёгини босиб ўтиб офицер ёнига чиқди.

— Салом, огайни! Ротамизнинг бори шуми?

— Соғ бўлинг! Хуш келибсиз, жаноблари!— деб жавоб берди фельдфебель Козельцовга хушчақчақлик ва дўстона қараб.— Соғайиб кетдингизми, жаноблари? Худога шукур, келибсиз. Сизсиз зерикишиб қолдик.

Ротада Козельцовни яхши кўришлари кўриниб турарди.

Блиндаж ичкарисидан: «Ярадор бўлиб кетган аввалги рота командиримиз — Козельцов Михаил Семёнович келибди» ва ҳоказо деган овозлар эшитилди; баъзилари ҳатто унга яқинроқ сурилишди, барабанчи эса саломлашди.

— Салом, Обанчук!— деди Козельцов.— Саломатмисан? Салом, йигитлар!— деди у, кейин овозини кўтариб.

— Соғ бўлинг!— дейишди барабар блиндажда.

— Аҳвол қалай, йигитлар?

— Ёмон, жаноблари: французлар ҳолимизни хароб қиляпти,— оқолдан туриб шундай уряптики, асти қўясиз, аммо ўзи майдонга чиқмаяпти.

— Зора, менинг бахтимдан бўлиб, майдонга чиқиб қолса, йигитлар!— деди Козельцов.— Сизлар билан энди жанг қилишим эмас-ку: яна бир додини берардик.

— Тиришамиз, жаноблари!— деб жавоб берди бир неча киши.

— У киши ҳақиқатан ҳам довиорак, жаноблари, жуда ҳам ботирлар!— деди барабанчи оҳиста, лекин эшитса бўладиган қилиб. Бу сўзларни у бошқа бир солдатга юзланиб, гўё унинг олдида рота командирини оқламоқчи бўлаётгандай, унинг гапи ҳеч ҳам мақтанчоқлик ёки ҳавоий гапдан иборат эмас деб ишонтирмоқчидай гапирарди.

Солдатлар олдидан Козельцов мудофаа казармасига, офицер ўртоқлари олдида кетди.

Казарманинг катта хонасида одамнинг сон-саногини йўқ: денгиз, артиллерия ва пиёда қисм офицерлари. Баъзилари ухлаб ётишибди, бошқалари аллақандай яшиқда ёки истеҳком тўпининг лафетида¹ ўтириб олиб, суҳбат қуриб ўтиришибди, яна бировлар катта сершовқин бир гуруҳда, равоқнинг нариги томонида иккита буркани ерга ёзиб, устида портер ичиб ва карта ўйнаб ўтирибли.

— Ҳа! Козельцов, Козельцов! Яхши келдинг, яша!.. Яранг қалай?— деган овозлар эшитилди ҳар тарафдан. Бу ерда ҳам йигитлар уни яхши кўриши ва келганига хурсанд бўлишгани сезилиб турарди.

Танишлар билан қўл олишиб кўригилгач, Козельцов карта ўйнаётган сершовқин офицерлар гуруҳига қўшилди. Булар орасида унинг ўртоқлари кўп эди. Узун, суякдор бурунли ва ёноқларигача чўзилган узун мўйловли, ориқдан келган, чиройли қорамағиз йигит банк қўйган, оппоқ чиройли бармоқлари билан карта ташларди. Унинг бармоқларидан бирида гербли катта олтин узук кўринарди. У картани тез ва бетартиб ташларди. Унинг алланарсадан ҳаяжонланаётгани, лекин ўзини бепарво кўрсатишга уринаётгани сезилиб турарди. Унинг ёнида, ўнг томонида, анчагина ичиб олган мўйсафид бир майор тирсагига таяниб ётар ва ўзини совуққонликка солиб, гардкамига ярим сўмдан тикар ва пулни нақд тўларди. Чап тарафида юзи қип-қизариб, терлаб кетган бир офицер тиз чўкиб ўтирар, картасини уриб олганларида зўрма-зўраки жилмаяр, ҳазиллашар ва бир қўли билан шалворининг бўш чўнтагини тинимсиз тимскиларди. У катта пул тикарди-ю, лекин энди нақдона тўламаётган бўлса керакки, бу ҳол чиройли қорамағиз кишини гижинтирарди. Огзи катта, ориқ, рангпар ва тепакал, мўйловсиз офицер бир тўп пул гижимлаганича хонада у ёқдан-бу ёққа кезиб юрар, нуқул нақд пул билан банкага урар ва ютиб оларди.

Козельцов ароқ ичиб олди-да, карта ўйнаётганлар даврасига кирди.

— Гардкамига бир тикинг, Михаил Семёнич,— деди унга банкомет. Пулни роса босиб келгандирсиз.

¹ Л а ф е т — тўп ўрнатилган станок.

— Менда пул нима қилсин! Қайтага бор-йўгимни шаҳарда совуриб келдим.

— Қўйинг-е! Симферополда битта-яримтани тоза қўлга туширгандирсиз.

— Бунақа ишлар кам бўлди,— деди Козельцов. Лекин гапига ишониларини истамасди, тугмаларини ечиб, қўлига эски карталарни олди.

— Бахтимни бир синаб кўрсаммикан: ютиб қолсам ажаб эмас! Ол, қулим, деб юборса, ҳеч гапмас. Фақат дадилроқ бўлиш учун ичиб олиш керак.

Бирпасда яна уч руюмка ароқ ва бир неча стакан портер ичиб олиб гуруҳдагилар руҳига тушиб олди, яъни боши айланиб, борлиқни унутди ва сўнгги уч сўминин ютқиза бошлади.

Терлаб кетган кичкина офицернинг гарданига бир юз эллик сўм ёзилди.

— Йўқ, омадим келмади,— деди у бепарволик билан яна карта оча туриб.

— Бериб юборинг,— деди банкочет бирпас карта ташлашдан тўхтаб ва унга қараб.

— Мумкин бўлса, эртага берсам,— деб жавоб берди терлаган офицер, ўрнидан тураётди ва зўр бериб бўш чўнтагини титкилаб.

— Ҳи!— деб тўнгиллади банкочет ва даврани айлантириб ўнг ҳам сўлдагиларга карта улашиб чиқди.— Аммо бундай қилиш ярамайди,— деди у, картани қўйиб,— мен ўйнамайман. Бундай қилиш ярамайди, Захар Иванович,— деб қўшиб қўйди у,— сиз билан нақдонага ўйнадик, насия қилиш йўқ.

— Нима, мени бермайди, деб ўйлайсизми? Қизиқсиз-а.

— Пулни кимдан оламан энди?— деб гўлдирарди шу орада, жуда маст бўлиб қолган саккиз сўмга яқин пул ютган майор.— Ўнгирма сўмдан ортиқ пул бериб юбордим, ютдим ҳам, лекин қўлимга бир тийин теккани йўқ.

— Мен ҳам қаердан олиб тўлайман,— деди банкочет,— столда пул бўлмаса?

— Менинг ишим йўқ!— деб қичқирди майор, ўрнидан тураётди.— Мен улар билан эмас, сиз билан, ҳалол одамлар билан ўйнашман.

Терга пишган офицер бирдан қизишиб кетди:

— Эртага тўлайман, деяман-ку: мен билан бунақа қўпол гаплашишга қандай ҳаддингиз сиғди?

— Қандай хоҳласам, шундай гаплашаман! Виждони бор одам бундай қилмайди, шунини билиб қўйинг!— деб қичқирарди майор.

— Қўйинг энди, Фёдор Фёдорич,— деб ўртага тушди ҳамма, майорни тўхтатиб,— қўйсангиз-чи!

Лекин майор баттар шовқин кўтарини учун шунини кутиб турган экан шекилли, тўсатдан ирғиб ўрнидан турди-да, гандираклай-гандираклай терга ботган офицер томонга юрди.

— Мен қўпол гапиряпманми? Ўзингиздан катта одамга-я, шундай дейсизми, ўз подшосига йигирма йиллаб хизмат қилаётган киши-я,— қўполлик эмиш-а! Тирранча!— деб чийиллаб юборди у тўсатдан, овозининг борган сайин баланд чиқаётганидан жазаваси тутиб.— Аблаҳ!

Яхшиси, бу анчайин хунук манзаранинг олдини парда билан тўсиб қўяқолайлик. Мана шу одамларнинг ҳар бири эртага, эҳтимолки, шу бугуноқ тап тортмай ўлимга тик қараб борарди, хотиржам ва қаҳрамонона ҳалок бўлади; одамгарчиликдан асар бўлмаган, ҳар қандай совуққон одамни ҳам даҳшатга соладиган бундай вазиятда ва бундан қутулишга умид бўлмаган шароитда бирдан-бир қувонч— ҳамма нарсани унутиш ҳам фикр юргизишдан воз кечишдир. Ҳар бир киши қалбининг теранлигида пайти келиб уни қаҳрамонликка ундовчи олижаноблик учқунини топилади: бу учқун ёрқин нур сочишдан чарчайди, лекин маълум бир пайтда бу учқун аланга олади-да, буюк ишларни ёритади.

18

Эртасига бомбардимон аввалгидай давом этди. Эрта-лаб соат ўн бирларда Володя Козельцов батарея офицерлари орасида ўтирарди. Володя уларга бир оз кўникиб ҳам қолганди, энди у янги танишларни диққат билан кўздан кечирар, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ҳам қўярди. Артиллерия офицерларининг илмий мавзуга оид ҳам соддагина суҳбати унда ҳурмат уйғотар, жуда ёқарди. Володянинг хушрўй ва содда қиёфаси, уятчанлиги офицерларни унга мойил қиларди. Батареядаги чаккаси яс-

си, сочи ҳурпайиб турган ўрта бўйли, малла киши эски тўнчилар таълимини олиб, тарбияланган батареядаги старший офицернинг қадим ривоятлари бўйича кавалер ва бир оз ўқимишли қилиб тарбияланган капитан Володядан артиллериядан нималар билиши, янги ихтиролар ҳақида суриштирар, унинг ёшлиги ва хушрўйлигидан гап қотиб тегажаклик қилар, хуллас, у билан худди ўз ўглидек сўзлашарди. Бу Володяга ёқарди. О ҳарфини чўзлб, хохолча талаффуз этаётган йиртиқ шинель кийган, сочи ҳурпайган ёш офицер, подпоручик Дяденко жуда қаттиқ гапириб, бирор нарса тўғрисида аччиқ-тиззиқ сўзлаб, тортишишга ҳадеб баҳона қидирса, ва хатти-ҳаракатлари қўпол бўлса-да, барибир Володяга ёқарди. Володя унинг зоҳиран қўпол бўлишига қарамай аслида ажойиб, кўнгилчан йигит эканини ҳис этарди. Дяденко ҳадеб Володяга хизматинга тайёрман, деб такрорлар, Севастополдаги барча тўплар қондага биноан қўйилмаганлигини исбот этарди. Володяга фақат бир киши, янги бўлмаса-да, лекин яхшилаб ямалган тоза камзул кийган, ялтироқ шойи нимчасининг чўнтагидан тилла занжирнинг учини чиқариб қўйган, қошлари чимирилган поручик Черновицкий ёқмади. У нуқул Володядан подшоҳ ва ҳарбий министр нима қилишаётганини сўрар, Севастополда кўрсатилган қаҳрамонликлар, жасоратлар ҳақида сунъий завқ билан сўзлар, ватанпарварлар камлигидан, қаёқдаги бўлмағур буйруқлар берилишидан афсусланарди ва ҳоказо, умуман, ўзини ақлли, билимдон ва олижаноб киши қилиб кўрсатарди; лекин буларнинг ҳаммаси Володяга негадир ёдлаб олинган ва сунъий гапдек туюлди. Энг муҳими шундаки, у бошқа офицерлар Черновицкий билан деярли сўзлашмасликларини сизди. Кеча Володя кириб уйғотган юнкер Вланг ҳам шу ерда эди. У ҳеч нарса тўғрисида гапирмас, лекин бир бурчакда жимгина ўтириб, ўрни келганда кулар, бирор нарсани унутиб қўйганларида эсга туширар, ароқ беришни буюрар ва барча офицерларга папирос ясарди. У билан ҳам худди офицерлар сингари камситмай муомала қилаётганими ёки Володянинг ёқимтойлигини, Влангни ўзига мафтун этган эдики, ҳар нечук у катта-катта кўзларини янги офицернинг юзидан узмас, унинг ҳар бир ҳаракатидан хабардор, унга маҳлиё бўлиб ўтирарди. Буни пайқаб қолган офицерлар, албатта уни кулгига олишди.

Тушда бастияндаги штабс-капитан навбатчиликдан бўшаб, уларга келиб қўшилди. Штабс-капитан Краут сариқдан келган, қизғиш мўйловли ва чакка соқол қўйган чиройли, эпчил офицер эди; у рус тилида жуда яхши гапирарди, лекин руслардан кўра чиройлироқ ва соф рус тилида сўзларди. Тили қандай соф, яхши бўлса, ўзи хизматда ҳам, турмушда ҳам худди ўшандай эди: жуда яхши хизмат қилар, ўртоқликни ўрнига қўяр, пул масаласида эса энг ишончли киши эди; ана шуларнинг ҳаммасида жуда яхши бўлганидан, оддий одам сифатида унда нимадир етишмасди. Энг яхши немисларнинг акси ўлароқ, у барча рус немислари сингари, ўлгудек ишбилармон одам эди.

— Ана, бизнинг қаҳрамонимиз ҳам келиб қолди!— деди капитан, хонага Краут қўлларини силкиб, шпорларини жириглашиб хушчақчақлик билан кириб келаётганда.— Фридрих Крестьянич, кўнглингиз нима истайди: чойми, ароқ?

— Чой қўйиб юборишни буюриб келяпман,— деди у,— ҳозирча кўнглини жойига тушириш учун озгинагина ароқдан тортсак ҳам бўлади. Танишганимга жуда хурсандман,— деди у, ўрнидан туриб таъзим қилган Володяга,— мен штабс-капитан бўламан. Бастиянда фейерверкер сизнинг кеча келганингизни айтиб эди.

— Кўрпа-тўшагингиз учун раҳмат: сизнинг жойингизда тунадим.

— Тинчгина ётолдингизми? Бир оёғи синиқ эди; тузатадиган одам йўқ — қамал шароити дегандек, тагига нарса қўйиш керак эди.

— Хўш, навбатчилик тинч ўтдимми?—деб сўради Дяденко.

— Ёмон эмас, фақат Скворцов тоза кунини кўрди, кеча битта лафет *тузатдилар* ҳам. Станшани чил-чил қилиб юборишганди.

У ўрнидан турди-да, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Эндигина хавф-хатардан қутулган кишининг ёқимли ҳиссиёти таъсирида эканлиги кўриниб турарди.

— Хўш, Дмитрий Гаврилич,— деди у капитаннинг тиззасига туртиб,— аҳволларингиз қалай, отахон? Тақдимингиз нима бўлди, ҳали ҳеч нарсдан дарак йўқми?

— Йўқ, ҳеч нарса йўқ.

— Бўлмайди ҳам,— деди Дяденко,— бошда ҳам айтувдим-ку, сизга.

— Нега бўлмас экан?

— Нега деганингизда тавсиянома тўғри ёзилмаган.

— Сизга баҳслашиш бўлса бўлгани, баҳсчи,— деди Краут хушчақчақ жилмайиб,— ҳеч кимга гап бермайдиган хохолнинг ўзисиз-а. Қараб туринг, қасдма-қасдликка сизга бир поручиклик чиқиб қолади ҳали.

— Чиқмайди дедим, чиқмайди.

— Вланг, трубкамага тамаки тўлдириб келинг,— деди у, юнкерга ўгирилиб. Юнкер трубкани олиб келишга жон-дили билан югурди.

Краут ҳаммани жонлантириб юборди, у бомбардимон ҳақида ҳикоя қилар, ўзи йўғида нималар бўлганини суриштирар, ҳамма билан гаплашарди.

19

— Хўш, ишлар қалай? Жойлашиб олдингизми?— деб сўради Краут Володядан.— Кечирасиз, исми фамилиянгиз нима? Бизда, артиллерияда, ўзи одат шундай. От ҳам олдингизми?

— Йўқ,— деди Володя,— нима қилишимга ҳайронман. Капитанга айтдим: отим ҳам йўқ, то йўлкира ва бир йўла ёрдам пулларини олгунимча пулим ҳам йўқ. Ҳозирча батарея командиридан отини сўраб турмоқчи эдим, яна йўқ демасмикин, деб қўрқиб турибман.

Бундай бўлиши даргумон дегандек:

— Аполлон Сергеич-а!— деди-да, капитанга қараб қўйди.— Эҳтимолдан узоқ!

— Йўқ деса, дер,— деди капитан,— ростини айтганда, бу ерда аслида отнинг кераги ҳам йўқ, аммо сўраб кўриш мумкин, шу бугун бир сўраб боқаман.

— Нима! сиз уни билмайсиз,— деб гапга аралашди Дяденко,— бошқа нарсани рад қилса ҳам, бу кишига йўқ демайди... Гаров ўйнамайсизми?

— Сизнинг одатингиз маълум, ҳамма вақт тескарисини гапирасиз.

— Яхши биладан-да, шунинг учун ҳам қаршилик

қиламан. Бошқа нарсасини қизганса ҳам отини беради, нега деганда ундан манфаат йўқ.

— Ем-хашаги саккиз сўмдан тушиб турипти-ку, нега энди манфаат бўлмасин!— деди Краут.— Ортиқча от тутмасликдан манфаат бор-ку, ахир!

— Сиз Скворецни сўранг, Владимир Семёнич!— деди Краутнинг трубкаси билан қайтиб кирган Вланг.— Ажойиб от.

— Сорокида сизни ариқча иргитиб урган отми? А? Вланга?— деб кулиб юборди штабс-капитан.

— Нега энди ем-хашаги саккиз сўмдан дейсиз,— деб қаршилик кўрсатаверди Дяденко,— ўн ярим сўмдан деб ёзилган справкасини ўз кўзим билан кўрдим-ку, албатта манфаат йўқ.

— Бўлмасам-чи, ҳеч қандай фойда йўқ-да! Агар сизни батарея командири қилиб қўйишгудек бўлса, шаҳарга миниб тушишга ҳам бермасдингиз!

— Мен батарея командири бўлганимда, отахоним, отлар бир тўрвадан ем ейдиган бўлади, қўрқманг, фойда кетидан юрмайман.

— Улмасак кўрармиз,— деди штабс-капитан,— сиз ҳам фойда оласиз, батарея командири бўлиб қолсалар, бу киши ҳам фойдани чўнтакка урадиган бўладилар,— деб қўшиб қўйди у, Володяни кўрсатиб.

— Фридрих Крестьянович, сиз нега улар ҳам фойдаланиб қолади деб ўйлайсиз?— деб гапга аралашди Черновицкий.— Балки у кишининг давлати каттадир; шундай бўлса, фойдаланиб нима қиладилар?

— Ундай деманг, мен... афв этасиз, капитан,— деди Володя, қулоқларигача қизариб,— буни мен яхши иш эмас деб ҳисоблайман.

— Войбў! Бу кишининг баланддан келишини қаранга!— деди Краут.— Капитанликкача кўтарилинг-чи, олдин, ўшанда бошқача гапириб қоласиз.

— Гап унда эмас: мен шундай деб ўйлайман: пул меники бўлмагандан кейин, мен унга қўл теккизолмайман.

— Меинг гапимни эшитинг бўлмасам, йигитча,— деб гап бошлади штабс-капитан, жиддий оҳангда.— Биласизми, батареяга командирлик қилганингизда, агар яхши ишласангиз, тинчлик вақтида албатта беш юз сўм, уруш вақтида эса фақат отларнинг ўзидан — етти-саккиз минг сўм қолади. Ҳайр, майли. Батарея командири сол-

227

диглар өзик-овқатига аралашмайди: артиллерияда азалдин одат шу; агар хўжайинлик қилишни уддалай олмасангиз, қўлингизда ҳеч нарса қолмайди. Энди бу ёғини эшиттинг: қондадан ташқари чиқимлар сизнинг гарданингизда бўлади, отларни тақалатасиз — бир (у бир бармоғини букди), дори-дармон олдирасиз — икки (у иккинчи бармоғини букди), маҳкамага сарф қиласиз — уч, ҳаминша керак бўлиб турадиган отларга беш юз сўлкавойдан тўланади, тақсир, ҳолбуки от сотиб оладиган комиссияда баҳоси эллик сўм. Бунинг устига-устак бир эмас, тўртта сотиб олинади. Қондада кўрсатилмаганлигидан қатъи назар солдатлар ёқасини айирбошлаб туришингиз керак, ўтин-кўмирга ҳам чиқим бўлиб туради, офицерларни меҳмон қилиб турасиз. Батарея командири бўлганингиздан кейин ўзингиз ҳам савлатли бўлишингиз керак: коляска тутасиз, почта-пўстин киясиз, у қиласиз, бу қиласиз ва ҳоказо, ва ҳоказолар... гапириб ўтиришининг нима ҳожати бор...

— Энг муҳими шуки, Владимир Семёнич,— деб гапир кетди шу вақтгача жим турган капитан, менга ўхшаб юз сўм мояна билан доимо чор-ночор ҳаёт кечириб, йигирма йилдан бери хизмат қилаётган одамни мисолга олайлик: комиссионерлар ҳар ҳафтада ўн минг сўмлаб даромад қилиб турганда, ўша бечора, қилган хизматлари учун қариган чоғида бир бурда нонга зор бўлмайдиган қилиб қўйилса, нима бўлибди!

— Гапираман десангиз гап кўп!— деб яна гапга аралашди штабс-капитан.— Фикр юргизишга шошилманг, бу ерда яшаб, хизмат қилиб кўринг аввал.

Володя ўйламай гапириб қўйгани учун жуда уялди ва алланималар деб гўлдиради-да, Дяденконинг зўр бериб баҳслаша бошлаганини ва шу гапларнинг аксини исботлашга уринаётганини индамай тинглай бошлади.

Полковникнинг деншиги келиб овқатланишга таклиф қилиши билан баҳс тўхтатилди.

— Борганимиздан кейин Аполлон Сергеичга айтинг, вино қўйсин,— деди Черновицкий, тугмаларини қадай туриб капитанга.— Мунча зикналик қилади? Ўлдиришса, барибир қолиб кетади-ку!

— Ўзингиз айта қолинг,— деб жавоб берди капитан.

— Йўқ-йўқ, сиз старший офицерсиз: ҳар ишда тартиб бўлади ахир.

Кеча Володя полковникка учрашган хонадаги стол девор четига сурилиб, устига кир дастурхон ёзиб қўйилган эди. Батарея командири бугун у билан қўл олишиб кўришди, Петербург ҳақида, сафари тўғрисида суриштирди.

— Қани, жаноблар, ароқ ичадиганлар бўлса, марҳамат. Прапорщиклар ичмайди,— деб қўшиб қўйди у, Володяга жилмайиб.

Умуман, батарея командири бугун кечагидан баджаҳл эмасди; аксинча, сахий, меҳмондўст мезбон ва яхши биродардек кўринарди. Лекин шунга қарамай кекса капитандан тортиб баҳсчи Дяденкогача, барча офицерлар командирнинг кўзига зўр эҳтиром билан боқиб ароқ ичиш учун бирин-сирин девор тагидан юриб келатганлари унга бўлган ҳурматнинг зўрлигини кўрсатарди.

Меҳмондорчилик яхлит-яхлит кесилган ёғлиқ мол гўшти, анча-мунчагина қалампир билан хушбўй дафна барги солиб пиширилган бир тоғора карам шўрва, ханталли полякча зрази¹ ва бир қадар эскириб қолган ёғ солинган сомсалардан иборат эди. Салфетка йўқ эди, ёғоч ва темир қошиқларда овқат ейиларди. Стакан эса фақат иккитагина бўлиб, столда сув солинган, лаби учган кулранг графин турарди; лекин шунга қарамай, ҳамма хушчақчақ эди: суҳбат қизигандан қизиб борди. Аввал Инкерман жанги ҳақида гапиришди. Батарея ўша жангда қатнашган бўлиб, ҳар ким ўз таассуротини, муваффақиятсизликнинг сабаби ҳақида ўз мулоҳазаларини гапирарди, батарея командири сўзлай бошлаганда эса жим бўлиб қолишарди; кейин суҳбат табиий равишда енгил тўпларнинг етишмаслигига, янги такомиллаштириб, енгиллаштирилган тўпларга кўчди. Бу орада Володя ўзининг артиллерия ҳақида кўпгина нарса билишини кўрсата олди. Аммо ҳеч ким Севастополнинг ҳозирги оғир аҳволи устида тўхтамади. Гўё уларнинг ҳар бири бу ҳақда шу қадар кўп ўйлардиларки, ҳозир яна гапириб ўтиришга ўрин йўқдек эди. Гўё Володя Севастополга

¹ Зрази — ичига тухум солиб пиширилган котлет.

тўнларнинг такомиллаштирилгани ҳақида суҳбат қургани, батарея командириникида меҳмон бўлгани келгандек. Бу ерда унинг вазифаси ва қиладиган иши ҳақида ҳам гап бўлмади. Володя бунга бир томондан, жуда ҳайрон қолган бўлса, иккинчи томондан, анча хафа бўлди. Зиёфат пайтида улар ўтирган уйдан сал нарироққа бомба тушди. Пол ва деворлар худди зилзила вақтидагидек ларзага келди, деразаларни порох тутуни қоплади.

— Петербургда бундай нарсаларни кўрмаган бўлсангиз керак, деб ўйлайман, бундай кутилмаган воқеалар тез-тез бўлиб туради,— деди батарея командири.— Вланг, қаерда портлаганини кўриб келинг.

Вланг бориб қаради-да, майдонга тушганини айтди. Шундан кейин бомба ҳақида ортиқ сўз бўлмади.

Зиёфат тугаш олдида хонага муҳрланган учта конверт кўтариб кекса батарея котиби кириб келди-да, қўлидагиларни батарея командирига берди. «Мана буниси жуда зарур, шу топда казак артиллерия бошлиғидан олиб келди». Барча офицерлар беихтиёр тоқатсизланиб, конверт очишга жуда уста бўлиб кетган батарея командирининг печатни синдириб, ичидан жуда зарур қоғозни олаётган қўлидан кўз узишмасди. «Нима бўлса экан-а?»— деб ўйлашарди ҳар бири. Дам олиш учун Севастополдан бутунлай чиқиб кетиш тўғрисидаги буйруқ бўлиши ҳам мумкин, бутун батареяни бастионга тайинлашга буйруқ бўлиши ҳам мумкин.

— Яна ўша!— деди батарея командири жаҳл билан қоғозни столга ирғитиб.

— Нима дейлибди, Аполлон Сергеич?— деб сўради старший офицер.

— Яна аллақандай мортира батареясига тўпчилар билан офицер юборишни талаб қилишибди. Узи тўрттагина офицерим қолган,— деб жаврарди батарея командири,— булар яна талаб қилишади. Лекин барибир ким бўлмасин, бориши керак, жаноблар,— деди у, бир оз жим тургандан кейин.— Соат еттида Рогаткага етиб бориш буюрилган... Фельдфебель юборилади! Жаноблар, ким боради, ҳал қилинглар,— деб такрорлади у.

— Мана булар ҳали ҳеч қаерда бўлганлари йўқ,— деди Черновицкий, Володяни кўрсатиб.

Батарея командири жавоб бермади.

— Мен розиман,— деди Володя орқаси ва юзини совуқ тер босганини ҳис қилиб.

— Йўғ-е, нима кераги бор!— деб гапни бўлди капитан.— Ҳеч ким бош тортмайди албатта, орзуманд бўлиб боришнинг ҳам кераги йўқ; Аполлон Сергеич ўзимизга қўйиб берган эканлар, худди ўтган галгидек чек ташлаймиз.

Ҳамма рози бўлди. Краут қоғоз қирқиб, най қилиб ўради-да, фуражкага солди. Капитан ҳизиллашар, ҳатто юракка далда берсин учун полковникдан бир оз вино қўйиб беришни ҳам ботиниб сўради. Дяденко қоғоғини солиб ўтирарди, Володя нимагадир жилмаярди. Черновицкий чек албатта менга чиқади, деб ишонтирарди, Краут бутунлай хотиржам эди.

Чек олиш имконияти энг олдин Володяга берилди. У узунроқ қилиб ўралган найни олди, лекин шу тобдаёқ миясига уни алмаштириб олиш фикри келди,— у аввалгисидан кўра кичикроқ ва йўғонроқ найни танлаб олди, очиб қаради-да: «Боради» деган ёзувни ўқиди.

— Мен борар эканман,— деди у хўрсиниб.

— Худо йўлингизни берсин. Биратўла отишмада иштирок қилиб келадиган ҳам бўлдингиз,— деди батарея командири, хижолат тортган прапоршчикнинг юзига мулойимгина жилмайиб қараб.— Фақат асбоб-анжомларингизни тезроқ йиғиштиринг. Зерикиб қолмаслигингиз учун Влангни сизга тўп фејерверкери қилиб бераман, сиз билан боради.

21

Вланг бу янги топшириқдан жуда хурсанд эди. У ҳозирлик кўриш учун югурди ва кийиниб қайтиб келди, Володянинг койкасини ҳам, пўстинини ҳам, эски «Отечественные записки» журналини ҳам, спирт солинадиган кофейникни ва бошқа кераксиз нарсаларнинг ҳаммасини ўзи билан олиб кетишга унатмоқчи бўларди. Капитан Володяга аввал мортиралардан отиш тўғрисидаги «Руководство»ни¹ ўқиб чиқишни ва баландлик бурчаклари

¹ Артиллерия офицерлари учун Безак томонидан нашр этилган қўлланма. (Л. Н. Толстой изоҳи).

жадвалини кўчириб олишни маслаҳат берди. Володя дарҳол ишга киришди ва хавф-хатар ташвиши, қўрқоқлик қиларман, деган ҳиссиёт анча енгиллашиб қолганини, кечагидан кўра анчагина камайганини сезиб ҳам ҳайрон бўлди, ҳам ўзида йўқ хурсанд бўлди. Бунга қисман кундузги ишлар сабаб бўлса, қисман ва асосий сабаб: қўрқув ҳам бошқа ҳар қандай кучли ҳиссиёт сингарии бир даражада узоқ давом этмаслиги бўлди. Хуллас, Володя қўрқа-қўрқа бўлган эди. Соат еттиларда, қуёш эндигина Николаевская казармаси ортига яширина бошлаганда фельдфебель кириб келди ва одамлар тайёр бўлиб, уни кутиб туришганини айтди.

— Мен *Вланга* рўйхат бердим... *Влангдан* сўрасангиз бўлади, жаноблари!— деди у.

Дудама осган, асбоб-анжомсиз йигирмага яқин артиллериячи солдатлар уйнинг нариги томонида туришарди. Володя юнкер билан бирга улар ёнига борди. «Қисқагина нутқ сўзласаммикан ё соддагина қилиб: «Салом, йигитлар!» деб қўя қолсаммикан! Ёки ҳеч нарса демай қўя қолайми?»—деб ўйларди у.—Салом, йигитлар!»—деб қўя қолай. Гапирмай бўлмас». Володя ўзининг жарангдор товуши билан: «Салом, йигитлар!»—деб қичқирди. Солдатлар хушчақчақлик билан жавоб қайтардилар: ёш офицернинг жарангдор овози солдатларнинг қулоғига ёқимли эшитилди. Юраги худди бир неча чақирим жойни жони борича югуриб ўтган одамникидек дукиллаётган бўлса ҳам Володя солдатларнинг олдида тетик ва шахдам қадам ташлаб борарди, унинг чеҳрасида ҳам шодлик аломатлари бор эди. Малах қўрғонига яқинлашиб, тепаликка кўтарилаётганда, у бир қадам ҳам кетидан қолмай келаётган ва уйда жуда ботир бўлиб кўринган *Вланг* ҳадеб ўзини чеккага тортаётганини, бу ерда айниқса кўпроқ визиллаб учиб турган бомба ва ядролар гўё тўппа-тўғри унга қараб келаётгандек бошини энгаштираётганини кўрди. Солдатларнинг ҳам баъзилари худди шундай қилишарди. Умуман, уларнинг кўпчилигининг қиёфасида қўрқув бўлмаса-да, ташвиш акс этарди. Бу ҳол Володяни бутунлай тинчлантирди, далда берди.

«Мана мен Малах қўрғониданман, шунча вақтдан буён беҳудага шундай даҳшатли деб хаёл қилиб юрган эканман! Ядроларни кўриб энгашмаяпман, бошқаларга қараганда юраксизлик қилмаяпман-ку! Демак, қўрқоқ

эмас эканман-да»—деб ўйларди у завқланиб, ҳатто бир қадар мағрурлик билан.

Аммо у қош қорайганда бастион бошлиғини қидириб Қорнилов батареясига бориб қолганда, устидан чиқиб қолган бир манзара ундаги бу ботирлик ва мағрурлик ҳиссини йўқотиб юборай деди. Тўрт матрос бруствер ёнида яланг оёқ ва яланғоч бир одамнинг қонга беланган жасадини оёқ ва қўлларидан ушлаб бруствернинг нариги томонига итқитмоқчи бўлиб силкитиб туришарди. Бомбардимоннинг эртасига бастионлардаги жасадларни йиғиб улгуришмас ва батареяларда халақит бермаслиги учун жарликка улоқтиришарди). Володя жасад бруствернинг тепасига урилиб, оҳиста жарга қулаганини кўриб, кути учиб кетди: лекин бахтига шу пайт бастион бошлиғи кўриниб қолди-ю, иш буюрди-да, батареяга ва команда учун белгиланган блиндажга бошлаб борадиган йўл бошловчи қўшиб берди. Мен қаҳрамонимизнинг шу оқшомда қанчадан-қанча даҳшатлар ва хавф-хатарларни бошидан кечирганини, неча-неча ҳафсаласи пир бўлганини гапириб ўтирмайман: Бўри даласида кўргандек аниқ ва мўлжалга тўғри урадиган отишмалар ўрнига бу ерда иккита мажақ, мўлжалсиз мортиркани кўрганини, бу мортиркалардан бирининг оғзи пачоқ бўлиб, иккинчиси абжағи чиқиб кетган платформада турганини айтиб ўтирмайман; платформани тузаттириш учун эрталабгача ҳам ишчи топа олмаганини, ўқлардан бирортасининг оғирлиги қўлланмада кўрсатилганига тўғри келмаслигини; командасидаги икки солдатнинг ярадор бўлганини ўзининг неча-неча марта-лаб ўлимдан қолганини сўзлаб ўтирмайман. Бахтидан бўлиб, унга ёрдам бериш учун баланд бўйли, қамал бошланганидан буён мортиралар олдида хизмат қиладиган бир комендор матрос тайинланганди. Ана шу комендор уш мортираларнинг хизмат қилиши мумкинлигини ишонтирди ва фонарь кўтариб бастионда худди ўз полизида юргандек уни бошлаб юрди, ҳаммасини эртагача тахт қилиб қўйишга ваъда берди.

Қузатувчи бошлаб келган блиндаж шағал ердан икки куб саржин чуқурликда қилиб кавланган чўзинчоқ ўра бўлиб, усти йўғон-йўғон ходалар билан ёпилган эди. *Вланг* блиндажнинг бир саржин келадиган пастаккина эшигини кўриши биланоқ ҳаммадан бурун, отилиб ичкари кириб кетди ва ўзини бурчакка урди-ю, шу жой-

лашиб олганича қайтиб ташқари чиқмади. Володя бўлса, ҳамма солдатлар девор тагига жойлашиб олиб, баъзилари трубка чека бошлагандан кейингина каравотини бир бурчакка жойлаштирди, шамни ёқди ва папирост тутатиб, койкасига ётди. Блиндаж тепасида тинимсиз отишма товуши эшитилиб турар, лекин у қадар қаттиқ гумбурламасди. Фақат яқин жойда турган бир мъртирадан отилган ўқ блиндажни шу қадар ларзага солардики, ҳатто шипдан тупроқ тўкиларди. Блиндажнинг ўзи жимжит, солдатлар янги офицердан тортинишар, аҳён-аҳёнда бири иккинчисидан йўл беришини ёки трубкасини тутатиб олиш учун ўт беришини сўраб, сўз қотиб қўйишарди, аллақерда, тош орасида каламуш бир нимани қиртиллатади ёки теварак-атрофга олайиб қараётган, ҳали ҳам ўзига келмаган Вланг тўсатдан қаттиқ-қаттиқ хўрсиниб қўяди. Володя оломон билан тўлган бурчакда, ёққан шамининг ёруғида каравотда ётарди. У ўзини шундай ҳис қиладик, бу ҳис ёшлик чоғида бекинмачоқ ўйнаган вақтларда баъзан шкафга ёки онасининг этагига кириб яшириниб, нафасини чиқармай турган пайтларда бир томондан қоронғидан қўрқса, иккинчи томондан нимадандир лаззатланганидаги каби ҳузур қиларди. У бир оз чўчир ва хурсанд эди.

22

Орадан ўн минутга яқин вақт ўтгач, солдатлар анча дадиллашиб, гапга тушиб кетишди. Мартабаси баландроқлар — икки фейрверкер чироққа, — офицер каравотига яқинроқ жойлашдилар: уларнинг бири Георгий крестидан ташқари барча медал ва крестларни тақиб олган мўйсафид, иккинчиси — ўраб ясалган папирост чекаётган ёшгинаси кантонистлардан¹. Ҳар вақтдагидек офицерга хизмат қилишни барабанчи ўз устига олди. Бомбардирлар² ва ордендорлар яқинроқда ўтиришар,

¹ Кантонист — XIX асрнинг биринчи ярмида крепостной Россияда солдатларнинг ўғиллари шундай деб аталарди, улар туғилган кундан бошлаб крепостной тузуми асосида ҳарбий бошқарма қарамоғига ўтар эдилар.

² Бомбардир — артиллерияда солдат даражаси.

нарида эшикка яқин қоронғироқда *итоаткорлар* жойлашган эди. Худди ана шулар орасидан гап бошланди. Гап очилишига блиндажга шовқин билан отилиб кирган бир киши сабаб бўлди.

— Ҳа, оғайни, ташқарида ўтира қолсанг бўлмасми-ди? Ёки қизлар шўх-шўх куйламаяптими? — деди бир киши.

— Шундай ажойиб қўшиқ айтишяптики, бунақасини қишлоқда сира эшитмагансан, — деди блиндажга отилиб кирган киши кулиб.

— Васин бомбаларни ёмон кўради, шундай ёмон кўрадики, асти кўяси! — деди биров, тўрдаги зодагон бурчагидан.

— Рости ҳам шу! фойдали нарса бўлса бошқа гап эди! — деди Васин шошилмасдан, у гапирганда бошқалар жим бўлиб қолишарди. — Йигирма тўртинчида шундай отишдики, у ёқ-бу ёғи йўқ; бекордан-бекорга мана шу ифлос жойларда ўлиб кетганимиздан нима фойда, барибир бошлиқлар раҳмат демайди.

Васиннинг бу сўзига ҳамма кулиб юборди.

— Мельников-чи, у ҳали ҳам ҳовлида ўтирган бўлса керак, — деди аллаким.

— Бу ёққа айтиб юбор ўша Мельниковни, — деб қўшиб қўйди кекса фейрверкер, — ростдан ҳам бекорга ўлиб кетмасин тагин.

— Мельников деганингиз ким? — деб сўрайди Володя.

— Шундай бир тентак солдат бор, жаноблари. У ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳозир ҳам ташқаридан бери келмай юрибди. Ўзингиз бир кўринг; ўзи ҳам *айиққа* ўхшайди.

— Афсуи қилишни билади, — деди бошқа бурчакдан Васин.

Блиндажга Мельников кириб келди. У семиз (солдатлар орасида бунақаси жуда кам учрайди), малла соч, дўнг пешона, оч зангори кўзи ўйнаб чиққан қипқизил одам эди.

— Нима, сен бомбадан қўрқмайсанми? — деб сўради ундан Володя.

— Бомбадан қўрқининг нима кераги бор! — деб жавоб берди Мельников, буришиб ва қашиниб. — Мен бомбадан ўлмайман, биламан.

— Шу ерда қолдирсак, турармидинг?

— Турардим, албатта, очиги-да! Бу ерда зекримайсан киши!— деди у, тўсатдан хохолаб кулиб юбориб.

— Ухў, сени хужумга олиб бориш керак экан-ку! Нима дейсан, хоҳлайсанми, генералдан сўраб бераман?— деди Володя, бу ерда бирорта генерални танимаса ҳам.

— Нега хоҳламас эканман! Хоҳлайман!

Шундай деди-ю, Мельников бошқаларнинг орқасига яшириниб олди.

Кейин унинг шошиб-пишиб:

— Йигитлар, бурун чертардан ўйнаймиз! Кимнинг картаси бор?— дегани эшитилди.

Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай, нариги бурчакда ўйин қизиб кетди,— бурунга чертишлар, кулги ва кузир ташлашлар бошланиб кетди. Володя барабанчи қўйиб келган самовардан тўйиб чой ичди, фейерверкларни меҳмон қилди. У кўпчилик орасида обрў орттириш учун улар билан ҳазиллашар, гап ташлар ва уларнинг кўрсатган ҳурматидан мамнун эди. Солдатлар ҳам барининг *соддагиналигини* сезиб гапга тушиб кетишди. Улардан бирининг ҳикоясига қараганда, кўп ўтмай Севастополда қамал денгизчилардан бири унга подшонинг укаси, Кистентин, Мериан флоти билан ёрдамга келаётганини айтибди. Кўп ўтмай икки ҳафта ўқ узмасликка ва дам беришга шартнома тузилармиш, бу шартномага биноан ўқ узган одам ҳар бир ўқ учун етмиш беш тийиндан штраф тўлармиш.

Володя кўздан кечириб чиққан Васин катта-катта мулойим кўзли, чакка соқоллари ўсган кичкинагина бир киши эди. Васин отпускага қайтганида аввал жуда севинишганини, кейин отаси уни ишга чиқараверганини, ўрмон хўжалигининг мудирини бир проручик хотинига арава юборганини ҳикоя қилар экан, аввал ҳамма унинг гапига жимгина қулоқ берди, кейин хохолаб кулиша бошлади. Буларнинг ҳаммаси Володянинг кўнглини очарди. У блиндаждаги бу тиқилинчдан ва оғир ҳаводан чўчимас ҳам, норози ҳам эмас эди, аксинча, у ўзини жуда енгил ҳис қиларди.

Солдатларнинг кўпчилиги аллақачон хуррак торта бошлади. Володя ташқарида нималар бўлаётганини бир кўриш учун блиндаждан чиқмоқчи бўлиб қолганда.

Вланг ерда чўзилиб ётар, кекса фейерверкер шинелини ёзиб ибодат қилар, уйқу олдидан айтадиган дуоларни ўқирди.

У ўрнидан эъди туриб ҳам эдики:

— Оёғингни торт!— деб қичқиришди солдатлар бирига ва оёқларини тортиб унга йўл беришди.

Ухлаб ётгандек кўринган Вланг бирдан бошини кўтариб, Володянинг шинели барига ёпишди.

— Қўйинг, чиқманг, нима кераги бор!— деб гапира кетди у йиғламсираган товуш билан.

— Ахир сиз ҳали билмайсиз, у ёққа ядролар тўхтовсиз тушиб туради: яххиси, шу ерда...

Лекин Влангнинг илтимосларига қарамай, Володя блиндаждан чиқиб остонага ўтирди. У ерда Мельников этигини қайта кийиш билан банд эди.

Ҳаво тоза ва соф эди — айниқса блиндаждан чиққандан кейин, кеча ойдин ва сокин эди. Отишмаларнинг гулдураши орасида тур олиб келган арава филдиракларининг гижири, қўрхонада ишлаётган кишиларнинг гўн-гир-гўн-гир гаплашганлари эшитиларди. Тепада, бомбаларнинг олов тасмаси тўхтовсиз учиб ўтиб турган, баландосмонда юлдузлар чарақларди; чап томонда, бир газча наридан бошқа бир блиндажга кириладиган туйнук бўлиб, ўша ерда яшайдиган матросларнинг оёқлари ва елкалари кўринар, маст матросларнинг овозлари эшитиларди; олдинда ёнидан одамлар букчайиб ўтиб турган қўрхонанинг тепалиги кўринарди, унинг тепасида, шу жойда тўхтовсиз равишда визиллаб учиб ўтаётган ўқ ва бомбалар остида қора пальто кийган, қўлини чўнтагига солган қандайдир баланд бўйли бир киши бошқа одамлар қоплаб ташиб келтираётган тупроқларни лепсиб турарди. Кўпинча бомба қўрхонанинг ёнгинасида учиб ўтар ва яқингинасида портларди. Тупроқ ташиётган солдатлар энгашар, ўзларини четга тортардилар; қора пальтоли киши эса пинагини бузмас, хотиржамлик билан тупроқ тепиб турар, бояги-бояги туришида ўша ердан нари кетмасди.

— Анави қора ким?— деб сўради Володя, Мельниковдан.

— Билмадим, ҳозир бориб билиб келаман.

— Борма, кераги йўқ.

Лекин Мельников унинг гапига қулоқ солмай, ўридан турди, қораси кўриниб турган кишининг ёнига бориб

анчагача худди ўшандай бепарволик билан қимир этмай, унинг ёнида турди.

— У қўрхоначи экан, жаноблари!— деди қайтиб келиб.— Қўрхонани бомба тешиб кетган экан, пиёдалар шунга тупроқ ташишяпти.

Аҳён-аҳёнда бомбалар тўппа-тўғри, худди блиндажга қараб учиб келаётгандек туюларди.

Шунда Володя бурчакка биқинар ва шу ёққа учиб келмаяптимики, деб яна мўраларди. Вланг блиндаждан туриб бир неча марта уни чақирди, қайтиб кириб, деб ёлворди ҳамки Володя остонада уч соатга яқин ўтирди. У ўз қисматини синаб кўришда ва бомбаларнинг учиб ўтиш йўлини кузатишда қандайдир бир лаззат ҳис этди. Шу кеча охиригача у қайси томондан неча тўп ўқ отаётганини уларнинг снарядлари қаерларга бориб тусаётганини билиб олди.

23

Эртасига, 27-да, ўн соатли уйқудан кейин Володя эрта тонгда тетик, бардам бўлиб блиндаж остонасига чиқди. Вланг ҳам унинг кетидан чиққан эди, лекин ўқ товуши эшитилган ҳаманоқ боши билан йўл очиб, жонини ҳовучлаганича ўзини блиндажга урди. Ташқарига чиққан кўпчилик солдатлар буни кўриб хохолаб кулиб юбордилар. Фақат кекса фейерверкер, Васин ва бир неча бошқа солдатлар траншеяга кам чиқишарди: бошқаларни ичкарида тутиб туриб бўлмади: ҳамма сассиқ блиндаждан тонгги соф ҳавога чиққанди. Қечагидан ҳам қолишмайдиган қаттиқ бомбардимон бўлиб туришига қарамай баъзилар остона ёнига, баъзилар бруствер тагига жойлашиб олган эдилар. Мельников тонг ёриша бошлаши билан батареяма-батарея айланиб юрар, бепарволик билан тепага қараб-қараб қўярди.

Остона ёнида икки кекса ва бир ёш, жингалак соч солдат ўтиришарди, кўринишдан у яҳудий эди. Бу солдат ерда ётган ўқлардан бирини олиб, тошга қўйиб уриб яссилади, пичоқ билан худди Георгий крестига ўшатиб крестъ ясади; бошқалар гаплашиб ўтириб, унинг ишини кузатишарди. Крестъ ҳақиқатан ҳам чиройли чиқди.

238

— Бу ерда яна бир оз турсак,— дер эди улардан бири,— уруш тугагунча ҳаммамизнинг истеъфога кетадиган вақтимиз бўлиб қолади.

— Бўлмасам-чи! Менинг ҳам бўшаб кетишимга атиги тўрт йил қолган эди, мана, Севастополда турганимга ҳам беш ой бўлди.

— Бўшаш учун бу ҳисобга ўтмайди, билдингми,— деди бошқаси.

Шу чоқ гаплашаётганлар тепасидан ядро визиллаб учиб ўтди-да, траншеядан ўтиб булар ёнига келаётган Мельниковдан бир газ нарига бориб урилди.

— Мельниковни ўлдиришига сал қолди-я,— деди солдатлардан бири.

— Ўлдириб бўпти,— деб жавоб берди Мельников.

— Ма, қаҳрамонлигинг учун мана бу крестни олиб қўй,— деди крест қилаётган ёш солдат, Мельниковга крестни узатиб.

— Йўқ, оғайни, бир ой бир йилга ҳисоблансин, деган буйруқ бўлган,— деб давом этади бояги суҳбат.

— Нима десанг де, аммо лекин уруш тамом бўлгандан кейин *Аршавада* подшо кўриги бўлади. Истеъфо бўлмаса ҳам бутунлай жўнатиб юборишар.

Шу вақт бир ўқ уларнинг боши тепасидан визиллаб ўтиб, тошга бориб тегди.

— Қараб тур, ҳали кечгача *тамом* ишдан чиқмаган,— деди солдатлардан бири.

Ҳамма кулиб юборди.

Кечгача эмас, икки соатлардан кейин улардан иккитаси тамом сафдан чиқди, бештаси ярадор бўлди; лекин қолганлари бояги-боягидек ҳазил қилишарди.

Ҳақиқатан ҳам эрталабгача икки мортирка тузатилиб, отишга ярайдиган ҳолга келтирилган эди. Соат ўнларда Володя бастион бошлиғидан олинган буйруққа мувофиқ командасини тўплади-да, батареяга жўнади.

Одамларда кечаги қўрқувдан асар ҳам қолмагани. Улар дарҳол ишга киришдилар. Фақат Вланг ўзини қўлга ола олмади: ҳамон аввалгидек яширинар, энгашарди. Васин ҳам осойишталигини йўқотиб югур-югурга тушиб қолди, тўхтовсиз тиз чўкарди. Володя эса жуда завқланиб кетганди: хавф-хатарни сира эсламасди. Вазифасини яхши адо этаётганидан, қўрқоқ эмаслиги, ак-

239

синча мард эканлигидан қувониши, командирликни ҳис этиши ва ўзига қизиқсиниб қараётган йигирма кишининг борлиги уни ҳақиқий мардимайдонга айлантириб юборди. У ўзининг ботирлиги билан мағрурлар, солдатлар олдида олифтагарчилик қилиб, банкетга чиқар ва ҳар томондан кўриниб туриш учун атайлаб шинелининг тугмаларини ечиб ташлаганди. Шу орада *Ўз хўжалигини* айланиб юрган бастион бошлиғи, ўзининг айтишича, саккиз ой ичида мардликнинг ҳар турини кўриб, кўзи пишган бўлса ҳам бу чиройли йигитчани, олди очиб шинели ичидан оппоқ нозик бўйинни қучиб турган қизил кўйлаги кўриниб турар, юзи ва кўзи ёнар, чапак чалиб, жарангдор товуш билан қўмондонларга хос: «Биринчи, иккинчи!»— деб команда берар ва бомбанинг қаерга тушганини кўриш учун брустверга сакраб чиқарди. Соат ўн бир яримда отишма икки томонда ҳам тинди. Роппа-роса соат ўн иккида Малах-қўрғонига, 2, 3 ва 5-бастионларга штурм бошланди.

24

Бухтанинг бу томонида, Инкерман билан Шимол томон ўртасида, телеграф тепалигида, туш пайтида икки денгизчи турарди. Уларнинг бири офицер бўлиб, трубада Севастополни кўздан кечирарди, иккинчи офицер ҳозиргина бир казак билан катта қозиқ ёнига етиб келганди.

Қуёш бухта тепасида баланддан нур сочарди. Унинг илиқ нурлари бухтадаги кемалар, сузиб юрган қайиқлар ва елканларда ўйнардди. Енгил шамол телеграф ёнидаги қуриётган буталарнинг япроқларини силкитар, қайиқларнинг елканларини юлқар ва тўлқинларни мавжлантитарди. Севастополь ҳамон ўша-ўша, қурилиб битмаган черков, денгиз бўйлари, тепаликда кўм-кўк яшнайётган хиёбонлар ва кўркамгина кутубхона биноси; шинамгина ложувард бухталари ҳамон мачталар билан тўла, водопроводнинг кўркам тоқлари ҳам ўша-ўша, ҳаводаги зангори порох тутунлари ўқ узилганда баъзан пайдо бўладиган қизил аланга билан ёришиб туради; бир томонидан тутаб ётган сариқ тепаликлар, иккинчи то-

монидан — бухтанинг нариги томонида кўринаётган, офтобда мавжланаётган зангори денгиз билан қуршалган Севастополь ҳамон аввалгидек чиройли, байрамдагидек гўзал ва мағрур. Денгиз уфқида аллақандай пароходнинг қора тутуни сузиб юрган ерда, шамол бўлишидан дарак бериб, узун оқ булутлар ўрмалайди. Истеҳкомлар чизиги бўйлаб, айниқса чап томондаги тепаликларда, бир нечтадан бараварига, тўхтовсиз равишда, чақмоқ тезлигида кўтарилаётган, баъзан кун ёруғида ҳам ярқираётган, ўт аралаш пайдо бўлаётган оппоқ тутунлар тарқалар, турли шакллар олиб кўтарилар ва осмонда кўкиш тусга кирарди. Душман батареясида отилаётган ўқдан ҳосил бўлган бу тутунлар гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда кўринар, баъзан шаҳарда, баъзан баланд осмонда пайдо бўларди. Гумбурлаган порглаш овозлари тинмас, борган сайин қаттиқ гумбурлаб ҳавони ларзага келтирарди...

Соат ўн иккига бориб тутунлар камроқ кўрина бошлади, ҳаводаги гумбурлашлар ҳам камайди.

— Иккинчи бастион сира жавоб қайтармаяпти-ку,— деди от минган гусар офицер,— яксон бўлибди! Даҳшат-а!

— Малах қўрғонидагилар ҳам уч мартага зўрға бир марта ўт очиб жавоб қайтаряпти,— деб жавоб берди трубадан қараётган киши.— Уларнинг жим турганига жоним чиқяпти. Мана, яна тўппа-тўғри. Корнилов батареясига тушди, у бўлса жавоб ҳам қайтармайди.

— Қара, айтувдим соат ўн иккида улар бомбардонни тўхтатишади, деб. Мана, ҳозир ҳам худди шундай бўлди. Юр, ундан кўра нонушта қиламиз... Бизни аллақачондан бери кутишаётибди... қарашдан фойда йўқ.

— Шонма, халақит берма!— деб жавоб берди трубадан қараётган киши, Севастополга айниқса ташналик билан тикилар экан.

— Нима гап? Нима?

— Траншеяларда ҳаракат сезиляпти, зич колонна бўлиб келишяпти.

— Шундай ҳам кўриниб турибди,— деди денгизчи,— колонна бўлиб келишяпти. Сигнал бериш керак.

— Қара, қара! траншеядан чиқишди.

Ҳақиқатан ҳам қора доғлар тепаликдан балка орқа-

ли ўтиб, француз батареяларидан бастион томон келишаётгани оддий кўз билан ҳам кўришиб турарди. Бу доғларнинг олдида, бизнинг истеҳкомларимиз яқинида қора тасмалар кўринарди. Бастионларнинг ҳар ер-ҳар ерида, худди бир жойдан бошқа бир жойга сакраб кўчаётгандек, отишмаларнинг оқ тутуни кўринди. Шамол милтиқ отишмасининг худди ёмғир деразага ёққандаги сингари тасир-тусур товушини олиб келди. Қора тасмалар тутун орасида ҳамон илгарилаб борарди. Отишмалар кучайгандан кучайиб бориб, давомли узлуксиз гумбурлашга айланди. Тутун борган сайин кўпроқ кўтарилавериби, истеҳкомда тез тарала борди-да, ниҳоят йиғилиб ва таралиб турган яхлит булутга айландики, унинг баъзи жойларида ўт ва қора нуқталар кўзга чалиниб қоларди. Барча овозлар эса бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрган узлуксиз гулдуросга айланди.

— Штурм!— деди рангпар офицер, трубкани денгизчига бера туриб.

Иўлдан от чоптириб казаклар ўтди, офицерлар отда, бош қўмондон аравада мулозимлари билан ўтиб кетди. Ҳамманинг юриш-туришида зўр ҳаяжон ва даҳшатли бир нарсани кутгани сезилиб турарди.

— Бўлмаган гап-е, олмагандир-е,— деди от минган офицер.

— Худо ҳаққи, байроқ кўриняпти! қара! қара!— деди бошқаси ҳарсиллаб, трубадан нари кета туриб,— Махлах қўрғонида француз байроғи кўринди!

— Йўғ-е!

25

Турли овозларда такрорланган «Тревога!..» деган машъум қичқириқ янграганда, кечаси ютқизган пулини қайта ютиб олиб, кейин яна ҳаммасини, ҳатто энгининг қайтармасига тикиб қўйган олтинларигача ютқизиб юборган катта Козельцов, тонг отарда 5-бастионнинг мудофаа казармасида нотинч, лекин қаттиқ уйқуда ётарди.

— Нима қилиб ухлаб ётибсиз, Михайло Семёнич! Штурм!— деб қичқирди аллаким...

242

— Бирор янги келган солдатдир,— деди Козельцов, кўзини очиб ҳамон бунга ишонмай.

Аммо шу чоқ у тўсатдан, ҳеч қандай мақсадсиз у бурчакдан-бу бурчакка югуриб юрган, қўрққанидан ранги қув ўчиб кетган бир офицерни кўриб қолди-да, гапнинг нимадалигини англади. Шундай оғир пайтда рота олдида бўлишни истамаган, қўрқоқ деб ўйлашлари мумкин, деган фикр унга қаттиқ таъсир қилди. У жони борича ротаси олдига югурди. Тўп отишмалари тинган бўлса-да, милтиқларнинг қарс-қурслари авжида эди. Милтиқ ўқлари битта-битта визиллаб ўтмас, балки одамлар боши устидан қушлар галаси сингари ғувиллаб учиб ўтарди. Кеча унинг батальони турган ерни бошдан-оёқ тутун қоплаган, ундан ҳар хил яккам-дуккам қичқириқлар ва хитоблар эшитилади. Йўлда тўда-тўда ярадор бўлган ва ярадор бўлмаган солдатлар дуч келарди. Яна ўттиз қадамча югуриб бориб, у девор тагига қисилиб турган ротасини ва ранги оппоқ оқариб, қўрқиб кетган солдатларидан бирини кўриб қолди. Бошқаларнинг аҳволи ҳам худди шундай эди.

Қўрқув ҳисси беихтиёр Козельцовга ҳам ўтди: эти жулжикиб кетди.

— Шварцни эгаллашди,— деди тиши-тишига тегмаётган ёш офицер.— Иш расво!

— Бўлмаган гап,— деди Козельцов аччиқ билан. У ҳаракат билан ўзини жонлантириш мақсадида кичкина ўтмас темир қиличини қинидан суғурди-да:

— Олға, йигитлар! Ура-а!— деб қичқирди.

Овози жарангдор ва қаттиқ чиқди; овозидан Козельцовнинг ўзи ҳам жонланди. У траверс¹ бўйлаб олға қараб югуриб кетди; элликка яқин солдат қичқиришиб унинг кетидан югурди. Улар травесдан ўтиб очик майдонгача чиқишганда, ўқлар ёмғирдек ёгилди; иккитаси унга келиб тегди. Лекин ўқ қасрига тегди, унга нима қилди, майиб бўлдими, ярадор бўлдими, буни аниқлашга вақти йўқ эди. У олдинда, тутун орасида кўк мундир қизил шим кийган одамларни кўрди, русча бўлмаган бегона тилдаги қичқириқларни эшитди; бир француз бруствер тепасида турар, шапкасини силкитар ва алланималар

¹ Траверс— ён томондан отилган ўқлардан сақланиш учун окоп ва истеҳкомлар олдига уйилган тупроқ.

243

деб қичқирарди. Козельцов ўзини ўлдиришларига амин эди; бу фикр уни дадиллаштириб юборди. У ҳамон олға қараб югурарди. Бир неча солдат ундан ўзиб кетди; ён томондан ҳам бошқа солдатлар пайдо бўлишди, улар ҳам югуриб боришарди. Кўк мундирлилар ҳамон боягича масофада, ундан ўз траншеялари томонга қочиб боришарди, лекин оёқ остида ярадорлар ва ўлганлар учрарди. Ташқи зовурга етиб борди-ю, Козельцовнинг кўзи тиниб кетди. У кўкрагида оғриқ ҳис қилди ва банкетга ўтириб, кўк мундирдагиларнинг тумтарақай бўлиб, ўз траншеялари томон қочишаётганини, майдонда қизил шим ва кўк мундир кийган ўликлар ётганини, ярадорлар эмаслаётганини амбразурадан кўриб ўзида йўқ қувонди.

Ярим соатдан кейин у Николаев казармаси ёнида замбилда ётар, ярадор бўлганини биларди-ю, лекин оғриқни деярли ҳис этмасди: у фақат бирор муздек нарсани ичгиси ва тинч ётгиси келарди.

Узун, қора чакка соқолли, семиз, пакана доктор унинг ёнига келиб, шинелининг тугмаларини ечди, Козельцов доктор ярасини нима қилаётганига ва докторнинг башарасига, даҳани устидан қарар, лекин ҳеч қандай оғриқ сезмасди. Доктор ярасини кўйлаги билан ёпиб қўйди, бармоқларини пальтонинг этагига артди-да, ярадорга қайрилиб боқмай, бошқасининг ёнига ўтиб кетди. Козельцов бу ерда қилинаётган ишларни беихтиёр кўздан кечириб ётарди, 5-бастионда бўлиб ўтган воқеани эслаб, ўз бурчини яхши адо этганини ўйлаб ўзида йўқ қувонди. Шунча йил хизмат қилиб, хизматини биринчи бор иложи борича яхши бажарганидан хурсанд бўлди, ўзидан ўпқаланишга ўрин қолмабди. Доктор бошқа офицернинг ярасини боғлай туриб, крест ушлаб турган, узун, қизғиш соқолли руҳонийга Козельцовни кўрсатиб, алланима деди.

— Нима, ўламанми??— деб сўради Козельцов руҳонийдан, у ёнига келганда.

Руҳоний жавоб бермай ибодат қилди ва ярадорга крест узатди.

Козельцов ўлимдан қўрқмади. У мадорсиз қўллари билан крестни олиб, лабига босди-да, йиғлаб юборди.

— Хўш, французлар ҳамма ердан суриб чиқарилдими?— деб қатъий сўради руҳонийдан.

— Ҳамма жойда галаба биз томонда,— деб жавоб берди у, о товушини чўзиб гапирадиган бу руҳоний. У ярадорни хафа қилмаслик учун Малах қўрғонида француз байроғи ҳилпирай бошлаганини ундан яширди.

— Худога шукур, худога шукур,— деди ярадор, кўз ёши юзидан оқиб тушаётганини сезмай. У мардонавор иш қилганидан беҳад қувонган эди.

Укаси ҳақидаги фикр миясидан ўтди. «Унга ҳам шундай бахт nasib қилсин илоҳим»,— деб ўйлади.

26

Лекин Володянинг ёзмиши бутунлай бошқача бўлди. «Французлар келяпти!» деб қичқиринганда, у Васин ҳикоя қилаётган эртаски тинглаб ўтирарди. Юрагига қон қуйилди ва юзининг муздек бўлиб кетганини, ранги ўчганини ҳис қилди.

У бир он қимир этмай турди; лекин теварагига ўгирилиб қараб, солдатларнинг шинель тугмаларини хотиржамлик билан қадаётганларини ва бирин-кетин чиқиб кетаётганларини кўрди; ҳатто улардан бири — Мельников бўлса керак:

— Нон билан туз кўтариб чиқинглар, йигитлар!— деб ҳазиллашиб ҳам қўйди.

Володя ўзидан бир қадам ҳам кейинда қолмай келаётган *Вланг* билан бирга блиндаждан чиқди ва батареяга югурди. На у томонда, на бу томонда артиллерия отишмасидан дарак йўқ эди. Солдатларнинг хотиржамлигидан ҳам бурун юккернинг аянч, очиқдан-очиқ қўрқоқлик қилаётгани уни жоилантирди. «Наҳотки мен ҳам унга ўхшаб қолсам?» деб ўйлади у ва хушчақчақлик билан мортиркалари турган бруствер ёнига югуриб борди. Французларнинг очиқ далада бастионга қараб югуриб келаётганлари, бир тўда французлар милтиқларининг найзасини офтобда ярқиратиб, яқин ердаги траншеяларда гивирлашаётгани унга равшан кўриниб турарди. Уларнинг бири — зуавлар мундиридагиси — қилич яланғочлаган, кенг яғринли, миқтидан келгани чуқурлардан ҳатлай-ҳатлай олдинда югуриб келарди.

«Картечъ билан отилсин!»— деб қичқирди Володя, банкетдан сакраб тушиб; лекин солдатлар ундан аввалроқ тўпни ишга солиб юборган эдилар. Аввал бир мортирадан, кейин бошқасидан картечъ билан отилган снарядлар унинг боши тепасидан визиллаб учиб ўтди.

«Биринчи- Иккинчи!»— деб команда берарди Володя, тутун ичида бир мортира олдиан иккинчиси ёнига югуриб юрар экан. У хавфни бутунлай унутиб қўйганди. Ен томондан, ҳимоячиларимиз ётган жойдан қарс-қурс милтиқ отилар, бақриқ-чақриқлар эшитиларди.

Тўсатдан чап томондан: «Айланиб ўтишяпти! Айланиб ўтишяпти!» умидсизланиб айтилган даҳшатли қичқириқлар эшитилди. Володя ўгирилиб қаради. Орқа томонда йигирмага яқин француз кўринди. Улардан бири, қора соқолли, бошига қизил феска кийган, чиройли киши ҳаммадан олдинда келарди. Лекин батареяга етишига ўн метр қолганда тўхтади-да, ўқ узди, кейин яна олға югурди. Володя бирпас кўзларига ишонмай, тошдай қотиб турди. Ўзига келиб, ўгирилиб қараганда, олд томондаги брустверда кўк мундирларни кўрди. Уларнинг бири ҳатто траншеяга тушиб тўпни парчинлаётган эди. Теварак-атрофида, ёнида ўқ еб ўлган Мельниковдан ва негандир қўл пулемётини чангаллаб олган, афт-башараси қўрқинчли тусга кирган, кўзлари чақчайиб, олдинга отилган Влангдан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

«Юринг кетимдан Владимир Семёнич! Юринг кетимдан! Улдик!»— деб жон ҳолатда қичқирарди Вланг, орқа томондан айланиб ўтган французларга қўл пулемётини силкитиб. Юнкернинг қўрқинчли тусга кирган қиёфаси уларни шошириб қўйди. Вланг улардан бирининг, олдиндагисининг бошига туширди, бошқалари беихтиёр тўхтаб қолишди. Шу чоқ Вланг орқасига ўгирилиб, жон ҳолатда: «Юринг кетимдан, Владимир Семёнич!»— деб бақира-бақира пиёда қўшинларимиз французларга қараб отаётган траншеямиз томонга югурди. Траншеяга тушиб олган, у суюкли прапоршчиги нима қилаётганини кўриш учун яна бошини чиқариб қаради. Володя турган ерда аллаким шинелда мукка тушиб ётарди, ўша жойни бошдан-оёқ, бизникиларга қарата отаётган французлар эгаллаган эди.

Вланг ўз батареясини иккинчи мудофаа линиясидан топди. Мортира батареясига юборилган йигирмата солдатдан фақат саккизтаси омон қолган эди.

Кечки соат тўққизларда Вланг батарея билан биргаликда солдатлар, тўплар, отлар ва ярадорлар билан тўла пароходда Шимол томонга кўчиб борарди. Ҳеч қаерда ўқ узилмасди. Осмонда худди ўтган кечадаги сингари юлдузлар чарақларди; кучли шамол денгизни тўлқинлатади. 1 ва 2-бастион жойлашган ерларда чақмоқ чақиларди; портлашлар ҳавони ларзага солар, атрофдаги аллақандай қора, ғалати нарсаларни ва осмонга учаётган тошларни ёритарди. Доклар¹ ёнида алланарса ёнар, алангаси сувда акс этарди. Николаев батареясидаги ёлқин халойиқ билан тўлган кўприкни ёритарди. Александровская батареяси жойлашган узоқ бурундаги катта аланга сув бетини тутгандек туюлар ва сув юзида сузиб юрган тутунларнинг пастки қисмини ёритарди. Денгизда душман худди кечагидек хотиржам, безбетлик билан ёниб турган чироқлари узоқда милтиллаб кўринарди. Енгил шамол бухтани мавжлантитарди. Енгиллар ёғдуси ёруғида чўккан кемаларимизнинг аста-секин сувга чуқурроқ ботаётган мачталари кўришиб турарди. Палубада ҳеч кимнинг сўзлашгани эшитилмасди: буғ ва пароход ёриб ўтаётган тўлқиннинг бир меъёрдаги товуши орасида шаландадаги² отларнинг пишқириши ва тепиниши, капитаннинг командаси ва ярадорларнинг инграшлари эшитиларди. Кун бўйи оч юрган Вланг чўнтагидан бир бурда нон олиб, кавшай бошлади, лекин тўсатдан Володяни эслаб йиғлаб юборди. Унинг йиғлаганини ёнида турган солдатлар ҳам эшитишди.

— Влангимизни қара, ҳам нон еяпти, ҳам йиғляпти,— деди Васин.

— Асти куяверасан!— деди бошқаси.

— Кўряпсанми, казармамизни ҳам ёндириб юборишди,— деб гапини давом этдирди у хўрсиниб,— биз

¹ Док — кемалар тузатиладиган корхона.

² Шаланда — кичкина ясси кема.

га ўхшашганлардан озмунчаси қирилдими у ерда; французга осонгина ўтиб кетди-да!

— Ҳар ҳолда ўзимиз омон чиқдик-ку, шунга ҳам шукур,— деди Васил.

— Шундайам алам қиларкан!

— Нега алам қилади? Бу ерда у яйрармиди? Тушини сувга айтсин! Қараб тур, бизларники қайтиб олишадди. Биздақалардан қанчаси қирилиб кетсаямки, император буюрса — қайтариб олишлари аниқ. Бизникилар шундай қўйиб кетармиди? Бизникиларнинг ҳам билгани билган! Мана сенга керак бўлса ол, ана қуруқ деворларини; асбобларининг ҳаммасини портлатиб юборишди... Қўрғонга белгисини қўйгандиру шаҳарга бош суқишга юраги бетламайди. Шошмай тур, ҳали сен билан ҳисобкитоб қилишамиз,— деб сўзини якунлади у, французларга қарата гапириб.

— Албатта ҳисоблашамиз!— деди бошқаси ишонч билан.

Севастополь бастионларининг барча линияларида, неча ойлаб жонли, жўшқин ҳаёт қайнаган, неча ойлаб бирин-кетин ўлиб кетган қаҳрамонларни кўрган, неча ойлаб душманда даҳшат ва нафрат уйғотган, сўнг ниҳоят уни қойил қолдирган Севастополь бастионларида ҳеч ким йўқ эди. Яқиндагина портлаган, тупроқ босган ерларда — ҳамма жойдан мажақланган лафетлар, одамларнинг — рус ва душманнинг мурдаларини босиб тушган, оғир, умрбод овози ўчган чўян тўплар; даҳшатли бир куч билан чуқурларга итқитилган, ярмигача тупроққа қоринган бомбалар, ярадорлар, яна мурдалар, чуқурлар, хода бўлаклари, блиндаж парчалари, яна кулранг ва кўк шинелли тилсиз мурдалар ётади. Ҳамон ҳавони ларзага солиб турган портлашларнинг қизғиш алангаси ана шуларнинг ҳаммасини ёритиб туради.

Душман даҳшатли Севастополда аллақандай англаб бўлмайдиган ишлар ҳозирланаётганини кўриб турарди. Мана шу портлашлар ва бастионлардаги жимжитлик уларни даҳшатга соларди; кундузги шиддатли ва хотиржам берилган зарбадан кейин улар сабот-матонатли душманлари гойиб бўлиб қолганига ишонмас ва жимгина, қамир этмай, зир-зир қўрқиб қоронғи туннинг охирини кутишарди.

Севастополь қўшини қоронғи кечада мавжланаётган денгиз сингари гоҳ бирлашиб, гоҳ ажралиб, бутун бор-

лиғи билан тебраниб бухта ёнидаги кўприкда ва Шимол томонда гивирлаб, зим-зиё қоронғиликда сиқилиб, шунча ботир оға-инилари қолган жойдан узоқлашиб борарди. Улар оғайниларининг қони мўл-кўл тўкилган жойдан, ўн бир ой бадалида икки ҳисса зўр душмандан ҳимоя қилган жойдан узоқлашиб борарди. Ана шу жойни жангсиз ташлаб чиқишга буйруқ берилганди.

Бу буйруқ ҳар бир рус кишиси учун олдин жуда оғир таъсир қолдирди. Иккинчи туйғу таъқибдан қўрқиб ҳисси бўлди. Одамлар курашишга ўрганиб қолган жойларини ташлаб чиққанлари ҳамано ўзларини ожиз ҳис этиб, зим-зиё қоронғиликда, кучли шамол чайқалтиратган кўприкка кираверишда хавотирланиб уймаланишарди. Милтиқларининг найзаларини жаранглатиб, полк-полк, экипаж-экипаж¹ ва кўнгиллилар тўда-тўда бўлиб боришар, пиёдалар сиқилишар, отлиқ офицерлар тиқилиб буйруқ олиб ўтишар, туғуни билан ўтқизилмагани учун хит бўлаётган аҳоли ва деншиклар йиғлашар, ялиниб-ёлворишарди; жўнаб қолишга шошилаётган артиллерия ғилдиракларини гулдуратиб кўрфазга ёриб ўтарди. Ҳар хил шошилиш ишлар билан овора бўлишига қарамай, ўз жонини сақлаб қолиш, ўлим ҳукм сурган бу даҳшатли ердан тезроқ нари кетиш истаги ҳар бир кишининг дилида бор эди. Павловская набережнаясида тош ерда худди ўзи сингари беш юзта ярадор орасида худодан ўлим тилаб ётган оғир ярадор солдатнинг дилида ҳам, отда ўтиб кетаётган генералга йўл бериш учун четлашиб, кучининг борича тиқилишиб турган оломонга қисилиб олган кўнгилли лашкарнинг дилида ҳам, кўприкдан ўтишни назорат қилаётган ва шошилаётган солдатларни тартибга солиб турган генералнинг дилида ҳам, ҳаракатдаги батальон ўртасига тушиб қолган, тиқилишда нафаси тиқилиб қолаёзган матроснинг дилида ҳам, тўрт солдат замбилга солиб кўтариб кетаётиб, халойиқ, тиқилиб кетгани учун тўхтаб, Николаев батареяси ёнида ерга қўйишган ярадор офицернинг дилида ҳам, ўн олти йилдан бери бир тўпда хизмат қилган, бошлиқларнинг тушуниб бўлмайдиган буйруғига биноан ўртоқлари ёрдами билан тик қирғоқдан тўпини кўрфазга ағдарган

¹ Бир кемада хизмат қилувчи барча ҳарбийлар бир экипажни ташкил қилади.

артиллериячининг дилида ҳам, кемаларни бузиб, баркасларда тез-тез эшкак тортиб сузиб кетаётган денгизчиларнинг дилида ҳам шу истак бор эди. Кўприкнинг нариги томонига ўтиб олгач, ҳар бир солдат албатта шапкасини ечиб, чўқинарди. Лекин бу ҳисдан ташқари яна бошқа бир оғир, юрак-бағрини ўртайдиган, ундан ҳам чуқур ҳис бор эди: бу афсусланишга, уят ва аламга ўхшаш бир ҳис эди. Деярли ҳар бир солдат ташлаб чиқилган Шимол томондан Севастополга қараб, юрак-бағри ўртаниб чуқур хўрсинар ва душманларга дағдаға қиларди.

Петербург, 27 декабрь